


АЪЗАМ АХТАМОВ
**БУХОРОДАН
БЕРЛИНГА**

Ҳарбий хотиралар



HO 5260
384

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ

1971

Бу китоб автори Улуғ Ватан урушининг иштирокчисиadir. У фронтда сапёрлар бўлимасининг командирини бўлиб хизмат қилган ва немис-фашист галаларини то Берлингача қувиб борган ҳолиблардан.

У ўзининг бу асарида ана шу жанговар пўл лавҳаларини акс эттиради. Унда фақат ўзи кўрган, шахсан ўзи шоҳид бўлган воқеа ва кишиларнигина қаламга олади. Китобхон биринчи ўзбек лашкарбошини Собир Раҳимов ҳамда унинг дўстлари билан танишади.

Автор энг оғир дамларда Ватан ҳимоясига кўкрагини қалқон қилган қуролдош дўстлари — ўзбек жангчилари матонатини фашистлар Германияси устидан галаба қозонишда фоят муҳим роль ўйнаган совет солдатлари ўртасидаги интернационал дўстликни айниқса зўр муҳаббат билан чизган.

Китобни ёзувчи НАБИ ЮСУФНИ
адабий жиҳатдан ишлаб чиққан

9(С)

А 90

Ахтамов, Аъзам

Бухородан Берлинга. Ҳарбий хотиралар. Т., Фафур Гулом номидаги адаб-санъатнашр, 1971.

288 бет. Тиражи 30 000.

Ахтамов, А. Из Бухары в Берлин.

Индекс 7-3-3

9(С)27

Аккерман қўрғони

Котовский шаҳрида қарийб икки йилни ҳарбий машғулотлар билан ўтказдик. Шу муддат ичида ҳарбий қуролларнинг бир неча хили билан танишдик, «тилини» билиб олдик. Замбарак ҳам, пулемёт ҳам қўлимизда бемалол «сайрай» олади. Механизациялашган дивизиямиз ана шундай пухта таълим берди. Хурсандмиз. 1941 йилнинг баҳор ойларида мени бир группа жангчилар билан бошқа қисмга узатдилар. Поезд пишпллаб илгарилайди. Икки йил хизмат қилган қадрдон қисмимиз, жўшқин Днестр соҳили анча ортда қолди. Молдавия тупроғидамиз, унинг боеён ўрмонлари, шаҳар ва қишлоқлари бирам гўзал, бирам жозибали... Вагон деразасидан гул-гунчаларини элдигина ёзаётган боғ-чорбоғлар кўзга ташланади. Паровоз «шаъра» тортди, шаҳарга яқинлашмоқдамиз. Ниҳоят, поезд тўхтади.

Вагонлардан тушдик. Темир йўл вокзалининг бир қаватли биноси пештоқига катта ҳарфлар билан «АККЕР-МАН» деб ёзилган лавҳа дафъатан ҳамманнинг диққатини ўзига тортди.

Вокзал қаршисида сочалоқ қумлар остида баланд сўри-ишкомга кўтарилиб таралган ток новдалари баҳор ҳавоси билан япроқларини ёзиб, кўм-кўк бўлиб гуркираб турибди. Бу манзара худди туғилиб ўсган-улғайган Боғи-Афзал қишлоғимга, колхозимизнинг қизил қумлар этагидаги токзорга ўхшаб кетади. Молдавиянинг иқлими ҳам бизнинг серқуёш Ўзбекистон иқлимига ўхшашроқ, апрель ойи охирларидаёқ боғ ва чорбоғлар чамандай гуллар экан...

Саф тортиб шаҳарга туриб боряпмиз, кўчанинг ҳар икки томонида бир қаватлик уйлар, йўлкалар бўйидаги акация дарахтлари шаҳарга ажиб ҳусн бахш этган. Ичка-

ри кириб борганимиз сари кўчаларнинг чиройи тобора гўзаллашмоқда. Агча юрдик, узоқда каттакоп кўрғоннинг кунгирадор девори кўзга ташланди. Бу истехком юртимиадаги Вардонзе қалъасини эслатарди. Биз бир маҳал қадимий шаҳар харобаларини бориб кўргандик, эсимда, отам олиб борган эдилар. Кўрғонга яқинлашгач, катта бир майдонга чиқдик. Бу ҳам Бухоро арки қаршисидagi регистон майдонига ўхшаб кетди. Шаҳарнинг ҳамма кўчалари шу майдонга келиб туташар экан. Кўрғоннинг ўнг томонидан айланиб, жанубига ўтганимизда ҳашаматли дарвозага рўпара келдик, бу дарвоза эса Бухоро шаҳар кўрғони дарвозаларининг ўзгинаси. Қалъада яна ички кўрғон бор экан, у катта қалъадан оқ, сариқ харсанг тошли девор билан ажратилган. Оқ кўрғоннинг уч томони сув, қуруқлик томонда эса кенглиги йигирма метрча, чуқурлиги ўн метрча келадиган хандақ, унга денгиз суви кириб турар экан.

Дарвозага кириш учун илгари осма кўприк бўлган дейишади, душман келса, кўприк юқори кўтарилган. Қалъанинг бундай мустаҳкам қурлиши унинг қадим замонлардан бери шаҳар истехкоми бўлиб келганидан далолат бериб турибди.

Бизни ички кўрғонга олиб кирдилар. Унда қатор катта палаткалар қурилган экан, командир бизларга: ўнг томондаги палаткаларга жойлашинглар, деб буйруқ берди. Жойлашдик.

Ҳашаматли қалъа ҳамон мени қизиқтирар эди. Бир менгина эмас, қуролдошларим ҳам қалъа «сирларини» билиб олишни истар эдилар. Буни мен уларнинг қалъага суқланиб қарашларидан уқир эдим. Бир маҳал вақт топиб қалъанинг баланд девори устига тирманиб чиқдим. Девор харсанг тошлардан терилиб, ўртасига шасал, рағзи шиб-балаганг устида арава бемазап юре олади. Бу ердан қараганда кенг кўрғон гўё денгиз ичида сувлиб бераётган кемадек... Сув тўлиқини кўрғоннинг харсанг деворлар урилиб шовишалаб овоз чиқармоқда, кўниклар меник урмоқда.

Кўрғон девори устида ўтириб, тўрт томонга назар ташлайман. Қизил қум оловини ўртасида қад кўтарган ўз юртимдаги Вардонзе кўрғонини кўзи олдимга келди: Вардонзенинг ҳам тўрт атрафи қизилиб, сув ўтказмагани, худди шу Аккерман кўрғонини эслатади. Фақат фарқи шуки, унда қизил қум тўлқини, буида эса денгиз — кўзи-кўзи сув

тўлиғини. Қўрғон худди олдинга қараб сузиб кетаётгандек туюлади.

Шу пайт сеvimли ёрим Юлдуз билан бирга ёшлигимизда Вардонзе қўрғони устига чиқиб, Қизилқум «уммон»га қараб турганимиз ёдимга тушди, унинг офтоб жамоли аксини кўраётгандек, денгизга маҳлиё бўлиб қолибман. Бошимни кўтариб, шарқ томонга қарайман, Лиманнинг париги томони эски чегара, бог ва чорбоғлар қийғос гуллаган, ранг-баранг товланади. Қизлар тўда-тўда бўлиб гуя териб юришибди О... Қандай гўзал табиат!

Ҳисоблаб кўрсам, хизматни тамомлашимга яна беш ой қолибди. Ҳа, беш ой. Сўйгра жонажон юрт, ёр висоли..,

Девордан тушиб, палаткамиз олдига келдим, энди кирмоқчи бўлиб турган эдим, ўрта бўйли, миқти, семиз, малларанг нотаниш бир йиғит менга тикилиб қаради-да:

— Сен ҳам шу палаткага жойлашдингми, танишайлик, Костя Горбуновман, — деди.

— Аъзам Ахтамов, — дея аста кўл узатдим.

Солдат кўришида ёқимтой, истараси иссиқ эди. Бунинг устига у дилкаш ҳам экан:

— Мен ҳам бошиқа қисмдан келдим, — деди Костя дарров юрак ёриб. — Кел! Иккаламиз танишиб, дўст бўлайлик! У қисмда ҳам жуда қалин, чин дўстларим бор эди, солдатнинг тақдирини қизиқ: мана, улардан ажралиб келдим, сен ҳам худди ўша дўстларимни ўанга ўхшаш кўзимга иссиқ кўришинг, дунё ва давра кўрғандирсан огайни! — кулди у.

Менга ҳам унинг очиқ чеҳра ва дилкашлиги ёқиб тушди. Sevimли дўстларим — Олимжон, Фахриддинларни эсладим.

Одатда ўзбек жангчилар янги қисмга келганда бири-бирини топиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, иноқ бўлиб қолишарди. Мен бу қисмда даставвал шу Костя билан танишдим. Ўша қуниёқ биз анча гаплашиб ўтирдик. Даврамызга яна бир неча жангчи қўшилди. Мен уларнинг ўзбек йиғитлари эканини дарҳол пайқадим. Қарашим биланоқ улар алоҳида-алоҳида ҳарбийча салом беришди менга.

Ҳарчи ўзбек жангчилари мен билан танишиш истагида атрофимни ўраб олган бўлсалар-да, ёқамдаги учта учбурчак белгидан командир эканимни фаҳмлаб, суҳбатимизни бузмай одоб сақлаб жим туришди. Мен буни сезиб, уларга қайрилиб қарадим-да, «салом, ўртоқ жангчилар!» — дедим.

— Салом, салом!

Ўнг томондаги жангчиға қўл узатдим:

— Старший сержант Аъзам Ахтамов.

Жангчи ўзини Аҳмаджон Раҳимов, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳридан, деб таништирди.

Иккинчи ўрта бўйли, тўлачадан келган йигитнинг қўлини ушлаб кимлигини суриштирдим. У «Чўлибой Рўзиев»ман деди ва Самарқанд областининг Нурота районидан келганини айтди. Учинчи йигит Ҳошимжон Рўзиматов, Тошкент областининг Чирчиқ районидан экан. У озғин, жуссаси кичик эди, лекин эңчил, хушчақчақ йигит кўринди кўзимга. Тўртинчи йигит эса озарбайжонлик Мамедов Қосим ўғли, боқулик экан. Бешинчи йигит — Бўрибой Жўраев, Қашқадарёнинг тоғли районларидан келибди. Шундай қилиб, яна бир неча ўзбек, озарбайжонлик, тожик, туркман ўғлонлари билан танишдик. Шу топда кимдир чилдирма топиб чиқди, ўз-ўзидан гижбанг-ўйин бошланиб кетди.

Ўйин авжи қизиб турганда қўрғон ичидан: «парадга тайёрланинглар!» деган команда эшитилди. Костя билан мен ички қўрғонга кирганимида батальон жангчилари саф тортмоқда экан. Биз ҳам сафдан ўрин олдик.

Бир капитан саф олдиға яқинроқ келиб: «Салом, ўртоқ жангчилар!» деди. Ҳаммамиз бирданига: «Салом!» дея барала жавоб қайтардик.

У, даставвал, ўзини таништира бошлади:— Мен,— деди у,— капитан Қожевников Иван Александрович, батальон командири бўламан. Қисмимиз — махсус инженерлик батальони. Батальонимиз шу шаҳарда жойлашган, бевосита механизациялашган корпусга бўйсунди.

У ҳамма жангчиларни бўлма, взвод, роталарға бирки-тилгавлиги ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди. Мен биринчи ротанинг биринчи взводига тушдим. Взвод командирининг ёрдамчиси қилиб тайинланганман, взвод командири ҳали келиб етмаганидан взвод командириги вазифасини ҳам менга топширибдилар. Костя Горбунов шу взводға иккинчи бўлма командири қилиб тайинланбди. Гўё олдиндан маслаҳатлашилгандек, батальон командири ўзбек жангчиларидан Ҳошимжон Рўзиматов, Чўлибой Рўзиев, Аҳмаджон Раҳимов, Мамедов Қосим ўғли ва бошқаларни менинг взводимдаги бўлмаларға ёзипти. Командиримиз ўрта бўйли, тўладан келган, ўқимишли инженер, граждалик даврида катта вазифаларда бўлган,

иш кўрган киши эди. Биринчи кунлардаёқ у плотидаги-ларни ўзига жалб қилб олди. Тик турибмиз, бир старший политрук тўғри келиб, капитанга честь бериб, саф тортиб турган жангчиларга зеҳн солиб қаради, командир уни бизга таништира кетди: бу киши батальон комиссари, старший политрук Васильев Петр Семёнович, яқинда армияга сифарбар этилган, асли Николаев областидан, кўп йил партия ходими бўлиб ишлаган. Комиссар узун бўйли, салобатли киши эди. Кўринишидан, назаримда одамлар орасида кўп ишлаган, кишилар қалбига йўл топа оладиган, ҳамма билан гаплашишга «тил» топадиганга ўхшарди.

Мен уларга астойдил тикилиб турардим, буни фаҳмлаган Костя кўнглимдан ўтказганим гапларни қулоғимга шивирлади:

— Командирлардан ёлчиганга ўхшаймиз...

Бошқа жангчилар ҳам, ўз командирларига меҳр билан боқардилар.

Молдавияликлар бу йил баҳорни Совет Армияси жангчилари билан бирга кутиб олмоқдалар.

Маълумки, Руминиянинг буржуа-помешчклар ҳукумати Бессарабияни бўшатиб чиқиб кетиш тўғрисида Совет ҳукумати билан 1918 йил мартда тузилган битимни хоинларча бузди. Совет ҳукуматининг ёшлигидан фойдаланиб, Германия милитаристларининг қўллаб-қувватлаши билан у ўша вақтда бу территорияни босиб олган эди. Румин боярлари ва ҳарбийлари Бессарабияда қопли террор ва талон-торожни авж олдирган, ишлаб чиқариш қучларини барбод этган, меҳнаткаш халқни қашшоқликка маҳжум этиб, мамлакатни мустамлакага айлантирган эдилар.

Совет ҳукумати бу адолатсизликка чек қўйди. Бессарабия ва Шимолий Буковинада руминлар асоратидан озод қилди. Мана энди озодликка эришган халқ бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлик байрами — 1 Май тантапаларига тайёргарлик кўрмоқда. Табиат ҳам инсонларнинг шодлигини қутлагандек ўз чиройини кўз-кўз қилмоқда. Шаҳар кўчаларида ва боғ-яйбонларда сирен ҳамда бошқа манзарали дарахтлар чамандек гуллаб, уларнинг ҳиди анқиб турибди. Дов-дарахтсиз бўлса-да, Аккерман кўрғонининг ҳавоси ўзига хос енгил, ёқимли...

Эрталаб батальон саф тортиб, кўрғон дарвозасидан чиқди-да, Лимап бўйидаги кўркем кўча бўйлаб марш билан ўтиб борарди. Янги манзарали жойлар, чап томонда эса

пароходлар, моторли кема ва елкакли кайиқлар кўзга ташланадди, ҳойнаҳой пристань бўлса керак. Йўлимизда каттакоп хиёбон.

— Ажойиб оромбахш жой экан, — деди Костя Горбунов. — Эртага келайлик, байрамда қизлар билан танишиб, сайр этамиз. Байрам кунлари сул бўйига шаҳарнинг ҳамма аҳолиси сайр-томошага чиқади, албатта.

Аккерман бежирим шаҳарча бўлса ҳамки, буида тарихий ва истироҳат жойлар кўп. Сул томонда баланд девор билан ўралган кенг ҳовли — қўрғон. Бу ерда усти брезент билан ёпилган ҳарбий техника — танк, замбарак ва автомашиналар қатор-қатор териб қўйилганди. Демак, ҳарбий қисм ўрнашган, катта дарвозадан ичкари кирганимизда қатор ҳарбий казармаларга дуч келдик. Бу — руминлар армиясининг собиқ казармаси экаплигини айттирди. Узун бир бипо ошхона экан, кириб овқатландик. Шу кундан бошлаб бу ошхонага саф бўлиб келиб овқатландидак бўлдик.

Меҳнатқашларнинг халқаро бирдамлик байрамини — баҳор байрамини кутиб олиш учун бу ердаги ҳарбий қисм ҳам тайёргарлик кўрмоқда экан.

Қўрғон ўртасидаги кенг майдондаги тўртта снм ёғочга узун ходалар боғланиб, байроқлар кўтарилди, мароқ билан томоша қилдик. Бу байроқлар енгил шабадада бирам чиройли ҳилшираб турибди. Жангчилар баҳор байрамига тайёрланиб, янги берилган уст-беш кийимларини дазмоллар, тугмаларини тозалар, ёқасига оқ сури тикиб, навбат билан ювиниб, ясанардилар. Байрам муносабати билан юртларига — ота-она, опа-ука ва севган ёрларига мактуб ёзаётган жангчилар ҳам кўниппа эди.

Мен ошхонадан қайтган, хат ёзишга тутиндим — севимли ёрим Юлдузга, қизим Қундузга ва меҳрибон онамга ҳамда ўрибосар ушшарининг бирма-бир хат ёзиб, соғ ва саломатлигини, янги қисминининг адресини билдирдим, уларни улут байрам билан табриқладим.

Эрталаб яна қўрғон деворига чиқиб, атрофга назар солдим. Кенг майдонга табиатнинг кўх-кўк, чиройли гилами ёзилган. Ранг-баранг гуллар, донлар шаҳар кўчаларида осилган қизил алвонлар билан айқаниб, ҳаммаёқ байрам либосига бурканган эди.

Майдонликдан от-арава, велосипед минган ва гуруҳ-гуруҳ шведда халойим — хотин-қизлар, йигит-яланглар, болалар, деҳқонлар майдон сари оғиб бормоқда эди.

Совет мактабларида биринчи йил илм олаётган молдав ваи болаларининг саф бўлиб қизил байроқ кўтариб бораётганликларини кўриб беҳад қувонардик.

Костя ёнимга келди, унинг икки кўзи қизларда.

— Қара, анавиларни, қандай гўзал украин ва молдав ваи қизлари бор-а! Қўрғондан сапчиб иргиб тушсаму, бирортасини қучоқлаб олсам...

Костянинг бир одати бор: қачон бўлса ҳам, ҳадеб қизлар тўғрисида гапиргани-гапирган:

— Ёшликда йигитга қиз керак, қизга йигит, шундайми? — дерди у.

— Армияга келгувнингча бирор севган қизинг бор эдим? — сўрадим ундан, қизиқсиниб.

— Ҳа, бор эди. Институтда ўқияпти, деб эшитдим, Адресини билмайман.

— Уйингга хат ёз, унинг адресини юборишар, — маслаҳат бердим мен.

1-Май куни қуёш ҳар қачонгисидан ҳам чарақлаброқ чиқди, қўрғон, боғ-чорбоғлар, денгиз сатҳи олтин нур билан жилваланди. Биз ҳам минбар олдидаги кенг асфальт кўчада, гарнизон жангчилари қаторида саф тортиб турибмиз.

Минбар бизлардан узоқроқда. Сафда турган жангчиларнинг ҳарбий формасига яхши тикилиб қарасам, аксарияти таикчи, артиллериячи. Демак, ҳаммамиз 18-механизациялашган корпуснинг жангчиларимиз. Минбарга корпус ва шаҳар гарнизонининг қўмондонлари, ҳарбий қисмларнинг командирлари, шаҳар партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари чиқишди. Минбарнинг икки қанотида — меҳмонлар, шаҳар меҳнатқашнарининг вакиллари, майдонда эса — сон-санокенз жангчилар...

Шу вақт ўнг томондан: «Сафий тўғриланг!» деган команда эшитилди. Ҳаммамиз бошимизни ўнг елкамизга бурдик. Командир яна: «Смирно!» деди-ю, ўзи шахдам қадам ташлаб минбар олдида борди-да, қўмондонга честь бериб, баланд овоз билан рапорт берди:

— Сизга топширилган гарнизон қисмлари Биринчи май байрамининг ўтказиши учун саф тортди, — деди-да, бир қадам ўнгга ўтиб, тик қотиб турди.

Қўмондон олдинга чиқиб:

— Салом, қадрдон жангчилар! — деди.

Ҳамма бир оғиздан:

— Салом! — деб жавоб қайтарди.

Қўмондон от чоптириб, қисмларни табриклар чикди, сўнгра мипбарга кўтарилиб, шаҳар партия ва совет ташкилотлари ва ўз номидан барча меҳнаткашларни, гарнизон жангчиларини Биринчи май байрами билан табриклар, путқ сўзлади. Сўнг ҳарбий парад бошланди.

Бизнинг янги қисмимиз ҳам саф тортиб, бир текис шахдам қадам ташлаб майдондап ўтди ва қўрғонга томон йўл олди. Костя Горбуновнинг икки кўзи ҳамон йўлкада сайр қилиб юрган қизларда эди. Ҳарбий иптисом бўлмаганда эди, балки сафдан чиқиб кетармиди.

Қароргоҳимизга қайтиб келдик, старшина шаҳарни сайр этиш учун жангчиларга рухсатнома бера бошлади. Мен билан Костя Горбуновга ҳам павбат келди. Иккала-миз қўрғон дарвозасидан чиқиб, сув бўйидаги хиёбонга қараб йўл олдик. Ҳамма ясанган-тусанган хотин-қизлар, йигитлар қўл ушлашиб сайр қилиб юришибди, биров гармонь, биров балалайка чалади, бировлар кўшиқ айтишади. Чин байрам эди—байрам...

Биз атрофдаги ўйин-кулгиларни томоша қилиб, хиёбонга кириб бордик. Костянинг кўк кўзлари ҳали ҳам қизларда. У бирорта қизни якка учрата олмай хупоб, ҳатто менга ҳам қарамай, чурқ этмай, қадам ташлар, давра-давра бўлиб юрган ёшларга ҳавас билан боқарди.

Хиёбон-паркни икки марта айланиб, обдан томоша қилдик, кейин скамейкага ўтириб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлдик.

Бир лаҳзада Костя қаёққадир ғойиб бўлди. У ёқ-бу ёққа аланглаб қарайман. Анча парироқда менга кўзи тушган бир чол бошидан шляпасини олиб, салом берди. Унинг соқоли кўксига серкилларди. Мен ҳам уни байрам билан табриклаган бўлдим, у ёнимга яқин келиб:

— Қани, ўтиринг, йигитча, афтидан бу ёқларга янги келганга ўхшайсиз,— деди чол, такаллуф билан.

— Ҳа, янгимиз. Ўзбекистондан...

— Шундай денг; туркистонликмисиз? Мен Туркистонда бўлганман, ҳарбий хизматни ўша ўлкада ўтказганман, яхши-яхши,— деди у.

Мен гўё ўз ҳамшаҳаримни учратгандек қувондим. Чол яна гап қотди:

— Зерикмаяпсизми бу ерда?

— Аккерман ёқиб қолди,— дедим, кўнгил хушлик қилиб.

— Ҳа, Оққўрғонми? Э... бу қўрғон ҳаммани ўзига жазм қилади. Бунда бир вақтлар турклар ҳукмрон бўлган, Оқ-

қўрғон дейишарди, буни. Бошқа тилларда талаффуз қилолмасдан энди Аккерман деб аташади,— изоҳ берди мўйсафид.

— Қўрғонни турклар қурганми?— сўрадим мен қизиқсиниб.

— Йўқ,— деди чол.— Қадим замонларда бу ерда юнонларнинг Тири шаҳри бўлган. Кейинчалик руслар бу ерда янги шаҳар қуриб, уни Белгород Днестровский деб аташган. Э, нимасини айтасиз, бу қўрғон печа бор қўлдан қўлга ўтган. Жуда қадим-қадим замонларда бу жой Европа билан Осиё ўртасида денгиз орқали қилнадиган катта савдо маркази бўлган. Инқилобдан кейин руминлар босиб олган эди. Ҳа, бутун Бессарабияни. Румин боярлари бизни одам ўрнида кўрмас эдилар, лаънатилар... Хайрият, Россия қутқаэди бизни, бўлмасам...

Бехосдан елкамга қўл тушди. Костя!

— Юр Аъзам, пристанга, қайиқ олиб сайр қиламиз, сувда ўйнаб сузамиз,— деди у.

Мен сузишни билмайман, дейишдан уялиб, чор-чопор гапни тўхтатиб ўрнимдан турдим.

— Хайр, отахон, шундай чиқиб туринг, суҳбатлашиб турайлик,— дедим. Чол қўлимни қўйиб юбормасдан хиёбоннинг париги четидаги уйни кўрсатди:

— Ҳов, анави сариқ эшик бизники. Боринг, хурсанд бўламан,— деди у.

Дўстим билан тез-тез юриб соҳилга кетдик.

— Сиз томонда ҳам шундай катта сувлар борми, қайиқда сузиб юра оласанми?— деб қайта-қайта сўради мендан, Костя.

— Бўлмасам-чи, дарёлар бор, лекин биз турган жойдан узоқроқ,— дедим-да. «Аммо бунақа қайиқлар йўқ-да. Туя бор, Қизилқум уммонда сузиб юрамиз»,— дея қўшиб қўйдим, ҳазиломуз.

Костя таажжубланди:

— Туя баланд, қандай минасизлар?

— Тумпуғидан тортиб «чих!» десаинг, чўқади, минсанг ўзи туради,— деб тушунтирдим. Тўғрисиини айтсам мен туядан кўрқаман, оғайни.

Биз пристанга келганда атиги биттагина қайиқ қолган экан. Кирасини тўлаб уни олдик. Костя олдинга ўтиб, эшикларни олди, менга ўтиришга ўртадан ўрин кўрсатди. Қайиқда сузиб юриб, эски чегарага яқин жойга келиб қолибмиз. Денгиздан Аккерман қўрғонига қарадим, аж-

йиб, кўркам кўринаркан. Костя эса худди денгизчилардек қайиқни бозор бошқариб борарди. Гоҳо у жұрттага қайиқни лапанглатиб мени кўрқитмоқчи бўлар, мен эса қайиқнинг четларини маҳкам ушлаб қичқирардим.

Қуёшли май ойининг баҳаво кушида кўм-кўк Карпат тоғларидан қайқариб оқиб келаётган азамат Днестр суви денгизга қўшилган бу осойишта жойда «сув кезиб» сайр этиш пақадар роҳатбахш!

— Хўш, оғайни, байрам қилмаймизми?— деб қолди бирдап Костя.

— Ажабо, байрам қилмай, нима қилиб юрибмиз бўлмаса?

Костя чўнтагидан пишлоқ билан колбаса олиб қайиқ ўртасига чиқариб қўйди.

— Бу байрамда мен сени зиёфат қиламан, келаси байрамда сен мени зиёфат қиласан, хўнми?— деди Костя хурсанд бўлиб.

Билсам, мен скамейкада чол билан суҳбатлашиб ўтиргандаёқ у магазиндан харид қилиб чиққан экан.:

Капитан Кожевников бир купн эрталабки машгулот вақтида Костя билан мени ҳузурига чақирди. Унинг кетидан бориб батальон штабига келдик. Лекин командир бизларни сафдан ажратиб олиб бу ерга келтирганининг сабабини ҳамон билолмай турардик.

— Шу иккаласини юборсак бўладими?— комиссардан сўради у.

— Бўлади! Иккаласига ҳам ишонинш мумкин,— деди комиссар.

Командир ўрнидан туриб менинг олдимга келди-да, печатланган бир пакет узатди.

— Мана шунинг олиб, корпус штабига борасизлар! У ерда сизларга бошқа топшириқ берадилар. Топшириқни пухта бажаринглар, бизни ерга қаратманглар,— деди.

— Қурол ва тегишли патроиларингизни олинг, ҳаминша ҳушёр туринг, пакетга эҳтиёт бўлинг, уни қўлдан қўймай,— дея қаттиқ уқтириб таъкидлади комиссар.

Иккаламиз баравар:

— Бажарамиз!— деб қатъий ваъда бердик.

Штабдан чиқиб, ўқ-дори, озиқ-овқат олиб тўрваларга солдик, кейин дарров орқамизга тақиб, қуролланиб олиб

қўрғондан чиқдик. Кўчама-кўча бориб айтилган адресга егиб келдик.

Эшик олдида турган навбатчи офицерга конвертни кўрсатдим. У зеҳи солиб ўқиб кўрди-да, бизни ичкарига олиб кириб, полковникка рўпара қилди. Унга конвертни узатдим. Полковник қўлимизга бошқа бир сургучланган пакетни бериб, уни Одесса ҳарбий округига олиб бориб топширишимиз лозимлигини таъкидлади. Конвертни олганимиз учун иккаламиз ҳам қўл қўйдик, сўнг одоб билан честь бериб, штабдан чиқдик.

Аккерман вокзалидан Одессага борадиган поездга тушдик. Дала сумкамда конверт, биров кесиб кетмасин тагин, деб чап қўлим билан қўлтигимга қисиб, ҳушёр боряман. Костя эса яна эски одатича, купедаги қизлар билан чақчақлашиб, ҳангомани қизитиб келяпти.

Мени хаёл олиб қочди: конвертда нима сир бор экан? Чечаги сиёсий суҳбатда комиссарнинг айтган сўзлари ёдимга тушиб, ҳушёр тортиб кетдим.

...Кеча ошхонадан қайтгач, бизни катта палатка — клубга тўплادилар. Комиссар халқаро аҳвол тўғрисида лекция ўқиди. Жуда гапдон экан, қапча-қапча маълумот, тарих...

1933 йилда Гитлер ҳукумат бошига келиши биланоқ Германия узил-кесил фашизм, босқинчилик йўлига тушиб олди. Национал-социалистлар партиясидан бўлак ҳамма партиялар қонундан ташқари деб эълон қилинди. Ушунга йилиёқ Германия қуролсизланиш конференциясидан, сўнгра эса Бирлашган Миллатлар Иттифоқидан чиқиб, урушга ҳов бўладиган ҳар қандай мажбуриятлардан воз кечди. Фашизм Чехословакия, Руминия, Югославия ва Польшада ҳам Совет Иттифоқига қарши ўз фаолиятини авж олдирди...

Гитлер тобора ҳаддидан ошиб, қутуриб бормоқда, кун сайин уруш хавфи яқинлашиб келаётгандай. Совет чегараси атрофидаги баъзи жойларни Германия босиб олди. Вабо самолёт Фарбдан эсаепти чоғи..

Руминлар бизнинг чегарамизга яқин жойга қўшни тўплаётган эмиш, комиссар буни аниқ қилиб қайта-қайта такрорлади. Наҳотки, сумкадаги конверт ичида шу... Везосдан электр токига тегиб кетгандек бутун баданим титраб кетди — қаттиқ сескадим, уйқим бутунлай йодди...

Иккипчи кун, қоронғи тушяпти. Кондуктор: «Тайёрланинглар, Одессага келдик!» деб эълон қилди. Пассажирлар тушиниша тайёрлана бошладилар.

Костя йўл бўйи «шўхлик» қилиб, ниҳоят, қотиб ухлаб қолганди. Уйғотдим.

Вокзал перрони — айвон. Буида поездлар айвон тагги пичга кириб борар экан. Вокзал ола-говур тўполок. Утиришга ўрин топа олмай, шаҳар томонга чиқишга мажбур бўлдим.

Вокзал олди майдонига шаҳарнинг уч томонидан кўча келиб қўшилибди. Аккерман қўрғони олдидаги майдонча кўз олдимга келди, чунки унда ҳам шаҳарнинг кўчалари майдонга келиб тақаларди.

Биз ёнма-ён қадам ташлаб, асфальт йўлаклардан хилма-хил гул-лолалар чамани ичида томоша қилиб, шаҳарга кетямиз. Ильич лампочкаларининг нурида ҳаммаёқ кундузгидек ёп-ёруғ...

Йўл-йўлакай Костяга ҳазил қилиб: «Ҳа, қалай, бу кеча ҳам шафтоли қоқиб чиқамизми?» дедим. У бирпас ўйланиб қолди, кейин:

— Агар пакетни топширсак яхши бўлув эди. Штаб қаерда экан, зора тез топсак,— деди.

— Топамиз, юр!

Кўп ўтмай комендатура патрулига дуч келдик, у бизга штаб адресини айтиб берди.

Кўрсатилган кўчадан бориб, кўп қаватли қорамтир бино олдида ҳарбийлар юрганни кўрдик, дарвозадаги вивескани ўқиб кўрсам, «Одесса ҳарбий округи» деб ёзилган экан.

Навбатчи офицер бизни бир уйга бошлаб кирди, қандайдир тугмани босди — эшик очилди. Биздан конвертни қабул қилиб олди. Биз ўша заҳоти вокзалга қайтиб келдик. Ҳарбийлар залида ҳордиқ чиқариб, эрталаб шаҳарни томоша қилдик.

Костя менга:

— Юр, портга борамиз, пароходларни томоша қиламиз, у ерга кўп давлатлардан турли-туман савдо пароходлари келади,— деди.

Пушкин майдонига бордик, бундан портдаги ҳамма пароходлар қафтдагидек, яққол кўриниб турар экан.

Денгиз бўйида чўмилаётган эркак-аёлларнинг соҳсаногги йўқ. Баъзилар сувга шўнғир, баъзилар узоқ-узоқларгача сузиб борар, баъзилар қумга беланиб ётарди.

— Одессага ҳар қупи келаётганимиз йўқ, огайини! — деди Костя бирдан,— бир баҳона бўлдию, келиб қолдик. Юр, биз ҳам чўмиламиз.

Қўлимизда қурол борлигидан павбат билан чўмилишга қарор қилдик.

— Сен чўмилиб чиқ, мен кейин чўмиламан, — дедим унга. У уст-бошларини ечиб, сувга ўзини ташлади ва шўнғиб бориб узоқ-узоқларда сузиб юрганлар олдига қараб кетди. У қулочкашлаб сузар, қизлар тўдасига яқинлашиб тегажаклик қиларди. Қизлар қочар, Костя қуварди...

— Ҳой, ўртоқ жангчи, сен чўмилмайсанми, буни қара, қандай роҳатижон сув? — деган овоз эшитилди денгиз ичидан. Мепдан нарироқда қирғоқда икки қиз турибди. Мен жавоб бериш ўрнига уларни кўрмагандек жўрттага атрофга алаңладим. Уларнинг кўзи бизнинг автомат ва тўп-пончамизга тушиб, уни ташлаб кетолмаслигини сездилар шекилли, сувга томон қолиб кетишди. Қизлар анча жойгача сувда балиқлардек сузиб боришди, оёқ-қўлларини қимирлатмай сув юзида чалқалча ётиб ўйнашди, чақчақлашиб кулишди.

— Қизлари тушмагур чўмилишининг роса ҳавосини олишини-да, — кўнглимдан шу гап ўтди.

Костя сувдан чиқди:

— Қани, дўстим, энди павбат сизга? — деди.

Мен аста-секин денгизга тушдим, сув кўкрагимга чиққанча ўртага қараб тик юриб бордим, кейин ўзимни синаб кўрай деб қулоч отдим; сузишни унутмабман. Энди дадиллик билан қулочлаб денгиз ичкарироғига томон суза бошладим. Денгиз тўлқини балад-паст кўтариб, беланчан каби тебрата бошлади.

Бирпасда ёнимда қизлар пайдо бўлишди. Улар мени ҳар томондан ичкари тортишар, мен эса «сузишни билмайман» дея қичқириб, орқага тиславардим. Оғзимга сув кириб кетди, денгиз суви шўр, тахир, сассиқ экан. Горбунов қичқирди:

— Чиқ энди кетайлик, қоринлар ҳам очди...

Одесса шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлдик, мириқиб томоша қилдик, кечга яқин поездга чиқдик. Яна чекимиз қизлар ўтирган купега тўғри келиб қолибди. Учта қиз, назаримда уччаласи тегидош. Костя Горбунов дарров уларни гапга солмоқчи бўлди. Қизлар ҳам дилкаш экан — кўнгилёриб гаплашишни исташди-ю, аммо бир-биримизнинг сўзимизга тушуна олмадик. Уччаласи ҳам Кишиневдан, шаҳар қизлари — молдаванкалар эканини билдик. Қизлар рус тилида сўзлаша олмас эканлар.

Горбунов рустани билмаган қизлар билан биринчи марта суҳбатлашаётган бўлса керак, ўз сўзини тушунтириш учун обдан уринар, расмлар чизиб фикрини тушунтирмақчи бўларди. Мен уларнинг гурунгидан зерикдим, дераза олдига ўтиб украинанинг бепоён кўм-кўк бугдойзорларини, турли-туман товланаётган ажойиб манзарасига маҳлиё бўлиб, шавқ-завқ билан борардим. Гўзал табиат мафтун этди, жўшқин илҳом бағишлади, ёшлигимда шеър ёзишни машқ қилганим учун бўлса керак, сатрлар бошимда қаторлашди. Қоғоз бетига туширдим:

Украина ажойиб диёр,
Поёни йўқ бугдойзор диёр...

Бу икки сатр ўз-ўзидан пайдо бўлган эди. Давоми бўлмаса бу шеър эмас-ку. Поезд ўрмон қўйнига кириб борарди, уфқда Карпат тоғлари кўзга ташланди. Ёздим:

Ўрмонлари, боғлари кўркам,
Ғарбда Карпат тоғлари кўркам.
Днепрдпр кумуш белбоғи,
Бугдойзордир унинг ҳар ёғи.
Ленин номи ГЭСи бор машҳур,
Туини кувдус этар тараб нур.

— Хўш, дўстим, уйингга хат ёзлсан шекилли,— деди Костя.

— Ҳа, қулай фурсат...

Мен бу бой ўлканинг «қора олтин»и, пўлати, чўяни, тракторлари тўғрисида шеър тўқимоқчи эдим, аттанг! Костя фикримни бўлиб қўйди-да, майлига, илҳом булоғи ўзи тошаверади:

Мевалари тарғил, таъми бол,
Илк бор келиб, лол қоласан, лол.
Чаманларда атир буйли гуллар.
Тинмай сайрар бунда хушхон булбуллар.

Жанубида чайқалиб тун-кун,
Қора денгиз этади мафтун,
Шевченкониң гўзал Ватани,
Ўзбекиниң ҳам жони ва тани.

Костя устимга келди, сатрлар тенг қаторлигидан нима билан машғул экацимни фаҳмлади шекилли, елкамга қўл ташлади:

— Йе, мен хат ёзгансан десам, шеър битяпсан-ку, — деди ҳайрон қолгандай. — Агар шеър бўлса ўзимизни ҳам қўшиб ёз!


Қучоғингда ҳар улуг айём,
Қалбимиздан айтампиз салом!
Бизлар сенга довюрак посбон,
Украина азиз жонажон!

Қўриқлаймиз доимо ҳушёр,
Чегарангни бузолмас маккор,
Қўриқлаймиз жону тан билан,
Қўриқлаймиз шараф-шон билан!

Май ойининг охири, июннинг бошлари, Украина ерлари бениҳоя баҳаво, кўркам бўлади. Айниқса поездда юришнинг гашти бўлакча: кўм-кўк бугдойзорлар бора-бора осмон тубига туташиб, ранги ҳам қўшилиб кетгандек туйилади, қуёш нурида жимир-жимир сароблар пайдо бўлади, дала-даштлардаги гул-лолалар, боғ-чорбоғлардаги хилма-хил дарахт гуллари бутун оламни қизил, сариқ, пунти, бинафша, кўк тусларда тўлқинлаштириб баҳри-дилнингизни очади.

Поезд Ишчинов вокзалига келганида, қизлар имо-шо-ра билан: «Тушинглар, меҳмон бўлинглар, шаҳарни томоша қиласизлар» — деб бизни таклиф қилишди. Костя эринмай қизларнинг адресини ёзиб олди, келишга ваъдалашиб қўл силқитди. Қисмигаизга етиб келдик.

Яна одатдаги ҳарбий машғулотлар бошланиб кетди. Мен взводни машғулот ўтказиш учун вокзал яқинига, сочалоқ қум устига, токзор боғлар ёнига келтириб, навбатдаги темапи жангчиларга тушунтира бошладим. Атроф гўзал, боғ яшнаб турибди, нарироқда қумлоқ. Баъзан суқлашиб боқаман, боқаману хаёл олтин қанотига ўтқазиб, униб-ўсган қишлоғим — Боги-Афзал .орқасидаги қизил қумлар бағрига олиб боради, ўзимни енгил-хушнуд сезаман шунда, Ҳошимжон Рўзиматов, Чўлибой Рўзиев, Бўрибой Жўраев, Мамедов Қосим ўғли жуда тиришқоқ, ўтилган темаларни пухта билиб олишга астойдил интилишади.



Мана, бугун улар мина қўйиш ва уни нормал ҳолга келтиришдек мураккаб жанговар вазифани бажаришни ўрганишяпти. Бу жангчилар рус тилига унча тушула олмаганликларини назарга олиб, гоҳо ўз она тилларида гапириб, темани чуқур тушуниб олишларига эришаман, бу менга завқ беради.

Машгулотдан кейин менинг вазодим ҳам жадвалга мувофиқ, навбат билан қўрғон ва ҳарбий объектларни қўриқлашга қоровулга борарди. Вазоднинг қоровулликка боришиги ёлғиз Костя Горбуновга топшириб қўймай, шахсан ўзим тайёрлар эдим.

Жангчилар ухлаб, ҳордиқ чиқаргандан кейин, уст-бошларини ростлаб-тозалаб, қоровул хизмати уставини такрорлар, ҳар ким ўз постидаги вазифасини пухта ўрганиб олишга ҳаракат қиларди.

Навбат бизга келди. Мен қоровул бошлиғи сифатида, Костя Горбунов разводящий (постларга навбатчи қўювчи) сифатида уставини такрор ўқиб, ўз вазифамизни яна бир карра аниқлаб олгач, соат 17-00 да батальон комиссари старший политрук Васильев штабга олиб боришни менга буюрди.

Мен жангчиларни постларга тақсимлаб, қуролларни яна бир бор кўздан кечирдим, жангчиларимнинг ўз вазифаларини пухта ўрганганликларига ишонч ҳосил қилгач, уларни саф қилиб штаб олдига олиб бордим, комиссар штабдан чиқиб, бизни кутиб турган экан. Мен сафни тўхтатиб, комиссарга қаратдим-да, ўртадан келиб, ундан уч кадам берида тик туриб: «Қоровул тайёр!» деб рапорт бердим.

Комиссар биринчи постдан бошлаб сўроқ қила бошлади. Биринчи пост вокзал яқинидаги ўқ-дори склади эди. Унга Рўзиматов, Мамедов ва Рўзиевлар тайинланганди. Уччаласи ҳам ҳамма саволларга яхши жавоб беришди. Бундан мен тугул комиссар ҳам хурсанд бўлди. Яхши тайёрланибсизлар, баракалла, деди. Бошқа постларни ҳам текширганида жангчилар аъло даражада жавоб беришди.

Комиссар ҳар биримиз билан суҳбатлашиб, ўз вазифаларимизни яхши ўрганганлигимиздан мамнун бўлди-да, саф ўртасига чиқди:

— Эртага, — деди у жиддий, — дам олиш куни, бутун армия, халқимиз дам олиб ҳордиқ чиқаради. Бизлар эса уларнинг оромини қўриқлашимиз керак, бунинг учун ҳар қайсимиз ўз постимизда сергак туришимиз шарт!

Харбий қоида бўйича қоровулхонага келиб, қоролулни янгилар билан алмаштирдим; постларга соқчилар қўйиб тинчидим.

Қоровулни иккинчи алмаштиришда Аҳмаджон Раҳимовни бирга олиб бораётганимда, кечаси алламаҳал бўлиб қолган эди. Кўчаларда гуж-гуж одамлар юришибди, таажжубландим: булар ярим кечада нима қилиб юришити, ухламай? Ёхуд яқка жангчиларни излаб юришганмикин? — дея кўнглим гашланди. Вокзал ёнидаги пост ҳақида ўйладим. Хавфли жой, чунки бу ерга тоқлар яқин, хилват эди. Бу жойда соқчинин тўсатдан босиш ёки узоқдан ўқ узиб, отиб ташлаш ҳам мумкин, лекин ўқ овози эшитилмасди. Постдан кўпроқ хабар олиб туриш мутлақ зарурлигини ўйлаб қолдим.

Постга яқин келиб қолсак ҳам, соқчи солдатдан садо чиқмади, одатда: «Тўхта! Қим келяпти!» деб овоз чиқариши шарт эди. Мен ташвишланиб тез-тез юриб яна ҳам яқинроқ келганимда:

— Тўхта! Қим келяпти, — деди соқчи бирдан ҳаяжонли товуш билан.

— Мен, қоровул бошлиғи, — дедим «пароль» айтиб, унинг овозидан Рўзиев эканлигини таниядим.

Рўзиев мени кўриб тили тутилиб, уялиб қолди. У постда турган ҳолда хаёл суриб, уйқу босган экан. Агар биз шу пайт келмасак, балки Рўзиев постда бутунлай ухлаб қолармиди, билмадим.

Уни огоҳлантирдим, бирин-кетин бошқа постларни текшириб, жангчиларни ҳушёр туришга даъват этдим. Қўрғонга келганимда шаҳар аҳолиси осойишта ухламоқда, у ер-бу ерда итлар ҳуриб, яқин қишлоқларда хўрозлар қичқираётган, тоғ отини яқинлашаётган эди.

Душманнинг шум қадами

1941 йил... биз қоровулда турган 21 июндан 22 июнга ўтар тонготарида яқин бир жойдап қандайдир кучли портлаш овози эшитилди. Қоровулхонадан ташқари отилиб чиқиб, у ёқ-бу ёққа қарадим: шаҳар жанубидаги аэродром томони ёришиб кетган, ёнғин бўлаётганга ўхшарди.

Костя билан бирга чопа бориб, қўрғон девори тенасига чиқдик, вокзал томонида жимлик, аэродромда эса устма-уст портлаш...

Баҳайбат мотор овозлари аэродром устидагина эмас, балки бутун шаҳар атрофида ҳам эшитила бошлади, бегопа самолётлар узоқдан тикка аэродром томонга шўнғиб кетар, портлаш тобора кучаярди. Бу манзара яққол кўришиб турибди бизга.

Бу оддий ёнғин эмаслигини дарҳол тушундим, ҳойна-хой бегопа самолётлар аэродромни бомбардимон қилмоқда... Ҳаялламай штабга чопдим, навбатчини огоҳлантирдим, дарҳол телефон трубкасини кўтариб, командирнинг уйини сўрадим. У ҳам портлаш овозини эшитиб уйғониб, кишингаётган экан.

Батальонга трéвога эълон қилдим, батальон комиссарига ҳам телефон қилиб, қоровулхонага қайтдим. Станция яқинидаги постга — Рузиевга ёрдамга яна икки жангчи юбордим.

Батальон жангчилари ва бизга қўшни бўлган разведкачилар батальонни ҳам шошилинч равишда жанговар сафга тизила бошладилар.

Тез орада комадир, комиссар, рота комадирлари ҳам етиб келишди-да, дарҳол жангчиларни шаҳардан чиқариб олиб кетдилар. Мен вазодим билан Аккерман қўрғонида қоровул бўлиб қолдим.

Костя Горбунов билан қўрғон девори устига чиқиб ат-

роёга кулоқ солсан, шаҳар уйқуси аллақачон бузилган экан, собиқ румин казармасида турган танкчи-моторлашган қисмлар тревога билан шаҳардан чиқиб, чегара томон йўл олганларини билдик.

Совет самолётлари ҳам аэродромдан кўтарилиб, шаҳар устида парвоз қилмоқда. Тош кўчадан ўтаётган танкларнинг мотор овози ҳаводаги самолётлар овози билан кўшилиб еру кўкни ларзага солмоқда, гўё зилзила бўлаётгандек эди.

Костя пиникимга тиқилиб, хомуш овоз билан:

— Хизматни тамомлашимга бени ой қолди, деб юрган эдинг. Аттанг: бу нимаси бўлди, шубҳасиз жанговар тревога. Уруш бошланди, шекил... — деди.

Осмонда баҳайбат овозлар тўлқини, энди бизнинг бомбардимончи самолётларимиз қирувчи самолётлар ҳимоясида Руминия чегарасига томон кетма-кет учиб ўтишяпти, улар жуда кўп—юздан ортиқ!

— Плөештини бомбардимон қилишга кетишди, — деди Костя кўзини самолётлар учиб кетган томондан узмай, — унда Руминиянинг нефть конлари бор, биласанми?

Яна бир тўда самолёт денгиз устидан ғарби-жанубий томонга учиб кетди, бу ҳам ўзимизнинг қанотли қалқонларимиз эди, — дарров танидик.

— Менингча булар руминларнинг Кўра денгиздаги порти — Констанцани бомбардимон қилишади, — деди Костя, яна гўё ҳамма нарсани илгаритдан билиб олган айғоқчилардек.

— Учувчиларимиз сен билан маслаҳатлашиб иш қилишадими, — таажжубландим, тўғриси — давқи бердим унга.

— Сен стратегиядан беҳабарсан... Бомбардимон қилмоқчи бўлсанг, душманнинг муҳим объектларини мўлжалла! — яна юқори келмоқчи бўлди Костя.

Тонг ёришгунча шаҳарда бирорта ҳам ҳарбий қисм қолмади, ҳамма чегара томон кетди.

Ҳавода бир печа душман самолётлари пайдо бўлиб, кўрғон устида ҳам айлана бошладди. Оз вақт ўтмаёқ совет самолётларининг овози эшитилди. Ҳа, бизнинг самолётлар овози бегоналарникидан яққол ажралиб туради, унга ўрганиб қолганмиз-да, ахир. Ҳавода «шовқин-сурон» кўтарилди: самолётлар жанги бошланди ҳойнаҳой...

Ҳаво жангини кузатиб турдик. Совет учувчилари душман самолётларига ҳар томондан ҳужум қилиб, бирин-

кетин иккитасини ёндириб сувга туширдилар, бошқаларини эса аэродромга йўлатмадилар. Бегона самолётлар ўз бомбаларини дуч келган ерга ташлаб, тартибсиз қочиб, келган томонига қараб кетди.

Ҳар аҳти молга қарши палаткаларни йиғдириб, боғлатиб бир чеккага тахлатиб қўйдим.

Қоровулхона палаткасини эса девор панасига қурдик.

Эрталаб овқат олиш учун румин казармасига борсам, ҳарбий қисмларнинг машиналарга тиркалган «йўл охири»лари ҳам овқат олишга келишибди. Суриштириб билсам: кўпчилик қисмлар ўша машиналари билан аллақачон чегарага етиб бориб, Прут дарёсидан кечиб ўтган румин армиясига қарши жанг қилаётган экан. Чегарачиларимизнинг казармаларини ва чегарадаги қисмларимизни душман артиллериядан ўққа тутаётганмиш. Ҳали чегаранинг ҳамма жойига армиямиз етиб боғричча йўқ, дейишди.

Кун бўйи совет самолётлари бир неча бор ғарбга томон учиб, қайтиб келдилар, ҳар ҳолда улар салт учган бўлмасалар керак, албатта.

Душман самолётларининг ҳам бир неча бор босиб келганини кўрдик. Лекин қирувчи самолётларимизга балли, ҳавода жанг қилиб, душман самолётларининг ҳужумини қайтарди ва уларни аэродромларимизга йўлатмади.

Бугун Москва радиоси одатдан ташқари фавқулодда хабар берди: Қора денгиздан то Шимолий Муз океанигача совет территориясига Германия, Руминия, Венгрия, Финляндия давлатларининг армиялари бирдап—баравар хиёнаткорона ҳужум қилдилар. Хавф жиддий экан: ҳали биз ўйлаганимизча фақат руминларгина эмас, балки бир неча капиталистик давлатлар азиз Ватанимизга бостириб киришибди. Демак, бу уруш ҳазилакам уруш эмас: ҳаётмамот уруши...

Аккерман қўрғони девори тепасига қўл пулемёти ўрнатдик. Борди-ю, душман самолётлари тағип қўрғон устидан пасайиб учиб қолса, унга ҳам пулемёт, ҳам милицялардан ўт очамиз. Балки душман бизни Аккермандан кетиб қолган деб ўйласа керак, лекин биз анойи эмасмиз, буни уларга билдириб қўямиз ҳам.

Взводимиз энди шаҳар гарнизони бўлиб қолди. Костя ҳам қўрғоннинг рўпарадаги девори устига қўл пулемётини ўрнатди. Осмонни кузатиб туришлар деб жангчиларимизни огоҳлантирдик.

Душман самолётлари энди аэродромга йўламай, шаҳар устидан учиб ўтиб, Лиман бўйидаги ва эски чегарадаги ҳарбий объектларни бомбардимон қила бошлади.

Қайтишда кўрғон устидан ўтишини пойлаб туриб, бизлар ҳам пулемётлардан ўт очдик. Биринчи марта ҳақиқий нишонга ўт очиш вақтида кишининг руҳи бошқача бўлар экан. Душман она-Ватанимизни бомбардимон қилаётганидан бениҳоя газабланиб, юрагим ўртапар, қанот чиқариб учиб бориб уни уриб йиқитишни орау қилардим. Шундай хаёлда бўлсам-да, биринчи марта ўт очганимда юрагим беихтиёр гул-гул урди-ю, бирдангина бутун аъзойи баданимга иссиқ қон югурди, иккинчи марта ўт очганимда эса ўзимни авча босиб олгандим, юрагим ҳам унча гул-лаб урмасди, қўлимдаги пулемёт бир маромда тирилларди.

Душман учувчиси бизнинг ўт очганимизни билди шекилли, бир неча бор устимиздан айланиб, пулемётдан ўқ узди. Биз ҳам бўш келмадик: яна баттароқ ўт очавордик.

Кечқурун батальон комиссари Васильев келиб, бизлардан хабар олди. Унинг айтишича, Прут дарёсидан ўтган душман армияси қақшатиғич зарбага учратилган ва париги қирғоққа улоқтириб ташланган.

Ҳозир чегаранинг ҳамма жойига дивизия, корпуслар етиб келиб, мудофаада турибди экан. Разведкачиларимиз фронтнинг айрим жойларида душман позициясига аста ўтиб «тил» ҳам тутиб келишган.

— Улардан биттасини ўзим сўроқ қилдим, — дейди комиссар, — унинг айтишича, фашистлар катта армия тўплаган, ҳали катта ҳужумга ўтганича йўқ. Ҳозирги жанглар эса разведка тарзида эмиш.

Комиссарнинг гапига қараганда, Украина ва Белорусиянинг ғарбий чегарасида жанглар даҳшатли тус олган. Бизнинг қўшинлар душман танкчиларига дуч келиб, қаттиқ жанг қилишмоқда экан.

— Қаттол душман уч ойга қолмаёқ Совет мамлакатини Уралгача босиб оламак, деб дунёга жар солганмиш. Айтмоқчи, чегарада катта армия тўплаган экан. Душман фронт орқасига катта парашютчи армияни тушириб, қисмларимизни шоширмоқда. Бундай ҳодиса уруш тарихида биринчи мартаба қўлланган авантюристлик. Шунинг учун ҳам, — деди Васильев, — бохабар бўлиш керак. Аккерман шаҳри атрофига ҳам парашютда десант ташлаб, постларимизга ҳужум қилиши эҳтимол, ўқ-дори омборларини

портлатиши ҳам мумкин. Айниқса вокзал олди постга кўпроқ эътибор беришларингиз керак.

Комиссарнинг гапларига астойдил қулоқ солиб турган Костя:

— Биз ҳали урушга бормаймизми? — деб сўраб қолди бирдан.

— Ана шу топшириқнинг ўзи думшанга қарши жанг қилиш деган гап, — деди комиссар унга тушунтириб.

Уруш бошланганига беш кун бўлганда, вокзал яқинидаги постдан хабар олишга яна келдим. Бу ерда қатор турган вагонларга қўзим тушди. Қизиқсиниб яқинига борсам, катта вагонлардан ўнчасини қизил аскарлар қўриқлаб туришибди. Вагон деразаларига тиканли сим тортилган, эшиклари ёпиқ, ичкаридан кўк мовут шипелли ноташиш солдатлар ташқарига мўралашяпти.

Бир қизил аскардан: «булар ким» деб сўраган эдим у, «уч кунлик урушда асир олинган фашист босқинчиларнинг солдат ва офицерлари» деб жавоб берди. Вагонлар лиқ тўла. Ҳар қайси вагонда камда ютадан одам. Булар орасида румин, немис, мадьярлар ббр экан.

Шуларни кўрар эканман, дўстим Олим ёдимга тушди. У Прут дарёси бўйида ўқчи бўлшима командир бўлиб хизмат қиларди. Олим душманга биринчи бўлиб ўқ узгалардан. Фахриддиннинг ҳоли нима бўлди экан? У ҳам Котовский шаҳрида эди, казармада ўтирмагандир, ахир урушнинг биринчи кунидек тревога билан машиналарда чегарага етиб келмаганмикан? Фахриддин эҳйиб замбаракчи-ку, 76 миллиметрли замбарағи билан душман устига ажал урутиши ёғдираётгандир, балки, мен ҳам биринчи бўлиб душман самолётига ўқ узиб қолдим ҳар қанай.

Постни текшириб, казармага қайтсам, батальон жағвчилари олдинги линиядан эди келинган экан. Батальон командирига рапорт бериб, у йўқлигида ўрашни босиб, командирлик вазифасини ўтаб турганимни баъдирдим. У менга:

— Энди ҳамма парсаларни йиғинтирамиз, ўқ-дорин, кийим-кечакларни ортиб, корпус орқасидан борамиз. Улар бу жойдан фронтнинг бошига участкасига кетишди — буйруқ шу, — деди.

— Сен ҳозироқ жағвчиларнинг билан вокзалга бориб, ўқ-дориларни вагонга ортиб, қолганини машиналарга бос, бу кеча албатта йўлга чиқошимиз керак!

Топшириқни бажариб бўлгач, машиналарга ўтириб

Лиманнинг Қора денгизга қўпиладиган жойига борди,
унда пароходларда қирғоққа ўтдик, ўқ-дориларни, маши-
наларни япа вагонларга ордик. Ҳарбий эшелон Котовс-
кийга қараб йўл олди.

Урушнинг дастлабки ойларида ҳаво ҳужумига қарши
отиладиган зепит тўвлари жуда кам, бизнинг батальонда
вса биронта ҳам йўқ эди.

Батальон командири капитан Кожевников менинг
пулемётдан яхши ўт очишимни биларди. Шунинг учун
бўлса керак, у мени станокли пулемёт билан паровоз яқи-
нидаги автомашинага жойлаштирган эди. Мен душман
самолёти келганда ўт очиб, уларни ҳайдашим, ҳарбий
эшелонни бомбардимондан сақлаб қолишим керак. Костя
ва мен жангчи Петренко ҳамда Аҳмаджон Раҳимовлар
билан бирга пулемёт олдида вахтада турардик.

Поездимиз Украинанинг бугдойзорлари ўртасидан
шимолга, Москвага борадиган йўлдан станция ёки разъ-
ездларда тўхтамай, тез юриб Котовский темир йўл стан-
циясига келиб тўхтади. Бу станция менга таниш эди. Бу
ерда паровоз алмашилди, поезд жўнашини кутиб туриб-
миз. Шу орада мен темир йўл вокзал комендатурасида
инплайдиган бир киши билан гаплашиб қолдим. Мен унга
шу таҳар гарнизонида бир йилга яқин хизмат қилганим-
ни, бу ерда анчагина дўстларим бор эканини айтдим ва
ҳозир гарнизон қай томонга жылганини сурштирдим.

У менга қараб аввал таажжубланди, сўнг саволимга
жавоб қилди. Унинг айтишича, бу ердаги қисм тревога
бўлган кунёв; Прут дарёси соҳилига бориб, чегарадан ўт-
ган фашистларга қарини бир неча кун роса жанг қилган,
кейин смена-смена бўлиб машиналарда биз кетаётган то-
монга ўтган экан. Буни у жангда ярадор бўлиб қайтаёт-
ган жангчилардан эшитти.

— Эҳтимол, ўпа ёқда учрашаренлар, — деди у.

Шу вақт жангчилардан бири: «Самолёт!» деб қичқир-
ди. Мен тезда пулемёт ёнига келиб, булутлар орасига кўз
тикдим, қандайдир қора бир нарса лангалайди, самолёт-
га ўхшамади.

Ҳаммамиз бирдан осмонга қарадик. Қўнғир қийғиреп-
мон баҳайбат куш булутлар орасидан аста қанот қоқиб
чүшди.

— Вой, самолёт эмас-ку, — деди Костя ҳайрон қолиб.

— Бу калхат бўлади, — дедим мен унга.

Компсар Васильев ҳам ҳайрон эди.

— Умиримда бундай катта қушни кўрганми йўқ эди, — деди у. Командир Кожевников ҳам узоқ тикилиб турди-да:

— Карпатда ҳозир уруш кетяпти. Эҳтимол, ўқ овозида қўрқиб бу томонга учгандир, энди қайтиб боролмай айланиб юрибди, — деди.

Поездининг бунчалик узоқ тўхталиб қолганидан командир ташвишланмоқда эди. Душман самолётлари келса борми, бомбардимон қилиши турган гап. Бунақа катта станцияда тўхтагандан кўра, бирор разъездда тўхтаган яхшироқ эди, албатта.

Эшелонимиз тўхтаб туришининг сабаби маълум бўлди. Шу пайт станцияга узун бир эшелон кириб келиб, худди ёнимизда тўхтади. Вагонларда асирга олинган немис солдатлари экан, билишимча кўпчилиги ярадор.

Унинг орқасида яна бир пассажир поезд турибди, у янги ташкил қилинган ҳарбий госпиталь бўлиб, ярадор жангчиларимизни Одессага олиб бораётган экан. Шу иккита эшелон келиб тўхтаганидан кейингина бизнинг поезд станциядан қўзғалди.

Паровоз пишқириб ялгарламоқда, шу кетишда манзилга тез етиб олиш ҳеч гап эмасди, анча жойга борганимизда, аллақадан самолётларнинг овози эшитилди. Овоз тобора яқинлашиб келаверди, ҳа демай булутлар орасидан бири-кетин самолётлар чиқиб поездга яқинлашаверди, бировлар ўзимизники, бировлар эса душманники, деб ўзаро баҳслашдилар, мен бари бир пулемётимни шайлаб туравердим.

Самолётлар пастланиб, поездимиз устида айлана бошлади. Ҳали унча тажрибага эга бўлмасак-да, кўриниши ва овозидан немислар самолёти эканини дарров фаҳмладик.

— Ўт оч! — деди Костя Горбунов, пасайиб келаётган самолётни кузатиб.

— Ошиқма, яқинроқ келсин, «ҳуркитиб» юборишимиз мумкин, — дедим, самолётнинг олдинчисини нишонга тўғрилаб. Самолёт бизга томон тахминан беш юз метрча келиб қолганда пулемётдан сидра-сидра ўт очдим.

Поезд учиб бораётган эди. Самолёт ташлаган бомбалар шовиллаб сирена чалиб темир йўл атрофида ёрила бошлади. Орқа-олдидан тинмай отилиб турган пулемёт ўқларига қарамай, бир самолёт эшелонга ҳужум қиларди.

Аҳвол оғирлашди. Агар бирорта бомба поезд устига тушса борми, ўқ-дорилар портлаб, батальон жангчилари

бус-бутун ҳалок бўлиши мумкин эди. Мен пулемётдан, жангчилар милтиқлардан ўқ устига ўқ ёғдириб турдик.

Самолётлар уч марта айланиб, бомба ташлаб, келган томонларига қараб шўнғиди.

— Кўрдингми, бир самолётнинг орқасидан қора тутун чиқиб кетди,— деди қувониб менга Костя.

— Мен фақат эшелон устига учиб келган самолётларнигина кўрдим,— дедим унга.

Батальон командири капитан Кожевников келиб мени қучоқлаб ўпди.

— Раҳмат! Кутгандан виёда иш қилдинг! Бохабар бўлиб боринглар,— деди у ва жангчиларга қараб; «фронтга яқинлашиб қолдик» дея огоҳлангирди.

Мақтанчоқ асир...

Батальон жапгчилари техника, ўқ-дори ва бошқа юкларни ўрмонга ташиб-яшириб бўлган ҳамоно, осмонда қўш қанотли разведкачи самолёт пайдо бўлиб, станция атрофини парвонадек айлапа бошлади.

Мен пулемётни унга тўғри қилиб, ўт очмоқчи бўлдим.

— Сабр қил! — деди командир. — Эшелон келганини, армия қисмлари борлигини душман пайқамасин, аста вагондан тушиб тез яширилинглар. Разведкачи сезса борми, дарров бомбардимончи самолётларни чақиради...

Командиримиз буйруғини тушундим. Дарвоқе, бутун бир эшелон шу ерда — Бердичев шаҳри ёнидаги Красний разъездида тўхтаб қолди, юклар туширилди: «инини шу ердан бошласак ажаб эмас» деб ўйладим.

Ўрмон яқинидаги бутазорда оқоқ қазиб, пулемётни ўрнатдик. Ҳаво ҳужумига қарши шайландик. Шу пайт ўрмон тепасида совет қирувчи самолётлари пайдо бўлиб, душмanning разведкачи самолётига ҳужум қила бошлади.

Ўша кушларда ҳаво жапгини кўришга ҳаммамиз қизиқардик, ўрмон четига чиқиб, самолётлар ҳаракатини кузата бошладик. Самолётимиздан бири душман самолётининг олдини тўсиб чиқди, бири устидан, бири кетидан келиб исканжага олди ва ушн шу ердаги аэродромга қўнишга мажбур қилди.

Фашист учувчиси қайсарлик қилиб қочишга уринди, лекин ҳалқадан чиқа олмади, самолётларимиздан бири унинг қанотидан, иккинчиси қуёш томондан тикка келиб, пулемётлардан ўққа тутди, оз ўтмай душман самолёти қора тутун ичида сиренага ўхшаш овоз чиқариб ерга шўнғиди. Биз қувониб қичқирдик. Ундан кўзимизни олмай қараб турибмиз, самолётдан бир қора нарса ажралди, парашют

экан. Душман учувчиси шу ўрмон ортидаги гуркираб гургаи бугдойзорга тушмоқчи. Мен пулемётни шеригим Аҳмаджон Раҳимовга қолдириб, Костя Горбунов ва бошқа жангчилар билан бугдойзорга югурдик. Бора солиб уни атроподан ўраб олдик, тирик ушлашимиз керак эди.

Фашист учувчиси тирик қўлга тушишни истамай, бизга қаратиб тўппончадан ўқ узди. Биз писиб олдик, ерга ётиб эмаклаб, бугдой ичида унга яқинлашиб боравердик. Костя Горбунов граната улоқтирди, у визиллаб душман яқинида ёрилди. Қутулишининг иложи йўқ. Жон ширин, қўлини кўтаришга мажбур бўлди: қуролини мен томонга иргитди. Биз унинг қўлини орқасига боғлаб, дарров ятабга хайдаб келдик.

Батальон комиссари старший политрук Васильев немис тилини яхши билар экан. У асирга олинган фашист учувчисини бизнинг олдимиздаёқ сўроқ қила бошлади. Айтишга кўра бу асир — немис обер-лейтенанти, фронт штаби ҳузурдаги ҳаво разведкаси қисмида экан. Комиссар бу маълумотларни блокнотга ёзиб олиб:

— Қандай топшириқ олган эдинг? — сўради ундан.

— Бердичев шаҳри атроподини разведка қилишим керак эди, — деди асир.

— Хўш, қандай маълумотлар беришга улгурдинг! — Комиссар немисга жиддий қаради ва тўғри жавоб беришнинг қатъий талаб этди. — Айтавер, бўлар иш бўлди!

— Германиянинг жанубий фронт кўмондонлиги шу районда Совет Армиясининг катта куч тўплаши ахтимолдан ҳоли эмас деган фикрда, — дея мағрур тапирмоқчи бўлди у.

— Шундай дегин! Тапиравер, эшитаман.

— Кўмондонликнинг фикри чамамда тўғрига ўхшайди, — деди асир сўзида давом қилиб, — авнаразведкамиз маълумотларига қараганда, Совет Армиясининг жануби-ғарбий фронт кўмондонлиги кўп танк қисмларини ва моторлашган корнусларни шу атропога тўпламоқда, ҳойнаҳой қарши ҳужумга ўтиш ияти бўлса керак.

Комиссар авнаразведканинг «қизилгини» аниқроқ биллиб олишга қизиқди:

— Разведкачи самолётларингиз маълумотини қайси белгиларга таяниб аниқламоқда?

Асир бир оз ўйлангач қолди, кейин бошини қашиб, ташира кетди:

— Йўллардаги машина ва танклар қатновини кузатиб суратга оламиз-да, айтмоқчи ҳарбий эшелонларни ҳам...

— Тўғриси айт-чи, жапубий фронтда Германиянинг қанақа армиялари ҳаракат қилмоқчи, қандай қилди,— сўради комиссар эди.

Немис учувчиси ҳарбий сирни фош этмасликка қасамёд қилгани эсига тушиб жавоб бермай бир оз иккиланиб турди, кейин ҳамма нарсадан воқиф акаплигини намойиш қилмоқчи бўлди чоғи, бирдан бидиллаб кетди:

— Киев ва Бердичев рўпарасида Германиянинг биринчи танкчи армияси турибди, қўмондони машҳур генерал Клейст. У 1940 йилда ўз армияси билан Бельгия, Франция, Англия армияларини янчиб, Парижни босиб олган қўмондонлардан бири...

— Бошқа армия ҳам бордир?— дея сўради комиссар.

— Албатта, олтинчи, умумий қўшинлар армияси ҳам бор, унинг қўмондони генерал-полковник Паулус. Чан қанотда 17-армия — қўмондони генерал Пейтцлер, буни билсаларинг керак, яна Венгрия корпуси бор, руминларнинг 3—4-армиялари аса ўз чегарасидан ҳаракат қилади, уларнинг ҳаво флоти ҳам қатнашибди. Германиянинг 11-армияси ҳам шу томонда...

Асир бу урушда Германия ғалаба қилади, деб ўйлайди шекилли, билганича жаврай бошлади:

— Бельгия ва Франция армияларининг қобирғасини пачоқлаб ташладик, қаршилиқ кўрсатганлар ер билан яқсон бўлди,— деди керилиб фашист.

— Совет-Германия frontiда урушнинг оқибати нима бўларкин, бирор фикр айтарсан балки?— сўради комиссар, ғазабнок.

Учувчи бир оз ўйланиб қолди.

— Тўғриси айтсам,— деди асир ўзинча бир нарсани мулоҳаза қилгандай,— бизникилар катта куч билан шиддатли юришни кўзлаган эдилар, иш пачава бўлди, қаршимизда тоғдай тўсиқ, қуроли шай даҳшатли Совет армияси бор экан. Булар Европада учратган тўсиқларга асти ўхшамайди — жуда метин ва ҳужумкор экан. Лекин бари бир сизлар қаршилиқ кўрсатсанглар кўрсатаверинглар, бизнинг кучимиз битмас-туганмас, шуни билиб қўйинг. Бизга бутун Европа хизмат қилади. Қанча танк, самолёт керак бўлса, заводлар шунча чиқариб бера олади. Танк ва самолётларимизни қанча уриб бидирсаларингизда, биз-

га япги-япги машиналар, келаверади, ҳа, шундай. Билмадим, бунга армиянгиз қанча бардош берар экан?

Немис учувчиси нималар деб вайсаётганини яхши тушуниб турган старший политрук Васильев уни яна гапга солди.

— Германия армияси Совет Армиясини биринчи кунидасқ тор-мор қилади, Барбарос плани бажарилади, деб Берлин радиоси дунёга жар солмоқда, шу тўғримики?— сўради энди у.

— Биз Ғарбдан босиб борсак, Узоқ Шарқдан Япония ҳужум қилса, яна «ҳамдўстларимиз» қўллашиб юборишса совет мамлакатини хомталаш қилиб олиш қийин бўлмас, ахир!— деди асир, гўё бошқа гапга ўрин қолдирмаган стратегга ўхшаб.

— Шунга ишонса бўладими?— яна сўради комиссар.

— Ҳа, мен бунга ишонаман. Мен учун уруш тамом бўлган бўлса-да, очиқ айтишим керакки, Советлар давлати ўз армиясини йиғиб фронтга келтираман дегунча бизни қилар фронтларни ёриб ўтиб, уларни ўраб олиб, тор-мор қилар, орқадан фронтга келадиған армияларини ҳам якка-якка ўраб олиб йўқ қилар, кейин Уралгача босиб борса ажаб эмас,— деди учувчи.— Лекин Совет Россияси бепоён, уни бу бошидан у бошига боргунча не-не воқеалар юз бериши турган гап. Совет одамлари беғоналарини аямайди — буни ҳам биламан. Сизлар лак-лак армия тўплаши-нгиз мумкин-да.

Комиссар асир билан немис тилида яна анча-мунча гаплашди, ҳар ҳолда зарур маълумотлар олган бўлса керак. Биз взводга қайтаётган эдик, батальон командири капитан Кожевников мени тўхтатди-да:— Ўртоқ Ахтамов, Горбунов билан сизга бир жанговар топшириқ бор, тезроқ бориб тайёрланиб келинглар,— деб буйруқ берди. Мен Аҳмаджон Раҳимовга взводни вақтинча топшириб штабга қайтиб келдим.

— Обер-лейтенантни машинага олинглар!— деди капитан.

Асирни юк машинасига ўтказганимизда командирнинг ўзи ҳам кабинага ўтиб олди. Машина буғдойзор орасидаги арава йўллардан помаълум томонга тезлаб бораётганда қандайдир бир неча «Мессершмидт» учиб келиб тепамизда парвоз қилиб қолди. Афтидан, улар ҳалиги уриб туширилган разведкачи учувчинини ахтариб келган. Командир шоферга:

— Тезроқ ҳайда, машинани бирор дарахт панасига олайлик. Фашистлар кўриб қолса ўққа тутини мумкин,— деди.

Шу пайт иккита «Мессершмидт» булутлар орасидан чиқди-ю, пасайиб, машинамиз томон ўқдек учиб кела бошлади.

— Машинани тўхтат!— буйруқ берди командир Петренкога.

Самолётлар насланиб бизни ўққа тутди. Фашист учувчиси бир нималар деб немисча валдиради, аммо биз унинг сўзларини тушунолмадик. Машина яна жадаллаб кетди. Бугдойзор шу қадар кенг эдики, машина қанча тез юрмасин, ҳали-вери этаги кўринадиганга ўхшамасди. Душман самолётлари эса ҳамон тепамизда айланиб ўқ узгани-узган. Пулемёт ўқлари автомашинанинг кузовига тақиллаб тегарди...

Фашист учувчиси бирдан қичқириб юборди, елкасидан қон тиркираб оқиб, ўзи скамейкадан кузовга ағдарилиб тушди. Озги-бурнидан ҳам шовиллаб қон келди. Машина ўрмон ичига кириб, самолётлардан пана бўлди. Командир машинани тўхтатиб, кабинадан чиқди ва бизлардан ҳолаҳвол сўради.

— Аҳволимиз яхши-ку, асприн ўлдириб қўйдик-да,— деди Костя Горбунов қўлиб.

Капитан Кожевников бунга улча ишонмагандек:

— Жони борми, ўзи?— дея сўради яна.

Костя учувчининг ёқасидан ушлаб, кўтариб қаради-да:

— Тамом бўлибди, нафаси чиқмай, тилини тишлаб ётипти,— деди.

Душман самолётлари машинамизни йўқотиб, ўрмон устида айлана-айлана, аламидан пулемётини салт «сайратиб» аэродроми томон учиб кетди. Биз яна йўлга тушдик, бир неча километр юриб, бир шаҳарчага кириб келдик. Машинани дарахтлар панасига олдик, бу ерда Костяни қолдириб, батальон командирни мени ўзи билан бирга олиб кетди, биз анча юриб бир чорбоғ ичига кирдик, бу жой штаб экан: олдида қизил аскарлардан соқчи турбди, ҳойнаҳой дивизия ёки корпус штаби бўлса керак: уйга кириб-чиқиб турган командирларнинг унволи катта, лавозими ҳам юқорига ўхшайди.

Батальон командирни капитан Кожевников навбатчидан руҳсат сўраб, бино ичига кириб кетди. Мен эшик олдида

қолдим. Бир неча минут ўтар-ўтмас қандайдир бир сингия автомашина келиб бипо олдида тўхтади. Атрофда турган ҳарбий хизматчилар дарров уст-бошларини ростлаб, машинага томон ўгирилдилар. Мен бу хатти-ҳаракатнинг бежиз эмаслигини дарров пайқаб, камаримни таранглаб ихчам бўлиб турдим, шу заҳоти машинадан Совет Иттифоқи маршали Будённый тушди. Ҳамма «смирно» ҳолида туриб, унга салом берди.

Маршал ҳам ҳаммамизга қараб қўлини кўтариб, саломлашиб, штабга кириб кетди.

Демак, биз ғарби-жанубий фронт штабига келибмиз, чунки Семён Михайлович Будённый ғарби-жанубий томоннинг бош қўмондони экаппи билардим.

Командир ичкаридан чиқиб, «кетдик» дея имо қилди.

Биз машина олдига келганимизда Костя Горбунов командирга:

— Фашистнинг ўлигини кўрсатмадингиз-ку?— деди.

— Кимга керак, бирор чуқурга кўмиб кетамиз,— деди капитан Кожевников кулиб.

Машинамиз келган йўлидан қайтди, йўл-йўлакай бир қабристонда тўхтаб, фашист жасадини ташлаб, батальонга етиб олди.

— Хизматларингиз учун раҳмат! Энди ўз заводларингизни жашга тайёрлашлар,— деди командир ва ўз палаткасига кириб кетди.

Биз батальонга қайтгач жангчилар орасида ҳали ҳарбий форма киймаган, батальонимиз штатини тўлдириш учун келган янги йигитларга кўзим тушди. Улар Одесса областидан сафарбар қилинган экаплар.

Тушлик қилаётганимизда «Батальон сафга!» деган команда берилди. Овқат котелокда қолиб, взводни саф қилиб, штаб олдига олиб келганимизда, батальоннинг ҳамма жангчилари саф тортган экаплар.

Батальон командири қўлида блокнот, саф олдига келиб, жангчиларни кўздан кечирди-да, янги келганларни взвод, роталарга бўлиб чиқди. Янги келганларнинг кўнчилиги учинчи ротага берилди. Менинг взводимга бир киши тушди. У Аккерман қўрғонига яқин райондан экан. Рус тилида тутилиб-тутилиб жавоб берди. Бир йил ичида рус тилини бир оз ўрганган экан. Номини Артём Винничков деб атади.

Батальон командири, капитан Кожевников саф олдида жангчиларга мурожаат қилди. У, немис босқинчиларининг

тўсатдан, хоинлик билан жонажон Ватанимига ҳужум қилганлиги, Қизил Армиямиз Ватанимизани қаҳрамонларча ҳимоя қилиш учун душманга қарши қасос жапглари олиб бораётганини айтди.

— Фашистлар Германияси катта куч тўплаб азиз туپроғимизга бостириб кириб, мамлакатимизни оёқ ости қилмоқчи, — деди у.

— Энди павбат бизларга, — деди командир. — Жангга киришга буйруқ олдик! Жангга боришга ким тайёр бўлса, Ватан учун, халқ учун душмандан ўч олмоқчи бўлса, қани — уч қадам олдинга чиқсин!

Афтидан, командир жангчиларнинг ватанпарварлик ҳиссини синаб кўрмоқчи шекилли.

Биринчи бўлиб олға уч қадам ташлаб, орқамга — жангчиларимга қарадим. Костя Горбунов оёқ уриб келиб ёнимда турди. Учинчи бўлиб Аҳмаджон Раҳимов, унинг кетидан Чўлибой Рўзиев, Ҳошимжон Рўзиматов, Бўрибой Жўраев, Мамедов Қосим ўғли, янги келган Артём Винничков ва взводнинг бошқа жангчилари бириг-кетин чиқиб ёнимда саф тортишди. Бошқа взводларнинг жангчи ва командирлари ҳам бизнинг ёнимизга келиб қаторлашдилар. Янги келган, ҳали ҳарбий формани киймаганлар олдинма-кетин қаторимизга тизилишмоқда адилар.

Жангчиларнинг шахдам қадам ташлаб душман билан юзма-юз олишишга тайёр эканликларини, уларнинг жасоратини кўриб, немис асири ёдимга тушди. У асир эди. Лекин, комиссарнинг саволига жавоб берар экан, ўзини дадил тутушга ҳаракат қилар, немис армияси енгиледи деган фикрнинг асти хаёлига келтирмасди. У Геббельс пропагандасига учган — астойдил ишонган баттол немис эди, Қизил Армияни уч ойга қолдирмай тор-мор этиш тўғрисида Гитлернинг мақтанчоқлик билан айтган сўзларининг миёсида жойланиб қолган, худди бошиқлар спигари бу ҳам мақтанчоқ бўлиб қолган. Уни асир олдик, лекин у ўз авиациясининг ўқи билан жоп берди. Ҳали биз кўп асир оламиз, ҳали кўп гитлерчиларни қириб ташлаймиз...

Батальон жангчиларининг ватанпарварлик руҳидан мен шунки аяғлардим!

Пистирма

Батальон командири ҳар қайси ротага алоҳида-алоҳида жанговар топшириқ берди.

Икки рота машиналарга тушиб, фронтнинг олдинги маррасига жўнаб кетди. Бизга душман танклари ёриб ўтиши аҳтимол тutilган Михайловка қишлоғи бўсағасида пистирмада туриш вазифаси топширилди. Батальон комиссари Васильев биз билан бирга. Машинага тушиб, тайинланган жойга аудлик билан йўл олдик. Шу вақт ҳавода гувиллаб шубҳали самолётлар пайдо бўлди. Машиналаримиз ўрмон ичига бурилиб, пана жойга яширинди.

— Танклар келяпти,— деди кимдир қичқириб бирдан.

Мен дарҳол гувиллаган овоз келаётган буғдойзорга қарадим. Йўқ, танклар эмас, душман тумшуқ суққан ерлардан чекинаётган трактор ва комбайнлар колоннаси экан.

Душман самолётлари энди колонна устида айланиб қолди. Наҳотки, шу колоннани ҳам бомбардимон қилса, ҳарбий аҳамияти йўқ-ку бунинг аҳир?

Ушлаганимиз тўғри чиқди. Икки моторли бир неча самолёт бирин-кетин настлаб учиб, тракторлар колоннаси устида айлана бошлади. Тракторчилар машиналари рулини турли томонга буриб қўйиб, ўалари ўрмон ичига яшириндилар. Самолётлардан қора бочкадек бомбалар ажралиб, ҳар томонга ўзича кетаётган кимсасиз тракторлар устига, ён-верига тушиб портлайверди.

Батальон командири ва штабдаги жангчилар ҳам ўрмондан чошиб чиқиб, нохуш манзарага қараб ғазабланиб, аччииб турардилар. Бир неча тракторнинг устига бомба тушди, бир неча машина ва комбайнлар ўт ичида қолди, баъзилари пачақланди.

Душман бомбардимончилари «юкипи» бўшатиб кетилди. Буғдойзорни қуюқ тутун босди. Фашист учувчилари: «Совет танклари колоннасини йўқ қилдик» деб мақтавсалар ажаб эмас.

Капитан Кожевников икки взводни олиб қолиб, тракторчиларга ёрдамлашди, ярадорларини госпиталга юбориб, қолганларини ўз маршрути бўйича жўнатиб юборди.

Биз старший политрук Васильев бошчилигида Михайловка қишлоғига қараб йўл олдик. Машинада кетаётиб, ўрмонзорлар, сойлар ва бутазорларни кузатардим, ҳамма жойда танкчи-моторлашган қўшинлар жойлашиб олган, булар яқиндагина келгани сезилиб турибди: катта урушга тайёргарлик кўраётганларини фаҳмладим. Ростдан ҳам энди зўр ҳужумга ўтишимиз аниқ эди.

Қишлоқдан ўтиб, катта арғувон дарахти остида тўхтадик. Олдиндаги жар бўйида мудофаа қилиш жойи кўрсатилди. Жангчилар тезлик билан окоп қазишга киришдилар. Биз эса арғувон дарахти устида шох-шаббалардан кузатиш пункти ясадик. Станокли пулемётимни ҳам дарахт устига олиб чиқдик. Йўлнинг нариги томонидаги дарахтларга эса қўл пулемётли жангчиларни ўрнаштирдик.

Душман ҳужум қилган тақдирда тушиб жанг бошлаш осон бўлсин учун ҳар бир дарахтга арқон боғлаб қўйдик. Биз Костя билан пистирмада турган жойимиздан уч юз метр нарироқдаги йўлга мина ўрнатдик. Йўл атрофига эса бир неча фугас бомбалар кўмиб, ҳаммасининг капсулига сими боғлаб, симнинг учини портловчи электр машинага келтириб уладик.

Шу вақт ёпбошимиздан артиллериячи батарея жангчилари ўзларининг 76 мм замбаракларини судраб кела бошладилар.

— Мен уларга:

— Йўл миналаштирилган, — дедим турган жойимдан ва буғдойзор орасидан айланиб ўтиш кераклигини огоҳлантирдим.

Узоқдан паст бўйли таниш йиғитнинг гавдаси кўринганди.

— Фахриддин! — деб қичқирдим беихтиёр.

Чопиб қаршысига чиққанымда, унинг кўзи менга тушди-ю, кела солиб ўзини қучоғимга отди.

Иккаламиз бир-биримиз билан қучоқлашиб кўришиб ўнишдик.

Ҳамқишлоғим, ёшлиқдан бирга ўсган, ҳарбий хизматга ҳам бир кунда чақирилган дўстимни шу топда, фавқулодда — жанг майдонида учратиб қолдим.

— Уруш бошлангандан буён жангдаман, — деди Фахриддин, — эҳе... душман устига қанча-қанча снарядлар отмадим, оғайни.

Фахриддинлар қисми биринчи кунги тревога биланоқ қўзғалиб, Бессарабиянинг Бельци шаҳри рўпарасида Прут дарёсидан ўтган босқинчи немис фашистларига қарши жанг қилиб, кейин бу фронтга келган экан. Душман Бердичев шаҳри томон кўп танклар билан келаятганидан хабардор бўлган қўмондонлигимиз уларнинг қисмини ҳам шу томонга жўнатган экан, келишибди...

У қишлоқдан бу яқин орада хат олманти. Сўнгги олган хатида ўтил кўрганлигини хабар қилишибди экан. Отаси аскарликка кетганида тугилгани учун ўглининг номини Аскар қўйишпти.

— Билмадим, уни кўра оламанми-йўқми; — деди кўзига ёш олиб у.

— Ноумид бўлма, албатта кўрасан, — дедим унга мен, кейин: — Олимни кўрмадингми? — деб сўрадим.

Фахриддин Бессарабияда эканида урушнинг биринчи кунги артиллерия ўти билан Олимлар полкининг атакасини кўлаб-қувватлаган экан.

— Ўшанда у ўз бўлинимаси билан атакага кўтарилган эди, — деди Фахриддин менга.

Взвод жангчилари ёнига келганимда Костя Горбупов жангчиларга окоп қаздириб, қуроллارини тозалатиб, танк-отар граната ва бензин солинган шишаларни шайлатиб, ҳар қайси жангчига ўт очиш маррасини белгилаб берган экан.

Текшириб чиқсам, жангчи Рўзиев ва Артём окопини чуқур қазилмапти, жуда саёз.

— Хўш, Аккерман қўрғони ёнида машғулот ўтказаятганимиз йўқ-ку, — дедим уларга таъна қилиб. — Жанг майдонига келдик. Устингда миња, бомбалар ёрилса, душман атакага ўтиб қолса жонингни қўйишга жой тополмай қоласан... Ҳай, ҳай!

Чўлибой Рўзиев уялиб тик қараб турди-да, чор-пачор «Кечирасиз, хато қилибмиз» дея окопини чуқур қазий бошлади. Артём Вичничков ҳам куракни олиб ишга киришди. Аҳмаджон Раҳимовнинг олдига келсам, у ҳам

менга, ҳам ўаига икки окоп қазиб қўйишти, иккаласи ҳам анча чуқур қазилибди.

— Балли, ука!— дедим жангчилар олдида уни мақтаган бўлиб, зотаң, у ҳам мақташга арзийдиган, ҳам гапга тушунадиган йигит эди.

Комиссар дуб дарахти устига телефон кабели тортиб, яхши ўрнашиб олшти.

— Жангчиларни жойлаштириб бўлдингми. Ёнимга чиқ! Иккаламиз уруш майдонини кузатиб, жангнинг бориши ҳақида командирни огоҳлантириб тураман,— деди комиссар.

Бу кузатиш пункти худди сўрига ўхшаш бемалол ўтирса, ҳатто ётиб дам олса бўладиган жой бўлибди. Капитан дурбинни менга узатди-да:

— Мана атрофни яхшилаб кузатиб тур, мен бир оа дам олай,— деб сумкасини бошига қўйиб ёнбошлади.

У бош қўйди-ю дарров ухлаб қолди. Бир неча кундан бери кўчиш ташвиши, йўл азоби, тўйиб ухласлик одамларнинг тинчасини қуритган эди. Мени ҳам уйқу боса бошлади. Полевой сумкани очиб, қалам-қоғоз олдим.

«Ёрим Юлдуз, қизим Қундузим. Уруш майдонидан сизларга салом! Ҳарбий хизматни тамомлаб, дийдор кўришишимизга саноқли кунлар қолган эди. Аммо, эпитгандирсан, хоин душманлар катта уруш очиб, юртимизга ҳужум бошлади. Мен сизларга хат ёзиб, ўзимнинг бор-йўқлигимни билдирганим йўқ. Ҳурматли онам, Авазжон ва бошқа укаларимга маълум қиламан. Мен соғ-саломатман. Баҳоритдин дўстимга ва бошқа оғайниларга салом айтинг. Бугун Фахриддинни кўриб қолдим. Яхши. Унинг болачақасига ҳам салом айтинглар. У Бердичев шаҳри ёнида артиллерист бўлиб хизмат қилмоқда. Душманини қийрата-яшман, дейди у.

Мен умид қиламан галаба билан қайтишга ва тинч осуда турмушимиз бошланишига ишоначим комил, бу оғлар ана-мана дегунча келиб қолади, аминман!

Бу кунлар ҳам ўтиб кетади, тинч давр, ширин кунларга етamina, деб сизларни ишонтираман.

Старший сержант Аъзам.

Бугун 14 июль 1941 йил, Михайловка қишлоғида ёзилди».

Хатни учбурчак қилиб буклаб, сумкага солиб қўйдим, почтальонга топшираман.

Узоқдан гувиллаган овоз эшитилди. Дурбинни олиб қарасам, йўлда тўзон кўтарилди. Душманининг танкларига ўхшайди, деб комиссарни уйғотдим. Пастда аса ўзимизнинг жангчилар замбарак ва танклари оғзини тўғрилаб душманининг келишини кутиб туришибди.

Олдиндаги бугдойзорларда артиллериячилар ҳам тўнларини шайлаб, душманга зарба беришга отланганлар. Шу пайт комиссар телефон трубкасини кўтариб, душман келаётганини штабга хабар қилди.

Танклар тобора яқинлашмоқда. Жангчиларимиз душман танклари миналаштирилган майдонга кирмагунча ўт очмаслик тўғрисида огоҳлантирилган. Танклар орасидан ўтиб келаётган мотоциклчиларга кўзим тушди.

— Уртоқ старший политрук...

— Кўряпман, — деди комиссар сўзимни бўлиб.

Пулемёт ўрнатилган мотоцикллар мина кўмган ери миздан ўтиб, зудлик билан листирмамизга томон яқинлашиб келмоқда.

— Миналаримиз портламади-ку, — дедим комиссарга.

— Чуқурроқ кўмибсизлар-да. Ўт очишга ҳозир бўл!

Икки мотоцикл гизилаб олдимиздан ўтиб кетди. Миналар портлади. Бундай қарасам миналаштирилган майдонда душман танки тутуи ичида қолибди, Костя ҳам фугас бомбаларнинг сими уланган электр машинанинг дастасини бураб юборди. Бомбалар бирданига ёрилиб, қаттиқ портлаб кетди, гумбурлаган овозалар ер-кўкни ларзага келтирди.

Мен становки пулемётдан мотоциклчиларни ўққа тутдим. Ҳамма қуроллардан душман устига ўқ ёдарилади. Орта келаётган танклар қайрилиб қоча бошлади. Энди бугдойзордаги артиллериячиларимизга навбат келган эди, Фахриддин наводқачи экан. Шериклари унга снарядларни отказиб берар, у тинмай гумбурлатарди.

Душман ёрдамга самолётлар чақирганга ўхшади, оз вақт ўтмайёқ ҳавода моторларнинг кишици беҳузур қилаётган нохуш овози эшитилиб қолди: самолётлар яқин кела бошлади, чоғи.

Орқа томонимизда турган зенит замбаракларимизнинг самолётларга қараб отаётган снарядлари ҳавода кетма-кет даҳшат билан ёрилмоқда. «И-16» маркали совет ўқчи самолётлари ҳам учиб келиб, душман «кадхат»ларига ҳужум бошлади. Ҳаво жангини кузатиб турган бир жангчи:

— Ёнди, ёниб кетди, ана, ана! — деб қичқирди. Осмонга тикилдим, ҳақиқатан ҳам шундай: икки «Мессершмидт» ни тутуп қопладди, ёниб ўрмонга томён қияланиб тушаётганини кўрдим.

Немисларнинг ўқчи-қирувчи самолёти «Мессершмидт» узунчоқ, ингичка, бизларнинг самолётларга қараганда теалиги анча ортиқ эди. Самолётнинг худди баллистик снаряднинг учига ўхшатиб ясалган бурнига паррак ўрнатилган. Бизнинг самолётлар эса унча узун эмас. Лекин эли йўғошроқ, мен урушнинг биринчи кунндаёқ самолётларнинг маркасини билиб олишга жуда қизиққан эдим, шунинг учун ҳозир уларнинг хилларини дарров ажратдим-да.

Самолётлар фронт устидан учиб ўтиб бомбалар ташлаб, ёрат қилаётган бир вақтда, душмanning ердаги кучлари тобора яқинлашиб, бизга қарата артиллерияларидан тинимсиз ўт очарди. Сон-савоқсиз снарядлар буғдойзор ва ўрмон ичкарасида портламоқда эди. Бир мотоцикл яқинлашиб келаверди. Яхшилаб қарасам уни артиллериячи сержант ҳайдаб келмоқда экан. Мотоцикл аравачаси ичда қўл-оёқлари боғлиқ икки немис. Сержант асирларни корпус штабига етказиб бориш учун мотоциклни тез ҳайдаб ўтиб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмай ҳавода олдинма-кейин икки қизил ракета ялтиради. Ҳамма замбаракларимиздап бир йўла даҳшатли гумбурлаган овоз чиқди. Бу: «биз шаймиз» дейилган жавоб эди. Душман ҳужумига қарши ўлароқ, унинг аниқланган позициясига минг-минглаб совет снарядлари ёғдирила бошланди. Оломон жанг тўлони қўзгалди, шу топда: самолёт ва танклар моторининг овози, снарядларнинг портлаши атрофни ларзага келтирди.

Мен дарахт тепасидан душман танклари орқасидан лак-лак солдатлари келаётганини яққол кўрдим-да, дарров дурбинни комиссарга узатдим. У дурбин билан узоқ қараб турди-да, овоз чиқариб: бир, икки, уч деб юзга яқин танк ва бронетранспортёрларни ўнча санади, «жуда кўп пиёда аскарлари келмоқда», деб телефон билан штабга хабар қилди.

Ҳалиги икки асир берган маълумотданми ёки разведкачи самолётларнинг учувчилари келтирган хабарданми, ҳар қалай, корпус қўмондонлиги душман жиддий ҳужум бошламоқчи эканлигини билибди шекилли, дарҳол тегишли тадбирлар кўра бошлади.

Душманни ўтказмаслик учун ҳамма замбараклар ўт очмоқда эди. Артиллериячилар, орасида дўстим Фахриддинга яша кўзим тушди. У ҳам ўз тўпини тапкларга қаратиб қўйиб снаряд устига-снаряд улоқтириб турибди. Атрофга ҳамон зеҳн солиб боқаман, орқа томондан танкларимиз етиб келиб, буғдойзорга ўрнашмоқда, уларнинг тумшуклари эса йўл томонга ўқталган. Ёпиқ позициядан ўт очиб турган замбаракларни жангчилар судраб, ўрмоннинг чап томондаги майдончага очиқ позицияга олиб чиқиб, шу жойдан ўт очяптилар.

Жанг тобора кескин тус олмоқда. Бизнинг енгил тўпларимиз душман танки ортида паналаб келаётган пиеда автоматчиларини ўққа тута бошладилар. Ана, қирғин...

Хавода оқ ракета ёнди, энди командирлар ўз жангчиларига: «Олга, душманни тор-мор қилинган!» деб барата команда бердилар. Ёп-атрофдан «Ур-ра!» овозлари янгради: «ур-ра, ур-ра!...»

Танкларимиз ҳам атакага ташланди. Бизда ҳам ҳазилакам танк йиғилмаган экан. Улар ёвга ҳужум қилиб, даҳшат сола бошладилар.

Қаҳрамон жангчиларимиз фугаслар билан душман машиналарини ёндиравериб, гитлерчиларнинг танкчи қисмларини апча шошириб қўйдилар. Бунинг устига найза жанги: рус найзаси ёмон санчилишини гитлерчилар энди амалда синаб кўрдилар, бардош беролмай чекинишга мажбур бўлдилар, кўриб турибман: совет солдати ўт-олов тўпонига тик кириб боряпти, о... уни қайси ёв етга оларди, назаримда оламда ундай куч йўқ эди. Энди чин нишондим: Қизил Армиямиз кучли экан! Фашистлар албатта тор-мор бўлажак, имопим қомил бўлган.

КВ танкимиз билан «Т-34» маркали танкимиз ҳам ўз куч-қудратини намойиш қила бошлади. Уларнинг снарядлари душманининг Т-3, Т-4 маркали танкларини ҳам орқасидан, ҳам ёнбошидан уриб тинкасини қуритяпти. Агар ҳамма танкларимиз ҳам ўрта, оғир танклар бўлганда борми, душманининг тапкчи армиясини ҳали замон тор-мор қилиб ташлаган бўлурди-да. Афсус... танкларимиз унчалик эмас экан, узоқни уролмапти, аттанг!

Шундай қилиб, ҳали биз листирмадан бошлаган жангимиз энди ҳужум жангига айланиб кетди...

Олга қараб бораётирмиз. Бундан уч соат олдин гуркираб турган буғдойзор энди қон тоғи шудтоғга айланиб, ҳосили тупроққа қоришиб кетди, жанг майдонида кўк мовит

шинелли солдатларнинг чўзилиб ётган мурдалари, пачоқланган машиналар, сов-сапоқсиз сийиқ-бузуқ қурол-аслаҳалар социялиб ётарди. Улар орасида ўз солдатларимизнинг ўликлари ҳам кўзга чалинади. Уларни териб олишяпти.

Эссиз, мен кузатувчигина бўлиб қолдим шекилли, дупман билан юзма-юз олишмадим-ку, деб афсуслансам, комиссар менга тасалли бериб:

— Корпус командирининг бир ўзи шундай кенг жанг майдонини кўра олмайди, биз кузатувчиларга таянади, биз жангнинг боришини яхши аниқлаб, унга ўз вақтида хабар қилиб турсак, у ўз ихтиёридаги замбарак ва танкларни усталик билан маневр қила олади. Бунинг нафи мен билан сенинг ўт очганимиздан кўра кўпроқ бўлади! — деди.

Мен уруш майдонини кўздан ўтказиб бораётганимда Лев Толстойнинг «Уруш ва яраш» асарида Наполеон билан рус армиясининг Бородино жанги деб ном олган тарихий жанг воқеалари хотиримга тушди. У жанг ўз вақтида катта жанглардан ҳисобланса-да, барибир замбараклар ёрдамида қўл жанги, ёки найзавозликдан иборат эди. Бу урушда эса, дастлабки кунидек юзлаб самолётлар, минглаб замбараклар, миномётлар, юзлаб танклар майдонга тушди, автоматик қуроллар ишлатила бошлади, ҳар қадамда найзавозлик. Йўқ, бу уруш билан илгариги урушларнинг биронтасини тенглаштириб бўлмайди, асло!

Ваводнинг автомашиналари билан орқамиздан етиб келган батальон командири капитан Кожевников, машинага чиқинглар, деб буйруқ берди. Унинг кузатишича бундай—пиёда юриб душманга етиб олиш мумкин эмасди. Ҳаммамиз машиналарга чиқиб, фронтнинг олдинги линиясига жўнадик.

Танкчи, моторланган қисмларимиз босиб ўтган йўлдан изма-из фронт линиясига етиб келдик ва командиримиз шу жойни мудофаа учун жуда қулай деб топди — биз айланма мудофаа ясашга киришдик.

Траншеялар қааздик, ўт очиш позициялари қурдик. Шу кун меп корпусимиз штаби ҳам Михайловка қишлоғига кўчиб келибди, деб эшитдим.

Жафокаш аёл

Автомашинамиз немис-фашистларидан кечагина озод қилинган ерлардан ўтиб борарди, бир аёл йўлга туташган ўрмондан чопиб чиқиб, бизга қўл кўтарди:

— Тўхтавглар, мени ҳам олиб кетинглар,— дея ёлворди.

Шофёр Петренко бирдан тормоз қилди, лекин машина анча жойгача судралиб борди. Биз бу аёл ким бўлди экан, дегандек бир-биримизга қарадик. Батальон командири капитан Кожевников кабинанинг эшигини очиб:

— Нима гап, қаерга бормоқчисиз?— деб сўради аёлдан.

Аёл кўзига ёш олди.

— Мен ҳарбий комиссарнинг рақифасиман. Львовдан қочиб келяпман. Илтимос, мени олиб кетинглар.

Батальон командири:

— Чиқа қолинг!— деди.

Кузовда ҳамма жой банд. Мен дарҳол ўрнимдан туриб аёлга жой бердим. У жойимга ўтираётиб, миннатдорчилик билдирди.

Машинамиз юриб кетди. Қишлоқлар вайрон, шаҳар темир йўли станцияси яқсон, буғдойзорлар ёниб кул бўлиб ётипти.

Машинамизга тушиб олган аёл ён-атрофга гирён боқиб, бошини сарак-сарак қилар, бир нималар деб пичирларди. Мен беихтиёр аёлга тикилиб қолибман. У бўйибаста келишган, жигарранг сочли, шахло кўзли, кулча юзли, истараси иссиқ гўзал аёл эди. Аёл ўзини анча тетик сезар, рангига қизил югуриб асли ҳуснига қайтганди.

Қандайдир бир шаҳарга келганимизда машинамиз дарахтзор олдида тўхтади, командир кабинадан тушди.

Қани, тушинглар, дам олинглар, овқатланинглар,— деди у ва:

— Ахтамов, — деб мени чақирди.
— Лаббай, бу ердамаң, ўртоқ командир, — дедим мен.
— Аёлдан бохабар бўлиб тур. Қўлида ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Ким бўлади, «офицер хотиниман», деб бизни алдамасин, тағни.

— Тушуидим, ўртоқ командир!
Командир аёл олдига келди ва ундан:
— Отингиз нима? — сўради.
— Шура дея қолинг, — деди аёл кулимсираб.
— Шундай денг, Александра?
— Ҳа, Александра Григорьевна.
— Дуруст, сиз апа шу старший сержант ихтиёрида бўласиз.

— Хўп бўлади, ўртоқ командир, — деди аёл.
Взвод жангчиларини жойлаштирдим, ҳаво ҳужуми давфининг олдини олиш учун машинадан пулемётларни туширтириб, чорбоғнинг очикроқ жойига ўрнаттирдим, ўт очишга тайёр тургани таъкидладим. Пулемётчи Раҳимов билан Мамедов буйругимни аъло бажаришларига яхши ишонаман. Командир Костя Горбунов билан бир печа жангчини ўтин тайёрлашга юборди.

Батальон ошпазлари машиналар орқасига тиркалган дала ошхонасини артиб тозаладилар, чанг босган экан. Овқат тайёрлашга киришдилар.

— Менга икзот беринг, — деди аёл, — менинг қўлим қозоп-товоқ ювишга қовушади. — Шура дарҳол қозоп-товоқларни ювиб, гўшт майдалашга тутунди.

Ошпазимиз қрим татарни эди. Комиссар унинг ёнига келди.

— Картошкангни келтир, тозалаб берамиз, — деди у.
Бир печа киши давра олиб, картошка тозалашга киришдик.

— Александра Григорьевна, ишга киришиб кетибсиз-ку, — деди командир даврага яқинлашиб.

— Ишламаган тишламайди, дейишадик-ку, ахир, — деди кулиб Шура. У гўштни майда тўграб бериб, давра-мизга келиб қўшилди.

— Шундай қилиб, Львовдан келяпман, денг? — гап қотди командир.

— Львовни Капариснинг¹ одамлари босиб олишибди, деб эшитдим, шу тўғрими? — сўради комиссар ундан.

¹ К а п а р и с — герман ҳарбий разведкасининг бошлиғи.

— Мен уйдан чиққаным йўқ эди,— дея сўз бошлади аёл.— Кимлар босиб олганини яхши билмайман. Аммо, улар менинг уйимга граждап кийимида бостириб киришди.

— Демак, тўғри экан-да,— деди комиссар,— чегарага яқин шаҳарларга разведкачи-қўпоровчилар юборишган. Улар уруш бошланмасдан олдин ҳарбий объектлар, банк, муассасалар, партия, совет идораларини қамал қилиб қўйишган эмиш. Сигнал берилиши биланоқ қўпоровчи группалар тайинланган жойни босиб олганлар. Партия, совет ходимлари, ҳарбий раҳбарларнинг уй адреси ҳам уларда бор экан. Львов урушининг биринчи кунидеёқ қўлдан кетишига сабаб ана шу.

— О... нимасини айтасиз,— деди аёл,— ҳамма гафлатда қолди. Бомбаларнинг портлашидан уйтовдик. Эрим кийиниб чиқиб кетди-да, қайтиб келмади. Билмадим нима бўлди экан...

Ааёлниң сўзлари кўз ёшига қўшилиб кетди. Комиссар уни юантирмоқчи шекилли:

— Хафа бўлманг, хоним, тирик бўлса топишиб кетасизлар тагин,— деди.

— Йўқ, энди мен унга хотин бўлолмайман, мени «бадном» қилишган,— деди аёл, йиғламсираб.

— Сизда гувоҳ йўқ...— деди командир тасалли бериб.

— Боланг қани демайдими? Кечирмайди.

— Болангиз бормиди? Қани у?— комиссар шошилиб сўради. Энди хотиннинг ўпкаси тўлиб:

— Биттаси менинг лозимимга осилди, мен д-д-дод деб қичқирдим. Гўдак уйғониб чиққирди. Менга ҳужум қилаетгани бир нима деб не-немисчалаб валдиради. Тик тургани б-болани кўтариб деразадан та-ташлаб юборди. Учинчи қ-қ-қават... К-к-кейин ҳ-ҳушдан к-к-кетдим... М-мени булғаб, о-ов милтиқни олиб чиқиб кетишибди... Кечалаб қ-қочиб келдим...

Шура ўз сприни ўзи очганидан хижолат тортиб, майса устига чўзилиб ётиб олди. У ҳўнглалаб йиғлар, бутун вужуди титрарди...

Ғарба, фронтга жўнаб кетаётган қўшинларимизнинг олди-кети кўринмайди. Чанг-тўзон биз ўтирган чорбоё устида қуюқ туман каби қопланиб турарди.

— Пулемётга ўзинг бор,— деб буюрди командир менга.

Мен буйруқни обдан англамай аввал командирга, сўнг комиссарга қарадим. Ҳа, тушундим: узоқ-узоқлардан душман самолётларининг ғув-ғуви эшитилмоқда. Дарҳол

пичоқни ерга қўйиб, пулемёт ўрнатилган майдонга чиқ-
дим.

Қирувчи самолётлар ҳимоясида бомбардимончи само-
лётлар ёпирилиб келмоқда. Биз бир сидра пулемёт,
милтиқлардан ўт очдик. Йўлдан ўтаётган қисмларнинг
жангчилари ҳам ўз қуролларида баравар ўт очиб, само-
лётларни бу томонга яқин йўлатмасликка ҳаракат қила
бошладилар. Бу қирувчи самолётлар ўа бомбардимончила-
рини бизнинг қирувчи самолётларимиздан қўриқлаш
ниятидан келган бўлса-да, самолётларимизнинг кўринмага-
нидан фойдаланиб, улар пастланиб учиб шаҳар кўчалари-
да, ҳовдлар ичида жойлашган жангчиларимизга қаратиб
пулемётларидан ўт очдилар.

Биз ҳам бўш келмадик, командириимизнинг жанговар
буйруғига биноан ҳамма қурооллардан душман калхатла-
рига қараб барала ўқ узавердик.

... Шура ёнимга чошиб келди. Унинг қовоқлари шишиб
кетган, кўзи қизарганди. Мен самолётга шиддатли ўт оч-
ганимда Шурага «қалай» дегандек қараб қўйдим. Шура
ҳам командирнинг буйруғини эшитгандан сўнг дарҳол
дарахтга илиб қўйилган милтиғини қўлга олибди, у ош-
пазнинг жанговар қуроли эди.

Душман самолётларининг ҳужумини қайтариб турга-
нимизда Шура бирданига баланд, лекин ингичка овози
билан: «У-р-ра!» деб қичқириб юборди, душманнинг ёниб
тушаётган самолётига кўзи тушибди экан. Мен ҳам севи-
ниб беихтиёр: «У-р-р-а» деб юборганимни билмай қол-
дим.

Шура ҳаммадан олдин икки котелок сергўшт боршччи
мен билан Костя Горбунов олдига келтириб қўйди. Биз
миннатдорчилик билдириб овқатланаётганимизда у ҳам
биз билан ёнма-ён ўтириб овқатлана бошлади. Унинг чеҳ-
раси очиқ, лабида табассум қалқайгандек эди.

Нега хафасиз, комиссар!

Батальон командири капитан Кожевниковнинг ҳар галгидек таниш овози эшитилди:

— Машиналарга чиқинглар!

Ҳаммамиз шошилич равишда қурооларимизни йиғиб, машиналаримизга ўтирганимиздан сўнг колоннамизнинг қўзғалишини кутиб тургандик, командир комиссарнинг олдига келди-да:

— Нега хафасиз, комиссар? — деб сўраб қолди.

Комиссар бирор ножўя иш қилиб қўйиб отасининг қўлига тушган ёш боладек қизариб кетди:

— Лаънати немислар жуда тез бостириб келяпти, — деб гап бошлади у. — Менинг бола-чақам бошига ҳам Шуранинг кулфати тушмаса гўргайди, деб ташвиш чекялман. Борадиган жойимиз тайинли бўлганда эди бир иложини қилиб бориб уларни мамлакат ичкарасига кўчириб юборардим-да.

Батальон командири полевой сумкасида топиграфик карта чиқариб, борадиган жойимизни қалам учида комиссарга кўрсатди. Комиссарнинг чеҳрасида табассум жилвланди:

— Ахир, бу Николаевга яқин-ку, демак, мен шаҳарга бемалол тушиб чиқа олар эканман...

— Жуда соз, — деди командир, — олдинги машинага ўтиринг. Йўл бошланг, Николаев орқали ўтамиз.

Комиссарда қанот пайдо бўлди. «Раҳмат, Иван Александрович раҳмат!» деганича колоннанинг бошига қараб тез-тез юриб кетди.

— Ҳамма жойлашдимиз? — сўради командир мендап.

— Ҳамма ўз ўрнида, ўртоқ капитан.

Шарққа томон жўпадик. Бир оз юрганимизда бирдан колонна тўхтаб қолди.

— Нима гап? — командир кабинадан бош чиқарди.

Йўлимиз устида юк ортилган арава ёпиб-тутаб ётибди. Немислар шу ерни бомбардимон қилган, аравашир ёнида бомба ёрилиб, у юк-пуки билан ёниб кетган экан. Йўlining четида икки от ўлиб чўзилиб ётибди, аравакаш кўришмади.

— Шунча самолётнинг кучи битта аравага етибди-да, — деди Шура ўзича.

Мен унга изоҳ бердим:

— Агар қизил аскарларимиз ўт очмаганда борми, фашистлар бомбаларини шошилмасдан ташлаб булдан ҳам кўпроқ зарар етказган бўлар эдилар. Хайрият...

— Икки самолётга икки от берибмиз, — деди Костя кулб.

Комиссар машинадан тушиб, бир неча жангчи билан араваши йўlining четига суриб қўйишди. Йўл очилди.

Қуёш ўрмоннинг орқасига ўтиб, уфқда қизғиш нур қалқиб турганида, фронт томондан аланга кўтарилиб, ҳавони алвонсимон ғубор қоплади.

Қоронғи тушиб, тупи билан йўл юрдик, бора-бора дарёга дуч келдик. Буг дарёси, дейишди. Айтишларича бу дарёда кўприк бўлиши керак эди. Аммо тонг отаргача дарё ёқалаб юриб ҳам кўприкни топа олмадик. Эрталаб аниқласак, картада «кўприк» деб белги қўйилган жойда паром бор экан. Бундан бир неча кун илгари унинг симлари узилиб кетибди.

Яна дарё ёқалаб боравердик, энди йироқдан катта бир шаҳар кўринди, унинг маъзараси дафъатан диққатимизни ўзига жалб қилди.

Шаҳарга яқинлашганимиздан кейин яхшилаб қарасам, шундай катта дарёга понтон кўприк қурилган, яъни қайиқларни бир-бировига ёнма-ён қўйиб-тикиб, устидан махсус рельс билан тахталар ташланган ва болтлар билан бир-бировига жипс маҳкамланган. Устидан оғир танклар ўтса-да, лапанглаб тураверади.

Машиналаримизни понтон кўприқдан ўтказишга навбат кутиб турган эдик. Костя билан Шура Фидулова эса машинада тик туриб, шаҳар панорамасини томоша қилардилар. Шаҳарнинг ғарби-жанубида қандайдир бир завод трубасидан тутун бурқсиб турипти...

Демак, бу ерда ҳали заводлар ишлар экан. Шаҳар менга Одессанинг кўринишини эслатарди.

Аммо Николаев шаҳри сув бўйида, Одессага қараганда

кўркам, кўп қаватли бинолар қирғоққа қурилган. Шаҳар кўчалари дарёга келяб туташади, сув ичида ҳам шаҳар бордек, иморатларнинг акси жилваланади.

Ўтиш навбати келганда ҳаммамиз машиналардан тушидик. Чунки машина кўприк четидан чиқиб кетиб ҳалокаат юз бериши ҳам мумкин. Машиналар аста-секин ўта бошлади, орқасидан биз ҳам юриб боравердик, поитон кўприк денгиз тўлқинидек лапангларди. Ниҳоят «осма» кўприкдан эсон-омон ўтиб олдик.

Шаҳарга киришимиз биланоқ, батальон комиссари старший политрук Васильевни кўрган ўртоқлари атрофига йиғилиб, қуршаб олишди, баъзилари қучоқлашиб кўришар, баъзилари ўнишар, фронтдаги аҳвол тўғрисида ахборот олишни ишташарди.

Комиссар шу шаҳарда туғилиб ўсган, партия ва совет ташкилотларида узоқ йиллар ишлаб, анча-мунча дўст ортирган.

— Ахтамов, — қичқирди командир.

— Лаббай, ўртоқ капитан, шу ердаман.

— Ёнингга бир неча жангчи олиб комиссарнинг кўчишига ёрдам бер! Станцияга чиқариб қўйиб қайтасан. Сизларни шу ерда кутамиз.

— Хўп бўлади, ўртоқ капитан.

Мен дарҳол Ҳошимжон Рўзиматов, Чўлибой Рўризевларини олиб тошириқни бажаришга жўнадим. Биз қайтиб келгунча ошпаз билан Шура нонушта тайёрлаб қўйишган экан. Шура бизнинг келганимизни кўриб, машина ёнига чопиб келди-да, комиссарнинг тўрт ёшлар чамаси ўғлини бағрига тортди, ўнди, сўнг поёк учун олган қандиш чўнтагидан чиқариб болага узатди.

— Менинг отим Мария, — деди комиссарнинг хотини Шура билан кўришишга қўл чўзиб, — марҳаматингиздан беҳад миннатдорман.

— Менинг ҳам ўғилчам бор эди, — деди-ю, Шура ўпкасини тугулмай хўнграб йиғлаб, юзини қўли билан бекитганича чопиб қочиб кетди.

Мария ҳеч нарса англамай, эрига қаради.

— Бечора кўп мусибат чеккан... Майли, йиғласин, кўнглини пича бўшатиб олсин.

Мария Шурани юпатишга кетди. Мен улар ўртасида бўлган ўзаро гапни сал-пал эшитиб қолдим:

—... Бўлмасам, эрмия сафида қоларкансиз-да, — деди Мария.

— Қаёққа ҳам борардим. Бирини ака, бирини ука деб шуларнинг қаторида юраман-да. Ажал келса ўларман... Уруш-ку, ахир, бирорта ўқ менга ҳам тегиб қолар...

— Ундай деманг, яшанг, ғалабагача... Илтимос, комиссарингиз яхши одам. Сиз унга ғамхўрлик қилиб юринг... Кир-чир дегандек, хотин кишисиз, тушунасиз...

— Дардимни янгиламанг, синглим,— деди Марияни қучоғига босиб Шура,— биз сиз билан опа-сингил тутинамиз. Насиб бўлса урушдан кейин... Эрингиз тўғрисида ташвиш тортманг. Ёқаси ҳам кир бўлмайди...

Улар қалин дугоналардек ўпишиб хайрлашишди. Костя билан иккимиз жангчиларнинг паёгидан вон, қанд, консерва йигиб бир қоп қилиб, комиссарнинг хотинига бердик. Узоқ сафарга жўнайди, оч қолмасян... Мен Шофриковдаги уйимнинг адресини бердим:

— Ким билади, балки Бухоро областига борарсиз, бизникига киринг.

Комиссарнинг хотинини Костя Горбунов билан стапцияга олиб чиқдик. Эвакуация поезда жўпагунча комиссарнинг ёнида бўлдик. Поезд жўпади. Комиссар юзипи биздан яширди. У кўзига қалқиб чиққан ёшии бизга кўрсатмоқчи эмасди...

Ғоз гўшти, қизлар қўшиғи

Колоннапи капитан Кожевниковнинг ўзи бошқариб борарди. Биз Николаев шахрини томоша қилиб, чексиз Украина манзараларига ўзгача ҳавас билан бôқиб борамиз.

Бепоен буғдойзор... Бир томонда ҳали ўрилмаган, бир томонда боғланиб, ғарам-ғарам уюлиб қўйилган буғдой. Неча-неча комбайнлар буғдойзорда пишқириб сузиб боряпти, хотин-қизлар, қари-қартаглар ҳам чалғи билан ўроқ қилишяпти. Буларни кўрар эканман, Украинада бу йил буғдой мўл-кўл битганидан қувонар, бу бойликнинг оёқ ости бўлиб, душман қўлида қолишини ўйлаб бениҳоя ачинардим.

Бир неча чақирим йўл босганимиздан кейин ўнг томонда кўм-кўк, қалпн ўрмон кўринди.

— Анавини қара, дўстим, қандай баҳралик жой экан-а— дедим Костя Горбуновга. Костя менга қараб кулди-да:

— Бу ўрмон Днепр дарёси бўйидаги ўрмонлар билан туташиб кетган боғу чорбоғлар бўлади. Дарё Қора денгизга бориб қуйиладиган жойгача бутун атрофи шундай баҳрали-кўркем,— деди.— Биз Днепрга чекинямиз, шекилли.

Колоннамиз икки кун тинимсиз йўл босди. Ниҳоят, қалин чорбоғ билан қопланган қишлоққа кирганимизда командир кабинасидан тушиб, машиналарнинг етиб келишини кутиб турди. Колонна қаторлашгандан кейин капитан буюрди:

— Машиналардан тушиб, чорбоққа жойлашинглар, машиналарни дарахтлар тагига тортинглар, дам олиб овқатланамиз...

Командирнинг буйруғини тездан бажариб, уст-бошларимизни қоқиб, қуролларимизни артиб, ювиндик, Қиш-

лоқ аҳолиси бизнинг келганимиздан хабар топиб, чорбоғ теварагини қуршаб олди. Уларнинг қўпчилиги кекса чолу кампирлар, балоғатга етган қиз-жувонлар, мактаб ёшидаги болалар эди.

Фронт ҳақида, душман ҳақида, армиямизнинг жанг олиб бориши ҳақида сўраганларида, уларга душман босиб, шаҳарларимизни бирин-кетин ишғол қилиб келяпти дейишга ҳеч кимнинг тили бормасди. Уларнинг саволларига: «Фронт ҳали узоқда» деб қўя қолардик. Улар Совет информация бюросининг хабарини эшитиб турган бўлсалар-да, бизлардан аниқроқ маълумот олишни истардилар. Аммо, бизнинг ўзимиз ҳам тобора фронтдан узоқлашиб, ҳақиқий аҳволдан беҳабар қоляпмиз-ку, нимани ҳам аниқроқ айта олардик.

Ошпаз билан Шура қозон-товоқ ювиш ҳаракатида. Бир маҳал, қарасам қишлоқ қиялари уларга ёрдам беришяпти.

— Ҳой одамлар, раис келяпти, тарқалинглар,— деди кимдир.

Колхознинг раиси ўрта бўйли, тўладан келган кекса киши экан. Бизларнинг бу ерга келганимизни билиб, бир аравада ўттизтача ғоз, ўрдак, товуқ, бир аравада қовун-тарвуз, бодрийг, помидор, карам, картошка олиб келипти.

— Азаматлар,— деди йўғон овоз билан раис,— бошлиқларинг ким?

Командир ва комиссар уни ҳурмат билан кутиб олиб, бутун жангчилар номидан мишпатдорчилик билдиришди, уни палаткага таклиф этишди.

Келтирилган нарсаларни аравадан тушириб, овқатни тез пишириш учун ошхона ходимларига ёрдамлаша бошладик: кимдир ғоз сўяди, кимдир қайноқ сувдан ўрдак олиб патини тозалайди, кимдир картошка арчади, хуллас бир дамда иш қизиб кетди.

Ошпаз ўрдак, ғозлардан бир нечасини қозонга солиб, картошка, помидорлар аралаштириб қовурма пиширади.

Шу пайт мен тўсатдан гармонь овозини эшитиб қолдим. Мактаб болалари чолғу асбобларини олиб келишибди. Жангчиларимиз қишлоқ қиз-жувонларига аралашиб кетишди. Ўз-ўзидан ўйин-кулги бошланди.

Мен руҳсат сўраб командирнинг палатасига кирдим. Унинг палаткасида поход столи бор. Уйга хат ёзмоқчиман.

Раис сўзлаб турган экан. Мен хат ёзиб ўтириб, унинг гапидан қуйидаги маъмуни англадим.

Кеча райкомда мажлис бўлган экан. Душман тез суръат билан мамлакат ичкарасига бостириб келаётгани учун галла, чорва молларини ва бошқа бойликларини душман қўлида қолдирмаслик тўғрисида кўрсатма берилипти.

— Улгурсак ўриб, янчиб элеваторларга ташиймиз, ўрмоқга яширамиз. Қорамолларни Воронеж областига ҳайдаёмиз,— деди раис.— Ўрилмаган бугдойга эса ўт қўймиз...

Юрагим шув этиб кетди. Ахир, икки кун машинада юрдик, йўлнинг икки томони бепоён бугдойзор эди. Бунчалик ҳосилни тез орада йиғиштириб бўлмайди, албатта. Демак, ўт қўйилар экан-да.

— Душман эгаллаган районларда партизан отрядлари тузилаётган эмш,— дея раис сўзини давом эттирди.— Биз қараб турармидик? Ўзим бошлиқ бўламан. Эркак, хотин отрядга ёзиламиз. Йўқ, немисга қул бўлмаймиз. Бир маҳаллар оқларни қандай урган бўлсак, буларнинг ҳам худди шундай адабини берамиз! Халққа қийин, халққа. Ҳа, райком секретари тўғри айтди: Ҳаёт-мамонт уруши бу!

Ошпазининг узун бўйи палатка эшигидан энгашди:

— Овқат тайёр бўлди!

— Дарҳол сузиб бering, жангчиларимиз оч қолдилар!— деди командир.

Жангчилар котёлокларини чертиб, қатор бўлишди, навбат билан овқат нормаларини олиб чорбоққа кириб кетишди. Шура мен билан Костя Горбуновга бир котёлокдан овқат келтириб қўйди.

— Ейверинглар, тўймасаларингиз яна олиб келаман,— деди кулиб.

Костя унинг этагини тутди:

— Ҳознинг оёғидан биттаси бўлсин...

— Хўп, ўртоқ сержант,— этагини тортиб чиқиб кетди Шура.

Дам ўтмай Шура бутун бир ғозни кўтариб кирди. Костя менга кўз қисди:

— Мени суллоҳ экан деб ўйлама, дўстим. Ҳоз гўшти тўйимли бўлади, кўпдан бери ғоз гўшти еганим йўқ. Мазза қиладиган бўлдик. Шура, ёнроқ бўлганингда, ўлай агар, ўзим хотин қилиб олардим-да,— дея ҳазил қилди у.

— Вақиллама, бетамиз,— деди Шура унинг қўлидаги ғозга қўл чўзиб,— бер бу ёққа!

— Александра Григорьевна, тавба қилдим, қўйиб юбор ғозни, кечир мени... Онт ичаман: энди ҳеч бундай ҳазил қилмайман.

— Ҳазил эмиш,— қовоқ солди Шура,— котёлок билан бошингни ёрардим-ку... Бетамиз, уятсиз...

— Қўй, хафа бўлма, Шура, бетамизман, уятсизман, аҳмоқман, нима десанг — шу маи. Қўйвор энди ғозни.

Шура ғозни менга узатди. Яна Костянинг устига келди, бир нима демоқчи эди шекилли, унинг иштаҳасини бўғиб қўймай деган мулоҳаза билан индамай чиқиб кетди.

— Ростдапам аччиғи тез экан-ку,— деди унинг орқасидан қараб Костя.— Бош ёриш ҳам қўлдан келади, бунинг.

— Қассобга гўшт, эчкига жон қайғуси,— дедим мен,— бу аёл ўз ёғига ўзи қовурилиб юрипти, ҳазил кўтарадиган ҳоли борми.

Биз овқатланиб, жангчилар ёнига бордик. Аҳмаджон Раҳимов, Чўлибой Рўзиев, Ҳошимжон Рўзиматов, Бўрибой Жўраев — хуллас бутун бир бўлирма тўда бўлиб овқатланаётган экан. Артём Винничков ёғлиқ ғоз гўштини оғзига тикмоқда эди.

— Эҳтиёт бўл, яна ёрилиб кетма,— деди Костя ҳазиллашиб.

— Яхши овқат ортиб қолгупча, ёмон қорин ёрилсин,— деди Артём.

Жангчилар қаҳ-қаҳлаб кулишди. Овқатни еб, палатка олдига чиқиб турган каптан, комиссар, раис давра ёнига келишди.

— Ўртоқ раис,— деди Костя бир қадам олға ташлаб,— бутун шахсий состав номидан сизга ташаккур айтаман. Бугун овқатимиз жудаям мазали бўлди, раҳмат!

— Ош бўлсин,— деди раис,— сизларга ҳар қанча ғам-хўрлик қилсак оз, ғалабадан кейин яна келишлар, бундан яхшироқ меҳмон қиламиз.

— Раҳмат, раҳмат, албатта келамиз,— барала чувиллашди жангчилар.

— Ғоз гўшти учун алоҳида раҳмат,— деди Костя яна.

— Қани юринглар,— деди раис,— энди қизларимизнинг қўшиғини эпитинглар... Ҳой, ким бор?

Раисни кўриб уялиб, қимтиниб турган қизлар майдон ўртасига тушишди. Раис гармончига буюрди:

— Калининани чал!

Гармончи қанотини ёзди. Бутун ўрини бутун қишлоқ устида шўх, ёқимли қўшиқ янграб кетди:

— Калининка, малинка моя...

Қонга қон, жонга жон

Батальон командири фронт штабига жўнаб кетди. Корпус штаби билан алоқа узилиб, бизнинг сапёрлик батальонимиз «эгасиз» бўлиб қолди, томонларнинг қайси бирига бориш, қандай жанговар вазифани бажаришни ҳатто капитан Кожевниковнинг ўзи ҳам билмас эди. Совет информация бюросининг ахборотларида: Қўшинларимиз қаттиқ жанглардан кейин фалон шаҳарни ташлаб чиқдилар; душманнинг устун кучлари билан шиддатли жанглар олиб бориб чекиндилар... каби нохуш хабарлар бўларди. Сўнгги кунларда эса душман фронт сархатидан анча ичкарига парашютларда қўпоровчилр туширганлиги ҳақида ҳам тез-тез хабарлар тарқаларди. Аҳвол тобора таҳликали тус олмақда эди.

Капитан фронт штабига жўнаб кетгандан кейин, бизнинг жанговар ҳаётимизга раҳбарлик қилиш штаб бошлиғи билан комиссарга қолди.

Қишлоқда бир неча кун қолиб кетдик. Эрталаб йонуштадан кейин ҳар қайси взвод ўз жангчилари билан чорбоғ ичидаги майдонда машқ қила бошлади, бунда мина тайёрлаш, йўл ва кўприқларни миналаштириш, электр — портлатувчи машинадан фойдаланиш каби ҳарбий мавзуларни ўрганардилар, машғулотдан кейин эса командирлар йиғилиши бўлиб, ўтказилган машғулотга яқун ясаларди. Штаб бошлиғи инженер-капитан кичик командирлар йўл қўйган хатоларни кўрсатиб сўзлар, хатони тузатиш, машғулотларни ташкил этиш тўғрисида йўл-йўриқлар берарди.

Тушлиқдан кейин старший лейтенант Васильев оммавий-сиёсий иш ташкил этарди. Партия, комсомол йиғилишларида ҳар хил масалалар муҳокамага қўйиларди, партия ва комсомол сафига янги аъзолар қабул қилинарди. Бу оммавий ишлар кечга томон қишлоқ ёшлари билан қўшиқ айтишга, тавцага тушишга айланиб кетарди...

Батальон командири штабга жўлаб кетиш олдидан менни чақириб, Шурага милтиқ, пулемёт отишни ўргатиш тўғрисида топшириқ берди.

Мен бу ишни Шурага ҳарбий кийим кийдиришдан бошладим. Унинг жуссасига мос гимнастёрка топиш қийин бўлмаса-да, ammo унга лойиқ шим топиб бўлмади. Бунинг чорасини Шуранинг ўзи топди. У икки гимнастёркани сўкиб ўзига юбка тикди. Шунда ҳам уни жангчи қиёфасига киритиб бўлмади: пилотка ичига сочи сиғмасди. Нима қилиш керак? Соч қирқтиришга Шура кўнмади. Сочини икки йўгон арғамчидек ўриб, гимнастёрка ичидан орқаюга ташлади. Шундан сўнг боши пилоткага сиғди-ю, ammo гимнастёрка ичидаги арғамчилар юришга халал берарди. Унинг жигарранг сочлари узун ва қалин эди. Шуранинг сафда гоа юриши кулгига сабаб бўларди.

Шура эпчил, зоҳили аёл эди. Милтиққа патрон жойлаш, нишонга отишда беқиёс маҳорати бор эди. Милтиқнинг қисмларини очиб, яна йиғишда ҳам тез ишлайдигани бўлиб қолди. Мен уни иккинчи номер пулемётчи қилиб тайёрладим. У пулемётга ленталарини жойлаштиришга моҳир-уста бўлиб олди.

Командир қайтгандан кейин Шурани жангчи қиёфасида кўриб, уни милтиқ ва пулемётдан оттириб текшириб, бизнинг ишимиздан мамнун бўлди.

Аmmo, командир штабдан хомуш қайтганди. Унинг чеҳрасидан бошига бирор қайғу тушгани, бир алам унинг ичини ёндириб турганлиги билиниб турарди. Ҳамиша мулоҳим, чеҳрасидан кулги аримайдиган бу одам негадир қўрс кишига ўхшаб, қисқа, буйруқ оҳангида сўзлайдиган бўлиб қолганди.

Штабдан унинг таъби хира қайтганининг сабабини командирлар йиғилишида билдик. У штабдан қайтиш биланоқ ўқ-дори, озиқ-овқат келтириш учун старшина Савин билан жангчиларни юборган эди. Отиш майдонидан Шуранинг жанговар тайёргарлигини текшириб қайтиш биланоқ командирларни ўз палаткасига чақирди.

— Вазият оғир, жуда оғир, — деб гап бошлади командир, — қонга қон, жонга жон — иятиқом вақти келганга ўхшайди. Аҳвол бундай: Киевнинг ғарби-жанубида Бердичев шаҳрининг шимолида немис фашистларига қарши қужум бошлаб олға бораётган қисмларимизни душманнинг 1-танкчи ва 8-армияси уч томондан қелиб қамалганга олибди. Уларни қуршовдан чиқариб олиш учун фронт

қўмондонни иштиёрида етарли куч йўқ. Бизнинг корпусимиз шу районда эди, чиқиб кетдимиз, йўқми — буни билолмадим...

Шу топда менинг ёдимга ҳамқишлоқ дўстим Фахриддин тушди. Унинг ҳоли шма бўлди экан? Фашистларга асир тушмаса яхши эди.

Командир сўзида давом этди:

— Берлин радиосининг Киев олинди деб дунёга жар солгани ёлғон экан. Киев остоналарида бизнинг армияларимиз душманга қарши муҳофаа жанглари олиб бормоқда. Аммо, ҳар ҳолда Киев хавф остида, унинг жанубида, ғарбидан немислар ўраб келмоқда. Душманининг иккинчи армияси эса шимол томондан ҳаракат қилмоқда. Москва томонининг иккинчи танкчи армиясидан бир қисмини Киев фронтининг орқасига ўтказилиши қўшинларимизнинг орқа томонини анча хавф остида қолдирмоқда. Лекин Қизил Армия бош қўмондонлиги Москва жанубида душман кучи камайганини билиб, Смоленск томон армияларимизнинг қарши ҳужумини уюштирди. Дастлабки маълумотларга қараганда, душман бу ерда қақшатқич зарба еган, кўп техникасини йўқотган, миңглаб солдат-офицерлари асир олинган.

Командир бошқа фронтлардаги аҳволни ҳам таҳлил этди. Сўнгра батальон олдида қўйилган жанговар топшириқни гапирди: биз Ингул дарёси бўйига кўчишимиз, чекинаётган қўшинларнинг дарёдан ўтишини таъминлашимиз, сўнг кўприкни миналаштириб портлатишимиз, немис-фашист қўшинларининг Кривой-Рог ҳавзасига ўтишига халал беришимиз керак.

Командир харитадан маршрутни кўрсатди ва завод командирларига ўқ-дори, граната, безинли танк отар шишалардан кўпроқ олинган, деб тайинлади. Батальон жангчилари тўрт жанговар группага бўлинди, ҳар қайси группанинг вазифаси аниқ кўрсатилди. Менинг взводим лейтенант Селиверстов группасига кирди.

Қишлоқ йўлларига ва ўрмонга соқчилар қўйилди. Жангчилар қуролларини тахт қилиб шайлаб қўйдилар. Ярим кечага яқин старшина Савин ўқ-дори ва озиқ-овқатни етказиб келди. Қоровулдан бошқа жангчилар ором олишяпти — уйқуда.

Биз тонг ёриши билан жўнаб кетамиз. Ним билади, янги жойда шиддатли жанглар бўлар, аммо биз қонга қон, жонга жон — интиқом жангига тайёрмиз!

Кўприкда жанг

Тонг отарга яқин «батальон сафга!» деган команда билан уйғондик. Ҳар қайси жанговар группа ўз бошлиғи ёнида саф тортди. Командир, штаб бошлиғи, комиссар саф олдига чиқиб келдилар. Командир сафдан бир қадам олға чиқди.

— Ўртоқ жангчилар,— деди у,— Михайловка қишлоғи ёнидаги жангларда фидокорлик кўрсатганингиз учун сизларга ташаккур билдиришни кўмондонлик менга топширди. Мен ҳам сизларни батальон раҳбарлари номида табриклайман. Сизлар душмanning тўртта танкини ёндириб, ёкки юзга яқин гитлерчини қириб ташладингиз. Бу бениҳоя мардлик, таҳсинга сазовор жасурлик. Лекин ўртоқлар, гитлерчилар шу билан тинчиб қолгани йўқ, аксинча улар катта талафот бераётганига қарамай, ичкарига киришга ятилмоқда. Душман танкчи армиялари фронти-мизни ёриб ўтди ҳам.

Биз энди Ингул дарёси кўпригини қўриқлаш тўғрисида буйруқ олдик, чекинаётган қисмларимизнинг дарёдан ўтиб олишини таъминлашимиз керак, борди-ю, душман бу томонга хавф туғдирадиган бўлса, дарҳол кўприкни портлатишимиз лозим бўлади.

— Тўғри, вазифа оғир,— деди командир яна,— ammo бу жанговар топшириқни албатта бажаришимиз керак.

— Албатта бажарамиз,— дедик барала овоз билан.

— Машиналарга чиқинглар,— деб буйруқ берди командир.

Николаев шахри томон жўнадик. Бир неча соат йўл босгандан кейин, Буг дарёсига келиб қўпиладиган сойнинг кўпригига яқинлашиб тўхтадик. Жарлик ва қалин бутазорда машиналарни паналаб, шоферларни пойлоқчи қилиб қолдирдик-да, лейтенант Селиверстов билан бирга

биз дарё бўйини разведка қилиш учун пиёда кетдик. Анча узоқроқда бир қишлоқ кўзга чалинди. Унинг жануб-ғарбида катта олмазор бор экан, у ҳам кўриниб турибди. Дарё пастда, қишлоқнинг шарқидан айланиб ўтиб, чорбоққа туташар экан. Биз турган жой баланд, душман томони пастлик. Душман танкларини узоқдан кўрса бўлади. Ҳа, уни мўлжалга олиб ўт очишга қулай жой. Аммо очиқ сайхон майдон, лоақал бирорта бута ҳам йўқ. Шунинг учун лейтенант Селиверстов кўприкдан бир неча юз метр нарида позиция тузишни маъқул кўрди.

Кўприкка бориб, уни кўздан кечирдик, қанча портлатувчи дори кераклигини ҳисоблаб чиқдик.

Қишлоққа кириб кўча ва қўрғонларни айланиб кўрдик. Одамлар билан кўришиб суҳбатлашар эканмиз, улар бугун қандайдир замбаракларнинг беҳузур овози эшитила бошлаганини хабар қилишди.

Лейтенант Селиверстов, замбаракларнинг овози энди эшитилган бўлса, душман бу ерга етиб келгунча ҳали камида икки-уч соат вақт бор. «Биз унгача окоп қазиб олишга улгурамиз» деди.

Менинг вазодим кўприкнинг рўпарасида, иккинчи вазод эса ўнг томонда — мепдан уч юз метрча нарида окоп қазишга киришди. Жангчилар астойдил ва жадал ишлашди.

Шура менинг ёнгинамда окоп қазиди. Унинг курак билан тез ишлашига қойил қолардим: бирам чаққоп, бирам апчил!

Селиверстов ҳам бизнинг ёнгинага окоп қаздирди. У мен билан бир жойда бўлмоқчи. Жангчилар окоп қазиб бўлгунларича биз портловчи дориларни кўприкка олиб бориб, уни кўприк тагига жойладик. Мен электропроводни ерга кўмиб, унинг бир учини ўзимнинг окопимга олиб келдим ва уни электр қуввати берадиган машинага улаб, текшириб кўргандим, хайрият, бузуқ эмас экан. Кўпгил тўқ: душман яқин келиб, танкларни кўприкка чиқиши билан машинанинг дастасини бурасам — бас, кўприк портлаб, танклар асфаласофилин бўлиши аниқ!

Лейтенант Селиверстов қўлимга дурбинни узатди:

— Ма, душман томонини қуватиб тур! Меп орқага қайтиш йўлиминини белгилаб олай, келган йўлимивада ҳам бошига йўл бордир бадики,— деди.

Дурбин билан шимол ва ғарб томондаги йўлларга қарадим, узоқда бир қора парсага кўзим тушди.

Дурбинни қишлоққа тўғриласам, аҳоли безовта: жанг бўлишини ёки душманининг келишини сезибми, ҳар қалай, кийим-кечак, озиқ-овқатларни картошка ўраларига ташимоқда, ён болаларни эса ертўлаларга яширмоқда...

Яна ҳалиги кўринган қорага қарадим, энди у нарса анча катталашиб кўринди. Мен уни душманининг бронемашинасига ўхшатдим, билишимча у машина бош дозор колонна олдида разведка қилиб келяпти. Дурбинни лейтенантга узатдим. Лейтенант дурбин билан у томонга қараб турди-да:

— Юриши ҳарбийларга ўхшамайди, бош дозори бунча узокликда колоннадан узилиб келмаса керак, — деди ва ҳар аҳтимолга қарши жангчиларни огоҳлантирди:

— Оқоп ичида тик турманглар, ҳуштак чалинмасин, сигнал берилмагунча ўт очилмасин!

Мен дурбинни олиб яна ўша ўрмалаб келаётган қорага тикилдим: э... соябон арава!

Арава қишлоқдан ўтиб, кўприкка яқинлашганда, ҳавода самолётлар овози эшитилиб, булутлар орасидан икки моторли учта самолёт чиқди, пасайиб, кўприк устида парвоз қила бошлади.

Мен, кўприкни бомбардимон қилмаса керак, армияси шу кўприк томон келяпти-ку, деб ўйладим. Ёки бизнинг бу ерда позиция эгаллаганимизни бирор жосус хабар қилдими экан? Жангчиларга: «яширининглар, душман кўрмасин!» деб буйруқ берилди.

Арава кўприк ёнига келиб тўхтади. Аравадан бир хотин тушиб, болаларни бир жойга тўплади, аравакаш уларнинг устига пўстин-чакмонини ёпиб қўйди.

Самолётлар арава атрофига кетма-кет учта бомба ташлади, бомбалар сирепа чалиб, даҳшатли портлади. Уч самолёт чамаси учтадап бомба ташлади-ю, кейин келган томонига учиб кетди. Лейтенант Селиверстов хотин ва болаларнинг қий-чувини эшитиб, яна осмонга қаради, фашист учувчилардан ғазабланиб беихтиёр: «аблаҳлар» деб сўқди.

— Аъзам, Шура, юринглар, апави бечораларга ёрдам бериб, кўприкдан ўтказиб қўяйлик, — деди лейтенант раҳми келиб.

— Қани, туринглар, қўрқманглар, — деди Селиверстов писиб ётганларнинг устидан пўстин-чакмонини кўтариб, — самолётлар қайтиб кетди.

Аравадагилар лўлилар экан. Лўли бобонинг ўзи соғ-

лом, хотини елкасидап яраланиб, қон оқиб турибди, бир ўғли тахминап тўққиз ёшларда, унинг қорнига снаряд тегиб тилиб кетганидан ичаклари чиқиб кетибди. Ярасини боғлаб қўйдик. Бир боласи ўлипти. Лўли хотин болаларига кўзи тушиб бирдан фарёд кўтарди.

Муштипар она йиғлаб туриб Гитлерни қаргади: «Оғзи-бурнингдан қонинг келсин. Бизларга, тиламчилик қилиб юрганларга ҳам тинчлик бермасанг!» Шура уларнинг яраларини боғлаётиб ўксиниб йиғлар, афтидан, у бузилган ўз уйи, эри ва дунёдан ўтган боласини ўйларди.

Лўли бобонинг омон қолган ва ўлик бола-чақасини аравасига ортиб, кўприқдан ўтказиб қўйдик...

Иккинчи взводнинг жапгчилари окопни анча саёа қазитдилар. Уларга қараб лейтенант:

— Нима сабабдан бунча саёз қазидиллар? — деган эди, жапгчилардан бири:

— Бу ерда кўп турмаймиз-ку, кўприкни портлатгандан кейин бари бир орқамизга кетамиз-ку, — деди.

Лейтенант унга таянбёх берди: — Мабодо жанг бошла-ниб, душман миномёт ва замбараклардан ўт очса ёки бояги самолётлар келиб сизларнинг устларингга яна бомба ташласа, унда аҳволларинг қанақа бўлар эди-а?

Жапгчилар ўз хатоларини тушуниб, дарҳол окоплари-ни чуқурроқ қазившга киришдилар.

— Ярим соат вақт бераман, — деди лейтенант, — окоп-ларингни қазиб, қуроолларингни ўқлаб, шай бўлиб турин-лар. Бўлинма командирлари бориб, менга рапорт берсинлар!

Лейтенант қўлидаги соатига қараб қўйди.

Мен окопга қайтиб, гранаталарга капсулларини қўй-дирдим, бензин солинган шишаларни эса окоп биқинлари-даги махсус чуқурчаларга жойлатиб қўйдим. Чупки ши-шага тошми-ўқми тегиб синса, танкка урилгандек ўт оли-ши мумкин эди, бу тўғрида жапгчиларни огоҳлантирдим. Бизнинг жапгчилар бензинли шишани биринчи марта иш-латмоқчи эдилар-да.

Аҳмаджон Раҳимов пулемётни яхши ўрганган эди. Менинг буйруғимни кутмай, ўзи артиб, тайёрлаб ўт очиб тўғрисидаги командани кутиб турганини кўриб хурсанд бўлдим.

Шура яна ҳалиги лўли бобо воқеасини эсга солди.

— Бечоралар, хотинининг яраси ҳам оғир, йўлда ўлиб қолмаса эди... Мен ўлсам майлига, менинг учун ҳаёт бит-ган...

Лейтенант Селиверстов дурбинни яна менга узатди-да, ўзи Шурага насиҳат қилишга тутинди:

— Ундай дема, Шура, ҳали ёшсан. Балки эринг ҳаётдир. Фронтнинг бирор участкасида жангларда душманни қақшатиб юргандир. Менинг ҳам хотин, болаларим Ленинградда. Ленинградда аҳвол қандайлигини биласан. Икки ойдан бери хат-хабар йўқ. Улар соғми, йўқми — билмайман...

Шура кўз ёшларини донага артиб, бирдан тиниб қолди. «Рост айтади, ёшман, яшашим керак. Қасос олишим керак!..» деб ўйлаётгандир балки.

Қулоғимга моторларнинг овози эшитилди, кейин лўли бобо келган йўлдан қўнғизсимон нарсалар ўрмалаб келаётганини кўрдим. Жангчиларга «Жангга тайёрланинг!» деб команда бердим.

Лейтенант Селиверстовга дурбинни узатдим.

— Бир полкдан ҳам эиёд,— деди у,— колоннанинг охири кўринмайди. Жанг қаттиқ бўладиганга ўхшайди, ҳушёр туринглар!

Мен беихтиёр жангчиларимга қарайман: Жўрасев, Рўзиматов, Артём, Мамедов, Раҳимов, Шура, Рўзиев,— ҳаммаси қуроолларини ўқлаб душман томонга ўқталиб команда кутиб ётишибди.

Чап томонимга қарасам Костя Горбуновнинг жангчилари ҳам, қуроолларини тайёрлаб, ўт очишга шай бўлиб туришибди. Душман колоннасининг боши қишлоққа кириб келаётибди, аммо колоннанинг кети кўринмайди, тепа устидан чўзилиб тушиб келмоқда.

Биз томонда милтиқ, пулемёт, автомат, гранаталар билан қуроолланган олтиштача сапёр холос. Бизда эса ҳатто замбарак, миномёт ҳам йўқ. Ана шу куч билан душманнинг моторлаштирилган қисми зарбасига бардош бера оламизмикан?!

Костя Горбунов душманнинг қишлоққа кираётган мотоциклчиларининг сонини санаб ўттизтага етказди. Душман колоннаси ҳеч қаерда тўхтамай, ҳатто разведка ҳам қилмай, тўппа-тўғри қишлоқ кўчаларига кириб келаверди, машиналари орқасидан машиналари занжирдай улашиб қатор бўлиб сафланди.

Машиналарнинг устида тиш-тирноғигача қуроолланган фашист солдат ва офицерлари ўтиришибди. Душман аскарлари машиналардан тушмай турганидан улар қишлоқ аҳолисидан бу ерда Қизил Армия бор-йўқми деб сўраб

маълумот олмоқчи бўлгану, бироқ ололмаганликлари сезиларди. Агар душман бизнинг кўприк олдида истирмада турганимизни билганда эди, машинадан тушиб атрофимизда ўраб келган бўларди.

Душманнинг мотоциклчилари кўприкка томон юриди, уларнинг орқасидан машиналар ҳам қатор кела бошлади. Портлатувчи машинанинг дастасини ушлаб, душманни кўприк устида портлатай деб турганимда, мотоциклчилар бомба тушган жойга келишди-да, хавфсираб бир неча минут тўхтаб қолишди.

Шу пайт лейтенант: «шошма, ўнтачаси ўтсин, кейин портлат», деб аста қулоғимга шивирлади. Мен кузатиб турдим, колоннанинг бир қисми кўприкдан ўтиб, бошқалари кетма-кет кўприкка чиққанда машинанинг дастасини бураб юбордим. Кўприк бирдан даҳшатли гумбураб, мотоциклчилар билан бирга ҳавога кўтарилиб ерга урилди, буни кўриб ич-ичимдан севинганимдан беихтиёр: «огонь!» деб қичқириб юборибман. Жангчилар пулемёт, милтиқ, автоматларидан колоннани дўлдек ўққа тутдилар!

Ўш қапотдаги взвод ҳам қишлоқ кўчаларида машиналарда келаётган душман колоннаси устига тишмай ўт ёғдириб турди. Фашистлар гангиб қолишди, кўчи машиналаридан тушгандаёқ ер билан яксон бўлди. Тирик қолганлари жон сақлаш учун тартибсиз қочиб, ўзларини қишлоқ уйларига, қўраларга, деворлар панасига олар, чуқурларга тушиб, нажот топишга ҳаракат қилардилар. Шу таҳлит душманинг юзлаб солдат ва офицерлари тутдай тўкилди... Лекин душман оқими ёпирилиб келаверарди. Айниқса орқа томондан келаётганлари олдинги линияда шаттамизга учраган шерикларига ёрдам беришга шешилди, машиналардан тушиб, саф тортиб, ўт очардилар. Ўт тобора зўрайиб борди, ниҳоят хандақлардан бош кўтаришнинг иложи бўлмай қолди. Бу аҳволда орқага қайта олмайдиган бўлдик. Энди битта йўл, у ҳам бўлса, охириги патрон қолгунча жанг қилиш!

Шундай ўқ дўли остида Аҳмаджон билан Шура станокли пулемёт оғзини фашистларнинг тўда-тўдасига тўғри-лаб, лента устига лента бўшатмоқда эди. Чўлибой Рўзиев эса СВТ милтиғидан сидра-сидра ўт очиб турибди, унинг бир ўқи ҳам ҳайф кетмапти. Мамедовнинг жасорати мени беҳад қувонтирди: у милтиғи қўндоғини маҳкам қисиб, тинимсиз ўқ узди. Костя Горбунов бўлим жангчи-

ларини шай тутиб, тенгсиз жангда душманлар додини берарди. Фашистлар тўдаси билан юзма-юз олишувда жангчиларимизнинг ботирлигини кўздан ўтказганимда душманини пачақлаб ташлашга қодир экашимизга имоним яна бир бор комил бўлди.

Душман солдатлари ўлган-тирилганига қарамай, ҳамон ёлирилиб келарарди. Аҳмаджон қўлидан пулемётни олиб, очиқ майдонда писиб келаётган душман гуруҳига ўқталдим ва пишонга тўғрилаб ота бошлаганимда лейтенант Селиверстовнинг овози эшитилди: «Яша, Ахтамов!»

Лейтенант ўзи ҳам автоматдан ўт очар, жангнинг боришини кузатар, жангчиларга жанговар буйруқлар бериб турарди.

Икки биқинидан берган зарбамиз душманини шошириб қўйди ва уни кўп қон тўкишга, сон-саноқсиз талафот беришга мажбур қилди. Ярим соатдан ортиқ ҳамма қуроллардан тинимсиз ўт очиб, фашистларни чекиттирдик, ammo душман бизнинг пистирмамизни фаҳмлаб қолибди, ҳаммаси бўлиб атиги бир ротача жангчи шунча даҳшат солаётганини ҳам билибди. Демак, у бошқачароқ ҳужум қилиши тугран гап эди. Худди шундай бўлди: колонна орқасидан етиб келган артиллерия миномётчилари замбараклари билан позициямизга барала ўт очдилар.

Энди аҳволимиз оғирлаша бошлади. Душман артиллерияси устимизга дўлдек снаряд ёғдира ва машиналари босиб кела бошлади. Атрофимизда сон-саноқсиз снарядлар портламоқда. Бунинг устига душман бир батальон солдат ва офицерларини жангга кўтарди, иккинчисини чап қанотимиздан, учинчисини ўнг қанотимиздан юбориб, псқанжага олмоқчи бўлди, тинмай ўт очди, биз жим турардик. Уч батальон бизни астойдил ўраб олишга интилмоқда. Снаряд ва машиналардан ёғилган ўқлар позициямизни шудгорга айлантирмоқда. Аҳвол тапглашди: окопда ҳам жон сақлаш мушкул бўлиб қолди.

Лейтенант Селиверстов уруш майдонига қараб: «бир томчи қонимиз қолгунча жанг қиламиз, интиқом-интиқом!» деди ўа-ўзича, патронларни тежаб сарфлаш, керак деб жангчиларни огоҳлантирди.

Шура окопда ўтириб пулемётнинг бўшаган ленталарига патрон жойлаштирарди. Костя Горбунов аҳволга қараб ўз жангчиларини қайтадан жойлаштириб, чап томонга ўт очилшга тайёрланарди.

Бизни ўнг тарафдан ўраб олишга жазм қилиб келди-

ган душман батальонига қарши ўнг қанотда турган взводимиз ҳамлага шайланган эди.

Менинг взводимга эса фронт бўйлаб рўпарамиздан келаётган немисларнинг кучли бир батальонига қарши туриш вазифаси юкланди.

Душман автоматлардан ўт очиб устимизга бостириб келмоқда. Унинг яқин келишини кутиб турибмиз, чунки улар бизга яқин келгандагина артиллерияси ўт очишни тўхтатарди. Буни биз яхши билардик.

Артём Вилпичковдан бошқа жангчиларимизнинг ҳаммаси икки йилдан хизмат қилган ҳарбий кадр, ўз қуролларидаги беҳато ўт очишни ўрганган пухта мерган эдилар.

Жанг майдонини сичковлик билан кузатиб турган лейтенант Селиверстовнинг: — Қонхўр немис-фашистларига ҳамма қурооллардан бир йўла ўт очилсин! Огонь! — деган командаси янгради.

Ўт очилди. Фашистларнинг заижирдай уланиб кетмакети келаётган уч қатор жанговар сафи тўзиб кетди, кўк мовут шинелли солдатлар гурс-гурс ерга йиқиларди.

Жанг шиддатли тус олиб, жанговар қуроолларнинг овози ер-кўкни ларзага солмоқда. Бўрибой Жўраевнинг автомати қизиб кетди, энди у яқин келган душманга гранаталар улоқтирмоқда эди. Аҳмаджонда икки автомат: у — бирини қўйиб, бирини олиб тишмай сайратар. Артём, Мамедов, Рўзиматов, Рўзиевлар ҳам тўхтовсиз ўқ узиб турибди. Фашистлар энди тикка туриб келолмасдан, тошхарсанг балаид-паст дўпгликларга писиб эмаклаб келардилар. Кимдир Шурани чақирди. Костя Горбунов яқин келган душманга граната улоқтирган вақтида қўлидан ярадор бўлибди, Шура унинг ярасини боғлашга кетди.

Жанг майдонига қараб ҳайратда қолдим: қаердандир, беҳосдан тўпларнинг ўқи учиб келиб душман позициясида портлай бошлади. Қий-чув бошланди: немислар фарёд кўтардилар, бизнинг жангчилар эса қувончдан «урра-урра» деб қийқириншарди.

Бу яқин орада бизнинг тўпчиларимиз йўқ эди, нимага деб лейтенантга қарадим, у ҳам таажжубда эди.

Воқеа бундай экан: бизнинг шоферларимиз яшириниб турган ўрмон йўлидан от қўшилган замбаракларни судраб қандайдир артиллерия полки келиб қолипти. Жангчиларимиз ўзимизнинг тўпчилар эканини фаҳмлашибди. Петренко дарҳол полк командирига рўпара бўлиб ёрдам сўрабди.

— Немислар бизнинг жангчиларни дарё буйига қисиб қўйишди, уларни қутқаришга ёрдам беринг. Биз сапёрлармиз, сизларни дарёдан ўтказиб қўямиз.

— Қисмларингиз қаерда?— сўрапти полк командири.

— Днепрга кўприк қурмоқда, биз ҳам жангдан чиқсак шу ёққа кетамиз.

— Полк, жангга ҳозирлан, — деб команда берипти полк командири.

Командир душман позициясини аниқлашга разведкачилар юборганида, Петренкоининг ўзи уларнинг олдига тушиб бориб баландликдан узоққа тикилиб, душман позициясини ҳам, бизнинг позицияни ҳам аниқлаб, полк командирига хабар қилибди, улар дарҳол замбаракларини маълум масофага келтириб ўрнатирибди, прицелини қўйиб, замбараклардан душман устига қизил юлдузли юзлаб снарядларини уза бошлабдилар. Буни асти кутмаган фашистлар аса ўтакаси ёрилиб ваҳимага тушибдилар.

Немис қўмондонлиги ўз қисмига чекинишга буйруқ берди шеклини, омон қолган душман галаси шопилишч суратда орқага қоча бошлади.

Лейтенант Селиверстов ўлган фашистларнинг қурол-яроғларини, ҳужжатларини йиғиб олишга буйруқ берди.

— Тез бўлинглар, орқага қайтамиз, — деди у.

Биз машиналар билан ҳалиги турган қишлоққа қайтдик, командир билан комиссар штаб олдида бизни кутиб олишди.

Лейтенант Селиверстов вазифанинг бажарилгани, олиб борилган жанг ҳақида рапорт берди. Олинган ўлка ва асирлар ҳақида гапирди.

— Ярадор, қурбонлар борми?— сўради командир.

— Ҳа, бор. Икки жангчи ҳалок бўлди, бири ярадор, — деди лейтенант.

Учинчи группа етиб келди. Унда ҳам қурбонлар ва ярадорлар бор экан.

Ҳалок бўлганларни шу қишлоқ қабристонига дафн этиб, ярадорларни машинада госпиталга жўнатдик. Комиссар Васильев асирга олинган немисларни сўроқ қилиши учун штабга олиб кирди,

Днепр нега тошди экан!

Бианинг махсус инженерлик батальонимиз Никополь шахрининг ғарби-жанубида, Днепр дарёсидан ўтишга буйруқ олган кунлар эди. Йўл оғир, қумлоқ ўрмонлардан ўтиб боришимиз керак. Днепрнинг қуйи оқими ёғингарчилик кезларида тўлиб-тошиб оқар, соҳилда қалин қум қатламларини қолдирарди. Бу жойлардан машиналарнинг юриши машаққатли, биз ғилдираклар остига дарахт шохлари ташлаб, итариб аста силжитиб борардик. Жангчиларимиз қаттиқ олишув ва узоқ сафардан кейин ҳам ҳордиқ чиқармаган бўлсалар-да, аҳиллик билан ҳаракат қилиб, машиналарнинг бирор жойда ботиб тўхтаб қолишига йўл қўймасдилар.

Ўрмонлар ичидан кўп йўл юрдик, пиҳоят мавж уриб оқаётган азим дарё — Днепр соҳилига чиқдик, жангчиларимиз шунда ҳам ҳориганларини сездирмасдилар, аксинча нафасларини ростлаб, бениҳоя қувонишардилар.

Машиналаримизни паромга ортиб, дарёдан ўтдик. Кўм-кўк қуюқ ўрмон ичида дарё ёқалаб бораётиб, яна бир дарёга дуч келдик. Бу қайси дарё? Комиссар, «бу ҳам Днепр» деди. Бу жойда дарё иккига бўлиниб, ўртасида оролча пайдо бўлган экан. Дарёнинг бу тармоғи олдингидан кичикроқ, устига ёғоч кўприк қурилган. Кўприкдан ўтувчилар кўп: яқин бориб бўлмайди. Ҳамма теароқ ўтиб олишга интилади, от-арава, машиналарнинг сон-саногини йўқ. Бизга ёрдам берган артиллериячи полkning жангчилари замбарақларини дарёдан ўтказмоқда экан. Буни Петренко батальонимиз командирига айтди. Капитан Кожевников дарров бориб, полк командирига честь берди, бизни қутқарганлари учун миннатдорчилик билдириб ва биздан ёрдам керак эмасми, деб сўради шекилли. Халоскор-қурсалдошларимизнинг дарёдан ўтиб олишларини кутиб турдик.

Соҳил гўзал, дарё суви тиниқ, кўм-кўк, жўш уриб оқарди.

Ёгоч кўприк нозик. Устига машиналаримиз чиқиши биланоқ лапанглаб, қарсиллаб кишиларни ваҳимага соларди. Назаримда уни колхоз у қирғоқдан бу қирғоққа қатнаб ўз ички ишларини бажариш учун енгил-елли қилиб қурган бўлса керак. Бизнинг машиналаримиз ўтаётганда эса синай-синай деб эгилди. Ҳамма жангчи ва машиналаримиз омон-эсон ўтиб бўлдию, лекин ўқ-доря ортилган машиналардан иккитаси орқада қолиб кетипти. Бундан хабардор бўлган батальон командири Кожевников бизга қараб:

— Чопиллар, ёрдамлашиб машиналарни кўприккача келтиринлар, кейин ўзларингиз олдинроқ ўтиб олинглар, ҳа... машиналар оғир, битта-битта ўтсин,— деб буйруқ берди.

Ҳаммамиз бирдап чопиб кетдик, дарҳол икки машинани қўлда кўтаргандек кўприккача итариб келдик.

Биз кўприкдан тез ўтиб олдик, машиналар эса кўприк устига чиқиши биланоқ қутилмаган ҳол рўй берди: дарёнинг суви бирдап кўтарилиб, қирғоқлардан тошиб чиқди, жангчиларнинг оёғи остидан, машиналарнинг тагидан оқа бошлади. Сув тобора кўпайиб, «ҳа-ҳув» дегунча бир печаметр баланд кўтарилиб кўприкка урилди-да, кўприк билан бирга икки машинани суриб оқизиб кетди.

Қабландаги шоферлар дарҳол ўзларини машинадап ташлаб, биз турган қирғоққа эсон-омон сузиб чиқдилар. Ҳамма ҳайрон эди. Осмонда бир парча ҳам булут йўқ, сел ёғмаган, Днепр нега тошди экан?

Август ойи, ҳаво очиқ. Хўш, бунча сув қаердан келди экан? Батальон командири таажжубланиб, батальон комиссари Васильевга қаради.

— ДнепроГЭСнинг сувини очиб юбордилармикан, балки душман самолётлари плотинани бомбардимон қилгандир,— деди ҳайрон қолиб комиссар.

— Эҳтимол,— деди командир яна дарёга, машиналар ботган жойга қараб. Командирнинг ҳозирги ҳолати маълум: икки машинанинг дарёда қолиши батальон учун катта йўқотиш эди. Ўқ-дорилар бўлмаса, батальоннинг жанговарлик қобилияти қанчалик?

Шу вақт Аҳмаджон Раҳимов менинг ёнимга келди:

— Аъзам ака! Ижозат беринг, машинани сув тагидан топиб чиқаман, толгандан кейин чиқариш қийин бўлмас,

— Кўряпсанми, дарё қутурган,— дедим унга.— Чирпирак қилиб Қора денгизга оқизиб кетади-ку!

— Мен Амударё бўйида туғилиб ўсган йигитман. Ёшлигимда дарёдан сузиб ўтар эдим. Бу тўғрида командирга айтмоқчи бўлдим.

— Иваң Александрович, жангчилардан бири дарёга тушиб машинани тоқмоқчи, нима дейсиз?

— Ким экан у? Дарёни кўряпсанми? Бўлмаган гап,— деди Кожевников.

— Бўлади, мен тушаман,— деган овоз эшитилди шу пайт. Орқамда Раҳимов турарди.

Командир комиссарга қаради. У ҳам рози бўлгандек, «майли» деди.

— Ижозат, лекин эҳтиёт бўл!— деди Раҳимовга командиримиз.

Аҳмаджон нари-бери ечишиб, сувга тушди-да, дарёни кесиб бориб машина ағдарилган жойга етгач сув тагига шўнғиб кетди.

Батальон жангчилари билан командирлар дарё ўртасига кўз тикканлар. Сув ҳамон пишқириб оқмоқда. Ҳамма-нинг — командирларнинг ҳам, жангчиларнинг ҳам кўзи Аҳмаджон шўнғиб кетган жойда. На белги, на унинг қораси кўринса. Ҳаммамизнинг хаёлимиз унда, фақат уни ўйлаймиз. Вақт ўтпти. Сув оқизиб, машиналарга уриб пачақлаган бўлмасми тагин? Мен ташвишимни сир сақлайман. Хаёл аллақачонларга олиб қочади. Командир лейтенант Селиверстовга буйруқ берди:

— А-3 резина қайқни сувга тушириб, Раҳимовни ахтаринглар!

Бир вақт Раҳимов лаққа балиқдай сув тагидан лип этиб отилиб чиқди-да ҳаво олиб, яна гойиб бўлди. Жангчилар уни кўриб қичқириб юбордилар.

Бир неча минутдан кейин у яна шундоққина олдимиздан лўп этиб сувдан бошини кўтарди-да, командир тўғрисига сузиб келиб:

— Ўртоқ командир, икки машина ҳам ағдарилган жойида, сув тагида. Трос беринг боғлаб келай, тартиб чиқарайлик,— деди.

Юк машинасидан узун сим арқон келтирилди. Раҳимов троснинг бир учини ҳалқа қилиб боғлади. Иккинчи учини командирнинг қўлида қолдириб, сувга шўнғиб кетди. Бутун батальоннинг эътибори унда, дарёда. Трос қимирлади, у сувдан чиқиб келди. Жангчилар қатор бўлиб тросни

дарё оқимига томон тортганларида машина сув тагилан
өнгил кўчди, яна бир катта тросни Петренконинг машина-
сига боғладик. Иккинчи машинани ҳам ҳа-ҳу билан тортиб
қирғоққа чиқардик.

Командир жангчиларни сафга тизди, Аҳмаджонни саф
олдига чиқарди-да, унинг қилган ишини фидокорлик, қаҳ-
рамонлик деб атади ва шу заҳоти Аҳмаджонни қўл соати
билан мукофотлади.

Аҳмаджон барала овоз билан:— Совет Иттифоқига
хизмат қиламан!— деди-да, ўз жойига ўтиб турди. Гар-
чи, унинг жуссаси кичик бўлса-да, ҳозир батальонимизда
у дев каби салобатли жангчи эди...

Командир старшинага овқат тайёрлашни буюрди,
жангчиларга эса кир ювиш ва чўмилиш ҳақида буйруқ
берди. Аҳмаджон Раҳимов уйқуга толди.

Чўмилиш учун Днепрга тушдим, Чўлибой Рўзиев эса
мендан илгари сувга тушиб, тиззасигача келадиган жойга
бориб ювишиб турган экан. Бўрибой Жўраев ҳазил қилиб
унинг орқасидан кела солиб дарё ўртасига итариб юборди,
сувишни билмаган бу чўл йигити сувга чўкиб кетди...
Аҳмаджон бу манзарани кузатиб турган экан. У сувга
ўзини ташлаб, шўнгиб кириб Рўзиевни дарё тагидан
чиқариб-тортиб олди. Чўлибойнинг оғапга сув кириб, қор-
ни шишиб кетибди.

Шура югуриб келди. Рўзиевнинг оёғини осмонга кўта-
риб бошини қуйп қилишди, у шириллатиб сув қусди. Шун-
дай қилиб, тўртқўллик Аҳмаджон Раҳимов жангчи
Рўзиевни ҳам ўлимдан сақлаб қолди.

Урушнинг долзарб купларида чўмилишга на жой, на
вақт бўлган эди. Днепрнинг илиқ август сувида бениҳоя
роҳат қилдик. Аммо, бир воқеа ҳалигача муаммолигича
қолди: билмадим, Днепр нега топили экан?

Тунги товушлар

Батальон жангчилари ҳар галгидек бир неча тўдаларга бўлиниб, олинган назифага асосан, Днепрнинг чап қирғоғига мудофаа иншоотларини қура бошладилар. Мен ўз взводим билан қирғоқда бир неча чақирим тиканли сим тўсиғи, унинг олдида душман пиёдаларига қарши мина майдонлари барпо этиш ҳақида буйруқ олиб, иш бошлаб юбордим.

Тиканли сим қозиқлар ўрнатиладиган жойларни аниқлаш учун биз даставвал қозиқлар ғарам қилиб қўйилган жойга келдик, қизиқ: бу ерда худди биров ўргатгандек қозиқлар бир хил узунликда тайёрланиб келтирилиб қўйилган экан. Ким тайёрлапти экан?

Кейин маълум бўлишича, маҳаллий партия ташкилотлари армиямиз чекиняпти, мудофаа учун керак бўлиб қолар деб ахтиётдан тайёрлашиб қўйибдилар. Қозиқлар ёнида эса тиканли сим тўсиқлар, сал орқароқда янги қазилган хандақлар...

Петренконинг таниш автомашинаси кўрияди. У тез юриб келиб, қаттиқ тормоз билан менинг яқинимда тўхтади. Петренко кабинадан бошини чиқариб: ўртоқ командир, буларни қаерга туширамиз?— деб сўради.

Машина кузовига қарасам, лиқ тўла тиканли сим боғламлари. Дарҳол юкни туширишга Влнинчков, Рўзиев, Мамед Қосим ўғлини қўйдим. Шу заҳоти Петренко ёнимга келиб, комиссар тайинлаган бир гапни айтди: Ўзимизни ўзимиз мудофаа қилишимиз керак экан, лекин корлусларимиз келиб мудофаа маррасили қабул қилиб олгунча ҳамма ишлар «ими-жимпда» бажарилиши лозим эмас. Немс-фашистлар дарёнинг нариги бетига келиб етибди. Ҳушёр бўлиш, душманинг разведкачилари тизорига илинмасликни қаттиқ таъкидлабди. Дарёда чўмилиш,

якка якка кўриш мап этилибди. Қандай бўлмасин дарё бўйини маҳкам сақлаб туришимиз керак. Бу жанговар топшириқ!

— Комиссарга айт, топшириқ албатта бажарилади.

Петренко «хўп» дегандек честь берди.

— Милани тезроқ келтир! Душман ҳужум бошламасдан илгарироқ мудофаа иншоотларини қуриб тайёрланиб турайлик, — деб таъкидладим унга.

Душман яширинча дарёдан ўтиб, бизни қуршаб олмасин тағин, деб ўнг томондаги тепаликка алоҳида чуқур окоп қаздириб, унга жангчи Аҳмаджон Раҳимовни пулемётни билан жойлаштирдим-да, дарё томонга қараб турасан, бирон нарса кўзга чаливгудек бўлса, дарров мени хабардор қиласан деб таъкидладим унга. Шура билан у пулемётни судраб, окоп томонга кетишди. Иккинчи томонга Ҳошимжон Рўзиматовни тайинлаб юбордим. У қуролини олиб, айтилган жойга — махфий постга кетди.

Болта билан қозиқ қоқайтган Рўзиевни қаттиқ тақиллатиб урма, овоз чиқармай ишла, деб таъкидладим.

— Ўртоқ командир, у ёққа қаранг, — деб қолди бирдан Рўзиев дарёнинг нариги томонига пшора қилиб.

Осмошни қора булутдек тутун қоплаган, қишлоқлар, буғдойзорлар, элеваторлар алабга пчида, кули кўкка совурилайтган эди.

— Даҳшат-ку бу, — деди Рўзиев ҳайратлашиб.

— Ҳа, фашистлар шундай шафқатсиз...

Жўраев шундоққина ёнимизда трапшея қазийтган эди. У дарёнинг нариги ёғидаги қуюқ қора тутунга қараб турган Рўзиевга шивирлади:

— Тезроқ қимирла, оғайли, овқатни уч одамча ейсан-ку, қилар ишингнинг тайини йўқ...

Рўзиев жаҳл билан ялт этиб Жўраевга қаради-ю, аммо унинг кулимсираб турганини кўриб, шахтпдан қайтди. Жадаллик билан қозиқ қоқишда давом этди.

Петренконинг таниш машинаси яна кўринди. Жўраев, Рўзиев, Винничков, Мамедовга миналарни тездан туширишни буюрдим.

Жангчилар юкни тушираётганларида, Рўзиев миналарни қўлининг учи билангина олиб, қўрқиб-писиб ишлаётганини кузатиб турган Жўраев:

— Кўрқманг, Чўлибой ака, булар қали портламайди, капсули қўйилганича йўқ, — деди кулиб.

— Шу мишаларни қўйиш-олишни ҳеч ўргана олмадим-да,— деди Рўзиев.

Петренко гапга аралашди:

— Ўрганинг-да! Жўраев, Раҳимов ҳар қанақа миша бўлса ҳам қўйиб, ҳам олишадилар, қўрқмайдилар-ку, сиз...

— Ўрганаёй десам, уқув етмайди.

— Цирқда бўлганмисиз? — сўради ўзбек тилида Петренко, — айиқни, маймунни ўргатишди-ку, «уқув етмайди» эмиш...

Рўзиев хижолат тортди. «Энди ўрганишга ҳаракат қиламан» деб ғудурлади.

Жангчилар юкни тушириб бўлгач, Петренко яна рулга ўтирди — миша келтиришга шошылди. Мен Жўраев, Мамедов, Винничковга мишаларни ўрнатадиган жойларни кўрсатиб бордим, улар бир бошдан қўйиб чиқавердилар. Чўлибой эса мишаларни қўлтиқлаб ташиб келтирарди. Мишаларни ерга кўмпб, капсулини жойлаштираётганимизда Петренко янги янги жангчини ўзи билан олиб келди.

— Ўртоқ командир, буларни сизнинг вазодга жангчи қилиб тайинладилар. Иккаласи ҳам ёш, мактаб партасидан тўппа-тўғри бу ерга келишган экан,— деди.

Ўзуни бўйли, чувак йиғит фамилиясини Влиштейн, иккинчиси ўзини Павленко, Киев шаҳридан деб таъинлашди. Иккаласига ҳам машиналардан миша туширишни буюрдим. Улар худди Рўзиевга ўхшаб мишалар билан ошна бўлмаганликлари учунми, бир-бировларига қараб, қўрқиброқ турган адилар, Петренко буни дарров фаҳмлади ва мишаларни ўзи олиб кўрсатди.

— Мана бундай олаверинглар, булар капсулсиз, портламайдн.

Петренко машинасини бўшатиб, овқат олиб келишга жўнади.

Бир вақт ҳавода душманининг разведкачи самолёти пайдо бўлиб, худди устимизда айлана бошлади. Жангчиларга: — мишаларнинг устини хашак билан ёппб, ўзларингиз дарахтлар папасида туринглар,— деб буюрдим. Душман бизни кўрган бўлса, ҳойнаҳой расмга олади, бомба ташлаб, ўққа тутиши ҳам мумкин эди.

Жангчилар дарё бўйидаги бутазорга яшприндилар. Душман самолёти, худди бир парсани кўриб, устида айланиб учиб юрган калхатдек пасайиб бизлар қурган тиканли сим деворини расмга олаётганга ўхшайди.

Ўт очмасак, армия йўқ экан, деб ўйламасин тағин. Қўмондонлигига хабар қилса борми, душман плацдарм ағаллашга жазм қилар, балки шу жойдан ҳужум бошлар... Хаёлдан ўтказдим-да, дарҳол жангчиларга: «Ҳамма қурооллардан ўт очишга тайёрланишлар» деб команда бердим.

Ўзим станокли пулемётни ўт очишга шайлаб, қулай фурсат кутиб турдим.

Жангчилар ҳам окопларга психиб, қуроолларини ўқталиб командамни кутиб турдилар. Душман самолёти пастлаб кегланида унга ўт очдик, у ҳам бизга қарата ўт очди, кетма-кет тўртта бомба ташлади. Шундай бўлса ҳамки, бўш келмадики қурооллардан тинимсиз ўт очиб туравердик. Бомбалар даҳшатли портлаганида ҳам осколкалари ҳеч кимга тегмади. Чунки окопларимиз анча чуқур қазилган, жангчиларимиз ўзларини яхши паналаган эдилар. Влиштейннинг окопи яқинроғига бомба тушиб, уни қумга кўмиб қўйибди. У қўрққаниданми, ёки бомбанинг портлашидан гавғиб қолганиданми қум тагидан чиқмай жим ётарди. Жўраев уни кўриб дарҳол қум тагидан тортиб чиқарди, устини қоқиб, у ён-бу ёнини қараб қон-поп йўқми, деб текшириб кўрди.

— Ҳеч нарса тегмади. Бирор ерим ҳам оғриётгани йўқ,— дедп оғзини очиб лойларни туфларкан Влиштейн.

Осмонга қарасам самолёт гарб томонга пастлаб учиб кетмоқда, орқасидан қора қуюқ тутун чиқмоқда эди.

— Қаранглар, энди у қайтиб келолмайди!— дедим мен жангчиларимга.

Ҳаммамиз душман самолётини қизиқиб кузатиб турдик, Учувчи самолётдан ажралиб, дарёнинг нариги томонига парашютда тушди. Унинг олган расмлари ҳойнаҳой самолётни билан бирга куйиб кул бўлди. Баттар бўлсин! Энди қўмондонлигига бориб мақтана олмайди. Бордию, тирик қолса: Қизил Армия дарёнинг нариги бетида кўп куч тўплабди, меннинг самолётимни уриб туширдилар!— дерди.

Рўзиев билан Влиштейнни душман томонни кузатиб туришга тайинлаб, Аҳмаджон билан Рўзиматовни мишаларни қўйишга сафарбар этдим. Қоронғи тушгунча мина майдонини жанговар ҳолатга келтириш зарур эди. Икки соат деганда ишни бажариб бўлдик, Тикапли сим тортилган девор атрофига мина кўмдик, оёқ босса албатта портлайди. Жангчиларимизни мина майдонига яқинлашмасликларини қаттиқ огоҳлантирдим. Вазводни уч тўдага

бўлиб, қишлоқ аҳолиси илгари тайёрлаб қўйган траншея, окопларга жойладим, ҳар қайси окоп оралигини тахминан бир чақиримдан белгиладим, шупдай қилиб, уч чақиримча жойга айланма мудофаа қурдик.

Тун қора чодиряни ёйиши билан биз аста юриш қилдик: қўл пулемётларини кўтариб дарё қирғоғи бўйлаб, душман томонга ўн-ўн беш жойдан, станокли пулемётларни жилдириб юриб, ўн беш жойдан, автоматлар билан ўттиз-қирқ жойдан сидра-сидра ўт очиб душманни васвасага солиб қўйдик. Уч чақирим фронт линиясини взвод қарийб бир ҳафтагача мудофаа қилиб турди.

Бир кун и жапгчи Бўрибой Жўраев мендан нагадир: «Нима учун якка ўзимиз уч тўдадан туриб, ўттиз-қирқ жойдан ўт очдик»,— деб сўраб қолди.

Бу жапгчининг соддалигини билардим, унга аниқ тушунтиришга тўғри келди:

— Агар уч жойдан ўт очсак, душман бизда учта пулемёт бор экан, деб ўт чиққан жойни ҳисобга олиб қўяди. Агар биз ўттиз-қирқ жойдан ўт очсак-чи, бизни кучли полк мудофаада турипти деб ўйлайди ва артиллериядан ҳужум бошлаганида учта жойга эмас, ўттиз-қирқ жойга ўт очади. Душман чалғиб янглишади. Кўп снаряд ва миналари ҳайф кетади. Тушундингми? Агар биз ўт очиб, турмасак-чи, душман дарёнинг у томонида ҳеч ким йўқ, деб разведка юбориб, бизларга катта зарба бериши мумкин, билдингми?

— Билдим-тушундим,— деди жапгчи.— Афсуски, бир марта ҳарбий академияни тамомламаган экансиз. Ҳарбий ишни қойил қилардингизов... Жапгчи Жўраев бу гапни чин кўнглидан чиқарган бўлса керак, деб ўйладим ва:

— Ҳарбий ишга қизиқаман-да. Кўп китоблар ўқиганман. Суворов, Чингизхон, Ботухон ҳақидаги китобларни бир неча бор такрорлаганман. Ҳа, ҳарбий уставларни ҳам ёддан биламан,— дедим унга.

Тун қоронғи ва узундан-узоқ зериқарли эди. Мен қариялардан эшитган бир ҳикоямни Жўраевга айтиб бериш учун унинг ёнига ёнбошладим.

— Бир кун қишлоғимизга юздан кўп ўғри келган экан. Буни қишлоқ аҳолиси билиб қолиб, уларни ўраб олмоқчи бўлишиб, қуролланиб кўчага чиқибди. Ўғрилар эса катта телпакларини девор устига қатор қилиб териб қўйиб, фақат беш кишини яхши чолқир отлар билан қолдириб, ўзлари «ўлжа» молни олиб қочганлар. Ҳамқиш-

лоқлар девор атрофига яқинлашиб борганда ҳалиги беш киши отларига миниб қочиб қолган. Борганлар эса уларнинг қочганини ҳам сезмай, ҳа деб телпақларга ўт очаверганлар. Тонг отгунча ўт очишиб, бориб кўришса, отилган ўқлари телпақларни илма-тешик қилибди, холос. Кўрдингми, ўғрилар ҳийла ишлатиб, қанча мол-мулкни олиб қочган, бунинг устига ўзлари ҳам соғ-омон...

Зулмат кеча ярмидак ўтганда батальон комиссари старший политрук Васильев взводимизга келди.

Унга қилинган ишлар ва бажарилган вазифалар тўғрисида рапорт бердим. У қўлимни қисиб кўришаркан, бундай деди:

— Сизларга бошқа вазифа топширилгунча шу ерда турасизлар. Ўқчи дивизиялар келиб мудофаа линиясини қабул қилиб олса, кейин бизлар бошқа вазифани бажаришга борамиз. Ҳа, келганларга дарё бўйидаги мина майдонлариңизни пухта тушунтириб беринглар. Дарёдан сув келтиришга борамиз деб, портлаб кетишмасин, тагин!

Сўнгра комиссар жангчилар ҳамиша ҳушёр туришни, кундуз кушлари навбат билан дам олиб, кечалари ҳамма постда туришни маслаҳат берди. Мен ундан бизга кўпроқ гранаталар берилшини илтимос қилдим.

Комиссар овқат вақтида жангчилар билан суҳбатлашиб, уларни яна ҳушёрликка чақирди. У бу кеча ваводнинг кичик ертўласида биз билан қолди.

Тун қоронғисида якка-якка душман самолётлари фронт линиясидан ўтиб, орқа томондаги шаҳарларимизни, темир йўл станцияларини бомбардимон қилиш ниятида учиб ўтганларида уларни совет зенит замбараклари ўт очиб қарши оларди. Катта калибрли пулемётлардан ҳам ўқ отилиб, ҳавода қизил, кўк чизик товланиб, самолётларнинг орқа-олдидак брин-кетин учиб ўтарди. Қизил Армиянинг У-2 самолётлари эса душман томонга парвоз қилиб, пишонга яқинлашганда моторини ўчириб, бомбасини ташлаб, яна орқага қайтарди, тун билан ана шундай қатнаб душман позициясини бомбардимон қиларди. Биз бирипчи линияда уни яққол кузатиб, завқ билан томоша қилиб турардик. Самолётлар овози тиниши биланоқ, бутун фронт линиясида жимлик чўкарди. Бу — жуда шубҳали, ваҳимали жимлик эди.

Фронгимиз олдида беҳосдан портлаш эшитилди. Шу вақт Ҳошимжон Рўзиматов ёшимга келиб, паст овоз билан бундай деди:

— Ұртоқ командир, мина майдонда портлашдан кейін потаниш товушлар эмитилмоқда.

— Балки итлардир?!

— Йўқ, одамнинг товушига ўхшайди,— деди Рўзиматов.

Комиссар жангчилар билап бирга ертўладан чиқиб, траншеяга тушди, фронт томонга қулоқ солди, тим қоронғида ҳеч нарсани кўра олмади.

— Қаердан товуш эшитилди?— деб сўрадим Рўзиматовдан. У қўли билан ишора қилиб чап томонни кўрсатди.

Комиссар ракеткасини олиб, ёритадиган ракетадан бирини фронт томонга қарата отганда анча нарида бир қанча қуролли киши бизга томон ўрмалаб келаётганини аниқ кўрдик.

— Душман разведкачилари келяпти,— дедим комиссарга мен.

— Ўт очинглари!— дея ўша томонга яна бир ракета отди комиссар. Ҳаммамиз қуролларимиздан ўрмалаб келаётганларга қарата ўт очганимизда автомат, пулемёт товуши кечанинг суқунатини бузди.

Душман, юборган ўз разведкаси қўлга тушиб қолганини фаҳмлади. Уларни қутқазиш учун позициямизни артиллерия ўти остига олди. Шу ола-говурда душман разведкасининг соғ қолганлари ҳар томондан бизга қараб тартибсиз ўт очди.

Билишимизча фашист разведкачилари ҳам сон жиҳатдан бизда кўпроқ эди. Буни ўт очган жойларига қараб билдим.

— Бир ротага яқин,— деди комиссар.

Қўтилмаганда юз берган бу воқеани билган жангчилар ҳамма томондан душман ўқ узган жойга қарата автомат, пулемёт, милтиқлардан барала ўт очиб юбордилар...

Бизни душманнын разведкачиларидан ҳам ушшг миномёт, артиллериядан ўққа тутиши таъайшлантирмоқда эди. Мен ўзим станокли пулемётга ўтиб, тез-тез позиция алмаштириб ўт очиб турганимда душман артиллерияси пулемётимни пишонга ололмай хит бўлар, қарийб уч чақирим масофани ёппа ўққа тутарди.

Комиссар ракета отганида у томонга қарасам, фашист разведкачилари дарёнинг ўртасида орқага қараб қочиб бармоқда. Дарҳол пулемёт оғзини дарёда сузиб бораётган фашистларнинг қайиғига тўғрилаб ўт очиб юбордим.

Комиссар ҳам уаун травшеянинг у четидан-бу четга бориб, ракета отиб, нишонни яхши кўришимизга имконият яратиб турарди. Душман разведкасини қўлга туширишда олдинги линияга қўйилган миналаримиз шу пайт асқотди. У портламаганда эди, душман эмаклаб олдимизга келганини ҳам пайқамай қолардик, чунки тун қоронги, буниги устига-устак дарё бўйидаги буталар шохлаб, ҳамма нарса пана бўлиб қолган эди.

Тонг отганида ўша пана жойда душманнинг бешта ўлиги чўзилиб ётган эди. Разведкачилар шериклари жасадини олиб ҳам кетолмаптилар.

Мурдалар ётган жойга бориш хавфли эди. Чунки ўша майдон миналаштирилганди. Аммо моҳир сапёрлар Петренко билан Аҳмаджон Раҳимов аста-секин эмаклаб бориб, душман қолдириб кетган ўликларнинг ҳужжатларини ва қуролларини олиб қайтдилар.

Ҳужжатларини ўқиб кўрилганда, улар немисга ўхшамдилар. Влпштейн ўқиб кўриб, хулоса чиқара олмагандан кейин, молдаван Артём ўқиб кўрди, булар румин армиясидан, қаршимизда 3-румин армияси бор экач,— деди. У руминчапи яхши билар экан.

Комиссар, қаршимизда руминларнинг 3-армияси бўлса, демак биз кеча Антонеску юборган руминлар армиясининг разведкачилари билан жанг олиб боришимиз, деган хулосага келди. Душман артиллерияси тинмасдан позициямизга снаряд, миналар отиб турмоқда эди.

Душман Днепр устида разведкасини кучайтириб, разведкачи самолётларини тинимсиз юбориб тураверди: уларнинг бири кетса, иккинчиси келар, ҳамма вақт фронтни кезиб, қаердан ўтиш қулайлигини апиқлашга ҳаракат қиларди.

Душманнинг шунча самолётларига, албатта, биргина милтиқ ва пулемётдан ўт очиб, уларни қайтаришнинг удасидан чиқиб бўлмайди. Уларни уриб туширишга эса зенит тўплари ва қирувчи самолётлар керак.

Днепрнинг соҳилида тиңчлик бузилиб, артиллерия канонадаси еру кўкни лараага солмоқда. Уруш бизнинг ўнг ва чап томонимизда бораётганга ўхшайди.

Ўнг қанотдаги жанглар Запорожьё учун, чап томондаги жанглар аса Каховка учун олиб борилаётган бўлса керак, душман дарёдан ўтиб плацдарм эгаллаш учун жонжаҳдди билан интиляпти шекилли.

Яна кеч бўлиб, қоронғи туша бошлаганида жангчиларни ўқ-дори билан кўпроқ таъминлаб, янги келган ёш жангчи Влиштейн билан Павленкони кекса жангчиларга бирктииб, тунги мудофаага — постларга қўйдим. Бизнинг рўпарамиз ҳозирча тилч, душман томондан бирорта ёритувчи ракета ҳам отилмаяпти. Назаримда бизнинг қаршимиздан душман кетганга ўхшайди. Аммо, русларнинг: «тинч кўлда шайтон базм қуради», деган мақоли бор. Хушёр туришимиз шарт!

Батальон командири капитан Кожевников билан комиссар бизнинг позицияга келишди. Улар орқа томондан туришган эди.

— Хўш, ўртоқ Ахтамов, аҳвол қандай? — сўради командир.

— Яхши, ўртоқ командир, — дедим ва аҳвол ҳақида батафсил рапорт бердим.

— Руминларнинг адабини берярсанми? —

— Ҳа, шундай, ўртоқ командир.

— Энди бу ердан яна разведкага қелмас!

— Кечаги зарбамиз камлик қилган бўлса, келсин, яхшилаб кутиб оламиз.

Командир, ҳамма жангчиларингга айт, мен ижозат бермагунча душман томонга бирорта ўқ отишмасин, — деди.

Мен командирнинг буйругини дарҳол жангчиларга етказиш учун постларга алоқачи юборатганимда, орқа томондан батальон жангчилари қатор бўлиб келиб, траншеяларимизга кира бошладилар.

Траншеялар жонланиб қолди. Жангчилар орасида лейтенант Селдверстов ва бошқа танишлар кўринди. Улар ўзлари билан учта резина қайиқ ҳам олиб келган эканлар.

— Душман томонни разведка қиламиз шекилли, — дея ўзимча фараз қилдим.

— Ахтамов! — чақирди командир.

— Лаббай, — ҳузурига бордим.

— Дарё бўйида минасиз қулай жой борми? — сўради батальон командири.

— Бор.

— Ҳозир жангчиларни дарё бўйига бирга олиб бориб уватиб қўясан. Сўнг яна уларни ўзинг кутиб оласан! Тушундингми? — деди командир.

— Ҳа, тушундим, ўртоқ командир!

Лейтенант Селиверстов бошчилигидаги разведкачиларни дарё бўйига бошлаб бордим, қайиқларга ўтқазиб: «Ой бориб, омон қайтинглар» деб қўлимни силжитиб турдим. Қайиқлар аста-секин, шовқинсиз дарёнинг нариги бетига қараб сузиб, кўздан ғойиб бўлди.

Мен қайтиб ертўлага келиб, командирга уларни уватганим ҳақида рапорт бердим. У, ёруғлик берувчи патроўларни пулемёт лентасига жойлаб, станокли пулемётдан ҳар ўн беш минутда самолётга отгандек ҳавога тикка отиб тур, деб буйруқ берди. Лентага ўқларни жойлатиб, пулемётга ўтказиб, ўт очиб турарканман, бу ишимиз разведкага кетган ўртоқларимизга йўл кўрсатувчи сигнал эканини фаҳмлаган эдим. Улар узоқ жойларга кетганларида ҳам, шу сигналга қараб, нишон олиб келадилар.

Комиссар Васильев ҳар замон ертўладан чиқиб, тоқатсизлик билан дўстлар кетган томонга қарайди. Эртаси кун иечася сўнгги марта чиққанида уларнинг вазифани бажариб келадиган вақт етганди.

— Энди бориб кутиб ол! — деди у менга.

Дўстларимни кутиб олиш учун дарё бўйига шошилдим, узоқдан сузиб келаётган қайиқларни кўриб ўзимда йўқ қувондим, фонардан кўк сигнал кўрсатдим. «Келишяпти» деган сўзни эшитган командирнинг кўнгли таскин толиб, ертўлада деворга суяниб қолганини айтишди.

Командирга қилинган ишлар юзасидан бирин-кетин рапорт берганларида, разведкачиларнинг бир тўдаси темир йўлга портловчи дори қўйиб, будильникни ўрнатиб қелганларини билдик. Бир ҳафтадан кейин темир йўл ўз-ўзидан портлайди. Иккинчи тўда эса Никополь шаҳри яқинидаги ҳарбий объектни миналаштириб, ўзлари билан учта душман солдатини олиб келипти.

Разведкамиз ўз олдига қўйилган жанговар вазифани бажариб, омон-эсон қайтиб келганига ҳаммамиз хурсанд эдик.

Фалакнинг гардиши...

Днепр соҳилида икки ҳафтадан кўпроқ мудофаада туриб қолдик. Лейтенант Селиверстов группаси асирга тушириб келган кишилар ҳам шу ерда сўроқ қилинди. Немис солдати Ганс ўзини коммунист деб ишонтирмақчи бўлиб, асирга тушган шеригини гувоҳ қилипти.

Гансдан сўроқ олаётган комиссар Васильев мени чақиртириб қолди ва қорача, кўринишдан Ўрта осийликка ўхшаб кетган асирни кўрсатиб, «буни сен сўроқ қил», деди. Мен йиғитга тикилиб қарадиму ҳайрон бўлиб қолдим: ким бу ўзи? Қаерда кўрганман-а?

Йиғит ўрнидан турди, менга қараб туриб бирдан йиғлаб юборди.

— Аъзам ака, танимадингизми? Мен Латиф Жўраевман. Жангчингиз эдим.

— Эҳ... хоин!

— Йўқ, хоин эмасман. Сиз Котовскийдан бошқа қисмга кетганингида мен Фахриддин аканинг батареясида хизмат қилиб қолдим. Асти хоин эмасман, — такрорлади яна асир.

— Фахриддин? Қайси Фахриддин?

— Ўртоғингиз, ҳамқишлоқ бўлсаларингиз керак. Котовскийда ҳаминша бирга бўлардиларингиз-ку, — деди асир.

— Фахриддин Расуловни айтасанми? У ҳозир қаерда?

— Айтиб бераман, бу ҳикоя узун...

* * *

... 1941 йил июнь ойининг жазирама кунларида Қизил Армиянинг жанубий ва жануби-ғарбий фронтида Бердичев шаҳрининг ёвбошида қўшинларимиз душманга қақшатғич

варба бериб, кўксига ханжар ургап ва танкчи-моторлашган корпусларимизнинг бир қисми душман ҳужумни қайтариб турган бир вақтда фавқулодда немисларнинг биринчи танкчи ва олтинчи армиялари фронт линиясини ёриб ўтиб, шимолдан бизни ўраб кела бошлади.

Чап қанотда ҳам нохушлик юз берди: душманнинг ўн еттинчи ва ўн биринчи армиялари ҳамда руминларнинг учинчи армияси фронтни ёриб ўтиб, орқа томондан Первотомскийга келиб қўшилади; жанглар билан душманнинг додини бераётган танкчи-моторлашган корпусларимизнинг бир қисми Умань шаҳрининг ғарбида қуршовда қолади. Шундай оғир шароитда ҳам совет жангчилари душманга қарши қаттиқ жанг қилмоқда эдилар. Жанг бирдам тўхтамасди: кунлар ўтган сайин жангчиларимизнинг ўқ-дорилари камайиб, озиқ-овқатлари тугаб борарди...

Фахриддин ҳам ўз батареяси билан ана шу қуршовда қолиб, ёвузлар билан юзма-юз олишарди. Умань шаҳрининг ғарбида қўшинларимиз катта-кичик калибрли замбаракларни очиқ позицияга олиб чиқиб, душманларнинг танкчи корпуси йўлини тўсиб қаттиқ қаршилик кўрсатдилар.

Францияда жанг қилиб, Парижни ишғол этишда қатнашган ва катта тажриба орттирган немис танкчи корпуси бизга қарши айниқса шиддатли атака қиларди. Қизил Армия жангчилари 48-корпуснинг ҳамма ҳужумини қайтариб турдилар.

Аmmo, бизнинг қисмларга ҳа деганда ёрдам келавермади. Ўқ-дори, озиқ-овқат запаслари тугаёди. Ҳалокат тобора яқинлашаётган ана шу даҳшатли кунларда Фахриддин тўсатдан Олимни учратиб қолди. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Хўш, нима гап, дўстим, қаердан келясан? — сўради Фахриддин.

Олим урушнинг биринчи кунларидапоқ Бессарабияда жангларда қатнашгани, Прут дарёси бўйида ярадор бўлиб госпиталга жўнатилганини айтиб берди.

— Мен қайтиб келганимча госпиталь кўчиб кетибди. Излаб юриб, мана сенга дуч келиб қолдим, — деди Олим. — Эшитувимга қараганда, оғир аҳволда қолибмиз.

— Ҳа, аҳвол оғир. Қуршовни ёриб ўтишга тайёргарлик кўрямиз. Бу армияни эртага кўрмайсан. Бир неча бўлақларга бўлиниб, қуршов занжирини узади: бялиб

қўй — алагани чиқади, чиқа олмагани бир томчи қопи қолгунча жанг қилади. Сен энди мендан ажралма. Бу кеча тунги жанг билан албатта ёриб чиқамиз, ҳаммамиз тайёрланиб турибмиз,— деди Фахриддин.

— Мен,— деди Олим ўқсиниб, илгариги Олим эмасман, кўп қон тўкиб бедармон бўлиб қолганман. Жон дўстим, мендан хабардор бўлиб, ўзинг билан бирга олиб юр. Бошимдан яраланганман.

— Майли, ўлсак бирга ўлайлик!— деди Фахриддин.

Вақт ярим кечадан оғанда Умань яқинида қуршовда қолган бир қисм армиямиз бир генерал-майор раҳбарлигида уч группага бўлиниб немис қўриқчи қисмлари устига тўсатдан ҳамла қилдилар. Душмanning бу қисми ўз «ғалабасидан» мағрурланиб «ором» олаётган экан, ғафлатда қолди... Олим билан Фахриддин Уманнинг шимолига томон силжиган тўда билан бирга қоронғи кечада вокзал томонга қараб бордилар, ўт очмай, аста-аста душман окоплари устига келдилар. Учраган немисларга қарши қўл жанги ва қиличбозлик қилдилар, ниҳоят фронт линиясини ёриб ўтиб, бир неча километр йўл босганларида тонг отиб қолди, шарқдан кўтарилган қуёш бирпасда ҳамма ёқни ёритди.

Кичик-кичик тўдаларга бўлиниб-бўлиниб кетган бир неча жангчиларимиз душман фронтининг орқасидан бериб-кетин чиқа бошладилар. Аммо дармонсиз Олим бошқа жангчиларга етиб юра олмай қолди. Фахриддин ўз дўстини қолдириб кетмади, жангчи Латиф Жўраев билан навбатма-навбат опичиб бир неча юз метр масофага олиб келдилару, бари бир тезлаб бораётган ўртоқларига етиб ололмадилар, уларни кўздан йўқотдилар. Бугдойзор пчидан эмаклаб юриб-юриб учовлари ҳам қолдан тойиб ухлаб қолдилар...

Бошлаб Фахриддин моторлар овозини эшитди, Узоқдаги катта йўлдан душман машиналари ўтмоқда. Осмонда ҳаво жаппи.

Фахриддин шерикларини уйғотди. Ўттиз даражалик пессик, шу зайдда кечгача бугдойзор ичида қолсалар димиқиб ўлиш ҳеч гап эмас. Буни фаҳмлаган совет жангчилари узоқдан кўринган дарахтлар томонга эмаклаб юра бошладилар. Чапқоқлик уларни қолдан тойдирди. Яқин атрофда на кўл, на кўлмак сув бор, гўё тақир сахро...

Бугдойзорга қараганда бу кўк бутанинг тагида анча роҳатланиб дам олаётган бўлсалар-да, кунни бўйи туз

тотмаганларидан қоринлари очиб, кўнгиллари беҳузур бўла бошлади. Фахриддин Олимга:

— Сен шу ерда ўтир. Биз бу йигит билан қишлоқ-пишлоққа бориб бирор тамадди топиб келайлик, — деди.

— Фашистларга дуч келиб қўлга тушсанглар, мен ёлғиз қолиб кетаман-ку. Йўқ, борма-борма, — деди Олим ёлвориб.

— Нима еймиз ахир?

— Менинг тўрвамда колбаса бор. Нон ўрнида буғдой бошоғини эзиб, дон қилиб ейлик, — деди Латиф.

— Бўпти, ол колбасангни!

Учовлари колбасага буғдой донини қўшиб еб, қоринларини бир оз тўйдирдилар. Кеч кириб қоронғи туша бошлаганида, яна йўлга чиқдилар.

Кечаси билан ёнма-ён йўл юриб, тонг отарда яна бир буғдойзор яқинидаги ўрмонга кирдилар. Олим билан Фахриддин майса ўт устига чўзилдилар, Латиф сув ахтариб бориб, бир булоққа дуч келди. Тўйгунча ичиб, флягада сув келтирди.

Ўтиришиб овқатланишди, булоқ сувидан қониб-қониб ичиб чапқовни бостиришди. Кейин яна ястаниб ухлаб қолишди. Олим кўп қушлардан бери шифолапмай юрганиданми бирдан боши оғриб-гаггиб ҳушидан кетди-ю, ўзига келмади. Латиф Жўраев Олимнинг кўксига қулоқ солди, томирини ушлаб кўрди.

— Жопи чиқибди-ку?! — деди.

Фахриддин юзини Олимнинг бурнига тутди, нафас олишини сезолмади.

— Ўлганга ўхшайди, — деди у мунгли оҳангда.

Икки қуролдош Олимнинг жасадига тикилиб жимгина ўтиравердилар. Қуш оғди, кеч кирди.

— Энди нима қиламиз? — деб сўради Латиф.

Фахриддин тақдирга таян бериб, қўлига белкурак олди-да, дўстига гўр қазий бошлади. Умрида бирор марта гўр қазимаган бу йигит, мусулмонча қилиб чуқур гўр қазиб, еп тарафдан лаҳад тайёрлади. Сўнгра Олимнинг бош томонига ўтиб яна қулоқ солди. Жасади аллақачон совий, сўлиб қолган эди.

Латиф тўрвасидан дока олди, у билан Олимнинг юани ўрашди ва икковлашиб жасадни қабрга туширдилар, тупроқ тортдилар.

Латиф Жўраев булоқ бўйига бориб, яна флягада сув олиб келди, таҳорат қилди. Гўр устида чўнқайиб пичирлаб

Ўзича қуръон ўқиган бўлди. Фотиҳа қилгандан кейин, Фахриддин:

— Олим шаҳид кетди, у бегуноҳ! — деб қўли билан яна юзиви силади.

Қоронғи тушгандан кейин Фахриддин билан Латиф йўлга чиқди, эрталабгача Буг дарёсига етиб келишди. Дарё бўйида кечгача яшириниб ётиб, кечқурун сувдап ўтиб олиш вложини излашди, тажрибаларга таяниб, халталарнинг ичига сомон тиқиб, уни белларига боғлаб сувга тушдилар, аста-секин дарёдан сузиб ўтадилар.

Фронт линиясидан анча узоққа, Днепрга бориб қолишди, дам олиш учун шу ердаги бир деҳқон уйига киришди. Уй бекаси украин аёли экап, уларга эрининг уст-бошидан бериб, граждандча кийинтирди, нон ва бошқа овқатлар бериб қоринларини тўйғизди.

— Қишлоқда турманглар! Бу ерга немислар полициячилар қўйган. Бегона одамни дарров ўшлаб олиб кетадилар, — деди аёл огоҳлантириб.

Фахриддин:

— Мен лўлига ўхшайманми? — деб сўради.

— Немислар ҳаммадан олдин лўли билан яҳудийларни тутиб кетишди. Ҳа. Қаттиқ жазолар эмишлар. Мабодо асирга тушганинда ҳам, лўлимман дея кўрма, — деди кампир маслаҳат бериб.

— Бўлмаса, нима дейлик? — сўради Фахриддин.

— Ўзбекмпиз, Украинага ўйнаб келган эдик, уруш бошланиб қолди. Самолётлар поездларни бомбардимон қилиди. Шунинг учун ниёда кетялмиз, денглар, — дейди кампир.

Фахриддинга аёлнинг маслаҳати ёқиб тушади. Фахриддин кампирга миннатдорчилик билдирди, хайрлашиб чиқаётганда аёл: — Агар ўтиб кета олмасанглар, ўрмонда туринглар, оч қолсаларинг яна келинглар, нон пишириб бераман. Ўрмон ичида яшириниб, кейинчалик йўл топиб, фронтдан ўтиб ўзимизникиларга қўшиларсиз. Хайр, сар бўлинглар, деб хайрлашди у.

Улар ўрмонда бир неча кун қолиб кетишди. Овқатлари тугади. Латиф овқат келтириш учун ҳалиги украин аёлниг уйига кетди.

Шу вақтда қайдандир бир тўда фашист ўрмонга кириб келди, афтидан, ўқ-дори склади қурмоқчилар. Ўрмон ичида одамнинг хуррагини эшитиб, партизан бор экап, деб қуролларини ўқталиб, Фахриддиннинг устига келадилар.

Фашист офицери унинг биқинига тепади. Фахриддин кўзини очиб биланоқ, устида тик турган немисларни кўрди.

— Шерикларинг қаерда, партизан?— сўрайди немис офицери.

— Мен партизан эмасман,— дейди Фахриддин. Сўнг-ра аёл ўргатган гапларни айтади.

— Қаердансан?

— Ўзбекистондан.

Фашист офицери қайси армияда эдинг, деб сўрайди.

— Мен солдат эмасман, бу ёқларга саёҳат қилгани келган эдим, дедим-ку.

— Саёҳатчига ўхшамайсан. Оёгингдаги ботинка билан обмотка нимлигингни кўрсатиб турибди. Сен қизил аскарсан!

Фахриддиннинг устидаги кийимидан ҳарбий киши эканини билиб, қўлини орқасига боғлашди ва машинага солиб ўзлари билан олиб кетишди.

* * *

— Мен қиллоқдан қайтсам Фахриддин ака ўрпда йўқ эди, уни немислар ушлаб кетишти, деб ўйладим,— дейди Латиф Жўраев.

— Хўш, кейин нима бўлди,— сўради Ахтамов.

— Мен яна кечалаб йўлга чиқдим. Кундузи яшириниб ётдим. Икки кун олдин тонг чоғида ана шу немисга дуч келиб қолдим. Мен ҳам асирга тушдим шекилли... У рус тилини билар экан.

— Қўрқма, мен коммунистман, бирга қочамиз,— деди у. Биз фронт линиясига яқин жойда яшириниб ётдик. Кейин совет разведкачиларига рўпара бўлдик.

Ганс ҳам Латиф Жўраевнинг сўзларини тасдиқлади. Ўзининг коммунист эканлигини тасдиқламоқ учун қайчи сўради. Эскириб кетган ҳарбий гимнастёркасининг ёқаси чокига қайчи солди, ундан партия билети чиқариб олиб, ўз исми ва фамилияси ёзилган варағини комиссарга узатди.

— Германия Коммунистик партияси Гптлеринг босқинчилик урушига қандай қарайди?— деб сўради Васильев ундан.

— Коммунистлар қолган йўқ, ҳаммаси концлагерларда қамалиб ётипти. Тельманнинг ўзи ҳам қамоқда. Партиямиз бирор роль ўйнашга қодир эмас, заифлашиб кетган,— деди Ганс.

Гансни конвой билан фронтнинг тергов ташкилотига жўнатдилар. Латиф Жўраевни эса Ахтамов ўз заводида жангчи қилиб олиб қолди,

Меҳмондўст одамлар

Батальон колоннаси узоқ йўл босиб, бир қишлоққа етиб келганида, машиналардан тушишга команда берилди. Командир комиссар Васильев билан картага қараб туриб, Белоозерск район маркази бу ердан уч чақирим шарқи-шимолда эканини айтди-да, рота ва взвод командирларини олдига чақириб, қишлоқ уйларига жойлаштинглар, бу кеча шу қишлоқда дам олиб ҳордиқ чиқарамиз, аммо қишлоқ аҳолиси билан муносабатда ҳарбий интизомни бузманглар, ҳушёр бўлинглар, деб огоҳлантирди ва қишлоқ кўчаларини рота, взводларга бўлиб берди.

Бир бошдан белгиланган кўчаларга кириб, уй эгаларидан ижозат сўраб, жангчиларни учта-тўрттадан жойлаштирдик. Бир уйдан чиқётганимда ўрта яшар аёл:

— Ўртоқ командир, жангчиларингиз фронтдан ҳорб-чарчаб келган, қанақа овқат пишириб берай,— деб сўраб қолди.

— Озор чекманг, таъбингизга тўғри келганини... Ҳа айтмоқчи жангчиларимиз анчадан бери уй овқатларидан татиб кўрганлари йўқ. Илтифот қилиб пима пиширсангиз еяверадилар,— дедим. Майли, биз ҳам сизни катта қозонда пиширилган солдат овқати билан зиёфат қиламиз.

У негадир менга бир оз тикилиб турди-да:

— Чучвара қилсам бўладими? Ошпазларингиз фронт шароитида бунақа овқат пиширишга вақти йўқдир,— деди.

— Чучварани мен ҳам ёқтираман, сиздан миннатдор бўламан,— дедим кулиб.

— Ўзингиз ҳам келинг, кутаман,— деди аёл. Уйма-уй юриб, жангчиларнинг қандай жойлашганларини кўздан кечириб чиқдим-да, кўча айланишга соқчилар қўйдим,

кейин командир ҳузурига кириб, жапгчиларни жойлаш-тирганим ҳақида рапорт бердим.

Комиссар Васильев ҳам роталарнинг қандай жойлашганини кўриб чиққан экан. У командирга бундай деди:

— Қайси уйга кирмай жапгчиларни зифат қилаётганларига дуч келдим: сковороткаларда, қозонларда гўшт билан картошкалар қовурилмоқда, тузланган карам, помидорлардан стол устига тузаб қўйилган. Назаримда бу қишлоқда самогон кўпга ўхшайди. Командирларни огоҳлантириб қўйиш керак: жапгчилар керагидан ортиқча ичиб, маст-аласт бўлиб қолишмасин тағни.

Кўпчилик командирлар рапорт бериб бўлган, янги топшириқни кутмоқда эдилар. Командиримиз:

— Комиссарнинг сўзини эшитдингларми?— деб сўради айрим командирларга шама қилиб.

— Тушунарли, ўртоқ командир, тартибсизликка йўл қўймаймиз.

— Яна такрор айтаман,— деди командир,— ҳушёр бўлинглар. Кечаси жапгчилардан хабардор бўлиб, соқчиларни вақтида алмаштириб туринглар!

Командирлар жапгчилар жойлашган уйларни кўришга кетишди.

Мен уйма-уй юриб, жапгчилардан Артём Винничков, Бүрибой Жўрасев, Мамедовлар ўтирган уйга тўғри келиб қолдим. Уй бекаси — ёшироқ аёл печка ёнида тик турарди. Мен унга салом бериб, кўришдим:

— Яхшимисиз, болаларингиз, ўзингиз соғингиз,— дедим печка устида ўйнаб ўтирган болаларга кўзим тушиб.

— Болалар ҳам, ўзим ҳам соғ. Буларнинг отаси армияда, фронтга кетган. Хат ҳам, хабар ҳам йўқ,— деди аёл хўрсиниб.

— Хафа бўлманг! Ҳозир ҳамма урушда... Мана бу жапгчиларнинг ҳам хотин, болалар бор, биз ҳам кўпдан бери ҳовлимиздан хат олганимиз йўқ. Хат келиб қолар, балки ўзи ҳам...— дедим уни юпатмоқчи бўлиб.

Аёл энди мулойим жилмайди-да:

— Сиз ҳам ўтиринг, меҳмон бўлинг, роз гўштидан украинча борич пишпиряман,— деди.

— Яхши, ҳали пишганича йўқ шекилли, бошқа жапгчиларимни ҳам айланиб кўрай, бафуржа келарман.

— Албатта келинг, кутамиз, келинг,— деди аёл, хиёл чеҳраси очилиб.

Иккинчи уй эгасига салом бериб, кирсам жапгчиларни-

миздан Ҳошимжон Рўзиматов, Влиштейн, Шура ўтиришибди. Бу уйда ҳам қозонда гўшту, стол нозу-неъматларга тўла.

Учинчи уйда Петренко, Рўзиев, Аҳмаджонлар ўтиришган экан, Уй бекаси стол устида чучвара тугмоқда,

— Ёрдамлашворайми? — дедим ҳазиллашиб.

— Келинг, майли қўлингиздан келса, ёрдамлашинг, — деди у ҳам кулиб. Чучварани тугишга қўлим келишмади, эйлаёлмадим.

— Ҳечқиси йўқ, ўтириг, дам олинг, ҳозир ўзим ҳаммасини тугиб ташлайман...

Шинелимни ечиб қозиққа илиб, стулга ўтирдим. Ярим соат ичида овқат тайёр бўлиб, стол устига келтириб қўйилди, бошқа хил нози неъматлар ҳам қаторлаштирилди.

Аёл жавондан бир литрлик шишада ароқ олиб стол устига қўйди. Стоканлар келтирди. Петренко билан Аҳмаджон менга қараб таажжубландилар. Чунки армия хизматида ароқ ичиш мумкин эмасди-да.

— Ўртоқ командир, сузинг... — деди уй бекаси.

Аёлнинг сўзини тушундим, одоб юзасидан стаканларни олиб оя-оздан суздим.

Аёл стаканни кўтариб ўрнидан турди. Бизлар ҳам ўрнимиздан туриб, унинг сўзига қулоқ солдик.

— Менинг эрим граждаплар урушида қизил командир бўлиб, биринчи отлиқ армия сафида Ватан озодлиги учун курашиб ҳалок бўлган, — деди аёл. — Қўлимда уч ёш болам билан қолган эдим, уларни катта қилдим, ўқитдим, энди ҳузур-ҳаловатларини кўраман деганимда, мана бу бало — уруш бошлашиб кетди. Ўғилларим урушнинг биринчи кулиданоқ армияга кетишди, тинчлигимизни бузган ёвуз душманга зарба бериш, она-Ватанни мудоффа қилишга отланишди! Бирининг хатини Киевдан олган эдим. У полк комиссари. Бирн Москвада, бирн Ленинградда. Улардан ҳозирча хат келмай турибди. Эсу хаёлим болаларимда. Сизларнинг ҳам оналарингиз бордир, уларнинг ҳам ўй-хаёли кеча-кундуз сизларда. Ўз фарзандини не-не орзу-умидлар билан тарбиялаб катта қилади. Она-ота бола ўстирганда урушни хаёлига келтирмайди. Лекин эл бошига, юртимиз бошига бало келса даф қилишимиз керак-да. Немис-фашистларни тезроқ тор-мор қилиб, соғ-саломат уйларингизга қайтинг, менинг фарзандларим ҳам бағримга келишсин! Шу тилак учун арзимас қадаҳни кўтаринг, болажонларим!

— Айтганингиз келсин!

Ноз-неъматлардан тотиб, чучварадан еб ўтирганимида эшик очилиб бир қиз кириб келди. Шу пайт назаримда севган ёрим Юлдузхон кириб келди-ю, унинг ҳусни бу ўйини ёритгандек бўлди. Бу қиз кетидан яна беш-олти қиз катор бўлиб кириб, таъзим билан бизга салом беришди. Булар дўндик, оқ бадан, чақмоқ кўз, бир-биридан барно қизлар. Биз ҳам ўрнимиздан туриб уларни столга, овқатга таклиф қилдик.

— Келинлар қизлар! Йигитлар, танишинлар,— деди уй бекаси очяқ юз билан.

Қизлар шарофати билан иштаҳамиз яна очилиб кетди. Стаканларга тагин оз-оздан сузилди, уриштириб ичдик. Қизлар тортиниб, бир-бирларига суянишди, кулча юзларига беихтиёр қизил югурди.

— Қишлоғимиз йигитлари армияга кетишган. Қизаларимиз йигитлар билан ўйнаб-кулиб юришни соғинишган, Бугун сиз жангчилар билан ўйин-кулги қилишгани келишипти,— деди уй бекаси яна.

— Келганларингиз учун катта раҳмат,— деди Петренко.— Бугун урушни бир оз унутиб, тинч ўйин-кулги қиладиган бўлдик.— Гармонь келтирилди. Петренко уни олиб тиязасига қўйди.

Ҳаммамиз жойимиздан турдик, уч йигитга беш қиз, кимни ким ўйинга таклиф қилар экан? Қизлардан бири муаммони ечди. У дарҳол бир қизни ўйинга тортди. Қолган уч қиз билан мен, Рўзиев, Аҳмаджон қўл тутишдик. Ўзбек йигити билан украин қизининг ўйини қалай бўларкин? Мен умримда украинча ўйнамаган бўлсам-да, гармошканинг товушига қараб «қимирлай» бошладим. Аҳмаджон орқамдан: «Аъзам ака, украинча ўйинни ҳам билар экансиз-ку», деб гап қотди кулиб.

Қорақалпоқ йигити ҳам ўйинни билмайман деб турмади-да, бир қиз билан ўртага чиқиб гир айлана бошлади. Мен уларнинг ўйинига қараб турсам, назаримда Аҳмаджон мендан кўра яхши ўйнапти. У шаҳарда ўсган. Танца майдончаларида ўйинга қатнашган. Менга ўхшаш ёшлигидан рўзгор тўрвасини бўйнига осмаган-да.

Гармонь овозини эшитиб, Шура кириб келди, қизлар билан танишиб, ўйинга тушди. Ўйин қизиб кетди. Влиштейн ҳам ўйинни кўриб чеҳраси очилиб кетди, у ҳаммадан кўпроқ ўйинга тушди.

— Гоҳ-гоҳ бўлса-да, бундай кунларнинг садағаси кетай, айрим кунларни эса калтаклаб урай!— деб кулди Петренко.— Шундай ўйин-кулги кунларининг қурбони бўл, уруш — одам ўлдириш кунларини аямай савала!

Икки кун олдин душман снарядининг даҳшатли портлашидан тупроқ остида қоришиб, жонини қўярга жой топа олмаган одессалик йигит бугун урушни кўрмагандек, шўх ўйин қилмоқда эди.

Павленко ўйинда Влиштейн билан Петренкодан қолишмас экан, у ҳам шаҳарда ўсган йигитлардан. Киевлик бу чиройли йигитни қизлар кўрганда мафтун бўлмай иложи йўқ эди-да.

Мен жангчиларимизнинг бир-биридан бежирим, одобли, бир-бирига дўст-биродар, меҳрибон эканликларини шу ерда яна бир бор ҳис этдим, уларнинг самимий ўйин-кулгисини кузатиб, ўзимда йўқ қувондим.

— Ўртоқ командир, келинг, илтимос, иккаламиз бирга ўйинга тушайлик,— дея таклиф этди Шура. Иккаламиз бирга ўйинга тушдик. Шура ўйинда бу ерлик қизлардан қолишмас, полни гурсиллатиб-гурсиллатиб ўйнади.

Шу вақт эшик очилиб, уйга батальон комиссари старший политрук Васильев кириб келди. Шурани аста четлатиб, «Келинг, ўртоқ комиссар», деб унинг ёнига бордим. Ўйин бирдан тўхтаб қолди.

Комиссар кулди:

— Ўйинни тўхтатманглар, мен ҳам сизлар билан бирга ўйинга тушгани келдим,— деди-да, Шуранинг қўлидан олиб ўйинга тортди.

Ўйин яна авжига чиқиб қизиб кетди. Жангчилардан Жўраев, Рўзиматов, Раҳимов, Мамедовлар ҳам ўйин даврида. Чўлибой Рўзиев ўйпамай, стол атрофида томоша қилиб ўтирибди. Винничков эса ҳамон қишлоқ кўчасида айланиб, бизларни қўриқлаб юрибди.

Қонли видео

Бугун батальон жангчиларининг сафига бир назар ташласам, ҳаммаинг чеҳраси очиқ, лабидан ханда аримайди. Улар меҳмондўст кишилар ховдонларидagi анифатда ярим тунгача ўйин-кулги қилиб, уйқуга тўйиб ҳузур қилиптилар.

Батальон командири блокнотини қўлига олиб, строй олдига келди, жангчиларни бир-бир кўздан ўтказди.

— Машиналарга чиқинглар!

Ҳар бир бўлимда биттадан автомашина бор эди. Ҳамма ўз машинасини топиб ўтирди. Командир олдиндаги машинанинг кабинасига ўтириб, шу қишлоқнинг шарқ томонига қараб йўл олди. Жадаллаб кетмоқдампа, йироқдан кўзимга каналдек узун иншоот чалингандек бўлди. Яқин келганимизда қарасам, чуқурлиги 3 метр, кенглиги 5 метр келадиган Бухоро девори каби, илон иап қилиниб қазилган хандақ экан. Унинг қаердан бошланиб, қаерда тугалишини аниқлай олмадим.

Командир буйруғи билан ҳаммампз машиналардан тушдик. Мен олдимда турган Петренкои синамоқчи бўлиб: бу танкка қарши жар бўлса керак, қаердан бошланади-ю, қаерда тугалади, биласанми?— деб сўрадим жўрттага.

— Қайдап билай,— деди у ҳам ўзини соддаликка солиб. Кулдим, кулишдик...

Командир жангчиларни сафга тиздирди-да, гап бошлади:

— Уртоқлар,— деди у,— бу танкка қарши жарни кўр-яписизлар-а, бу жар Днепр дарёсини ёқалаб, Днепрпетровский шаҳридан Запорожье шаҳрининг ёнидан бориб апап Малобелозёрка қишлоғининг жанубидан кесиб ўтади. Большой Токмак шаҳрининг гарби билан Азов денгизи яқинидаги Молочное кўлигача чўзилиб кетади. Бу

Жарни Донбасс аҳалиси қазиган, кўп меҳнат қилган. Бу ишпоот — Ғарбий Донбасснинг бош мудофаа позицияси ҳисобланади. Энди бизнинг вазифамиз шу қишлоқнинг кўчаларига мина ўрнатиб, танкка қарши жар олдида мина майдонлари ташкил қилинидир. Душман танки миналари-миздан портлаб пачоқлансин, қадами қирқилиб жаргача ҳам боролмасин. Шундай қилсан, мудофаада турган жангчиларимизга катта ёрдам бўлади! Тушуварлими?

Барала овоз кўтарилди:

— Тушуварли!

— Вазифа оғир, аммо бажариб бўлади, Ҳушёр бўлиб, аҳтиётлик билан ишлаш керак. Ҳа биласизларки: «санёр умрида бир марта адашади» дейишади. Бу бежиз эмас. Хато қилсанг, портлайсан. Вассалом!

— Тунундик, — деб жавоб берди жангчилар.

Қишлоқда аҳоли кўринмас эди, одамлар бошқа районга кўчирилган экан.

Менга қишлоқнинг ўртасидан ўтадиган катта кўчани миналаштириш вазифаси тушди. Мина кўма бошладик. Жангчилардан Аҳмаджон Раҳимов, Латиф Жўраев, Мамедовлар миналарни ўрнатмоқда, ўзим эса шу ернинг ўзида Павленко, Влиштейнларга мина қўйишни ўргатмоқда эдим.

Дастлаб бир-икки минани қўйиб кўрсатганимдан кейин, улар тез уқиб-ўрганиб олишди. Павленко дарров кўлимдан минани олди-да:

— Сиз қараб туринг, биз қўяверайлик. Жойини кўрсатиб кетаверинг. — деди.

Шундай қилиб, оз вақт ичида вазодимизда миначилар кўпайиб қолди. Артём билан Рўзиев ва бошқалар мина ташиб келтирардилар. Тез орада кўчанинг у бошидан бу бошигача мина қўйиб бўлди. Командир билан комиссар ишнинг боришини текширгани келганларида, биз вазифани бажариб бўлган эдик.

— Яшанглар! Сизлар ҳаммадан илгари тамомладинглар. Икки ёш жангчини миначилликка ҳам ўргатибсизлар, бу ҳаммасидан зўр, катта ютуқ...

Командир Чўлибойга рўпара бўлди:

— Ҳўш, сиз қандай ишляяпсиз?

— Ўртоқ командир, мен окоп қазинида икки-уч кишича ишляйман. Лекин мина кўмпининг урдасидан чиқа елмаяпман-да, — деди қизариб Чўлибой.

— Майли, Соғ бўлсангиз бу ишни ҳам ўргатамиз,

Мина қўйишнинг эмас, душман ўқи остида яширини бориб, кўмилган минани олишни ҳам ўрганиб қоласиз,— деди кавитан.

Икки кун ичида майдонларни миналаштириб бўлдик. Энди қишлоқнинг ҳамма кўчалари танкка ажал бағишлаб турди: қадам босди дегунча, портлайди. Иш жараёнида Рўзиев ҳам командирнинг гапидан хулоса чиқариб, мина кўмишни ва уни олишни ўрганиб олди. Энди заводимда бирорта ҳам мина устаси бўлмаган жапгчи қолмади. Ҳаммаси мина кўмишни ҳам, олишни ҳам билади.

Вазифали бажариб бўлгач, танкка қарши қазилган жар ичига тушиб душман самолётларидан пана бўлиб, напирос чекиб дам олиб ўтирдик. Мен ўзимча ўйлардим: украин қардошларимиз апа шу капални кенгроқ қазиб сув утказишса, бутун Жанубий Украина ерларини суғориб, боғу гулистонга айлаштириш мумкин эмасми... Ёмғирсиз йилларда ҳам галладан кўп ҳосил етиштирса бўлади. Бу фикрни Петренкога ҳам айтдим.

Петренко гапимни маъқуллаб, бизнинг Украинада суғориб экип экса жуда яхши бўларди, деди. Биэда фақат сабзаёт экиларини суғоришди. Экин ёмғирга боғлиқ. Агар ёмғир ёгмаса, ҳосил ҳам бўлмай, экинлар қуриб қовжираб қолади. Аҳён-аҳёнда бундай йиллар бўлиб туради, биз уни қурғоқчилик йили деймиз. Шунда запасдан еб тураверамиз. Энди техника юксалпти. Эҳтимол, уруш тўхтаганда кейин суғоришга аҳамият берилса...

Батальон почтаси бир қучоқ газета келтириб, комиссар Васильевга берди. Жапгчиларнинг уйларидан келган хатлар ҳам бор эди. Комиссар рота, взвод жапгчиларига газеталарни тақсимлаб, хатларни ҳар бир жапгчининг фамилиясига чақириб берди.

Ховлидан хат бормикап? деб илтизор бўлиб турган эдим. Бир вақт, Аъзам Ахтамов деб қолса бўладими, юрагим ўйнаб кетди. Югуриб бориб хатни олдим, хат уйдан Юлдуздан эмас, госпиталдан, дўстим Костя Горбуновдан экан. Хатни шоша-пиша очиб ўқий бошладим. Костя сўзипти:

«Дўстим Аъзам! Мен сенинг республиканг — Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда, ҳарбий госпиталда даволяпман. Тошкент гўзал шаҳар экан. Сенинг ҳамшаҳарларинг ҳар куни госпиталдаги ярадорларга арава-арава узум, тарвуз, қовун ва турли мевалардан келтириб турибдилар. Бизлар мева-чева, оқ поп еб, хурсанд бўлиб даво-

ланиямиз. Сенинг ўлканг бойлиги Украинадан қолишмас экан. Тошкентни поп шаҳри — тўқлик шаҳри деб ёзилгани тўғри экан.

Мендан командир билан комиссарга ва ҳамма жангчи курулдошларга салом айт. Хатни ўқиганингдан кейин комиссар Васильевга кўрсатиб, Костя Горбунов ҳаммага салом айтипти, дегин. Шура онага алоҳида салом айт, ҳов анави гапим учун мени кечирсин...»

Жар ичида ўтирганимизда мени чақирди. Ўп беш жангчи билан машинага ўтирдим. Комиссар кабинага кирди. Қишлоқдан жануб томонга жўнадик.

— Мана шу ерга, — деди комиссар машинадан тушгандан кейин, — темир бетондан қуйилган деталларни териб ДОТ қурасизлар, вазифа эртага кун охиригача бажарилиши керак.

Комиссар менинг қўлимга ДОТнинг схемасини берди. Сентябрь, ер метидек қотиб кетган, жангчиларимиз астойдил ишга киришиб, чуқур қазий бошладилар.

Душман разведкачи самолётлари танкка қарши жарнинг устида айланиб юрарди. Бизни кўриб қолмасин деб ичкан фарамлари панасига яширишдик.

Самолёт кўздан гоийб бўлгандан кейин ишни яна давом эттирдик. Жангчилардан Рўзиев, Артём Винничков, Мамедов, Жўраевлар терлаб-пишиб ишламоқда эдилар. Рўзиевнинг командирга бир экскаваторча ишлайман, дегани ёдимга тушди. Жангчилардан Влиштейн билан Павленко мактаб партасидан яқиндагина туриб келишган. Белкурак ушлашга қўллари қовушмайди, отган тупроқлари қайтиб, яна котлованга тушарди.

Қўлимда инженерлик плани. Унга қараб буйруқ бериб турибман. Жангчилар ишнинг оғирлиги, вақтнинг қисқа берилганлигини билиб, палирос ҳам чекмай, бошни кўтармай ишлашарди. Кечаси ҳам ишлаб, ДОТ қуришни давом эттирдик.

Қоронги тунда душмандан яширинча ҳар қанча ишни бажариб олиш мумкин, чунки унинг разведкачи самолёти ердаги ҳаракатни яхши кўролмайди. Жангчилар ухламай, тоғ отарда ДОТнинг ҳамма қисмларини қуриб битирдилар. Устига ярим метр тош қалаб, бир метрча қум босдик. Энди душман замбаракларидан отилган снаряд тўғри келиб текканда ҳам ДОТни тешиб киролмайди, бомба ташлаганда ҳам тешиб ўтолмайди, чунки унинг устига темир бетондан қуйилган плиталар, тош ва тупроқ босилган.

Вақт кеч бўлиб қолди. Петренконинг машинаси кўринди. Жангчилар чарчаган, қоринлари очган эди.

— Ҳртоқ командир, жангчиларга овқат келтирдим,— деди Петренко.

— Ҳзинг сузиб бер,— дедим унга.

Менинг олдимга ҳам овқат келтириб қўйди. Украинларнинг сеvimли таоми ҳисобланган гречкадан бўтқа пиширилган экан.

Жангчилар иссиқ овқатбop котелокларини тўлдириб тўйиб-тўйиб еб олдилар. Петренко бизга яна бир миска сергўшт овқат келтирди. Буни унинг ўзи билан бирга ея бошладик. Унинг этинг қўнжига ўраб тиқиб қўйилган газстага кўзим тушди. Олиб сарлавҳаларига қараб чиқдим. Ҳаммадан ҳам кўпроқ бизни Совинформбюронинг ахбороти қизиқтирарди. Қани фронтларда аҳвол қандай экан?

Сентябрь ойининг бошларида душманнинг ўн еттинчи армияси билан биринчи танкчи армиялари авиация ёрдамида Днепропетровский шаҳри тўғрисида ҳужум бошлаб, Днепрдан кечиб ўтдилар, париги қирғоқда плацдарм ишғол қилиб, ҳужумни давом эттираётган вақтда генерал Малиновский қўмондонлигидаги қизил қўшиқ душманнинг бирлашган ҳужумига қарши кўтарилиб, уни дарёдан орқа томонга улоқтириб ташлагани хабар қилинган экан. Бу хабар бизни хурсанд қилди. Бошқа бир ахборотда душманнинг бириччи танкчи армиясининг бир корпуси билан унинг ўн биринчи армияси 9 сентябрда кўп кунлик олишувдан кейин Каховка шаҳрини ишғол қилиб, Днепрдан плацдарм эгаллагани, фронтимизни хавф остида қолдираётгани айтилган. Яна бир газетада бизнинг армияларимиз душманнинг кучли ҳужумини қайтариб турмоқда, деб ёзилган эди. Душманнинг рўпарадан қилган икки ҳужуми жанубий фронтдаги армиямизни қуршаб олиш мақсадида бошланган операция бўлса керак. Бугун, 20 сентябрь. Днепр атрофида «олди-берди» жанглар бормоқда. Ҳисоблаб кўрсам, урушнинг бошланганига 90 кун бўлиб қопти. Уч ойдан бери Шимолий океанда Қора денгизгача чўзилган совет-герман frontiда қаттиқ олишув, қонли жанглар бормоқда.

Душманнинг уч ой ичида Москвани олиб, Уралгача бораган, деган плани барбод қилинди. У ўз мақсадига эриша олмади. Ҳали Днепр атрофида юрипти. Бизнинг армиямиз уч ойда алча куч йигиб, янги техника билан қуролланиб олди. Вақти келиб, душманнинг тинка-мадо-

рини қуритиб, катта қарши ҳужумга ўтармиз. Бу — шубҳасиз.

Петренко овқат келтирган идишларни олиб қайтиб кетди. Жапгчилар яхши овқатдан кейин кучларига куч қўшилиб, ғайрат билан ДОТ нинг устига тупроқ ташламоқда эдилар. ДОТ узоқдан баланд бир тепа бўлиб кўринмоқда эди.

Ҳаво очиқ, қуёшли кун эди. Блокпотимга 20 сентябрь 1941 йил деб ёзиб қўйдим. Жанг ҳар кунгидек давом этар, фронтнинг икки қанотидан тўпларнинг овози эшитилиб турарди.

Қуёшнинг ботишига уч соатлар қолган, биз ДОТни битказиб, ўқчи дивизияга топширишга тайёр қилиб қўйганимизда ногаҳон ғарб томондан душман катта калибрли пулемётдан бизни ўққа тутиб қолди. Ҳаммамиз ерга ётиб писиб олдик. Душманинг бир бронемашинаси танкка қарши жар ёнига, қачонлардир ташлаб кетилган комбайн орқасига келиб олиб, ўт очмоқда эди.

Жапгчиларга тезлик билан қурооларни олиб ДОТга киришларини буюрдим. Душман томонга тикилиб қарасам, бир чақиримча узоқликда унинг пиёда аскарлари саф тортиб ёпирилиб келяпти. Тахминлаб кўрсам: душманинг кучайтирилган разведка батальони — ДОТ қураётган ўн беш жапгчига қарши беш юзга яқин гитлерчи.

ДОТ га кирдим: позицияни бирор соат сақласак, орқадан ёрдам этиб келар, ёки тегсиз душманга қарши қаҳрамонларча жанг қилиб ҳалок бўлармиз, деган фикр хаёлимдан ўтди. Маҳкам турамиз! Душманга позициямизни ҳеч қачон бермаймиз! Охириги томчи қонимиз қолгунча ҳам жанг қиламиз!

— Тайёр бўлинглар! Биз энг олдин ўт очамиз. Командасиз ҳеч ким ўт очмасин!

Бир қўл пулемётни ғарб томонга қараган амбразурага тўғрилаб, уни Артём Винничков билан Влиштейнга бериб қўйдим. Станокли пулемётни эса ўрта амбразурага ўрнатиб, Рўзиматов билан Павленкони лента бериб туришга қўйдим. Бошқа жапгчилар траншеяда қатор туришди. Улар тўғри — рўпарага ва ўнг томонга қарата ўт очиши керак.

Тахминан юз метр масофада мудофаа позицияси туздик. Патронларимиз сароқ, аслида бу ерда жанг бўлишини кутмаган эдик-да. «Ўқни тежаб ишлатинглар!» деб жапгчиларимни огоҳлатирдим.

Гранаталарнинг капсулларини ўриштиб, тайёрлашиб бўлгач, жангчиларни ҳисобласам, битта солдатим йўқ. Ким экан у? Аниқласам, Аҳмаджон Раҳимов деган қорақалпоқ йигити экан. Нима бало, бирор жойга писиб олдим?

— Раҳимовни кўрмадингларми?— деб сўрадим, Рўзиматовдан.

— Ҳали ҳозиргина бор эди, танкка қарши гранатани олиб турганини кўрган эдим,— деди у.

Ғапимия тугаганича йўқ эди, бирдан гумбурлаган овоз эшитилди, душмanning бронетранспортёри портлаб кетибди. Ўша жойда, ўрилмаган маккажўхори ичида Раҳимовнинг қораси кўрибди қолди. О, азамат-ей?!

Душман транспортёри комбайн ёнига келиб бизнинг позициямизга ўқча тутаётганини кўриб, Аҳмаджон Раҳимов маккажўхори ичидан писиб бориб уни граната билан уриб ёндирибди. У эмаклаб келиб, худди траншеяга яқинлашганида душмanning бошқа бронетранспортёридан отилган ўқ унга тегиб окопга қулаб тушганини кўриб қолдим. Югуриб бордим, ёқасини очиб қарасам, орқа курагидан кирган пулемёт ўқи кўкрагидан ўшириб чиқибди. Афтидан катта калибрли пулемёт ўқи бўлса дерак.

У кўзини аста очиб мени кўрди. «Аъзам ака... сиздан маслаҳатсиз... бориб...» дея пичирлади. Уни бағримга тортиб, ярасини боғладим. Ҳамширамиз Шура бугун аксига юриб биз билан келмай, ошпазга ёрдам беришга қолган эди, Севимли дўстим, ботир йигитим ўз қўлимда жон берди...

Душман саф тортиб тобора бизга яқинлашиб келанерди, танкка қарши қурилган жардан ҳам ўтди. Мана, энди «хенд хо!» деб устимига ёпирилмоқчи. Орамиз яқин қолди.— Ҳамма қуроллардан ўт очилсин!— деб команда бердим.

Бирдан хилма-хил тарсиллаб даҳшатли ўқлар узила бошлади. Душман буни сира кутмаганди.

Ўзим икки автоматни ишга солдим: бирини қўйиб, бирини олиб саф тортиб келаётган фашистлар тўдасига қарата пайдар-пай ўт очиб турдим.

Ҳошимжон Рўзиматов станокли пулемётни тинмай ишлатиб турди. Пулемётчи Артём билан Влиштейн чап томондан — маккажўхорилар орасидан писиб келаётганларнинг йўлига гов солдилар. Мамедов бўлса, ўз милтигидан

сидра-сидра ўт очиб келган душманни қулатди. Жўраев билан Рўзиевлар қуроли ҳам тивмай сайрарди.

Ёв сафи борган сайин сийраклашса ҳамки, ўлган-тирил-гапига қарамай, хира пашшадек олға интилаверди.

«Ҳа-хув» дегунча душманнынг сон-сапоқсиз солдат ва офицерини қириб, жанговар сафини бузиб юборди. Фашистлар энди эмаклаб хандақларга биқива бошладилар.

Ўт очишимизни яхши қузатган душман жар бўйида бизнинг фақат бир группа жангчимиз ҳаракат қилаётганини сезди шекилли, энди бошқача маневр қилиб, бизни ўраб олмақчи бўлди, бунинг учун икки қанотдан келаётган ротасини ишга солди.

Биз ҳам қараб турмадик, албатта. Пулемётларнинг жойини алмаштирдим. Чап томондаги амбразурага станокли пулемётни ўрнатиб, қўл пулемётни ўртадаги амбразурага қўйдим. Чунки душман кучлари маккажўхорилар пичдан келиб, тапкка қарши жарга тушиб олишни мўлжалларди.

Бошқа жангчиларга ўнг қанотни қўриқлашни, имкони борича бирорта ҳам душманни позициямизга яқинлаштирмасликни таъкидладим. Авжи жанг қизиган вақтда: «ўқ-доримиз кам қолди» дейишди жангчилар менга. Айниқса пулемёт патрони тугаёзиди. Аҳвол тапглашди. Ногоҳ ДОТ орқасида чўзилиб траншеяга тушаётган Шурани кўриб қолдим. У патрон, граната олиб келипти. Шура мени кўрибди! «Ўртоқ командир, батальон командири капитан Кожевников жағ суронини эшитиб, Малобелозёрқадан чиқиб, сизларни орқадан қуршаб келмоқчи бўлган фашистларга қарши жанг бошладилар» деди.

— Орқада қисмларимиз бор эмими? Ёки батальон кучи билан маррани сақлаб турар эканмиами?— деб сўрадим ундан.

— Командир орқадан мадад келишини кутиб турибди,— деди Шура.

— Яхши, гранаталарни жангчиларга бўлиб бер, менга ўнтагина қолдирсанг бўлади. Ўзинг пулемётга лента ўтказиб тур!

Павленкони пулемётдан олиб, автомат билан ўнг қанотга Жўраевнинг олдига қўйдим. Ўнг томонинг кучини пича кўпайтирдим. Шура жанг майдонига юмалаб ётган фашистларни кўриб: «Ўхў, немисларнинг адабини берибсизлар-ку!» деди севиноб,

Шу вақт Жўраевнинг шериги Мамедов:

— Ўртоқ командир, ижозат беринг, гранаталардан жарга ташлайлик! Фашистлар атакага кўтарилишмоқчи,— деб қолди.

— Майли, ҳар қайсипгиз иккитадан ота қолинг! Лекин отгап гранатапгиз мўлжалга бориб ёрилсин.

Мамедовнинг ҳар икки гранатаси ҳам танкка қарши жарга тушиб ёрилди. Шу вақт Жўраев ҳам кетма-кет граната прғитди. Уники ҳам худди жарга бориб тушди. ДОТ тўғрисида ярадор бўлган душман солдатлари иккилаб, соғ қолганлари чеккароққа қочиб кета бошладилар. Шу вақт душман томондан ракета отилиб, атакага кўтарилишга сигнал берилди.

Яна устимизга уч томондан ўқ ёғдирилди, бир неча бронемашина билан бронетранспортёрлар, катта калибрли пулемётлар ДОТга қаратиб ўт очди.

— Огои!— деб команда беришим биланоқ ҳамма қурооларимиздан даҳшатли овоз чиқди.

Ҳозиргина жар ёқасида «керилиб» ҳужум қилаётган бир тўда душман газандалари хандаққа биқинишга мажбур бўлди. Бошқа бир группа фашист бирданига икки томондан ҳамла қилиб кела бошлади. Энди мен ҳам маневрни ўзгартирдим: ўнг қанотда ўт очиб турган Жўраевларга ёрдамни кучайтирдим, рўпарадаги амбразурада турган қўл пулемётни ҳам бу ерга кўчирдим. Кучсиз бўлса-да, қурооларимиздан тинмай ўт очиб, душманга даҳшат солиб турдим. Лекин фашистлар кўпчилик бўлиб орқамиздан келиб ўраб қолди. Аммо заррача бўш келмай жанг қилвердик.

Рўзиматов билан Шура стапокли пулемётни тинмай сайратиб турдилар. Сапёр бўлсак-да, ҳамма вақт оғир пулемётни олиб юрганимиз асқотди шу ерда. Вусиз душман билан узоқ олишиб туришимиз мумкин эмасди, албатта...

Душман ҳар қанча ҳаракат қилса ҳамки, барибир биз атакасини қайтариб турдик. Ўқ-доримиз озайиб, гранаталаримизгагина таяниб қолдик. Аҳволимиз борган сари оғирлашаверди.

Хайриятки, бахтимизга Шура патрон келтирган экан. Бўлмаса, ҳолимиз яна танг бўларди. Энди душман замбаракларини ишга солди, бунинг устига разведкаси кетидан бош кучи ҳам етиб келди чоғи, кучли артиллерия овоз

чиқарди. ДОТдан аста мўралаб қарасам, снарядлар биздан ошиб ўтиб, анча нарида портламоқда. Буни кўриб, душман тўпчиси нишонни тўғри ололмапти, бордп-ю, кичик вилка билан катта вилканинг орасини тўғрилаб, ДОТни ва бизни ўтга тутса борми, иш хароб бўлиши турган гап деган фикрга келдим. Ҳақиқатан ҳам душман солдатларининг ҳамма ҳужумини қайтарсак-да, аммо артиллерияси ўтини бостиришининг уддасидан чиқа олмаймиз. Биз сапёрларда артиллерия йўқ-ку. Мен Шурани орқа томонга жўлатиб ёрдам сўрамоқчи бўлиб турган эдим, бирдан ўт очаётган замбараклар душманники бўлмай, ўзимизники эканини билиб қолдик. Дивизиямиз артиллерияси етиб келиб, бизга ёрдам бермоқда экан. Беҳад қувондик, ҳаммамиз барала овоз билан: «ур-ра» деб қичқирдик. Шу пайт қишлоқ томондан ҳам кучли «урра» эшитилди ва гумбургумбур ўқ отила бошлади. Душман қуролирининг овози ўчди.

— Қарапглар, душман қочяпти,— деди Чўлибой Рўзиев чапак чалиб.

Икки пулемётни икки томонга қўйиб, сидра-сидра ўт оча бошладик:— душман солдатларининг йўлига раҳна солинди.

Шу вақт орқадан етиб келган жангчилар орасида капитан Кожевников, батальон комиссари Васильев ҳам бор эдилар. Лейтенант Селиверстов эса ўқчи дивизиянинг жангчилари сафида душманин қийратиб келаётган экан. Қўлимиз баланд келди: душман жардан ўтишга улгуролмади. Жангчиларимиз ўти ва найзаси зарбида фашист солдат ва офицерлари кўп қирилди, баъзилари «жон сақлаб» қўл кўтарди. Кейин билсак бизга ёрдамга шошилган бу забардаст дивизия йигитлари Закавказье ҳарбий округидан келган қардош арманлар экан.

Командир билан комиссаримиз окопимизга тушиб, бизлар билан қучоқлашиб кўришишди. Командир кела солиб, кучли қомати билан мени кўксига тортди-да: яша азамат, яшасин жангчиларинг! деб қувонганидан устма-уст юзимдан ўлиб, жангчиларимни табриклади.

... Биз позицияни ўқчи дивизияга тоширдик, жангда ҳалок бўлган сеvimли дўстимиз Аҳмаджоннинг жасадини носилкага солиб навбатма-навбат кўтариб, қишлоқ ўрта-сидаги майдонга олиб келдик. Уни қабрга қўйиш вақтида командир бир неча минут сукут қилиб, кўзидаги ёшини рўмолчаси билан артар экан, гап бошлади:

— Сафимиздан энг ботир, довиораи дўстимизни йўқот-
дик. Аҳмаджон Раҳимов Ватан олдидаги ўз бурчини оқ-
лаб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Биз унинг қабри устида
қасамёд қиламизки, бир умр дўстимизнинг хотирасини
ёдимиздан чиқармаймиз! У қаҳрамонларча иш кўрсатди.

Бўлим жангчилари уч марта ўқ узиб салют бердилар.
Алвидо, қуролдош дўстимиз!

Қарши зарба

Душманининг асосий кучи танкка қарши қазилган жар бўйига етиб келганда ҳар икки томонни ҳам ҳаяжонга солганди, улашиб кетган жанг замбарак ва пулемётларнинг даҳшати тобора кучайиб бораётгани ҳали-бери тўхтайдиганга ўхшамасди.

Совет жангчилари ҳар куни бир неча бор душман атакларини қайтариб қарши атакага ташланар, жар кунда бир неча марта қўлдан-қўлга ўтди турарди.

Визнинг батальон Бердичев шаҳри яқинидаги жанглардан кейин механикалашган корпус ихтиёридан 18-армия қўмондошлигига бевосита бўйсундирилган, номи ҳам ўзгартирилиб, армия ҳузурдаги инженерлик батальони деб аталадиган бўлди.

18-армия Бессарабия еридан немисларнинг ўн биринчи ва руминларнинг учинчи армияларига қарши жанглар олиб бориб, ана шу жаргача чекниб келди. Армия жангчилари бу жойда ҳам душманининг кучли атакларини қайтариб позицияни қаттиқ эгаллаб турардилар.

Биз янги жанговар вазифани бажаришга тайёрланаётганимизда комиссаримиз Васильев бизга:

— Ўтган кунги сиз жанг олиб борган қисм душманининг 49-тор-ўқчи корпусидаги разведка батальони экан. У батальон тор-мор қилинди. Ҳозир ҳам ўша корпус жанг олиб борапти, — деб огоҳлатирди.

Олдиндаги Малобелоозёркада ҳам ўша корпус қисмлари бор, деб эшитдим. Руминлар Гитлер учун қон тўкишяпти. Гитлер Бессарабия билан Одессани руминларга «ҳада» этишга ваъда қилганмиш...

Влиштейн жойидан иргиб турди:

— Одессани ким берармиш? Одессани бериб бўлиш, — деди ғазабланиб. Комиссар унга тасалли берди:

— Жуда тўғри айтдинг. Одесса советларники эди, советларники бўлиб қолади. Руминларнинг қороли ўа халқининг қонини беҳуда тўкяпти.

Шу пайт енгил машинада икки киши келиб биз томонга қараб турганида, батальон командири капитан Кожевников уларни дарров таниди ва югуриб борди-да, честь берди. Улар билан сўзлашиб, шу заҳоти бизнинг олдимизга келди:

— Тайёрланинглар, жангга борамиз! — дея буйруқ берди.

Батальон жангга ҳозирланиб турганида ҳавода совет самолётлари пайдо бўлди-ю, пастланиб учиб, Малобелозёрка қишлоғи олдидаги жарда пусиб олган душман тўдасини бомбардимон қила бошлади. Артиллериямиз ҳам тайёрланиб турган экан, ҳаммаёқни дараага келтириб даҳшатли ўт очди. Орқага ўгирилиб қарасам, сўтаси қайрилиб олинган маккажўхорибордан чиқиб келаётган енгил танклар орқасидан бир талай жангчиларимиз аста бормоқда эдилар. Мен бу танкларни Бердичевда учратган эдим, Энди қарши ҳужумга ўтар эканмиз деб ўйладим. Ўйлаганим тўғри чиқди: ҳужумга ўтаётган қисмлар билан бирга бориб уларга танкка қарши жардан йўл очиб беришимиз керак экан. Шу ҳақда капитан Кожевников бизга аниқ топшириқ берди.

Ҳамма жангчиларимиз артиллерия тайёргарлиги тамом бўлишини, атакага сигнал берилишини кутиб турдилар.

— Сен резервда турасан, — деди командир менга, — борди-ю, душман атакада танкларини ишга солса, улда дарров танклар йўлини мипалаштириб, армия қўмондонининг куватиш пунктини қўриқлайсан. Уларни кўрдингми — бири армия қўмондони генерал-лейтенант Смирнов, иккинчиси унинг сибсий ишлар бўйича ўринбосари вази-фасини бажарувчи генерал-майор Қолашичк бўлади. Улар жангни яқиндан туриб куватиш учун келганлар.

Мен қўмондон жангни қандай бошқарар экан, деб қизиқардим, шунинг учун уруш майдонини диққат билан кузатиб турдим.

Жангчиларимиз саф тортиб, сигнал кутиб туришибди. Танклар билан артиллериямиз, ҳаводан — самолётларимиз душман устига минглаб снаряд, мина, бомба ташлаб портлатмоқда. Батальонимиз жангчиларидан икки гуруҳнаси, вақтдан фойдаланиб «танкка қарши жардан» ўтиб

бориб, тунов куни кўмган ўз миналаримизни олиб, ҳужумчиларимизга йўл очиб бердилар. Шу вақт кўмондон телефонда буйруқ бергандек бўлди. Буни мен аниқ эшитдим. Унг қанотда турган жангчиларнинг командири ҳавога иккита ракета отганида Малобелоозёрка қишлоғи тўғрисида жангчиларимиз «урра» деб олға ташландилар.

«Танкка қарши жар» да яшириниб ётган фашистлар пайзабозликка чидай олмай, бир неча минут ичидаёқ тартибсиз — тум-тарақай қоча бошладилар.

Пиёдаларимиз душман орқасидан қувиб кетишди, танкларимиз кичик калибрли замбарак ўрнатилган енгил ва анча уринган танклар бўлса-да, душман устига жадал бостириб борди, пулемёт ва замбаракларидан ўққа тутиб гитлерчиларни босиб-янчиб ташлайверди.

Мени бугунги жанг бениҳоя шодлантирарди. Ҳа, сон жиҳатдан оа бўлса ҳам, ерда — танкимиз, ҳавода — самолётларимиз душманга даҳшат солмоқда. Мен ИЛ-2 маркали узун бурун тез учар штурмчи самолётларимизни ҳам кўрдим. У жуда «эпчил» экан: Ҳаракатидан ҳар қандай писиб олган душманни ҳам соғ қўймайдиганга ўхшайди. Қизиқ: пастгина «қанот қоқиб» пулемётидан ўққа тугар, жар устига бориб бомба ташларди. Бу янги самолётларни кўрган фашистлар ҳанг-манг бўлиб, ваҳимага тушиб қолгандилар.

Малобелоозёрканинг икки томонидан душманга қарши ҳужум бошланди, қишлоққа биқинган бандитлар қириб ташланди, Қисмларимиз душманни Запорожьенинг ғарбига томон изма-из қувиб бориб, қаршилиқ кўрсатганларини тор-мор келтирди. Аммо, душманинг биринчи танкчи армияси корпуслари 17- армияси билан бирлашиб яна ҳаракат қилди: кўп кунлик жанглардан кейин, ниҳоят ўнг тарафимиздаги армиянинг позициясини ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Аста-секин Донбасснинг ғарбида Ростов шаҳрига қараб ҳужум бошлади, фронтимизнинг орқа томонини анча қисиб қўйди. Душманинг ўн биринчи армияси аса, жар бўйлаб, Қримга томон силжиб ҳужумга ўтди, бора-бора руминлар армияси билан бирликда ҳаракат қилиб, Ростовга чиқишни кўзлади. Узини ростлаб олган бу армиялар пкки томондан ҳужум қилиб, бизнинг армияни ўраб қўйди. Фронтдаги вазиятни харитага қараб кўздан кечирсам, аҳволимиз яна танглашган. Фронтимиз орқа томони кесилиб, душман рўпарадан яна янги куч келтирди. Унинг 49-тоғ-ўқчи корпуси билан фронтга янги кел-

ган итальян армиясининг бир корпуси биргаликда Донбасс рўпарасидан ҳамла қилди.

Бу оғир аҳволини ҳисобга олган армиямиз қўмондонлиги бошқача маневр қилди: қўшинларни соғ-саломат сақлаш чорасини кўрди. Мавжуд резервлардан фойдаланиб, бир неча дивизия билангина Донбасс биқипидан яширипча бориб, қўққисдан ҳужум қилиб, душман колоннасини иккига ажратиб ташлади, унча талафот бермай, армияни Донбасснинг ғарбига олиб чиқди ва шу билан фронт линиясини яна тўғрилаб олди.

Синий раҳбарларимиз душманининг хатти-ҳаракатини ҳамisha бизга айтиб тушунтириб бердилар. Душманининг биринчи танкчи тўдасининг қўмондони генерал Клейст, ўн биринчи армиясининг қўмондони генерал-лейтенант Манштейн (Бельгия ва Франция армиясини ўраб, тор-мор қилиб, ғалабага ўрганган қонхўрлар) билан ўраб тор-мор этишни ният қилган акалар. Лекин бизнинг қўмондонларимиз фашистларнинг тактикасини билиб олиб, уларнинг ёвуз ниятли планини барбод қилди, армиямизги қуршовдан олиб чиқдилар.

Донбасснинг сон-саноқсиз шахталарини, «қора олтин»ли тепаларини томоша қилиб, биз Донбасс учун маҳкам мудофаа тузишда армиямизга яқиндан ёрдам бериб, душманининг йўлига, танкига ва пиёдаларига қарши сон-саноқсиз миналар кўмиб турардик. Донбасс учун шиддатли жапглар тобора қизиб бораверди.

Донбасс мудофааси

1941 йил сентябрь ойининг охиригга кунлари фронт динияси Донбасс ҳавзасининг ғарбда эди. Донбассни тезроқ қўлга киритиш учун Гитлер юборган икки корпус ҳар кун беш-олти марта жангга кўтарилар, бизнинг жангчиларимиз қарши ҳужум билан гитлерчиларни ўз қонига бўярди.

Италянларнинг янги келган экспедицион корпуси Донбасснинг маркази Сталино шаҳрини шимол-ғарбдан, 49-немис тоғ-ўқчи корпуси эса ғарб-жанубдан «қора тилла» қонимизни қўлга киритиш учун ўлиб-тирилиб ҳужум қилардилар.

Немис фашистларнинг бирипчи танкчи тўдаси руминларнинг отлиқ аскар ва тоғ-ўқчи дивизиялари билан қўшилиб катта куч бўлиб, Ростовга ҳужум қиларди.

Унг қапотимида душмanning 17-армияси генерал Дейстлер қўмондонлигида Ворошиловград шаҳри рўпарасида ҳужум жанги олиб бормоқда эди.

Немис фашистларининг 6-армияси Киевни ишғол қилгандап кейин Украинанинг иккинчи марказий шаҳри — Харьков бўсағасида қонли жанглар қиларди, унинг мақсади бу азиям шаҳарни эртароқ ишғол қилиб, дунёга жар солмоқчи эди.

Бизга маълум эдики, ҳозир Совет Армиясининг жанубий фронтни генерал-лейтенант Черевиченко қўмондонлигида актив мудофаа жанглари олиб борар, Харьков ва Ростов шаҳарлари эса хавф остида, Москва атрофида ҳам даҳшатли жанглар авжланмоқда эди.

Бизнинг инженерлик батальони кечаю-кундуз мудофаа ишшоотлари қуриб, армиямизга ёрдам бериб турди. Биз серқуёш Ўзбекистоннинг фарзандлари ҳам астойдил тириштиб, Донбасс мудофаасини маҳкамлашга ҳисса қўшмоқ-

дамиз. Донбасснинг завод, фабрика, шахта, колхоз, совхозларида кўпгилли қирувчи батальонлар тuzилган. Улар жонанжон Донбассларини мудофаа қилмоқ учун отланиб, шу ернинг ўзида ҳарбий машғулотлар ўтказиб, теароқ фронтга — жангга киришга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Шаҳар аҳолиси — каттадап-кичлиги кўлларига курак, лўм олиб душман танк йўлини тўсиш учун хандақ, ДЗОТ, ДОТ лар тайёрлаётган совет жангчилари қаторида зўр бериб ишламоқда.

Биз Сталино шаҳрини айланиб чиқдик. Кўп қаватли чиройли бинолар билан чўзилган кенг кўчаларга баррикадалар қурилган, душман самолётлари бомбардимон қилган кўп қаватли кўркем бинолар ёниб-куйиб, вайрон бўлмоқда. Батальон жангчилари дарҳол ёлғинини ўчириб, шаҳар мудофаасини тузишга киришдилар. Ҳамиша чароғон бўлиб турадиган Днепро ГЭС атрофи ва Сталино шаҳри энди зимистон.

Шаҳар магазинлари омонатгина — нари-бери ишлаб турибди. Донбасснинг меҳнаткаш аҳолиси — эркак-аёллари ўзлари тугилиб ўсган юртларини вақтинча қолдириб, Урал, Кузбасс ва Қарагандага кўчиб кетмоқдалар — улар ўзлари билан бирга заводларини ҳам, шахта ускуналарини ҳам олиб кетмоқдалар.

Запас кўмирларни душманга қолдирмаслик учун эшелон-эшелон кўмир фронт орқасига жўнатилмоқда. Шахталарни эса шахтёрларнинг ўзлари вақтинча бузиб ишдан чиқармоқдалар. Шаҳарда бетиним ҳаракат...

Кўпгилли батальонларни, мудофаа ишшоотлари қуришда жангчиларга ёрдам бераётган эркак ва аёлларни, алачга ичидаги уйларни кўриб, бизнинг Шура қаттиқ таъсирланди шекилли:

— Мана бу чин фидокорлик, чин машаққат... дўзах азаби... — дея кўзига ёш олди.

Шаҳар тепасидаги булутсимон хилма-хил қуюқ тутунининг кўланса ҳиди анқиб турибди.

— Иймасини айтасан, бу катта бахтсизлик, — дедим.

Шура бир уйнинг деразасидан қаради-ю бирдан ранги бўзариб, бўшашиб кетди — бошини кўкенимга аста қўйди. У худди безгак тутгандек дағ-дағ титрарди. «Сенга нима бўлди, Шура, ўзингни тут» дедим-да, уй ичига мўраладим. Дераза олдида гражданча кийинган повча, укки кўз, малла бир одам бизга қараб турарди.

— Ўша, бу ўшанинг ўзи... — маҳзун ишгради Шура.

— Үша, үша, — очикроқ гапирсанг-чи, ким у?

— Ахир, Львовда мени... боламни...

Тушувдим. Львовда Шурани зўрлаб, боласини деразадан ташлаттирган канарисчи фашист!

Малла одам уйдан чиқиб, кўчанинг кетидан цисиб шипиллаб кета бошлади. Мен Шурани қўйиб, малла башаранинг орқасидан югурдим. Унинг қўли чўнтагида эди: демак, қуроли бор. Яқин бориб автоматни тўррилаб қичқирдим:

— Тўхта, қўлингни чўнтагингдан чиқарма!

Шура ҳам етиб келди. Шура гарчи ҳарбий кийимда бўлса ҳам, лекин канарисчи уни таниди чоғи, тўшпонча ушлаган қўлини чўнтагидан секин чиқариб, бир яммалар деб гудурлади. У кечиккан эди. Мен унинг қўлига автомат қўндоғи билан чунон урдимки, тўшпончаси ерга тушиб кетди. Шура чаққонлик билан бориб тўшпончани ердан олди-ю, канарисчининг кўксига устма-уст ўқ узди.

— Нима қилиб қўйддинг, Шура? Яхши таниган эдингми? Үша эдимми?

— Үша, худди Үша, — яна илгради Шура. Сўнг ўликнинг устига бориб брезент этиги билан бошига тепа бошлади.

Индамай қўйиб бердим, тепа-тепа чарчади, кейин кўзини арта бошлади.

Мен фашистнинг ҳужжатили олиб қарадим: Поляковский Зигмунд, офицер. Ҳатто яқиндагина Львовдан олган хати ҳам чўнтагидан чиқди.

Ўлик кўчанинг ўртасида қўзилиб қолди. Мен Шуранинг қўлидан ушлаб-судраб канарисчи чиққан уйга қараб чопдим. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?» деган халқ мақоли эдимга тушган эди.

— Эҳтиёт бул, автоматни шай тут! — дедим Шурага.

Уйда ҳеч ким йўқ эди. Бир чокнада темир каравот, бурчакда радиоприёмник! Энди канарисчининг Үша — Шура таниган одам эканига шубҳам қолмаган эди. Демак приёмникдан қўшилларимизнинг ҳаракати тўғрисида немис разведкасига хабар бериб турган бу жосуслар!

Приёмникни кўтариб, батальонга қайтдик.

Батальон командири капитан Кожевников менинг ҳикоямни эшитиб, роса кулди.

— Александра Григорьевна дейман, қасдингизни олиб-сиз-да?!

— Олдим, ўртоқ командир, олдим. Ҳали кўп оламан...

— Довбасс кўнглили дивизияларининг биринчи позициясига бориб, мина майдони қуриш ҳақида топшириқ олдик, — деди командир мепга, — жангчиларингни қуроллаштириб чиқасан, балки жанг қилишга тўғри келар.

Бизлар пухта тайёрланиб, машиналарга миналар ортиб, ўқ-дори, грапаталарни ҳам олдик. Тайёргарлигимизни командирнинг ўзи кўздан кечирди.

Биз капитан Кожевников билан (бу гал ҳам мен унинг ёнида эдим) дивизия штабига кирдик. Штаб ертўлада эди, бу ерда бир неча катта командирлар ўтиришган экан. Кожевников карта устига энгашиб турган полковникка рўпара бўлиб, честь берди:

— Менинг батальоним вижеверлик ишпоотлари қуриб бериш учун сизнинг ихтиёрингизга келди. Билсам, бу ердаги 395-дивизиянинг командирни полковник Петраковский экан. Полковник батальон командирини қувонч билан кутиб олиб, ушбу ерда ўтирган дивизия штабининг бошлиғи полковник В. П. Янковский, дивизия снёнсий бўлимининг бошлиғи полковник Г. И. Санюк ҳамда ён эшикдан энди чиққан армия снёнсий бўлимининг бошлиғи полковник Брежневлар билан таништирди.

— Харита бордир сизда? — сўради дивизия командир.

— Бор, ўртоқ полковник, — деди капитан ён сумкасида топографик картани чиқариб.

Ҳар иккиси стол устидаги картага энгашишди. Батальон командирни ўш картасига полковник кўрсатган жойларни белгилаб олди.

— Ишни тезлатинг! — деди полковник капитанга, — шундай қилингки, душман бизнинг позициямига ўтолмасин.

— Вазифа бажарилади, ўртоқ полковник,

Топшириқни олиб штабдан чиқаётганимида полковник Брежнев капитанни тўхтатди.

— Батальонингизнинг жанговар ишлари бизга маълум, Аммо, ҳозирги вазият саёнрлардан кўп иш талаб қилади, буни унутманг, — деди у.

Командир аниқ-пухта ишлашга ваъда берди. Жадал юриб жангчиларимиз турган жойга келдим. Дивизиядан қўшилган вакил олдинга тушиб, биринчи позицияга йўл бошлади.

Ҳаво туман, қоронғи, ёмғир шивалаб турипти. Мина-

ларни машинадан олиб қоронги зулмат кечада тўлиғимизгача лой кечиб ҳўл бўлиб бормоқдамиз.

Миналар қопқоғи тахтадан ясалган, ёмғирда шишиб, ерга қўйганда капсулини жойлаш хавфли эди, лекин жанговар буйруқни албатта бажариш керак.

Бизни 714-полк командири подполковник Кашуба кутиб олди, душман деб бизга ўт очмаслик тўғрисида олдинги линияда турган жангчиларни огоҳлантириб қўйди, инженерлик ишлари бўйича муовинини бизга қўшиб жўнатди.

Капитан Кожевников билан полкдан бизга қўшилган майор олдинги линияда бизга жой кўрсатишди, миналарни биринчи бўлиб мен қўйишга киришдим. Ҳар бўлимга алоҳида-алоҳида майдон кўрсатишди, мина майдони бир неча чақирим масофага чўзилиб борар экан.

Биз Павленко билан мина қўя бошладик. Шофер Петренко жанг майдонида бир шоферлик билан иш битмаслигини яхши фаҳмлаб, ёрдамлашмоқда эди. Рўзиев, Рўзиматов, Жўраев, Влиштейн, Винничков, Мамедов ва Шура — ҳар қайси тўрттадан мина кўтариб келишди, кўрсатилган жойларга авайлаб қўйиб, яна мина ташинишга кетишди.

Қоронги кечаларда ишлаб, бир неча кун ичида минглаб миналарни жойлашга улгурдик, кейин дивизия вакилга топшириб, штабга қайтдик.

Вазифани муваффақиятли бажарганимиз тўғрисида рапорт берилганда, полковник Петраковский батальон командирига: «яхши хизматларингиз учун менинг поминда ҳам, армия сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник Брежнев номидан ҳамма жангчиларингизга тапаккур айтинг» деди.

Донбасслик ишчи, хизматчи, колхозчи, машинасозлар дивизия сафини кундан-кунга тўлдириб, ўз шаҳарларини ҳемис ва италийан босқинчилардан мудофаа қилмоқдалар. Бизнинг 18-армия мудофаа жанглари олиб борқчи билан бир вақтда ўз сафларини янги кучлар ҳисобига тўлдириб бормоқда эди.

Армия сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник Брежнев янги жангчилар орасида сиёсий-оммавий, тарбиявий ишларни кучайтириш ва уларни жанговар ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун сиёсий раҳбарларни, комсомол, партия ташкилотларини сафарбар қилмоқда. Буни биз қисмимизда олиб борилаётган ишлар мазмунидан сезиб билиб турибмиз.

Ўн қанотимизда 12-армия, чап қанотимизда 9-армия душманга қарши кураш олиб бормоқда эди. Бу уч армия урушнинг биринчи кунларидан бошлаб жанг қилиб, ҳозир жанубий фронтнинг муҳим участкаларини мудофаа қилиб турибди. Бу кучимиз чакки эмасди. Сийсий раҳбарларимиз буни биз кичик командирларга яхши тушунтирдилар.

Донбасс остонасида эллик кундан бери «ол-бер» жанглари бўлиб турибди. 9-армиямиз рўпарасида ва 18-армиянинг чап қанотида — Миус дарёси бўйида душманнинг биринчи танкчи тўдаси ҳаракат қиляпти, икки армиямиз бир-бирини қўллаб, душманнинг ҳамма атакасини қайтариб турди.

Октябрь ойида 9-армиямиз Таганрог шаҳри олдида танкчи бригадаларимиз билан биргалашиб катта ҳужумга ўтиб, фашистларнинг бир танкчи армиясини Миус дарёсидан ўн-ўн беш чақирим ғарбга улоқтириб ташлади, душманнинг юзлаб танк ва сон-саноқсиз солдат, офицерлари қириб ташланди. Бизнинг инженерлик батальони эса бу жангларда актив қатнашди.

Тинч Донда нотинч кунлар

Маълумотларга қараганда фельдмаршал Клейст қўмондонлигидаги немис биринчи танкчи тўдаси Ростов шаҳрини ишғол этиб, Дон дарёси бўйида плацдарм эгаллаган, Кавказга бостириб кириш, ундаги нефть бойликларини қўлга киритиш мақсадида ҳужум жангларини кучайтирган эди.

Ростовни Кавказ дарвозаси деб бежиз айтмаганлар. Шунинг учун ҳам совет қўмондонлиги стратегия аҳамиятига эга бўлган бу шаҳар мудофаасига катта эътибор берарди. Шунинг учун Закавказье фронтдан 56-армия ҳам бу ерга келтирилганлигини билардик. Дон казаклари отлик аскарлар дивизияси ҳам шу ерда. Булардан ташқари Ростов область партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан кўнгилли отряд ва батальонлар тузилиб, армияларнинг сафи тўлдирилмоқда, кучайтирилмоқда эди.

Тинч Донда нотинч кунлар бошланган эди. Батальонимиз Каменск-Шахтинский шаҳри атрофида фронтнинг иккинчи бош позициясини тузишга келганда донлик совет граждандари уз юртларини мудофаа қилишга қандай шайланганликларини кўрдик: қурол тутишга яроқли барча эркаклар кўнгилли отрядларга кириб ҳарбий машқлар ўтказмоқдалар, минг-минглаб хотин-қизлар аса ДОТ, ДЗОТ қуришда, оқош ва танкка қарши хандақлар қазишда жангчиларимизга ёрдам бермоқдалар.

Каменск-Шахтинскийда жанубий фронтнинг штаби жойлашган экан. Бу шаҳар атрофида қурилаётган мудофаа позициясини синчиклаб кузатган ҳарбий киши душманнынг ҳужуми уч томондан — бири Донбасснинг Красний Луч шаҳри томондан, иккинчиси — Ростов шаҳри томондан, учинчиси эса — Ворошиловград томондан кутилаётганини пайқаб олиши мумкин эди. Бинобарин, Совет

Армиясининг қўмондонлиги душманнинг ёвуалик планини олдиндан билар, шунга қараб мудофаа позицияларини мустаҳкамлар эди.

Худди шу вақтда жанубий фронтда мисли кўрилмаган қаттиқ жанглар бормоқда эди. Совет армияси жангчилари немислар атакасини қайтарар, қарши атакага ўтиб уларни ҳолдан тойдирмоқда эдилар. Ҳавода янги, тез учар самолётларимиз пайдо бўлди. Улар душманнинг танкчи корпусларига ҳужум қилиб, бомба ташлаб тинкасини қуритмоқда эди. Каменск-Шахтинский шаҳрининг ғарби-шимолидаги тепалык орқасидан юалаб самолётларимиз душман позициясига томон учиб-қайтаётганини ҳам кўриб турибмиз.

Бир кун туш пайти эди, мен ҳавода душманнинг «Мессершмидт» ва бомбардимончи самолётлари кетма-кет учиб келаётганини кўриб қолдим. Улар тўғри аэродромни нишонга олиб келмоқда эдилар. Бизнинг самолётларимиз эса эндигина жанговар топшириқни бажариб қайтган, аҳтимол ҳали ўз идишини ёнилғи билан тўлдирганича ҳам йўқ эди. Аэродром бизга яқин, кўриниб турибди. Ҳойнаҳой даҳшатли фожиа юз беради, қаттиқ тап-вишландим. Шу вақт мўъжиза рўй бергандек иш бўлди: кутилмаганда аэродромдан ИЛ, МИГ, ЛАГ марнали самолётларимиз кўтарилиб, душманларнинг тез учар самолётларига қарши ҳаво жанги бошлади, пулемётларидан барала ўққа тута бошладилар. Кузатиб турибмиз: самолётларимиз тезлиги душманнинг «Мессершмидт»идан асти қолишмайди, уларни қувиб бориб, кетма-кет учтасини уриб туширди. Позициямизни бомбардимон қилишга аҳд қилиб келган «Юнкерс» лар бомбаларини дуч келган ерга ташлаб, тартибсиз равишда қочаётганларини кўрган жангчилар ҳам, ҳаво жангини кузатиб турган аҳоли ҳам бениҳоя хурсанд бўлишди.

Бундан беш ой бурун душман бизнинг И-16, Р-5 самолётларимизга кун бермасди. Буни ҳаммамиз кўрган эдик. Мана энди-чи? Янги самолётларимизни кўрган заҳоти тум-тарақай қочадиган бўлиб қолишди. Зўрдан аёр чиқса — ана шундай бўлади-да.

— Ўртоқ командир, ўйинга тушинг! — деган овозни эшитиб, орқамга қарасам, Шура қўлида бир конверт ушлаб кулиб турарди. Лайлақдек беўхшов қанот қоқиб Шуранинг олдига бордим.

— Мени ўпинг! — деди у хатни орқасига эшириб.

Ўша кезларда мен уйдап, тўғрироғи хотинимдан

хат кутардим. Лекин хат ҳамқишлоқ ўртоғим Баҳориддиндан экан. «Ўзбекистоннинг қум-чўл этагида жойлашган Боғи-афзал қишлоғидан салом! Билсанг дўстим, бу ерда колхозчилар урушнинг бирипчи кунидан бошлабоқ «Хамма нарса фронт учун! Армиямизнинг ғалабаси учун!» шiori билан ишламоқдалар. Пахта — порох! Пахта — жангчиларга кийим-бош, учувчиларга парашют! Буви биз яшви биламиз.

Боғи-афзал билан Вардонзе кўрғони ўртасидаги қум саҳросида район ёшлари ҳарбий машқ қилишмоқда. Яқинда бизлар ҳам фронтга бориб қоламира, ҳа... сизлар якка эмас. Виргалашиб фашистларни гумдон қиламиз.

... Онанг соғ-саломатлар, сени ҳам омон-эсон қайтиб келишигга кўз тутиб ўтирибдилар. Рафиқанг Юлдуз болагидек рўзғорингни тебратиб турибди, у ҳозир илгор теримчи. Хатинг келиб, соғ-саломатлигингни аштиб бутун қишлоқ аҳли хурсанд бўлди.

... Дўстимиз Фаҳриддиндан хат-хабар йўқ. Севимли рафиқаси эса ота дийдорини кўрмаган Аскаржон деган ўғилчасини (отаси аскарликка кетгани учун унинг номини шундай қўйилган) кўтариб сизларшиқка келди, хатингни кўрсатиб, мана тоғанг, хат ёзиптилар, даданг жангда тўпчи бўлиб душманни қираётган экан,— деб ўғилчасини севинтирди. Олимнинг онаси ҳам ўғлидан хат олгани йўқ. Кечаю-кундуз дуо қилади: ўғлига соғлиқ, душманга ўлим тилайди».

Мен хатинг шу жойини Латиф Жўраевга ўқиб берсам, унинг кўнгли бузилиб, ўксиб йинглаб юборди.

— Бечора опа, ўғлининг ўлганини эшитса фиғонини фалакка чиқарди,— деди ўлкаси тўлиб.— Ҳа, ўғлининг ўлгани. Биз уни Фаҳриддин билан бирга кўмдик... Йўқ, Фаҳриддин асирга тушиб кетди, билмадим тирикмикан?

Ҳар ким хар хаёлда, шу пайт Петренко

— Темир йўлга қаранглар!— деб қичқирди. Қарасан, завод станоклари ортилган ўзун эшелон. Составдаги вагонларга: «Тошкентга» деган лавҳа ёзилган экан.

— Кўрдиларингни, Ростов хавф остида қолишти,— деди яна Петренко,— бу станоклар «Россельмаш» заводи, уни Тошкентга кўчиришти.

Станоклар ортилган эшелондан кейин пассажир поездеди ўтди. Билганимизча завод ишчилари ҳам ўа заводи билан бирга кўчиб кетмоқда эдилар.

— Менинг акам заводда ишлайди,— деди бирдан тил-

га кириб Рўзиматов.— Мен ҳам урушдан кейин албатта ишчи бўламан.

Артём Винничков кулиб юборди.

— Аввал душманни тор-мор қилайлик-чи. Ким қолади, ким қолмайди. Мен тирик қолсам яна боғдорчилигимни қилардим.

— Уруш тугагандан кейин заводни яна кўчириб келтиришармикин?— сўради Влиштейн.

— Йўқ, қайтариб келишмас,— Петренко билонлардек гапга бошлади.— «Россельмаш»ни янгидан қурадилар. Унда янги-янги станоклар бўлади, дўстим. Ҳозиргисидан ҳам кучли завод қад кўтаради бу ерда.

Батальон комиссари келаётганини кўриб, ҳаммамиз яна ўз ишимиз билан машғул бўлдик.

— Ҳорманглар,— деди у кела солиб — хўш, ДОТ битдимми?

— Тайёр, ўртоқ комиссар, буниси ўн биринчисин,— дедим мен мақташгандек бўлиб.

— Биладан, биладан. Яхши ишлайсизлар.

Шу вақт ДОТимиз ёнига енгил машина келиб тўхтади, ундан маршал формаси кийган забардаст бир ҳарбий киши тушди. Уни биринчи бўлиб мен кўрдим ва комиссарга қўлим билан ишора қилиб: «Маршал!» келяпти дедим.

— Батальон смирно!— деб команда берди комиссар дарров, сўнг маршал рўпарасига бориб, батальон жапгчилари қурилиш ишлари билан шуғулланиб турганларини баён қилди. Маршал: «Вольна!» деб команда берди. Биз ўз ишимизни давом эттиравардик. Шаҳар ғарбида танкка қарши хандақ қазишда ва дарё атрофида мудофаа қурилишида минг-миглаб аҳоли тиришиб ишламоқда эди. Маршал атрофга назар ташлади.

Бу юксак уявонли ҳарбий киши қўмондонимиз маршал Тимошенко эканини билдик. У биз қураётган ДОТга яқин келганида мен «взвод смирно!» деб команда бердим-да, унинг рўпарасига чиқиб: Ўртоқ маршал, бу ДОТни биринчи бўлимнинг биринчи взвод жангчилари қурмоқда! Старший сержант Ахтамов Аъзам, деб рапорт бердим ва четроққа бир қадам ташлаб, тик турдим.

Совет Иттифоқи маршали Тимошенко жангчиларимга:

— Салом, ўртоқ жангчилар!— деди. Ҳаммамиз бирдан: «Салом, ўртоқ маршал!» деб барала жавоб қайтардик, кейин у: «Вольна!» деб аста ДОТга кирди, Мен ҳам жанг-

чиларимга: «Вольпа!» деб улар кетидан ДОТга тушдим. Қўмондон амбразурага пулемётни қўйдириб, ўзи ниманидир нишонга олиб, олдинга қаради. Икки амбразурадан ҳам душманни пулемётга туттиш мумкин ва қулай эди. ДОТ яхши қурилган, амбразуралар аса шу ер шаронитга қараб мослаштирилган эди.

Маршал комиссарга қараб:

— Яхши, ўт очишга қулай, мустаҳкам бўлипти. Бундай ўт очиш нуқтасини кўпроқ қуриш керак!— деб маслаҳат берди ва кейин:

— Фронт ҳарбий советининг қарорини ишлаб чиқдингизларми?— деб сўради комиссардан.

— Шу кечаси ишлаб чиқамиз,— деди комиссар.

— Шундай қилинглар, ишлаб чиқинглар, жангчиларнинг руҳи кўтарилсин. Биз энди ҳужумга ўтишга қодир эканимизни билишсин улар,— деди маршал.— Энди немисларни ҳамма фронтларда тўхтатиб, орқага улоқтириб ташлаймиз. Ҳужумга тайёр турунглар,— деди-да, хайрлашиб, машинасига ўтирди.

Жангчи Влиштейн олдимга югуриб келди-да:

— Негадир қўрқиб турган эдим. Жангчилар билан маршалнинг ҳамсуҳбат бўлганини биринчи кўришим, хайрият,— деди, ўз-ўзинча.

Комиссар Васильев унга изох берди:

— Бизнинг генерал, маршалларимиз, командирларимиз, катта-кичик ҳаммамиз бир ишчи-деҳқон болаларимиз. Бизлар қўмондонларимизни севамиз, ҳурмат қиламиз. Улар ҳам бизларга оталарча ғамхўрлик қилишади. Буни ҳаммаша эсда тутмоқ керак.

Кечқурун батальон жангчиларнинг очиқ партия йиғилиши бўлиб, партия сафига янги кишилар қабул қилиш масаласи кўрилди. Комиссар менинг аризамни ўқиб эшиттирди. Мен ўз аризамда, Ватан ҳимояси учун курашда, ёвуз душманни тор-мор қилишда коммунист бўлиб жанг қилишни хоҳлайман! деб ёзган эдим.

Менга биринчи тавсияномани комиссар, иккинчисини командиримиз Кожевников, учинчисини комсомол ташкilotи берган эди.

Комиссар аризани ўқиб бўлгандан кейин, бундай деди:— Бугун Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Тимошенко Аъзам Ахтамов вазводи ишлаётган жойга келиб, ДОТни кўрди ва беҳад хурсанд бўлганини изҳор қилди. Унинг бўлими ҳамма вақт вазифани аъло даражада бажаради,

Жангчилари ўртасида интизом яхши. Батальон жангчилари ва командирлари ўртасида обрў қозонган. Коммунист бўлиб, душман билан курашаман, деб ариза берипти. Уни партия сафига қабул қилиш ҳақида кимда қандай таклиф бор?

— Қабул қилинсин! — барала овоз чиқди ва қарсақ чалишди.

Шу йиғилишда бўлимнинг кўп жангчилари партия сафига ва икки ёш жангчи — Влиштейн билан Павленко комсомолга қабул қилинди.

Бухоронинг қизилқумлари этагида ўсган, совет мактабида ўқиб тарбияланган етимча бир бола — бугун коммунист, илғор бўлимнинг командири. Бахтимдан ўргилай, жоним борича Ватанимни ҳимоя қилишга тайёрман!

Партия йиғилиши тугади, ертўладан чиққаннимизда биринчи бўлиб лейтенант Селиверстов мени табриклади. Чин кўнглимдан унга миннатдорчилик билдирдим. Рўзиёв, Мамедов, Рўзиматов, Шура Федорова, Латиф Жўраев ва батальоннинг жангчилари ҳам мени бирма-бир табрикладилар. Мен ҳам уларни ўз навбатида табрикладим..

Собир Раҳимов билан учрашув...

Эртага командир ва комиссар билан бирга Каменск-Шахтинский шаҳрига бордик. Шаҳар клубига кирганимизда унинг аали ҳарбийлар билан лиқ тўла эди. У ерга армия, корпус, дивизия, полк ва батальон командирлари, комиссарлар, партия, комсомол ходимлари ва аълочи жангчи агитаторлар тўпланган экан.

Йиғилишда душман ҳужумини тўхтатиш ва унга зарба бериш тўғрисидаги фронт Ҳарбий Советининг қарорини фронт активда кенг муҳокама этиш, жангчилар ўртасида пропаганда қилиш масаласи кўрилди.

Залда эканмизда ногоҳ кўзим юқори уивонли бир ўзбек командирига тушди. Мен ундан кўзимни узолмай, у билан кўришишни истадим-да, яқинроқ бориб, ҳарбийларча салом бердим. У ҳам салом-алик олди, кейин «ўзбекмисиз» деб сўради мендан.

— Ўзбекман, ўртоқ майор,— дедим.

У менга қўл узатди, қўл қисшиб кўришдик.

— Собир Раҳимов бўламан. Ташкентликман. Сиз қаерлик?— деди у.

— Аъзам Ахтамов. Бухоро областидан, шофриконликман, ўртоқ майор.

— Қадимий Бухоро, ҳа биламан. Армияда қачондан бери хизмат қиляпсиз?

— 1939 йилдан буён. Ҳарбий чегарадан урушиб, жанг билан келяпсиз.

— Ундай бўлса, тажрибали жангчи бўлиб қолпсиз, қайси қисмда хизмат қиласиз?

— 18-армия штаби ҳузуридаги инженерлик батальонида,— дедим мен.

— Бир армия сафида эканмиз-ку? Шу вақтгача бир-биримизни кўрмабмиз,— деди майор, яна ўз сўзини давом

эттирди!— Ҳа, кўра олмас эдик-да. Мен бу фронтга ҳарбий госпиталдан чиқиб, яқинда келдим. Энди тез-тез кўришиб турармиз. Менинг полким Ростовнинг шарқи-шимолида фронтнинг иккинчи позициясида турипти,— деди у.

Енимизга бир капитан келиб Собир акага честь берди-да, ўзини Карим Каримович Каримов деб таништирди.

— О, шундайми? Мен Наримон Наримонович Наримонов деганни эшитган эдим-ку, аммо ўзбекларда бунақанги болахонадор исм-фамилияни эшитмаган эдим. Майли, тапшайлик: Собир Раҳимов бўламан, деди-да, унга қўл узатди ва ўларни қайси дивизияданлар? деб сўради.

— 31-ўқчи дивизияданман, ўртоқ майор, танкка қарши батарея командириман.

Ичкарига таклиф қилдилар. Мен ўв командирларим ёнига бориб ўтирдим. Жанубий ва ғарби-жанубий томон қўмондони, Совет Иттифоқи маршали Тимошенко клуб саҳнасида пайдо бўлганда ҳамма ўрнидан турди.

— Ўтиришлар,— деди маршал. Саҳнага маршалдан ташқари жанубий фронт қўмондонни генерал-лейтенант Черевиченко, фронт сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армиялар қўмондонни ҳам чиқиб жой олдилар.

Маршал сўзлай бошлади, у фронтлардаги аҳволни чуқур таҳлил қилди. Ленинград ва Москва бўсағаларида даҳшатли жанглар бораётганини қайта-қайта такрорлади.

— Ёзнинг жанубий фронтимизда ҳам,— деди маршал,— жанглар тобора шиддатли тус олмақда. Гитлер ўзининг жанубий фронт қўмондонига Шарқий Донбассдаги совет армиясининг икки қанотини есиб, Дон бўйида ўраб олиб тор-мор келтириш, сўнгра Кавказни ишғол этиш ҳақида буйруқ берган.

Душманинг бу қора пиятиги барбод қилишимиз керак. Унинг планни чиппакка чиқаришимиз шарт. Унинг зарбдор кучини тор-мор келтириб, орқага улоқтириб ташлашимиз керак. Бу вазифани бажариш учун техника жиҳатдан ҳам, одамлар куч-қудрати жиҳатидан ҳам зарур имкониятга эгамиз!

Маршал сўзлар, унинг нутқида ғалабаимизга тўла ишовчи билилиб турарди.

— Ҳамма жапгчиларимизни,— деди маршал яна таъкидлаб,— душманга ғазаб руҳида, чексиз нафрат руҳида, оташчи ватавпарварлик руҳида тарбиялашимиз керак. Ҳар бир жангчи ғалабаимизга қатъий ишониб, душман кўксига шафқатсиз найза урсин!

Йяғин тугаб, ҳамма ўз жойига жўнаб кетди. Бизнинг вивженерлик батальонимиз Каменск-Шахтинскийдан силжиб, Ростов шаҳарининг шарқи-шимолида, фронт чегарасидаги Рафаэловка қишлоғига жойлашди. Биз бу ерда ҳам бир неча группаларга бўлиниб, фронт линиясида мудофаа тутиб, ҳужумга тайёрланаётган дивизия ва полкларга вивженерлик иншоотлари қуришда ёрдам беришга киришдик.

Полк командири Собир Раҳимовни қайта кўра олмага-нимга ачиндим, гарчи унинг полки шу атроподаги позицияда бўлса-да, қайси қишлоқ, қайси тепаликда эканини билолмасдим.

Ноябрь ойининг бошлари, қор аралаш ёмғир ёғмоқда. Ер лой, кун совуқ, намгарчилик, ҳатто жангчиларимиз мудофаада турган окоп ҳам тизаа бўйи сув.

1941 йил 17 ноябрь эрталаб, тонг отарда кенг фронт бўйлаб артиллерия ҳужуми бошланиб кетди. Биринчи бўлиб гвардиячи миномётчилар душман устига узунчоқ миналарини ёғдира бошладилар. Бу ҳужумнинг бошланганидан дарак берар, жангчилар севиниб, атакага кўтарилишга шайланмоқда эдилар.

Ростов ери минг-минглаб снаряд, миналарнинг ёрилишидан ларзага келмоқда. Бу вохосдан бошланган тасиртусур фашистларни доводиратиб қўйди: парокандалик, додвой... зотан душман бу лойгарчилик ва оғир об-ҳаво шароитида бунчалик зарбамизни кутмаган эди. П-70 маркали танкларимиз, донлик кўнгилли отлиқ аскарлар армиямиз қаторида олға ташландилар. Ростов шаҳрининг шарқи-шимолидаги баланд тепаликлар устида тенгсиз жанглар бошланиб кетди. Душман чекинишни хоҳламаётган кўри-нарди. Лекин қаҳрамон жангчиларимиз эса унинг «ўлиб қутулиб» қилаётган қаршилигини синдириб Миус дарёси қирғоғигача суриб-қисиб борардилар. Жанг қилиб турган вақтда кўзим танишимиз капитан Каримовга тушди. У ўз батареясини очиқ позицияга олиб чиқиб, душман тапқларига ўт очтирмоқда эди. Биз қўлга киритилган маррада маҳкамланиб, мудофаага ўтиб олдик.

Кузатишимизча, душман Таганрог рўпарасидан келиб, Ростовга қараб кучли ҳужум бошлади. Ростов олдида турган армиямиз душман танкчи кучларига қарши тенгсиз жанг қилиб чеккинарди. 21 ноябрда нохуш хабар эшитдик: душман Ростов шаҳрини ишғол қилибди. Қаттиқ ачиндик. Рафаэловканинг жанубида — Куйбишев районида армия-

мизининг иккинчи позициясида Собир Раҳимов полки му-
дофаада турган экан. Буни биз кейинроқ билдик. Душман-
нинг учинчи ва тўртинчи танкчи корпуслари армиямизнинг
иккинчи позициясига дуч келиб қаттиқ қаршиликка уч-
раган, қадами қирқилиб, ҳужуми таққа тўхтаган.

Собир Раҳимов полки катта-кичик замбаракларни
танкка қарши қўйиб, қаттиқ жанг олиб борди. Унинг ўнг
қанотида капитан Каримов батареяси ҳам душман танк-
ларига қарши вўр жасорат билан курашарди. Буни бизга
комиссаримиз айтиб берди, севиндим.

29 ноябрь эрталаб Совет Армияси яна мудофаадан
ҳужумга ўтди. Эндиликда биргина биз ҳужум олиб бора-
ётган Ростовнинг шарқ-шимолидангина эмас, балки уч
томондан бир йўла ҳужум бошланди. Ярим қуршовда қол-
ган душман қафасга тушиб қолишдап қўрқиб чекинишга
юз ўғирди. Ростов томонида уч тарафдан жанг борарди.
Ниҳоят Ростов озод қилинди. Биз ҳужумчилар орасида-
миз. Мен Ростовнинг ғарбида ўз жангчиларини олға олиб
бораётган полковник Собир Раҳимовни кўриб қолдим. У
мени дарров таниди.

— Э, қора йигит, соғмисиз? Қаранг, қаранг, — деди Рос-
тов томонни кўрсатиб.

— Ростов устида яна қизил байроқ! Хайрият, — дедим
мен.

У баланд овоз билап жангчиларига хитоб қилди:

— Қаранглар, Ростов душмандан озод қилинди. Бугун
30 ноябрь, Ростов устида яна Қизил байроқ қилпирамоқда.

— Бу ғалабани нишонлаш учун энди Миус дарёси
томон олға! — деб команда берди Собир Раҳимов.

Жангчилар «урра» деб олға ташландилар.

Жанг билан, ғалаба руҳи билан олға борардик. 1941
йил 6 декабрда Москва оstonасида душманнын катта куч-
лари тор-мор этилгани ва севикли пойтахтимиз олдидан
улоқтириб ташланганлиги ҳақидаги хабар шу куннинг
ўзандаёқ бизгача етиб келди. Бу хабардан завқланган Собир
Раҳимов жангчилари душман устига шиддат билан таш-
ландилар, Миус дарёси бўйидаги Матвеев қўрғон шаҳри
ҳам озод қилинди.

Бухоро палови

1942 йил. Январь ойнинг охириги кунлари. Ҳаво совуқ, қор бўрони. Донбасснинг Қрасний луч шаҳар кўчалари бўйлаб тортилган телефон симлари кўнгилни гашлатиб чиқиллайди. Шамол қорларни кўчама-кўча учириб, уйларнинг деворлари тагига, шахталарнинг панасига суриб тўплайди...

Батальон командири капитан Кожевников ва комиссар Васильев армия штабидан кеч қайтдилар. Улар шошилинич равишда батальонни саф тизиб, жангга тайёргарлик кўришни бужоришди. Батальон Ростов атрофидан келибоқ, Донбасснинг Қрасний луч шаҳрига жойлашиб, Миус дарёси соҳилида мудофаа иншоотлари қура бошлаганига бир ойдан кўпроқ вақт бўлган эди.

Мана энди яна сафарга.

Совуқ урмасин деб оёққа жун пайпоқ, бошимизга туя жуи астарли иссиқ шлём кийиб олдик. Бундай иссиқ кийимлар ва шлём кийиш Финляндия урушидан расм бўлиб қолганди.

Шоферлар қаттол совуқда автомашиналарини юргизиш учун моторларини қизитмоқда эдилар. Командир:

— Батальон сафга!— деб команда бериб қолди.

Ҳамма изводлар саф тартиб, командирнинг буйругини кутиб турдилар.

Командир ҳаммамизни бирма-бир кўздан кечириб, сафининг ўртароғига келди-да:

— Қадрдон жангчилар, ҳозир жанговар буйруқ олдик, биз душман позициясида ҳужум бошлаган полякларга йўл очиб беришимиз керак. Вазифани бажаришга тайёрмисизлар?— деб сўради.

Ҳаммамиз бирдан баланд овоз билан:

— Тайёрмиз!— дедик.

— Машинага! — деб буйруқ берди капитан.

Узоққа борар эканмиз-да, деб ўйладим мен. Шундай қаҳратон совуқда машинада ўтириш ўнғайсиз. Пиеда юриш мннг бор афзал эди. Не чора, машиналарга чиқдик, колонна фронтга эмас, шарқ томонга қараб жўнади. Яна Ростов томонга борамиз шекилли? Йўлга қараб борар эдим, колонна олдидаги машина Ростовдан Дебалдево шаҳрига борадиган йўлга чиқди.

Юриш оғир, тепаликларни кесиб ўтган йўлларда баланд-паст қор уюмлари. Совуқ заптига оляпти. Капитан Кожевников колоннани йўлма-йўл тўхтатар, жангчиларни машинадан тушириб, у ён-бу ёнга чоптирар, баданлари қизисин деб қорга ботиб қолган машинани чиқаришга ундарди.

Не-не машаққат билан машина орқасидан итариб, қорларни тозалаб метр-метр йўл босиб бормоқдамиз. Ногоҳ кўзни қамаштирадиган қор саҳросида ҳарбий колонна кўринди. Колонна Ростов томондан келаётганга ўхшарди, Полковник Собир Раҳимовнинг полки келаётган бўлмасин тағин?

Жангчилар телпаклари қулоғини тушириб, томоғи тағидан боғлаб олган, оғиз-бурунларидан чиққан буғдан қош-мўйловлари, шинелларининг ёқаси қировланиб, музга айланган. Улар узоқ йўлдан қурол ва ўқ-дориларни ел-каларига ортиб келмоқдалар.

Бизнинг машиналар колонналардан четлаб ўтарди, жангчиларининг охири кўришмайди — ҳа бу колонна поли эмас, дивизия бўлса керак деб ўйлардим, яна Собир Раҳимов хаёлимга келди...

— Ўқиб, совет офицери бўлинг, — деб маслаҳат берарди менга у. Унинг гапи менга қувват бахш этгандек бўларди. Ўзбеклар ичидан етишиб чиққан бундай ғамхўр, меҳрибон командир, ўт юрак, уддабуро одамни кўрган-шимдан фахрланардим. Уни яна учратармикапман, қанийди, яна бир бор суҳбатлашсам.

Бир куни, Собир ака мендан: «Қора йиғит, уйланганмисан, рафиқанг борми?» — деб сўраб қолди. Севимли ёрим — Юлдузим кўз ўнгимда паноён бўлди, шу топда. Икки йил нима бўпти. «Ҳа-ҳу» дегунча хизматни тамомлаб уйга қайтаман.. О, ширин ўйлар!

Урушнинг ниҳояси кўришмайди-ку, ярим йилдан бери жанг қилиб юрибмиз. Уруш тамом бўлармикап, қачон? Соғ-саломат қолармикапман? Юлдузхонни яна кўрарми-

қанман, дийдорига тўярмакман? Полковникка уйла-
ганимни, қизалоғим борлигини айтгандим.

Хажл суриб машиналаримиз колоннаси тўхтаб қолган-
ни ҳам семабман. Командир кабинадан чиқиб: «Маши-
налардан тушинглар!» деб буйруқ берганини эшитиб қол-
дим. Машинадан ирғиб тушдим, жангчиларимни ҳам
туширдим ва тезлик билан командир олдига бордим.

Батальон командири ҳамма командирларни эргашти-
риб сой бўйига олиб борди. Соининг кўприги бузилиб, ўтиш
мумкин бўлмай қолипти. Командир «кўприкни тузатиши-
миз керак» деди. Ҳа, орқадан келаётган колонна теароқ
фронтдаги дивизиялар ўрнини алмашиши керак экан.

Батальон командири комиссар Васильев билан лейте-
нант Селиверстовци бу ерда қолдирди-да, менга:

— Аъзам, ўв бўлиминг билан орқамдан юр! — деди.

Саф бўлиб, бирин-кетин муз устидан ўтиб, командир
орқасидан боравердин, олдинда қишлоқ. У кўприкка яқин
бўлса-да, қор буралиб ёғаётганидан кўринмай турган экан.
Бир уй олдида ҳарбий қўриқчи турипти.

Командир навбатчидан штабни сўради, у! «худди шу
ер» деди ва киришга руҳсат этди. Жангчиларни штаб ол-
дида, бир уй панасида қолдириб командир билан уйга кир-
дик. Осма лампа ёруғида командирлар даврасини кўрдим.
Улар бизни илиқ кутиб олишди. Мен дафъатан Собир
Раҳимовни танидим, хатти-ҳаракатидан у штаб бошлиғига
ўхшарди.

Капитан Кожевников полковник Собир Раҳимовга ҳар-
бийларча рапорт бераркан, полковник у билан қўл оли-
шиб кўришди, ҳурмат билан ўтиришга жой кўрсатди. Мен
ҳам одоб билан солдатча салом бердим, лекин қучоқлашиб
кўришгим келганди. Командирлар суҳбатига халал бериш-
ни эп кўрмай, уларнинг сўзларига қулоқ солиб ўтирдим.

Полковник мени яхши кўргани йўқ эди. Чунки стол
атрофида командирлар тик турган ҳолда топографик кар-
тага қараб, полковник мудофаа позициясини белгиламоқда
эдилар. Улар ишни тугатиб, полковникка кўрсатишди.
Полковник, тунги разведкадан кейин тегшли тузатиш-
ларни кўришганимиз, деди-да, штаб ходимларининг фикрини
маъқуллади, кейин капитан Кожевниковдан:

— Батальонда жангчи кўпми? — деб сўради бирдан.

— Бир юз етмишта чиқар, — деди Кожевников.

— Оз-кў?! Нима гап? Ростовда кўп одам йўқотдингиз-
ми?

— Йўқ, Ростов олдида талафот кўрмадик! Олдироқ, Бердичев шахрининг шимолида танкчи корпуслар билан бирликда ҳаракат қилганимида анча-мунча талафот берган эдик. Михайловка қишлоғи ёлдида жангчиларимиз танклар ҳужумини тўхтатишда катта жасурлик кўрсатган эдилар. Сафимизни унча тўлдира олмадик, олганларимиз эса ҳали жуда ёш...

— Оз одам билан батальон олдида қўйилган жанговар вазифани бажариб бўлардимиз? — деди Собир Раҳимов.

— Лекин жангчиларни пухта тайёрлаганимиз, йигитларимиз ботир, ўз ишларини яхши биладилар, қисмини жовдан севган, интизомли жангчилар. Ҳар қандай шароитда ҳам вазифани бажарадилар, — деди капитан.

— Ундай бўлса яхши. Айтингчи, батальонингизда ўзбек йигитлари борми, ҳарбий ишга кўникашганми? — деб сўради полковник.

— Бизда ўзбек йигитлари кўп, яхши жанг қилишадди, — деди капитан. — Командирлар ҳам бор, Ахтамов, олдироққа кел, танишиб қўй ўртоқ полковник билан!

Мен худди шу гапни кутиб турган эдим. Икки қадам сўзга чиқиб: — Салом, ўртоқ полковник, — дедим.

Уй ичи ғира-шира қоронғи бўлса-да, полковник мени дарров таниб, кўришишга қўл чўзди. Самимий кўришдик.

— Мен бу йигит билан танишман, — деди Собир ака. — Фронт штабида танишганмиз, Ростовни озод қилишда биз билан бирга эди. Хўш, қора йигит, ишлар қалай?

— Жуда соз, ўртоқ полковник.

— Палов пишпиришпи биласизми?

— Бўлмасамчи... Биламан, ўртоқ полковник.

— Старшинани чақиринглар, — деди полковник, сўнгра менга қаради: — Мен Краснодар ўлкасидан гуруч олдирган эдим. Ўзимизнинг девзирадан қолишмайди. Ростовда палов пишпиришга вақт бўлмади. Бу кеча вақтимиз бор. Хўш, нима дейсизлар? — деди командирларга қараб, — палов ейсизларми? Ўзбек паловини еб кўрганмисизлар?

— Мен Москвада «Ўзбекистон» ресторанида еганим бор, — деди менга нотаниш офицер.

— Палов билан бирга юз граммдан нарком нормаси бўлса чакки бўлмасди, — деди штаб бошлиғи, майор.

— Албатта, унингсиз бўлмас, — деди яна бири.

Старшина кириб буйруқ кутиб турарди.

— Старший сержант билан чиқиб, — деди полковник

старшинага, — Краснодардан олдирган гуручдан ва гўшт, ёғ бериб, палов пиширинглар!

Старшина билан чиқиб, бир уйга кирдик, эгасидан палов пиширишга изожат сўрадик. Ўрта яшар аёл бир оа ўйланиб олди-да, кейин:

— Кундуз куни бўлганда ижозат бермасдим. Фронт яқин, немислар тутун чиққан уйга тўп отишади, биз ҳам овқатимизни кечаси пишприб еймиз. Майли, аммо уй қоронғи, лампа мой йўқ, — деди аёл.

— Идиш беринг, лампа мой бизда бор, — деди старшина. Аёл севиди, кўпроқ келтиришни сўради ундан. Мен уй бекасидан қозон сўрадим. Украинада бизнинг япалоқ қозон топилмайди. У катта-кичик хумчанамо чўян қозонларни кўрсатди. Энг катта чўян қозонни олиб, даҳлизга чиқдим. Калта-калта қилиб кесилган ўтин гарам қилинган. Ёшдан ўчоқ ясадим. Старшина керакли масаллуқни бир солдатга кўтартириб олиб кирди.

Шу вақт уй эшиги очилиб, хонага комиссар Васильев билан Шура кириб келишди. Улар уй бекаси билан илиқ кўришиб, менга: «Қани, паловни қанақа қилиб пиширар экансиз?» дейишди. Шура уй хўжасига қараб: «Ҳозир палов пиширилмоқчи. Бу ўзбекларнинг энг қадрли, лаззатли овқати. Бизлар ўрганишга келдик» деди. Уй эгаси: «Мен ҳам палов деб эшитганим бору, аммо еб кўрганам йўқ. Пиширганларингизда менга ҳам берарсизлар?»

— Албатта! Бирга ўтириб еймиз, — деди кулиб Васильев. Мен комиссар Васильевга: «палов парранда гўшти билан жуда лаззатли бўларди-да», — дедим.

Васильев, кимнинг уйида паррандаси бор эканини уй бекасидан сўради ва пулга сотиб олишимизни айтди.

— Билмайсизми? Украинларнинг қайси уйига кирманг, гоз, ўрдак, товуқ гўшти топилади, айниқса бизнинг қишлоқда, — деди уй бекаси. — Соё бўйидаги қишлоқ. Эллик-юзтадан гоз-ўрдак, товуқ боқиб, сўйиб-тузлаб олганмиз.

— Кечирасиз, мен ҳам украиналик. Николаев шахридан бўламан, — деди комиссар. — Украинапи яхши биламан! Шундай бўлса ҳам, аниқлаб олай дедим-да.

Бека суйица-суйица тўртта гозни келтириб қўйди, обдан яхлатилган экан.

Мен унга миннатдорчилик билдирдим, Шура бу гоз гўштини ювиб, майдалаб бермоқчи бўлди. Ўзим сабзи-пиёз арчиб, тўғрадим. Масаллуқ тайёр бўлгач, уни қизиб

турган ёққа ташладим... Зирбак тайёр бўлгач, гуручни солиб, устидан бир оз сув қўйдим, ўчоқда олов гуриллаб ёнмоқда. Комиссар, старшина, Шура ва уй бекаси менинг ҳамма ҳаракатимни кузатиб туришибди.

Батальон комиссари Васильев: «Аъзам, паловнинг қачон пишади?» деб сўради. «Бир соатда пишади» дедим унга. Комиссар полковникни айтиб келишга кетди, Шура билан уй бекаси хона ўртасига столларни қатор тизиб, закускаларни тайёрламоқда эдилар.

Ош дам еди. Уни очиб, татиб кўрсам, лаззатли. Писта ёғи, роз гўштидан, қип-қизил, хушбўй палов...

Полковник эшикдан кирди-ю, «қадаҳлар тўлдирилсин!» деди. Даврадагилар юз граммдан сузилган қадаҳни кўтарганича Собир Раҳимовнинг навбатдаги сўзини кутиб туришди.

Полковник ўрпидан турди:— Ўртоқлар! Олдимизда ўзбекларнинг сеvimли таоми палов, қўлимизда русларнинг сеvimли ичимлиги ароқ, қани, оқ уриб, паловни ейлик. Фашист армияси чегарамизни бузиб, муқаддас тупроғимизга ўтди, тинч социализм қурилишимизга халақит берди. Душман «Барбарос» плани бўйича уч ой ичида қизил армияни тор-мор қилиб, Уралгача бормоқчи эди, нияти чиппакка чиқарилди. Қизил армиямиз ҳамма фронтларда душманнынг ҳужумини таққа тўхтатиб, уни орқага улоқтириб ташлади, ўнларча шаҳар ва юзларча қишлоқларимизни шумоёқлардан озод қилди. Бошдан оғир ва қайғули кунларни ўтказдик. Энди эса олға босиб, душманны савалаб, ҳолдан тойдириб, ғалаба сари бормоқдамиз.

Биз ҳозир Шарқий Донбассда турибмиз. Ҳали Ғарбий ва Марказий Донбасс фашистлар қўлида. Буни яхши ҳис қилиб турибмиз.

Янги жанглар учун, буюк ғалабамиз учун шу қадаҳни кўтарайлик!

Полковник Собир Раҳимов бизда паловни қўл билан ейдилар, деб ўзи бошлаб ошга қўл чўзди. Даврадагилар ҳам қошиқларини бир чеккага суриб қўйиб, қўл билан емоқчи бўлишди. Аммо ўрганмаган бармоқлари орасидан палов тўкила бошлади. Яна қошиқлар ибга солинди. Стаканларга яна юзтадан ароқ қуйилди. Бу сафар сўзни иш-женерлик батальони командири Кожевников олди.

— Палов жуда яхши, лаззатли таом экан. Ғалабамиз учун, ўзбек паловини Берлинда пишириш учун!

— Яшапг капитан, кўнглимдаги гапни айтдингиз,—

деди Собир ака.— Бу Бухоро палови, юмпокроқ, Берлинда мен ўзим тошкентча қизил палов ипириб бераман.

— Менинг батальоним,— деб сўзини давом эттирди капитан Кожевников,— беш ойдан бери Донбасс мудофаасида актив қатнашиб келмоқда. Энди сизнинг полкингиз билан бирга олиб борадиган ҳужумимиз ҳам муваффақиятли чиқсин!

— Мен бунга ишонаман,— деб гапга аралашди комиссар Васильев,— Собир Умаровичнинг полки Ростов олдида душманга қарши шер каби кўтарилганда дивизия штабидан кузатиб турган эдим. Жангчиларингизнинг ҳаммаси бирданига окоплардан чиқиб, зўр жанг қилишди. Ўзингиз ҳам қаторда бирга бораётганингизни кўриб қойил қолдим, астойдил қойил қолдим, қойил!

— Менинг полкимдаги жангчиларнинг кўпчилиги шу атрофдаги шаҳар, қишлоқ, посёлкалардан,— деди полковник мамун бўлиб,— жойини яхши билишади, ўз юртида жанг қилган одамга ер ҳам кўмақдош, шундай эмасми?

— Мен,— деди яна полковник,— бир қондага қаттиқ амал қиламан. Душман позициясини, унинг ўт очини пуқталарини пухта ўрганмай жанг бошламайман. Аке ҳолда кўп талафот бериб қўйиш мумкин. Разведка устига разведка, сўнгра жанг!

— Бу жуда тўғри мулоҳаза,— деди комбат,— натижаси яхши бўлади.

— Жанг қилиш учунгина жапг қилмаслик керак,— деди Собир ака ўз мулоҳазасини яқулаб,— жапгнинг биринчи минутлариданоқ ташаббусни қўлга олиш учун, душмандан устун келиш учун, уни мажақлаб-епгиб ютиб чиқиш учун жанг қилмоқ керак.

Ҳаммаинг чехраси очилиб кетди. Иссиқ уйда танамиз ййраб, иштаҳа билан паловхўрлик қилардик.

Қўллар лаганда-ю, кўзлар Собир Раҳимовда эди. Салобатли, хушгап, хушчақчақ полковник ҳаммани оғзига қаратиб, ўткир, дадил мулоҳазаларни ўртага ташларди.

Полковник Собир Раҳимов бошчилигида командирлар зиёфатдан мамун бўлишиб, меҳмондўстлик учун менга ва уй бекасига миннатдорчилик билдириб чиқиб кетишди. Қолган ярим қозон ошин жангчиларим билан баҳам кўриб, қишнинг узун кечасини қисқартирибмиз. Тонг отиб, жанговар вазифани бажариш вақти ҳам келиб қолипти.

Шошилиб кўчага чиқдим. Штаб олдида Собир ака билан бизнинг командир туриптилар.

— Хўш, қора йигит, яхши ҳордиқ чиқардингларми? — сўради Собир ака кулиб.

— Бундай кечаларнинг қурболи бўлай, — дедим честь берип ҳам ёдимдан кўтарилиб, — роса роҳат қилдик.

— Сен взводнинг билан шу полкда қоласан, — деди капитан Кожевников, — ҳамма топшириқларни адо этиб, сўнг бизни топасан.

— Жопим билан, — деб честь бердим. Яна Собир ака билан бирга бўлишдан бениҳоя қувонган эдим.

— Полковник руҳсат этгандан кейин батальонга қайтасан! Энди биз дивизия штабида ва унинг бошқа полкларидан ишлаймиз, — деди капитан яна таъкидлаб,

Тунги разведка

Полковник Собир Раҳимов штабдан бир капитани чақириб, мен билан таништирди. У киши полк штабида разведканинг бошлиғи экан. Полковник унга: — Сапёрлар сизнинг ихтиёрингизда. Икковларингизга ҳам бир вазифа: Душман позициясини кўздан кечириб, тил эшлаб келиш! Сапёрлар йўл очиб беради. Бир-бирларингизга кўмаклашиб, жанговар буйруқни бажаринглар! — деди.

Қор ёғиб турибди, бўрон кўзгалган. Капитан билан бир уй тоmidан дурбинда душман томонни кўзда кечирмоқчи бўлди. Аммо ҳаммаёқ оппоқ қор, кўзни қамаштиради: душман позициясини аниқлаб олишга имкон бермайди.

Штабдан тортилган телефон симини икки жангчига судратиб, биринчи позициядаги ротанинг команда пунктига келдик.

Ертўлада бир майор, бир капитан, икки алоқачи-жангчи ўтирган экан. Майор капитанга:

— Хўш, хизмат? — деб сўради бирдан.

— Рўпарамизда турган душмани билмоқчимиз, — деди капитан.

— Душман позициясини аниқ билиш учун икки кундан бери кузатмоқдамиз, — деди майор. — Аммо ҳамма ўт очиб нуқталарини ҳали аниқлаб олганимизча йўқ. Душманинг биринчи позицияси ўнг қапотдаги тепаликлардан бошланиб, олдинги қишлоқнинг жанубига қараб чўзиллиб кетади. Унинг артиллерияси эса қишлоқда.

— Олdda бир қатор тиканли сим тўсиғи ва мина майдонлари бор, — деди у хавфли жойларни қўли билан кўрсатиб.

Биз унинг айтгани билан кифояланиб қолмасдан, топографик картадан разведкага бориш йўлини, душманининг ўт очиб нуқталарини аниқлаб пухта ўргандик.

Капитан майорга:

— Олдида разведкачиларимиз бор деб жапгчиларингизни огоҳлантиринг. Тағин бизни ўққа тутмасинлар,— деб илтимос қилди.

Майор ҳамма роталарни огоҳлантириш учун алоқачилар юборди.

Разведкачи қандай бошлашимизни полковник Собир Раҳимов билан телефон орқали маслаҳатлашиб олдик.

— Хайр! Оқ йўл, ғалаба билан қайтишингизни кутаман,— деди трубкадан Собир ака.

Сапёр ва разведкачилар эмаклаб, биринчи позицияга етиб келдилар. Биз жапгчиларга борар йўлни, душман позициясини тушунтирдик.

Капитан разведкачиларни уч группага бўлди. Мен ҳам сапёрларни уч группага бўлдим. Бир группада — Латиф Жўраев, Влиштейн, Павленко, иккинчи группада — Рўзиматов, Артём Винничков, Мамедов. Учинчи группада — Рўзиев, Петренко, Шура. Булар — таъминловчи группа ҳисобланади.

Эмаклаб душман позициясига яқинлаша бошладик. Жўраев минани топганлиги ҳақида менга сигнал берди. Астагина эмаклаб унинг олдига бордим.

— Ўртоқ командир,— деди Жўраев,— қор тағида чуқурликда мина борга ўхшайди, мана ўзингиз кўринг,— деб қулоққа тутадиган наушникни менинг қўлимга берди. Унга: «аста-секин очиб олиш лозим, нормал ҳолга келтиришимиз керак» дедим секин пичирлаб. Жўраев қўли билан ковлаб қор тағидан минани топиб олди. У бизлар ўқиб-ўрғанган немис минадан эмас. Бутунлай бошқача — узун, ингичка, бир метрдан ҳам узун. Жўраев, бу бўлакча минадан ҳайиқиб: «қандай оламан», деб бетламай турди. Дарҳақиқат, сапёр умрида бир марта япглишади-да. Уста миначи Влиштейн ҳам бу минани очишга ботинмади, кўрқди чоғи!

Сталино шаҳрида, Малобелоозёркада, Днепрда италияликлар корпусининг олдига Совет Армиясининг бир неча миңг миначини ерга, душман йўлига кўмдик-ку, аммо уларнинг миначига биринчи марта дуч келдик. Энди олға босиб бораверсак, янги-янги маркали миначаларни учрата-верар эканмиз-да!

Мен Жўраевга бундай дедим:

— Ана шу миначи бир амаллаб оляб, йўлни зарарсиз ҳолга келтирсак, бу ишни қандай қилиб бажарганимизни командирларимизга айтардик, Ҳамма сапёрлар буни ўрга-

пиб оладилар, кейин бу минадан ҳеч кўрк чиган бўладилар.

Ўзим минани аста-секин сийпалаб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам қандай ва қаердан тутиб нормал ҳолга келтириш лозимлигини билиб бўлмасди.

Орқада полковник Собир Раҳимов ўз полкини ҳужумга тайёрлаб, бизларни кутиб туришини билардим. Собир Раҳимовга ёлгончи бўлиб, йўл очиб бера олмасам, разведка бўлмай қолса, атака кечиктирилса, буйруқнинг бажарилмаслигига шахсан мен сабабчи бўлар эдим. Ҳаво совуқ бўлса-да, аъзойи баданим қора терга ботди. Ниҳоят ахтариб-ахтариб қўлим билан пайпаслаб мина запалини топдим, унинг икки бېқинида капсули бор экан. Буни аниқ найқадим-билдим. Қопқоғини очиб эҳтиёт билан взривателларини ўрнидан суғуриб олдим, мина зарарсиз ҳолатга келтирилди. Шундай қилиб аста-секин ҳамма майдондаги миналарни ҳам олиб, уларни зарарсиз ҳолга келтирдик. Жўраев, Павленко, Влиштейнлар ҳам бундай миналарни олишни ўргандилар. Биз яна эмаклаб бориб сим тўсигини ҳам бир чеккадан қирқа бошладик. Италиялик фашистлар симларга консерва банкалари билан спаряд гильзаларини осиб қўйган эканлар. Мабодо сим кесилса, занг чалинади, дарров ўт очиб юборамиз, деб ўйлаган бўлсалар керак. Тиканли симнинг икки жойидан катта дарвоза очиб бердик. Разведкачилар эмаклаб олға ўтиб бормоқда эдилар. Капитан менинг ёшимга эмаклаб келиб: «раҳмат ўртоқ, мен ишимиз барбод бўлади шекилли деб қўрққан эдим, минани олиш вақтида биронтаси портласа борми, душман бизни соғ қўймасди. Энди ишимиз ўнгидан келди, балли спзларга», — деди.

Биз олға эмаклаб бориб, бугун душман пулемётлари ўт очган нуқтага яқинлашдик, унинг орқасини ва икки ёнини ўраб олдик. Капитан разведкачиларга ДОТга киришга буйруқ берди. Уч жангчи эмаклаб бормоқда, биз эсак атрофга қараб, разведкани бошқармоқда эдик. Жангчилар ханжарларини яланғочлаб, ДОТ эшигига яқинлашдилар. ДОТ ичида икки фашист солдати донг қотиб ухлаган, яна биттаси навбатчиликда турган экан. Унинг бақирган овози чиқди-ю, ўша заҳоти даф бўлди.

Бошқа жангчиларимиз ҳам эмаклаб ёрдамга келишди. Ухлаб ётган икки солдатни тирик ушлаб олдилар, пулемёт ҳам ўлжа олинди. Душман ёритиш ракеталарни осмонга отмоқда эди. Капитан билан маслаҳатлашиб, аспрлар-

нинг қўллари. Бозлаб орқага қайтдик. Душманны кўза-тиб туриш учун ДОТда разведкачилардан қолдириб, биринчи батальон ертўласига етиб келдик, бунда штаб хизматчилари билан полковник Собир Раҳимовни учратдик. У бизларни кутиб турган экан. Капитан разведка ҳақида маълумот берди, мен ҳам сапёрлар бажарган вазифани батафсил баён этдим. У хурсанд бўлди.

Италиялик икки асирни ертўлага олиб киришди. Мен яна бир марта қуроли борми-йўқми деб уларни тинтув қилдим. Полковник Собир Раҳимов таржимон орқали асирларни сўроқ қилди. Италияликлар немис тилини, биз эса итальянчани тушунмасдик, таржимон ҳам йўқ эди. Мен Влиштейнни чақиртириб келдим. У ҳам итальян тилида гаплаша олмади. Асирга олинганлардан бири унча-мунча рус тилни ўрганган экан. У олдимиздаги қишлоқда бир батальон, ўнг қанотдаги тепалиқда бир батальон, қишлоқнинг чап қанотида бир батальон Италия аскарлари мудофаада туради, деб тушунтирди. «Кечалари окопларга навбатчи қолдириб, ўзлари қишлоқ уйларида ухлашади» деди. У камбағал деҳқонман, уйимда ёш болаларим бор, мени ўлдирманглар, деб ёлворди. Иккинчи асир, бизларни Муссолини мажбуран юборди, у Гитлернинг дўсти, улар Европанинг бугунги эгалари, улар урушни хоҳлайдиллар, бизлар урушни хоҳламаймиз, камбағал деҳқонмиз, бизни бола-чақамиздан ажратиб рус фронтига юборди, деди кўзидан ёш оқизиб.

Полковник Собир Раҳимов, сизларни ўлдирмаймиз, уруш тамом бўлгандан кейин яна Италияга қайтариб юборамиз, деди рус тилида.— Айтинг-чи, заамбараклар қайси жойга ўрнатилган, қанча?

Асир 8 та бармоғини кўрсатиб, қишлоқ саройларига ўрнатилганлигини имо-ишора билан тушунтирди. Полковник Собир Раҳимов Италиядан келган корпус ўз сафини тўлдириш учун янги одам олдим, деб сўради. Асир итальянлар корпуси Донбассда икки ой жаагда бўлиб кўп одам ва ҳарбий техникасидан айрилганини, ҳар ҳафтада Римдан янги техника, солдат ва офицерлар келиб турганини айтди. Талафот ўрниши шундай тўлдириб турар эканлар. Полковник Собир Раҳимов асирни дивизия штабига олиб боришни разведкачиларга топширди ва ўзи телефон орқали разведканинг натижасини дивизия командирига баён қилди. Дивизия командири полковникнинг туида ҳужумга ўтиши ҳақидаги фикрини маъқуллади.

Полковник Собир Раҳимовнинг зарбаси

Буни бизга комиссаримиз айтиб берди. Шундай: полковник Собир Раҳимов душманни ғафлатда қолдириб, уй-қуда босишга қарор қилган эди. У батальон командирларини чақиртириб, уларга полк олдида турган жанговар вазифа ғавқулодда ҳужумга ўтиб, олдинда турган қишлоқ ва тепаликларни душмандан озод қилишдан, лекин бу ҳужум разведка тарафда бўлиб, Италиядан келган экспедицион корпуснинг тактикасини, кучи ва ҳарбий техникасини синаб кўришдан иборат эканини таъкидлади. Тунги жангда полк чаққон ва ҳушёрлик билан ҳаракат қилиши керак деди.

Полковник душман ҳақида гапириб бергандан кейин батальонлар олдида вазифа қўйди. Биринчи батальон — қишлоққа биринчи бўлиб киради, ўт очмасдан, шовқинсуроносиз, ҳар бир уйни бир бўлим ўраб олиб киради, уй ичида ётган италиялик фашистларни уйқусида босади — триклайин тутиб асир туширади. Қишлоқ озод бўлгандан кейин ғарбга қараб ҳужумни давом этказади. Иккинчи батальон — қишлоқнинг ўнг томонидаги тепаликни ишғол қилиб, қўшни полк жангчилари билан биргаликда ғарбга қараб ҳужумни давом эттиради. Учинчи батальон — икки рота билан қишлоқнинг чап қанотини ишғол қилиб, биринчи батальон билан бирга ҳужумга боради. Полк артиллерияси ва миномёт ротаси — полк сафида туриб ҳужум қилади: душман артиллерияси ўт очган тақдирда, унинг ўтин бостириб, артиллерия ва миномётлардан ўт очиб полк ҳужумини кучайтиради. Учинчи батальоннинг бир ротаси, сапёрлар взводи, разведка взводи резервда, полк штаби билан бирга боради. Ҳужумни бошлаш сигнали телефон орқали берилади. Полковник батальонларга бирма-бир

вазифа қўйиб, буйруқни ҳар бир жангчигача етказиб учун бир соат муҳлат берди.

— Соатларингизни менинг соатимга тўғриланг!

Душман позициясига борган разведкачилар қайтиб келиб, бутун қишлоқ уйкуга толгани, ракета отишмалари тўхтагани ҳақида полковник Собир Раҳимовга рапорт беришди. Полковник телефон орқали батальон командирлари билан гаплашиб, тайёргарликни тезлатишни буюрди. Полк жангчилари биринчи батальон траншеясига тўп-лана бошладилар. Тун совуқ, бўрон тобора қутурмоқда. Соат 2-00 бўлиб қолди. Полковник батальон командирларининг «тайёрмиз» деган рапортини зориқиб кутмоқда. Ниҳоят, телефон жириинг-жириинг этиб қолди, батальон командирлари бирин-кетин тайёр эканликларини баянлаб, ҳужум бошлашга буйруқ кутиб турганликлари ҳақида рапорт бердилар. Полковник учала батальонга ҳам битта—зудлик билан италияликларга зарба бериш тўғрисида буйруқ берди.

Мина майдонидан ва тиканли сим дарвозасидан биринчи бўлиб иккинчи батальон жангчилари ўтишди, улар орқасидан биринчи батальон, кейин учинчи батальон ҳамда резерв тўдалар ўтиб, қишлоқни ва тепаликларни биринкетин босиб ишғол қила бошладилар.

Жангчилар уй эшикларни олдида мудраб турган набатчиларни таппа-таппа босиб, оғзига мато тикиб қўлларини боғладилар, хоналарда уст-бошини ечиб, яланғоч хуррак тортиб ётган италиялик солдатларни эса олдин қуролини йиғиштириб олдилар, кейин «турпелен!» деб уйғотдилар. Мириқиб ухлаб ётган италияликлар тушимми-ўнгимми деб кўзларини катта-катта очиб, ҳайрон боқадилар. Совет жангчилари «тур, кийивмиингги кий» деб имо-ишора билан буйруқ берардилар. Совет жангчилари уйма-уй, ертўлама-ертўла юриб душман солдат ва офицерларини тўда-тўда қилиб ҳайдаб, қишлоқнинг бир катта молхонасига келтириб қамадилар. Зўравонларнинг ҳолига «вой» дейдиган киши йўқ!

Полковник Собир Раҳимов телефон орқали дивизия командирига воқеани хабар қилиб турди. Шу кеча дивизиянинг бошқа полклари ҳам қулай фурсатдан фойдаланиб, кетма-кет ҳужумга кўтарилиб, бир неча қишлоқ ва тепаликларни душмандан тозаладилар. Эрталаб полковник дивизия командирига 600 та солдат ва офицер асирга олинди, 8 замбарак, юздан ортиқ пулемёт, 500 та автомат-

милтиқ, соп-сапоқсиз снаряд, ўқ-дори ва гранаталар ўлжа олинди, деб хабар қилди. Асирларни ва ўлжа қурулларни дивизия штабига юборилди. Буйруқ шундай экан. Эрта-лаб полковник Собир Раҳимов шу қишлоқнинг ғарбидаги тепалик устига мудофаа позицияси уюштириш тўғрисида буйруқ берди, полк жангчилари жанговар буйруқни бажаришга киришди. Қалин қор ва совуқда хандақ ва окоплар қазилди бошланди. Биз ҳам қишлоқ билан тепалик оралиғида окоплар қазидик, душмандан олинган ертўлани эса ўт-бетини мустаҳкамладик.

Полковник Собир Раҳимов ўлжа олинган 8 та замбаракни саройлардан олиб чиқишга, уларни очиқ позицияга ўрнатиб, душман позициясига қарата ўт очишга буйруқ берди. Бу вазифани полк артиллерияси бўлимининг бошлиғи капитан бажарди. Артиллерия бошлиғи батареялардан резерв расчёт олиб, разведкачилар ва бизнинг сапёрлар ёрдамида замбарақларни саройлардан чиқартирди, қишлоқ олдига иккитасини, ўнг томондаги тепаликка яна иккитасини ва тепалик орқасига тўрттасини ўрнаттирди. Артиллериячилар наводкачи бўлиб, сапёрлар ва разведкачилар эса снаряд олиб берувчи бўлиб ҳаракат қилдик — душман устига бетиним снаряд ёғдира бошладик.

Полковник ҳам бу кечани ором олмай ўтказди. Кўзларига уйқу келиб турипти. Фронтчилик, на чора. Ҳа, олдинги маррада жангчи бемалол ётиб дам ололмайди, фурсат йўқ, чунки душман ҳар дақиқада ҳужум қилиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам жангчилар ҳорганига, совуқ қотганга, уйқусизликка қарамай мудофаа позицияни мустаҳкамларди. Бу — ҳам қонун, ҳам бурч. Шундай қилиб кечаги ҳужум катта ғалаба келтирди. Бирорта ўқ отмасдан фашистларнинг уч батальони составини бутун қурулларни билан ўраб, ушлаб олинди. Бу ғалаба жангчиларимиз руҳини кўтарди, улар ҳозир яна тўхтовсиз олға босиб боришга, бир неча километр масофадаги Горловка, Екатеринбург шаҳарларини озод қилишга тайёр эдилар.

Полк душманныннг қаттиқ қарши ҳужумига мослаб мудофаа позициясини тузмоқда эди. Ошпаз жангчиларга овқат келтириб улашди. Ҳамма жангчилар севилиб, овқатланди. Ҳар ким ўз окопида. Шура полк кухнясидан икки котелок овқат олиб келди. Биз у билан ўтириб бирга овқатладик.

Негадир Шура чуқур нафас олди. Мен ўтган июль — август ойларида кучимиз камлик қилипти шекилли, деб

ўйлаган эдим. Наҳотки фашистлар мамлакатимизни босиб олади, наҳотки бизлар уларга қул бўлиб қоламиз. Йўқ, бизни душман асло енга олмас экан. Москва фронтнинг узоқ орқасида қолди, энди унга душман қўли етмайди, ҳатто самолётлар ҳам учиб боролмайди...

Шура тунги ғалабамиздан завқланиб севина-севина гапирарди. У жангчилар қаторида юриб, ғалабага ҳисса қўшаётганидан мамнун эди.

— Рост-да, комиссарнинг рафиқаси шундай бўлиши керак-да! — дерди ўзига ўзи.

Полковник Собир Раҳимов ертўланинг траншеясида тик туриб душман томонни дурбин билан кузатаётганига кўзим тушди. У артиллерия бошлигини чақириб, ўлжа олинган замбараклар ўт очишга тайёрми, деб сўради. Капитан унга: тайёр, ўртоқ полковник, деди. Буни биз эшитиб турдик. Полковник Горловка шаҳарининг шарқи-жанубидаги сойларга ҳам, шаҳар атрофидаги йўлларга ҳам ҳар қайси замбаракдан 15 тадан қўшимча зали берилсин, деб буйруқ берди. — Ҳа, шундай, таажжубланманг, душманни ўз тўпидан ўққа тутамиз!

Капитан янги артиллериячиларга команда бериб, ўт очилсин, деди. Душмандан олинган замбараклардан ўт очилди, атроф ларзага келди. Дивизия артиллерияси полк мудофаа позициясида яхши ниқоблантирилиб, жапговар ҳолда душманнинг қарши атакасини қайтаришга шай турарди. Сапёрлардан Жўраев, Рўзиматов, Винничков, Влиштейн, Рўзлев янги артиллерия расчётига снаряд олиб берувчи вазифасини ўташди, улар худди чинакам артиллериячилардай ишламоқда эдилар. Мен полковник-дап, нима учун ўз замбаракларимизни яшириб қўйиб, душман замбаракларидан ўт очиб турибмиз, деб сўрадим. У менга қараб мийиғида кулди-да, душман бизларга атаб кўп снаряд тўнлаган экан, ўзининг бошига ёғдирайлик-да энди, деди. Душман ўз замбаракларидан ўзи зарба олаётганини билмайди, у шу замбараклар ўт очган жойини мўлжалга олиб, янчиб ташлаш учун бутун артиллериясини сафарбар қилади ҳали. У вақтда биз замбараклардан расчётларимизни дарров оламиз, кейин ўлжа замбараклар устига қанча ўт очса очаверсин. Биз эса душман ўт очган позициясини аниқ билиб олиб, унинг устига ўзимизнинг артиллериямиздан ўт очиб, техникасини ер билан яқсон қилдирамиз. Ҳарбий маҳоратда ким уступлигини билиб қўйсин!

Полковник Собир Раҳимовнинг пияти ҳарбий академияни тамомлаб, яна бирон дивизия ёки корпус билан немис-фашистларига ҳужум қилиш, уни тор-мор қилиб, Берлин устида советларнинг қизил байроғини ҳилпиратиш экан. Мен буни унинг ўша кунги ўз сўзидан пайқадим.

Телефон аппарати жириг-жириг қилди, телефончи уни қўмондон чақираётганини хабар қилди. Билсак, телефонда фронт қўмондони генерал-полковник Черевиченко экан. У тунги жангда бирорта жангчи йўқотмай катта галаба қозонилгани учун Собир Раҳимовни ва полкнинг бутун шахсий составини табриклади. Полковник Собир Раҳимов: «Раҳмат, Совет Иттифоқига хизмат қиламиз» деди шу заҳоти. Буни биз яхши эшитдик ва қувондик.

Трубкадан, мудофаада маҳкам туришлар, душман қарши ҳужумга кўтарилмоқчи. Ҳаво очилгани, самолётлар ҳам пайдо бўлиши мумкин, деган буйруқ эшитилди. Полковник Собир Раҳимов «ҳамма буйруқларингизни сўзсизбажараман» деди ва трубкани телефончига узатиб, қўмондонининг бу табригини ҳамма батальон ва роталарга етказинг, деб штаб бошлиғига тошшириқ берди.

Горловқа томонда бир тепалик орқасида қора тутун кўринди. Ҳаво очилиб, қуёш нури ерга, ошпоқ қор устига тушди, офтоб шуъласи кўзимизни қамаштирарди. Ҳавода самолётлар овози эшитила бошлади. Полковник Собир Раҳимов тезлик билан ўлжа замбаракларнинг ўтини қора тутун чиққан томонга тўғрилатди.

Янги замбаракчилар қўлга тушган италиялик фашистларнинг беҳисоб снарядларини ўз устига юбормоқда эдилар. Душман артиллерияси ҳам ўт очиб қолди, артиллерия позицияси атрофида душман снарядлари портлай бошларди. Собир Раҳимов артиллериячиларни ертўлаларга яширинишга буюрди. Улар тўплар орқасида тайёрланган усти ёпиқ ертўлаларга кириб яширингунларича, душман артиллерияси ўт очиб юборди. Ҳар минутда бир неча юз снаряд позициямиз теварагида портлай бошларди. Ҳавода душманининг икки моторли бомбачи самолётлари ҳам пайдо бўлиб, пасайиб-айлашиб дивизия позициясини қидирарди.

Орқа томонимиздан зенит замбараклар душман самолётларига ўт очдилар, совет снарядлари душман самолётлари учиб юрган райоцда ёрилмоқда. Душман самолётлари бир айланиб, очиқ позицияда турган ўлжа замбараклар устига бомба ташлай бошларди. Шу пайт янги маркали

қирувчи самолётларимиз учиб келиб, душман самолётлари билан ҳаво жангини бошлаб юбордилар. Горловка томонидаги тепалик орқасида қора тутун ичидан танклар кўринди, уларнинг қўнғиздай ўрмалаб келаётганини кўрган штаб бошлиғи полковник Собир Раҳимовга душман ҳужумга ўтганини билдирди. Душман 15 та танк ва бир полк составида пиёда аскар билан кўтарилгани маълум бўлди.

— Кўряпман, майли яқинроқ келишсин,— деди полковник.

— Ҳушёр бўлинг, душман босиб келяпти,— деб рота ва батареяларга кўрсатма берди.

Ҳамма жангчилар қуролларига патронларини жойлаб, гранаталарга капсулларини тикиб тайёрланиб, буйруқ кутиб турибдилар. Полковник Собир Раҳимов телефон орқали дивизия командирига душманнинг «қилиғи» ҳақида хабар берди, дивизия артиллерияси ва миномётлари ҳамда полк ихтиёридаги артиллерияни ўт очишга буюрди.

Душман яқинлашиб келмоқда эди. Полковник Собир Раҳимов, ҳамма замбараклардан ўт очтирди ва жапгчиларга аса тайёр туришлар, пиёда аскарлари яқинроқ келиши, деб огоҳлантирди. Совет артиллерияси душман устига дўлдай снаряд ёғдирди. Душман танкларидан 5 таси биринчи артиллерия ўти билан ёндирилди, лекин қолғилари аса ўт очиб, ўз пиёдаларига ёрдам бериб келаверди. Полковник Собир Раҳимов ҳавога ракета отди. Ҳамма жангчилар қуролларидан бирданга ўт очдилар. Бизнинг бўлим жангчилари ҳам окопда туриб душманга қаратиб ўқ узди. Ҳавода совет самолётлари душман самолётларига қарши жанг бошлаб, унинг жанговар сафини тўзатдилар, булутлар орасида якка-якка учиб юрган самолётларни қувлаб ўққа тутдилар. Душман самолётлари чор-почор бомбаларини тартибсиз ҳолда дуч келган жойга ташлаб, ўз аэродромига қоча бошладилар.

Душман катта куч билан иккипчи батальон рўпарасидан келмоқда эди, пиёда аскарлари танклар олдига ўтиб, тез суръат билан юриб ўт очмоқда. Ўлжа замбараклардан иккитасига бомба тушиб абжақ бўлибди, бошқаларининг расчётлари ертўладан чиқиб, очик позициядан душман устига даҳшатли ўт оча бошладилар. Влиштейн, Рўзнев, Рўзиматов, Винничковлар эмаклаб ўз взводларига келдилар. Ҳаммамиз бирликда душманга ўт очмоқдамиз. Шура аса ўқ теккан жапгчиларнинг ярасини боғлаб, орқа томон-

га — санбатга жўнатмоқда. Саф тортиб сурбетларча келаётган италиялик фашистлар совет жангчиларининг уч тарафлама ўтига дуч келиб тап-тап қуламоқда. Душман тапқлари ҳали ҳам пиёда аскарларнинг юришига мадад бериб ўрмаламоқда. Қонли-даҳшатли жанглар бир соатдан бери давом этмоқда. Полковник Собир Раҳимов жангнинг энг қизғин вақтида ялпи-ялпи маневр қўллаб ўз полкнинг кучидан ташқари, қўшни полкларнинг артиллерия ва миномёт ўтидан ҳам фойдаланиб турибди. Иккинчи батальоннинг олдиндаги роталар икки оғир аҳволга тушиб қолди. Уларнинг траншеяларига фашист солдатлари яқинлашиб келиб, айрим жойларда қўл-найза жанг бошланиб кетди. Полковник полк позициясидан биронта ҳам траншеяни душманга бермаслик учун иккинчи батальоннинг олдиндаги роталарига резерв ротани ёрдамга юборди. Резерв рота жангчилари эмаклар тез етиб бориб, душманга ялпи ўт очдилар. Икки соатдан ортиқ қаттиқ «қиёмат» жанг бўлди, италиялик макаронхўрлар позиция-мизнинг бирорта траншеясини ҳам эгаллай олмай, уруш майдонда бир неча юз ўликни қолдириб чекинишга мажбур бўлдилар. Полковник Собир Раҳимов отинmalarининг пасайган вақтидан фойдаланиб, ҳалок бўлган ва ярадор жангчиларни жанг майдонидан тез олдириб, орқадап ўқ ва гранаталар келтиришни таъминлади.

Икки соат илгари охиёқ қор билан қопланган кенг теппалик усти ҳозир қин-қизил қонга бўялди ва артиллериячилар ўти остида қоп-қора шудгорга айланди.

Полковник Собир Раҳимов ертўла устида тик туриб, дурбин билан душман томонни узоқ кузатди-да, штаб бошлиғига душманнинг яна бир пиёда полки танклар ҳимоясида атакага кўтарилмоқда эканлигини билдирди. У телефон орқали дивизия командирига ҳам шу гапни айтди, ўз батальон командирларига маҳкам туришни тайинлади. Полковник Собир Раҳимов яна дурбин билан кузатиб, келаётганларнинг кўк шинеллик немисларнинг 49-тоғ ўқчи корпуси эканини аниқлади. Афтидан, немислар италиялик дўстларига йўқотган позициясини олиб бериш учун ёрдамга келмоқдалар шекилли, дедди ўзи. Кейин маълум бўлишича, бу ҳужум немис корпус қўмондони генерал Конрад бошчилигида уюштирилган экан.

Душман яқинлашиб кела бошлади. Немисларнинг тактикаси кўпинча шаблон бўлиб, бир жойдан галаба қозонмаса, ўша жойга бор кучини юбориб ёриб ўтмоқчи бўла-

ди. Полковник Собир Раҳимов полк ва дивизия ихтиёридаги артиллерия ва миномётлар ўтини яна кучайтирди. Шу орада лантон қайиқлар ортилиб, усти брезент билан ёпилган қандайдир автомашиналар келиб орқамизга қатор бўлди. Улар бирдан худди паровозга ўхшаб пар чиқаргандай пишиллаб, темир йўлнинг узун пизга ўхшаш қатор темирлари орасидан отилиб чиққан реактив снарядлар устимиздан ошиб, узун-узун чўғлар чийиллаб учарди. Бир неча минутда 1000 дан кўп шундай реактив снарядлар душман устига ёприлди. Бу Катюша деб аталувчи янги совет қуроли экан. Бунинг устига дивизия артиллерия ва миномётлари ҳам бетиним «сайраб» турди. Душман артиллерияси ҳам тиниб-тинчимади — позициямизни ўққа тутаверди. Фашистлар ўлган-тирилганига қарамай, тапклар ёрдамида ҳужум қилиб келмоқда. Фронтининг олдинги линиясида жанглар тобора қизиб борди. Иккинчи батальонимиз рўпарасида немислар тагин биринчи позициямизга яқин келиб қолди-да, яна найзавозлик бошланди. Душман кучи кўплигидан бизникилар орқага сал силжиди, фашистлар қисиб келмоқда. Биринчи батальон ўз позициясидан ўт очиб, иккинчи батальонга ёрдам берса ҳамки, бари бир душман кучи кўплик қиларди. Полковник Собир Раҳимов фронтнинг бу танг аҳволини кўриб, дарҳол учинчи батальоннинг икки ротасини ҳам ёрдамга ташлади, яна қўл жангги бошланди; энди қўндоқ, пайзалар ишга туширилди. Автоматлар тарсиллар, гранаталар портлаб ёриларди. Донбасс шахтёрлари, колхозчилари, интеллигентлари жанг майдонида — қов тўкмоқда. Бир соатдан ортиқ чўзилган жанг оқибатида душман биринчи позиция олдида тор-мор келтирила бошланди. Гитлерчи қўмондон генерал Конрад орқадан яна бир батальонча автоматчиларни жанг майдонига киргизди. Иккинчи, учинчи батальон жангчилари оғир аҳволда тенгсиз жанг олиб бормоқда эдилар. Дивизия командири урушнинг боришини кузатиб турган экан. У полковник Собир Раҳимов полкига яна икки рота автоматчиларни ёрдамга юборди. Полковник бу келган резерв билан биринчи батальон жангчиларини атакага кўтарди. Совет жангчилари икки томондан душман устига отилдилар, Собир Раҳимовнинг ўзи ҳам қўлига қурол олиб, жангчилар қаторида душман устига тик бостириб бораверди. Тепалик устида қаттиқ жанглар улавиб кетди. Дивизия командири вақтдан фойдаланиб, ўнг қанотдаги полкни душманнынги ўнг қанотидан ва орқа

томонидан зарба берип учун атакага кўтарди, душман икки совет полки исканжасида қисилиб қолди. Совет жангчиларининг «урра» садоси янгради, душман бутунлай қуршаб олинди.

Қуёш уфққа яшириниб, қоронғи тушгунча ўраб олинган душман солдат ва офицерлари қириб ташланди. Полковник Собир Раҳимов жангчилари қўлга киритилган янги позицияларини маҳкамлаб олдилар.

Кейинчалик эшитсак, юртдошимиз полковник Собир Раҳимов шу жанг операциясидан сўнг дивизия командирининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланди. Мен полковник билан хайрлашдим ва бўлимимни олиб батальонга — Красний луч шахрига қайтиб келдим.

Миус соҳилида жанг

Жанубий фронт линияси Миус дарёси бўйлаб Азов денгизидан Дебальцево шаҳаригача, ундан ўтиб Харьковнинг шарқига қараб чўзилиб кетган эди. 1942 йил январь—апрель ойларида фронтда катта ҳужум жанглари олиб борилмаса-да, ҳар икки томон бир-бириги разведка қилар, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик-кичик тўқнашулар бўлиб турарди. Бундай пайтларда қўшинлар жанговар тайёргарлик кўрардилар. Буни фронтчилар яхши билишди. Бизнинг батальон жангчилари қаҳратон қишда Крассий луч, Новопавловка, Рафаэловка, Димитровка атрофида ДОТ, ДЗОТ қуриб, мудофаа позициясини маҳкамламоқда эди, маҳаллий аҳоли ҳам жангчиларга кўмаклашарди.

Душманнынг Дюбасдан Крассий луч шаҳарига қараб ҳужум қилиши кутилади.

Бир кун эрталаб батальон командири майор Кожевников кичик командирларни тўплаб бўлимларга топшириқ берди-да, менга:

— Сенинг бўлимингга бошқа алоҳида вазифа бор, бир оз кутиб тур,— деди.

Бир оз вақт ўтгач, батальон комиссари капитан Васильев бўлимимиз жойлашган уйга кириб келди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, уни ҳарбийларча ҳурмат билан кутиб олдик. Капитан «салом, ўртоқ жангчи ботирлар» деди. Биз ҳам унга: «салом, ўртоқ майор, янги унвон муборак!» дедик. У «раҳмат» деб миннатдорчилик билдирди бизга. Ҳаммамиз билан бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқди ва аҳволларимизни сўради.

Батальон комиссари табиятан хушчақчақ, очиқ фетла одам бўлиб, оддий жангчилар билан ҳаммаша ака-укадай суҳбатлашарди. Шунинг учун жангчилар ўртасида унинг

обрўси зўр, ҳурмати катта. Мала бугун унинг елкасида майорлик поғони ярқирарди. Беҳад хурсандмиз.

Майор жангчилар билан ҳар сафаргидек мириқиб суҳбатлашиб, кўчага чиқди. Мен эса уни кузатиб қўймоқчи бўлдим. Рўпарамиздан жийрон от минган папахалик бир одам чиқди-да, бизга яқинлашиб келаверди. Яхшилаб қарасак, полковник Собир Раҳимов экан. Мен унинг оти жиловини ушладим. Полковник отдан тушиб, иккаламиз билан қўл бериб кўришди.

Собир акани янги вазифа билан табрикладик. Бу вақтда у дивизия командирининг биринчи ўринбосарлигига тайинланган эди. Полковникни майор Васильев ўзи турган уйга бошлаб кетди. Мен ҳам отни дарахтга боғлаб, уларнинг орқасидан уйга кирдим. Уй бекаси стол устига чойнакда чой, қовурилган картошка, колбаса ва бошқа овқатлар келтириб қўйиб, ўзи ташқарига чиқиб кетди.

Майор Кожевников уйга яна икки полковникни бошлаб кирди. Улар менга таниш: шахтёрлардан тузилган дивизияларнинг командирлари — полковник Провалов ва Петровский. Уч дивизия командирлари бўлажак жанг ҳақида бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашиб олшгани келишган бўлсалар керак. Улар Собир Раҳимов билан куюқ кўришдилар. Кейин стол атрофида ўтириб чой ичиб, ширин суҳбатлашдилар.

Уларнинг суҳбатидан мен душман ўз кучларини қайта группалаштирганини, олддаги душман кучини яхшироқ билиш учун разведка олиб бориш зарурлигини фаҳмладим.

Улар Кожевниковга дивизияларнинг иккинчи позициясини кўриб чиқиб, танкка қарши хавдақлар қозишга раҳбарлик қилишни топширишди.

Полковник менга ҳам буйруқ берди: биз шу кечаси соат 21-00 да Новопавловка қишлоғига боришимиз керак. Бизни у ерда кутиб олишади.

Катта командирлар узоқ вақт суҳбатлашиб, ҳордиқ чиқариб, қоронғи тушганда отларини миниб Новопавловка қишлоғига қараб кетдилар.

Майор Васильев бошчилигида биз ҳаммамиз жанговар вазифани бажаришга тайёр бўлиб йўлга чиқдик. Бир неча чақирим юриб фронт томонга борсак, пастликда — Миус дарёси бўйида Новопавловка қишлоғи кўринди. Биз аста-секин пастга тушиб, қишлоқ кўчасига кирганимизда бизни шу ердаги жангчилар кутиб олишди. Улардан бири йўл кўрсатди. Бир уй олдига келганимизда, жангчиларни

ташқарида қолдириб, мен Рўзиматов билан ичкарига кирдим, бунда полковник Собир Раҳимов, Провалов, Петровский ва яна бир печа офицерлар ўтиришган экан.

Полковник Провалов менга топшириқ бера бошлади: сизга икки кеча муҳлат. Шу вақт ичда Миус дарёси устига кичик кўприк қурасиз ва дарёнинг гарбидаги йўлли миналардан тозалайсиз.

Вазифани бажаришга сўз бердим, хужумга борадиган рота командирини менга қўшиб беришди, биз дастлаб жапгчиларни бир уйга жойлаштирдик. Кейин Павленко ва Жўраевни ўзимиз билан бирга олиб уйлар ва тош деворлар панасида аста-секин дарё томонга ўтдик. Дарёнинг гарбидаги баланд тепаликларда душман ДОТ, ДЗОТ ва тиканли сим деворлар қуриб, маҳкамланиб олганлиги бизга маълум эди. Душман ёритувчи ракеталар отиб, қишлоқ кўчаларини автомат ва пулемётдан ўққа тутиб турарди.

Капитан билан мен дарёга яқинлашиб бориб унинг кенглигини ўлчадик, ротани ўтказадиган йўлли белгиладик. Сўнг қайтиб келиб, қишлоқ кўчаларидаги сим ёғочлардан тўрттасини йиқитиб, дарё бўйига элтиб қўйдик.

Кечга яқин полковник Провалов бизни ҳузурга чақирди. Дарҳол бордим, майор Васильев бизнинг ишимиздан хабар олиш учун келган экан.

— Соат иккиларгача рота ўтадиган кўприк тайёр бўлсин, мила майдонларидан йўл очиб қўйилсин, буйруқ шу,— деди полковник гапни қисқа қилиб. Биз жапгчилар билан вазифани бажаришга киришдик.

Миус дарёси устида кичик кўприк тайёр бўлди. Одамлар ўтса бўлади. Биринчи вазифа бажарилди. Иккинчи вазифа ўзимизга таниш иш бўлса-да, анча хавфли эди. Қоронғи кечада ҳар бир қарич жойни ҳасса билан уриб, қаттиқ нарсага тегса уни қўл билан пайпаслаб кўриб билиш керак эди. Ҳа, мана ёхуд бошқа нарса бўлиб чиқиши ҳам мумкин-да. Жангчилар шу таҳлит эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб, миналарни зарарсизлантиришарди, ниҳоят 3 соатдан кейин вазифа бажарилди. Сапёр Павленко, Рўзиев, Рўзиматов, Влиштейн, Вишничковлар жуда чаққон ва аниқ ишладилар. Янги кўприкдан ўтиб келган рота командирини янги қазилган околда ўтириб телефон орқали батальон штабни олди-да, трубкани менга берди. Полковник Собир Раҳимовнинг таниш-ёқимтой овози эшитилди. У, кўприк олдида яна окоп қазиб, пёда ротага ёрдам беришимизни тайинлади. Кўприкнинг ёнбошидан бир

поча метр жой кўрсатишди, биз ҳам жапгчилар билан бирга окоп қазий бошладик.

Олдимизда душманнынг 49-тоғ-ўқчи корпуси турибди экан. Шу пайт 1941 йилнинг сентябрь ойида Малобелозёрка районида фашистларнинг ана шу корпусининг разведка батальонига қарши олиб борилган жанглар хотирамга тушди.

Тун... Соат 2-00 да разведрота кўприкдан ўтиб, олға бора бошлади. Унг томондаги тепаликда душманнынг бир ДЗОТ ва взводга яқин солдати мудофаада турганини билардик. Жангчиларимиз эмаклаб тепаликнинг орқа томонидан айланиб ўта бошладилар. Батальоннинг иккита ротаси дарё бўйидаги уйларда янги позиция ишғол этди. Разведрота икки ўқчи ротамиз ҳам пулемёт ва автоматларидан душман устига ўт ёғдириб, тепада мудофаада турган жангчиларимиёга ёрдам бердилар. Шу вақт телефон жириг-жириг қилди, трубкада полковник Собир Раҳимов экан: «Ғалаба билан табриклайман, тепаликни қўлда бермаслик керак. Мен ҳозир артиллерия ўти билан ёрдамлашаман» деди у. Пулемётларнинг «сайраши» ва снарядларнинг шовқинидан унинг овози аранг эшитиларди.

Душманнынг автоматчилар ротаси бизнинг олдимиздаги майдонга кириб қолди. Уни ўнг ёнбошидан ўтга тутмоқ керак эди. Мен ҳамма жапгчиларимга, бор қуруллардан бирданига ўт очилсин, деб команда бердим, чиниққан, жангларда пишган жангчиларим барабар ўт очдилар. Шура ҳам меннинг ёнбошимдаги окопда туриб ўз автоматидан сидра-сидра ўқ узарди. Душман бизнинг дарё бўйида, чуқурликда пистирмада ётганлигимизни кўтмаган экан. Бирданига уни ўнгдан ҳам, орқа биқинидан ҳам ўққа тутиб қолдик. Энди полковник Собир Раҳимов миномётлардан ўт очишни буюрди. Душман писиб ётган майдонга юзлаб миналар тушиб портлаб турди, Новопавловка қиплоғи ларзага келди, жапг бошланганда ёхуд немислар қарни атакага кўтарилганда улар орқа томондан зарба бериш учун шайланиб турардилар. Артём ҳар замон балапд қоматини кўтариб олға кетган разведкачиларнинг ишени кузатиб турарди. Разведкачилар олға кетганига атиги бир меча минут бўлди... Тепалик устида бир одамнинг ноҳадан бақиргани эшитилди. Автомат, гранаталар ишга тушиб, отишма бошланиб кетди. Ўқчи рота разведкани махфий олиб боришнинг урдасидан чиқа олмади, яъни фашистларни уйқусида босиб ололмади, жанг бошланиб

кетди. Душман ракета отиб, ҳамма ёқни ёритиб бизни пулемёт, автомат ўтига тута бошлади. Кичкина тепалик устида отишмалар авжланди. Ротамиз жангчилари душманнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, тепаликни ишғол қилдилар. Тепа устидаги душман гарнизони тор-мор қилиниб, 4 та асир олинди. Жангчиларимиз уларнинг қўлларини боғлаб, оғизларини бекитиб, дўлдек ёғиб турган ўқлар остида кўприк томонга судраб дарёдан олиб ўтдилар. Рота қўлга киритган тепаликда маҳкам мудофиа тузиб олди. Душман тепани қайтиб олишга уриниб, яна бир ротача автоматчилар юборди. Немисларнинг бу янги кучи ғарб томондаги тепаликлар устидан ўт очиб, позициямизга яқинлашиб кела бошлади. Дарё бўйидаги душман мивомётидаш отилган бир миша ёнгинамизга тушиб портлади, баъзилар оқонга биқиниб олишга улгура ололмади, қулоқлар ваг битган эди. Бир неча минутдан кейин қулоғим очилиб, кўз олдим ёриди, бундай қарасам, чап ёнбошимда Павленконинг бети қип-қизил қонга бўялибди, Артёмнинг ҳам қулоғидан қон оқяпти. Шура эмакляб ўтиб, Павленконинг ярасини боғлади, уни судраб дарёдан ўтказиб, яқинроқдаги медпунктга топширди.

Душман жуда кўп солдат ва офицерларини жанг майдонида қолдириб, шоша-пиша чекинди. Аммо ҳавода штурманчи юнкерслар пайдо бўлди, улар устимиада шовқин солиб парвоз қилар, важиллаб сирена чалиб келаётган бомбанинг товуши эшитилаётгандай бўларди. Ногаҳон қаттиқ силкиниб ерга қоқиб қўйгандай ўрнимдан қимирламай қолдим, икки қулоғим битиб, ҳушдан кетдим...

Шу-шу уч кун Красний лучда медпунктда ҳушсиз ётиб олибман.

Машина бир дарвозадан кириб, кўп қаватли бино олдида тўхтади, ҳамширалар мени носилка билан кўтариб бинонинг ичига олиб киришди. Врачлар кўргач, ҳамширалар яна носилкада кўтариб, иккинчи қаватга чиқариб ётқизиб қўйишди. Аста кўз очиб атрофимга кўз ташласам, менга ўхшаган ярадор ва касаллар қатор-қатор ётишибди. Шура менинг ёнимга келиб тиз чўқди. Бир нималар деб сўзлади. Мен унинг лаби пичирлаётганини кўрсам-да, сўзини эшитмасдим.

Бир неча кун шу таҳлитда госпиталда даволаниб ётдим. Бир кун эшик олдида Артёмнинг баланд қомати кўринди. У уйга назар ташлади-да менга кўзи тушди: «кассалом алайкум, қадрдон командирим, яхшимисиз» деб

ёнимга келиб аста ўтирди. Қўлимни олиб кўришиб, ҳолаҳволимни, соғлигимни сўради. Мен ярадор эмаслигимни, самолётлар бомбардимон қилганда зарбага учраб, тўнгиб гулг бўлиб қолганимни тушунирдим. Бомбардимон вақтида қаерда эканимни сўрадим.

— Биз,— деди у,— Павленко билан иккаламиз ярадор бўлдик, Шура бизни медпунктга топширган эди. У ердан тез ёрдам машинаси шу ҳарбий госпиталга олиб келиб ташлади. Павленконинг икки кўзи кўрмай қолди, икки қўли ярадор, бутун бадани оқ биит билан ўраб-боғланган, қаттиқ ётибди чоғи. Эртаю-кеч полиш қилиб, онасини эслайди бечора.

О, қандай хушфелъ, қомати келишган, чиройли йигит эди, Павленко! Энди унинг учун уруш тамом бўлди, аммо...

Ўша куни Павленкони мамлакат ичкарасидаги госпиталлардан бирига жўнатишган экан. Мен уни кўролмадим, тақдирини нима бўлди экан, билолмадим.

— Бу қайси шаҳар экан?— деб сўрадим Артёмдан.

Ростов шаҳари экан. Биз Будённий кўчасидаги ҳарбий госпиталда ётган эканмиз. Аслида мединститут биноси эмиш.

Орадан бир ой ўтди. Шаҳарга баҳор келмоқда эди. Дарахтлар гуллаб, барг ёзмоқда.

Миус дарёси бўйида шундоққина ёнимга бомба тушиб, мени дарёга улоқтириб ташлаган кундан бери қарийб бир ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, қулоғим яхши эшитмас, бошим зирқираб оғрирди. Ўртоқларим, командирларимни жуда соғингандим. Баъзан врачларга ёлвориб: «соғиндим, қисмга жўнатишлар» деб қаттиқ илтимос қилардим.

Ниҳоят, Артём билан иккаламиз врачлар билан хайрлашиб ,госпиталь дарвозасидан чиқдик.

Қадрдон кишилар орасида

Шаҳарнинг госпиталь жойлашган, вокзалдан марказга қараб борадиган кўчаси тобора баландликка кўтарилиб борар экан. Бизнинг ҳали бу аҳволда баландга чиқиб боришимиз анча маҳол эди. Артём менинг елкамдаги тўрвани ҳам олди, бирга шаҳарга кириб бормоқдамиз. Ҳисоблаб кўрсам, Ростов шаҳрининг душмандан озод қилинганига беш ой бўлибди. Шаҳар яна меҳнат қучоғида. Завод трубаларида буруқсиб тутун чиқиб турипти, электр чирроғлари ёнган, магазинлар ишлаб турипти, уруш яраси даволаниб, бузилган биеолар тузатиляпти. Аста-секин қадам босиб театр олдидан ўтдик, дарё бўйига тушмоқдамиз, кўча яна пастликка қараб кетди. Мана, азамат Дон дарёси, у Азов денгизига қараб оқмоқда. Пароходлар сузиб юрибди. Дарё устига қурилган кўприкдан Москва — Боку, Сочи—Москва, Москва—Тбилиси ва Ереван поездлари қатнар экан. Буни илгари билар эдим. Ростовни Кавказ дарвозаси дейишадди, дарҳақиқат Кавказга қатнайдиغان ҳамма поездлар шу шаҳар кўпригида ўтиб боради.

Артём Днестрнинг Лиманини мақтаб кетди: ... Суви қандай тиниқ, кўм-кўк зумраддай, чўмилган сари чўмилгинг келади, деди у ўйнаб-кулиб ўсган юрти асига тушиб, Дон дарёсини кўриб Днестрни ўйлаб қолди. Мен унга Днестр ҳам, Днепр ҳам Қора денгизга бориб қуйилади, урушдан илгари пароходлар ана шу ердан Одессага, унда ўтиб, Аккерманга қатнаган бўлса керак дедим. Ҳозир аса, у ерлар вақтинча душман қўлида.

— Юртингизни озод қилсак, пароходга тушиб Қора денгиз орқали Аккерман қўрғонини яна бориб кўрармиз, сизда меҳмон бўламиз, дедим. У кулди.

Кўчалардаги уйлارнинг дарё томонга қараган болоҳонасига ишларга қатор тизилиб балиқлар осилган эди. Кўп

қаватли уйлардан бирипинг болохонасидан бир қиз бизга қараб: «ҳой жангчилар, балиқ енглар» деб қичқирди. Биз қўлимизни чўздик, у бир неча қотган балиқ ташлади, Артём ушлаб олди. Бошимизни қимирлатиб қизга миннатдорчилик билдирдик. У оппоқ, дўмбоққина қўлларини силкитиб, «хайр, соғ бўлинглар» деди кулиб. Биз ҳам қўл силкитдик.

Ростов кўчаларини айланиб томоша қилиб, вокзалдан Красний лучга кетадиган поезд билан бепоен Доп дарёсининг соҳилларини кўриб-кузатиб борамиз. Баҳор келган, далаларда тракторлар, ҳўкиз, от қўшлари ер ҳайдамоқда. Кузги буғдойлар кўм-кўк бўлиб поёнсиз сайхонни қоплаган, гўё зангори гилам ёзилган. Чорбоғлардаги мева дарахтлари чамандай гуллаб турибди. Қаёққа боқманг: гул, гул. Осмонда қушлар парвози...

Красний луч шаҳарига ҳам келиб етдик. Батальон шу бизга таниш шаҳарда жойлашган эди. Шурани кўриб қолдик. У чопиб келиб биз билан бирма-бир қучоқлашиб кўришди, бетимиздан ўпди. Унинг кўзларида севинч ёшлари. Иккаламизнинг ўртамызга кириб қўлтигимиздап олди-да, бир уйга — батальон штабига олиб кирди.

Хонада батальон командири майор Кожевников, майор Васильев ва бошқа офицерлар ўтирган эканлар. Мен командирга рўпара бўлиб, салом бердим. «Ўртоқ майор, — дедим, — биз жангчи Артём Винничков билан ҳарбий госпиталда даволаниб, батальонга хизматни давом эттиришга келдик».

Командир жойидан турди-да, бир неча қадам олга чиқиб, иккаламиз билан қучоқлашиб кўришди. Комиссар ва бошқа офицерлар билан ҳам кўришиб, қувондик. Командир, яна ўз бўлимингизга борасизлар, ўз жангчиларингиз билан хизматни давом эттирасизлар, деди. Штаб бошлиғига эса буйруқни шу қундап ёзиб, расмийлаштиринг, деб топшириқ берди. Комиссар Васильев менга, взводингга янги командир келган, ёш йигит, лейтенант Колесников, яқинда ҳарбий мактабни битирган, ҳали фронт кўрмаган, бирга бамаеслаҳат ишлайсизлар, деди. Уччаламиз штабдан чиқиб, жангчилар жойлашган уйга келдик. Рўзиматов, Влиштейн, Петренко, Мамедов, Рўзиев, Жўраевлар бизни севиниб кутиб олишди. Ҳар бири билан қучоқлашиб, ўлишиб кўришдик. Эшик очилиб, янги взвод командири кириб келди. У паст бўйли, ушоққина йигит экан, чамаси 20—21 ёшларда бўлса керак. Ҳамма ўрнидан турди. У менга

кўл узатиб «лейтенант Колесников» деб ўзини таппштирди. Артём билан ҳам кўришиб, бизга эҳтиром билан ўтиришлар, деб жой кўрсатди. У бизда, яхши даволанди-пизларми, деб сўради.

— Жангчиларингиз сизларни жуда севишар экан, ҳар куни сизларни эслашади. Яна батальонга қайтиб келармикишлар ёхуд Горбуновдай ўша ердан бирон ҳарбий мактабга кириб, командир бўлиб қайтишармикан, дейишади, — деди у.

Айтгандай Горбуновдан хат олган эдим, у госпиталдан чиқиб танкчи командирлар тайёрлов курсида ўқиётган экан, буни дўстларимга айтиб бердим.

Лейтенант Колесников: бу кеча шаҳар клубида танца бор, бориб ҳордиқ чиқариб келишлар, эртадан жанговар вазифани бажаришга киришамиз, деб чиқиб кетди.

Кечқурун кўчага чиқдик. Шаҳардаги учта шахтанинг кўмир чиқарувчи кўтарма кранлари, осма вагонеткалар кўзимга ташланди. Демак, кўмир конлари фронт линии-сига яқин жойда ҳамон ишлаб турипти экан. Кечалари паровозлар сигнал бермай, чироқ ёқмай аста-секин келиб, кончилар қазиган тошкўмирин мамлакат ичкарисига ташиб кетарди. Ҳар замон узоқдан отилган душман снарядлари у ер-бу ерга тушиб, портлаб, шаҳар аҳолиси тинчини бузарди. Шаҳар кўчалари тим қоронги, уйларнинг деразаларига ҳам қора пардалар тўсилган, уй ичидаги чироқ ёруғи кўчага тушмасди. Немис-фашистлар эса очиқ майдон ёруғ турсин деб прожекторларни биз томонга қаратиб ёқиб қўйганлар. Прожекторлар кўзини қамаштириб, фронт томони кўришга тўсқинлик қиларди. Бундан ташқари улар ҳар жой-ҳар жойга ўт ёқиб, гулхан ясаганлар. Бизнинг тунги ҳужумларимиз душмanning жонига теккан бўлса керак. Биз қоронги зулматда юриб шаҳар клубига келдик. Клубнинг ҳам чор атроф деразаларига мато осилган эди, тангадай жойдан ҳам ёруғ кўришмасди. Шаҳар ёшлари фронтдан дам олишга қайтган жангчилар билан танца тушмоқда эдилар. Влиштейн, Артём, Рўзиматов, Жўраевлар ҳам танцага қўшилиб кетдилар. Мен, Рўзиев, Шура уччаламиз скамейкаларда ўтириб ўйинни томоша қиламиз. Шура менинг рўпарамга келиб қўлимдан тортди. Иккаламиз фокстрот музикасига монанд ўйнаб, айлана бошладик.

Фашистлар клубда танца тушаётганимизни билдими, билмадим, бирдан клуб атрофида кетма-кет бир неча

снаряд портлаб, деворлар ларзага келди. Биз снаряд ва бомба портлашига кўникиб-ўрганиб қолганмиз. Ҳинни давом эттиравердик. Уқлар, миналар, артиллерия садосига ўрганиб қолган қулоғимда украинларнинг балалайка ва гитарасининг ёқимли овози жаранглаб мени тинч ҳаёт оғушига олган эди.

Бўлимимиз жойлашган хонада уй бекаси менга каравотга жой солиб қўйибди. Пар кўрпа-ёстиқ. Жапгчилар настда—полда қатор ётишибди. Уларни кўриб хотирамдан уйда тўрт оғайни — ака-укалар бир кўрпанинг тагида бир-бировимизни қучоқлаб ётганимиз эсимга тушди.

Эрталаб батальон командири бизга янги жанговар топшириқ берди: сапёрлар тезлик билан Новопавловка қишлоғига боришимиз, разведка вақтида зарарсиз ҳолга келтирилган миналарни қайтадан тепаликларга кўмиб, фронт линиясини маҳкамлашимиз керак. Қуни бўйи миналарни тайёрлаб, қоронғи тушганда Новопавловка қишлоғига, Миус дарёси соҳилига келдик. Ўз қўлимиз билан қурган «Шайтон кўприк» ёнида бомба ёрилган жойни кўрдик, уни менга Шура кўрсатди. Бўйим барабар катта чуқурлик. Чуқур атрофида кўм-кўк майсалар, хилма-хил ўтлар кўкариб турибди. Тепалик ҳали ҳам совет жангчилари қўлида экан. Буни эшитиб севиниб кетдим. Чунки уни қўлга киритишда мен ва жангчиларим катта ҳисса қўшган эдик. Уруш майдонидан қўлапса ҳид келиб димоққа урди. Шурадан бу ниманинг ҳиди деб сўрадим. «Олдинги жангда минамиздан гумдон бўлган фашистларнинг бадбўйи» деди Шура. Немислар тун қоронғисида келиб ўз солдатлари ўлиги оёғига арқон боғлаб жанг майдонидан битта-битта судраб олиб кетганлару, лекин мина майдонларидаги жасадаларни олиб кетишга бетлай олмаганлар.

Топшириқни бажариб қайтгандан сўнг Новопавловка қишлоғига бир назар солдим, қишлоқ аҳолиси кўчиб кетмаган, сув қуйгандек жимжитлик! Томорқаларда картошка ва бошқа экинлар ўсиб ётипти. Қишлоқ уйларининг эшикларини ёпиқ. Эркакларнинг катта-кичиги армиямиз сафида ёки партизан отрядларида. Бу ерда қолганларини эса ертўлаларда. Бутун қишлоқ территориясини фронт линиясига айланган. Етти ойдан бери аҳвол шу. Қишлоқнинг жанубидаги катта олмасорда қулуннай ғарқ пишиб ётибди. Шура кечаси ойдиндан фойдаланиб рўмолчасида қулуннайдан териб келди: «Мана, ўртоқ командир, баҳор янгиликларидан енг. Бунинг витамини кўп, сизга фойда-

ли» деди. Ўтириб қулупнайхўрлик қилдик. Новопавловка қишлоғини ва унинг ўртасидан ўтган Миус дарёси соҳилини томоша қилиб, Красний луч шахрига қайтиб кетдик. Новопавловкада ҳали ҳам 383-шахтёрлар дивизияси полковник Провалов командирлигида мудофаада турар экан. Полковник Собир Раҳимов раҳбарлигида италийнлар экспедицион корпусидан озод қилинган тепаликларга бордик. Энди қаттол қишнинг қалин қори йўқ, совуқ шамоллар эсмайди. Атроф кўм-кўк. Айрим жойларда ёввойи ўтлар гавлаб кетибди. Ҳар ер-ҳар ерда ўтган йилги тўкилиб-сочилиб қолган буғдой донлари кўкариб ётибди.

Бизнинг батальон полковник Собир Раҳимов командирлик қилаётган дивизиянинг ўнг қанотида фронт линиясини маҳкамлаш учун мина майдонлари яратишга келган эди. Командиримиз майор Кожевников мепга:

— Аъзам юр, ҳамшаҳаринг ҳузурига олиб бораман — деб қолди. Мен ўзимда йўқ севишиб, тездан тайёр бўлдим.

Иккаламиз балад ўсиб кетган ўтлар орасидаги сўқмоқ йўллардан юриб берамиз. Ўнг ёнимизда ҳар томонда тортилиб келган телефон симлари ерда ётарди. Мен бу симлар штабдап штабга тортилган бўлса керак, деб ўйладим. Ўйлаганим тўғри чиқиб, телефон линияси бизни тўппа тўғри бир жарликка олиб келди. Бу ерда мен яширин ертўлаларни кўрдим. Уларнинг олдида соқчилар турган эди. Командир ижозат сўради, ертўлага кирдик, полковник Собир Раҳимов столга ёзилган карта устига элгашиб турган экан. У бизни хушвуд кутиб олди.

— Дивизия катта вазифа олганда ҳамма вақт силар ёрдамга ҳозир бўласизлар. Бу яхши иш — деди-да, ўтиришга жой кўрсатди. Ўрта бўйли, тўладан келган бир ёш телефончи қиз дарров чойнақдан стаканларга чой қуйиб олдимизга қўйди ва бизга илтифот қилиб:

— Ўзбекларнинг таомлича, меҳмонни таомдан олдин чой билан сийлашаркан. Собир Умарович мени ўзбеклар таомлига ўргатдилар, — деди кулиб.

Полковник билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. У менадан ҳол-аҳвол сўраб, соғайиб қолганимдан хурсанд бўлди. Шу вақт телефон жиринглаб қолди. Полковник бизлардан кечирим сўраб, жийрон отини миниб шошилинч равишда армия штабига жўнаб кетди. Бизлар уни кузатиб, ўз батальонимизга қайтдик.

Душманнинг янги хуружи

Газеталардан ўқиб, Советинформбюросидан эшитиб билишимизча, қишки қаттиқ жанглардан кейин Совет-Германия fronti линиясининг ҳамма жойида тинчлик ҳукм сурмоқда. Фронтида бундай дамлар бўлиб туради. Буни ҳарбий саркардаларимиз ҳаммаша таъкидлашади. Бундай «тинчлик» пайтларда ҳар икки томон бўлажак жангга тайёргарлик кўради. Ҳозир ҳам худди ўшандай «жимжитлик»...

Совет Қуролли Кучлари душманнинг асосий кучини тор-мор қилиб, орқага улоқтириб ташлаган, ғалабалардан илҳомланиб армияда сиёсий ва жанговар машқлар олиб борилмоқда эди. Ҳамма ҳарбий тадбир душманга даҳшатли ҳужум қилиш, даҳшат солиш — қириб ташлашга қаратилганди.

Совет Армиясининг сафи тобора кўпайиб, янги-янги дивизия, корпус, армиялар ва янги хил мураккаб кучли қуроллар билан таъминланмоқда.

Қримда қаттиқ жанглар бораётган бир вақтда — 1942 йил 12 майда Совет Армияси Харьков рўпарасидан душманга қарши даҳшатли ҳужум бошлаб юборганини ўша кунгидек эшитдик. Бу хушxabар жанубий фронт қўшинлари жангчиларини беҳад қувонтирди, ғалабага руҳлантирди.

Фронт бўйлаб учиб, душман позициясини бомбардимон қилиб қайтаётган янги маркали самолётларимизни кўриб, кўм-кўк майсалар устида роҳат қилиб ётибмиз. Комиссар Васильев қувонч билан Совинформбюронинг ахборотини ўқирди.

... Жануби-ғарбий фронт армияларининг бош зарбдор тўдаси Харьковнинг жануби-ғарбий томонида немис фашистлар армиясига қарши ҳужум бошлаб, фронт линия-

сини ёриб ўтиб йпгирма беш-ўттиз километр итқарига кириб борган.

— Яшасин, яқинда жонажон шаҳрим — Одесса гўзал Харьков, азим Киевни озод қиламиз, ҳовлимизга борамиз, оналаримизни, ёр-биродарларимизни кўрамиз, — деб қувовди ўзича жангчи Влиштейн. Петренко ва бошқалар беихтиёр қарсақ чалиб юборишди.

Батальон почтальонни менга хат келтирди. Ўқиб кўрсам, амакимнинг ўғли, дўстим Баҳориддиндан экан. У хатида: Мен ҳам фронтга келдим, энди душманини тор-мор қилиб, Советлар Ватанамизни озод қилаётимиз. Харьковга томон олға босиб бормоқдамиз, дебди.

Ҳавода душманнинг разведкачи самолёти пайдо бўлиб, фронт линияси устида айланиб юрибди. Шу вақт орқа томондаги тепалик устида от миниб келаётган одамни кўриб қолдим. Душман самолётлари ҳавода шўнғиб, ўша сувори келаётган томонга қараб пасайиб борарди. Қараб турибмиз, самолёт суворини пулемётдан ўққа тутди. Отлиқ гоҳ чап томонга, гоҳ ўнг томонга илгарилар, самолётга чап берарди. Душман самолёти отлиқ орқасидан анча вақт овора бўлса-да, унга ўқ тегиза олмади.

Чавандош от устида маневр қилиб, ўзини душман ҳужумидан қутқазди.

Отлиқ бизга яқинлашди, Собир Раҳимов экан. Мен салом бердим.

Полковник:

— Ма, отни ол! Бу Будёновский учар от, мени душман самолётидан сақлади. Уни бир оз совут, қора терга ботиб кетди, — деди.

Отни айлантириб совута бошладим. Собир Раҳимов жангчилар ёнига ўтириб, дўстона суҳбат бошлади. Жангчи Жўраев; Рўзиматов, Рўзиевлар ҳамюртлари, собиқ полк командири, дивизия командирининг ҳозирги биринчи ўринбосари Собир Умарович билан самимий суҳбатлашдилар. Уни дастлаб Ростов шаҳри олдида кўрганимизда унвони майор: ёқасидаги қизил петлицада икки томовига иккитадан тўртта қизил шпал — эмблема қадалган эди. Ҳозир эса учтадан шпал — полковник унвони олибди. Батальон командири, майор Кожевников Собир Раҳимовни кўриб честь бериб, саломлашди-да:

— Отлиқ аскарликдан ҳам хабарингиз бор экан-ку, — деб кулди.

— Бўлмасамчи, биринчи хизматни отлиқлар қисмидан

бошлаган эдим,— деди Собир ака,— отми яхши кўраман, от устида туриб қилич уришни, ўқ отишни яхши билар эдим. Энди қариб қолибман шекиллик, қирқ ёшга кирибман, шундай бўлса ҳам, ёшликда ўтказган машқларим душман самолётида сақланишда асқотди.

Кейинроқ етиб келган майор Васильев ҳам полковникка честь берди-да:

— Армия штабидан келянсиз чоғи, нима янгликлар бор?— деб сўради.

— Нохуш хабар,— деди полковник,— душман янги хуруж бошлаганга ўхшайди. Душман жанубий фронтимизнинг ўнг қанотидаги тўққизинчи армия фронтини ёриб ўтиб, ҳужум қилиб борган бир қисми армиямизнинг орқа томонини кесиб қўйибди. Генерал-фельдмаршал Клейст қўмондонлигидаги тапқчи армия 23 майда Славянск-Крематорский рўпарасидан ҳужум бошлаб, Балаклея шаҳрида жануброқда генерал-полковник Паулус қўмондонлигидаги армия билан қўшилибди ва Харьков шаҳрининг шарқи-жанубида душман фронтини ёриб ўтган армиямизни ўраб олибди.

Харьков томондаги жангларнинг оғирлиги, армиямизнинг бир қисмининг душман ўраб олганлиги ҳақидаги хабар ҳаммамизни ҳам ташвишлантирмоқда эди. Мен айниқса, қаттиқ хафа бўлдим, чунки амакимнинг ўғли Баҳориддин Сулаймонов қуршовда қолган армия сафида эди. Биз у билан ёшликдан бирга бир ҳовлида ўйлаб ўсган эдик. Унинг феъли-атворици яхши билардим. Қуён табиат, қўрқоқ бола эди. Кечаси якка ўзи ҳовлига ҳам чиқолмас эди. Бирортамиз у билан бирга чиқардик. Энди фронтда, атрофида минглаб снаряд, бомба портлаётган шаронгта у зинни қандай ҳис қилмоқда экан-а?

Полковник Собир Раҳимов ўрнидан турди, мен отини келтирдим.

— Дўстлар,— деди у,— олд томонимизда ҳам душман катта куч йиққан бўлса керак. Кўпдан бери разведка ўтказганимиз йўқ. Италия фашистларининг доҳиси Муссолини ҳам биз тор-мор қилган экспедицион корпуси батальонларининг ўрнини тўлдирган бўлса ажаб эмас. Энди катта жангларга отлавинг, ҳа, яқин қолди...

Майор Кожевников Собир акага: «разведка олиб борсангиз бизлар ёрдамлашамиз, дивизиянгиз олдида душманга қарши сон-саноқсиз мина кўмилган. Йўл очиб беришга тайёрмиз»— деб ваъда берди.

— Биламан,— деди Собир ака,— сизлар армиямиз фронти олдини Матвеев кўрғонидан тортиб Дебальцево шахригача мина майдонларига айлантиргансиз. Уларни кўмгап мутахассисларнинг ўзи олса осой бўлади. Бамаслаҳат иш қиламиз.

Шундай қилиб, бу гал биз Собир ака билан Ворошиловград областининг Ревельки районига Ворошилов помли совхоз ерида учрашдик.

Батальон жангчилари бу даҳшатли кунларда янги фронт линиясини маҳкамлаш билан банд эди. Окоп, траншея, танкка қарши хандақлар қозишда Ворошиловград областининг миң-миңглаб меҳнаткашлари қатнашмоқда эдилар.

Кўзги калтақдан кейин немислар Москвани рўпарадан келиб ололмасликларини билш, уни шарқи-жануб ва шарқ томонда қамал қилиш учун Воронеж шахри томон катта куч билан ҳужум қилмоқда, Волга бўйига қараб босиб бормоқда эди.

Москвани орқа томондан ўраб олиш учун куч устига куч ташлаётган душманга қарши жангчиларимиз мислсиз қаҳрамонлик кўрсатмоқда эдилар.

Харьков томонда бошланган жанглардан бери икки ой чамаси вақт ўтди. Душманинг бириинчи ва тўртинчи танкчи армиялари жапубий фронт армиясининг орқа томондан ўраб олиш ниятида мудофаа линиясини ёриб ўтиб, фронтимиз орқасидаги Милерово шахрига яқинлашиб қолди.

Собир Раҳимов айтганидек, дивизиянинг ва Донбасс мудофаасида турган 18-армиямизнинг ўнг қаноти ва орқа томондан душман армияси яқинлашиб бизнинг армияни ўраб олиш хавфи туғилди. Армиямиз жангчилари учун биргина Дебальцеводан Ростовга бориш йўли қолди, холос. Буни комиссаримиз бир неча бор таъкидлади бизга.

Полковник Собир Раҳимов батальон командирини чақирди. Кожевников мени бирга олиб борганди. Собир ака олдимиздаги энг катта бир тепалик рўпарасида душман фронт линиясига томон йўл очиб беришни буюрди. Майор аса бу ишни менинг взводим бориб бажаришини айтди.

Полковник эътироз билдирди:

— Йўқ, буни махсус вазифа бор, бошқа взвод юбориш,— деди.

Майор бу вазифани бажаришга старший лейтенант Селиверстов взводиини тайинлади.

Полковник топографик картадан ҳужум бошлаш мар-

распни кўрсатди. Менга штурм қилинадиган тепалик рўпарасидаги тепалик устида кузатиш команда пункти қуришни буюрди.

Кечаси қоронғи тушиши билан иш бошладик. Бир неча соат ичида чуқур ертўла қазиб, устини қалин қилиб ёпдик. Вазифа бажарилди. Алоқачилар телефон линияси тортиб, дивизия штаби билан алоқа ўрнатган эдилар.

Тепалик атрофидаги сойларда миномёт ва артиллерия батареялари янги ўт очиш позициясини тузмоқда эдилар. Орқадан айланиб келиб, кўзим яна шу тепалик устида жойлашаётган автоматчилар батальонига тушди. Улар ҳам жангга тайёрланиб, навбатдаги буйруқни кутиб турмоқда эдилар. Старший лейтенант Селиверстов разведкачилар билан бирга душман позициясидан йўл очиб беришга кетди. Шу вақт полковник Собир Раҳимов штаб офицерлари билан ертўлага кириб келди. Мен унга вазифа бажарилгани ҳақида рапорт бердим. У қўлимни қаттиқ қисиб кўришди: «раҳмат ука, энди траншея қазилгани ҳам давом этказилганлар» деди.

Биз ишга киришдик. У штурм қилувчи батальон командири ва ёрдамчи артиллериянинг миномёт командирлари билан суҳбатлашди ва картадан объектларни кўрсатиб уларга вазифа берди: улар олдинда турган энг баланд тепалик устидаги душман гарнизонини тор-мор қилишлари, «тил» келтиришлари, фронт ҳақида, душман армияси тўғрисида аниқ маълумотлар олиб келишлари керак.

Позициямизда мудофаада турган батальон ва полкнинг ўт очиш воситалари ҳужумчи батальонга ёрдам беришга сафарбар этди, душман ўт очганда улар ўз ўтлари билан уни даф этишлари лозим.

Душман позициясидан ўтиш учун йўл очилгани ҳақида хабар келди. Командирлар жанговар вазифани бажариш учун ўз батальонларига жўнаб кетдилар.

Собир Умарович траншеядан ўтиб, душман томонни кузата бошлади. Донбасс ерида кечаси баҳаво, юлдузлар ярқираб кўринмоқда. Фронт линиясида гоҳо ракетаалар отилиб, учар юлдузга ўхшаб кўздан ғойиб бўлади. Бу позицияда армиямиз ўн ойдан бери турипти. Дебальцево шаҳрининг катта кўчасидан фронт линияси ўтган дебальцеволиклар ҳам армиямиз қатори уруш азоб-уқубатини чекмоқдалар.

Олddaги тепаликдан «ура» овози эшитилди. Минглаб

автоматлардан ўт очилгани, гранаталар портлагани туپ сукуватини бузиб юборди.

Полк артиллериячилари, миномётчилари, пулемётчилари ҳам душмanning ўт очиш нуқталарини бостириш учун шиддатли ўқ уза бошладилар.

Ғафлатда қолган душман бу участкада тор-мор келтирилди.

Шу вақт телефон трубкасида штурмчи батальон командирининг рапорти эшитилганини айтишди. Полковник Собир Раҳимов батальон командирига қўлга киритилган ғалабани маҳкамлаб қайтиш, ярадорлардан бирортасини ҳам, ҳатто ҳалок бўлган жангчиларимизнинг жасадини ҳам у ерда қолдирмаслик ҳақида буйруқ берди.

Ўт очиш тўхталиб, ҳамма ўз позициясига қайтди. Фронт линиясида фақат мудофаа қилиб турган полк қолди. Биз ҳам тонг отар вақтида батальон жойлашган сойга қайтиб келдик.

Старший лейтенант Селиверстов ўз взводи билан йўлда уч кишини тутиб қайтган экан. У батальон командирига рапорт берди: тепаликни ишғол қилишга бораётган вақтимизда бу уччаласи биз томонга эмаклаб келаётганини кўрдик. Душман разведкаси бўлса керак, деб шайлашиб турдик. Яқинлашганда бирданига устларига ташланиб, бўйинларидан гип бўғиб олганимизда улар рус тилида: «Свои-свои» деб бақиритди. Сипчиклаб қарасак, ҳақиқатан италиялик ёки немис фашистлари бўлмай, қуршовда қолган совет жангчилари экан.

Уларнинг бири ўзбекка ўхшарди. Майор Кожевников ундан:

— Қаерликсан? — деб сўради.

— Бухородан.

— Ўзбекмисан?

— Ҳа.

— Номинг нима?

— Карим.

— Мава бу бухоролик йигитли танийсанми? — деди унга мени кўрсатиб.

— Ҳа, танийман, — деди у.

— Қаердан танийсан? — ҳайрон бўлдим мен.

— Бухородаги техникумда сизнинг дўстингиз Баҳориддин билан бир классда ўқир эдим. Уша вақтлар сиз унинг олдига тез-тез келиб турар эдингиз, — деди.

Командир ялт этиб менга қаради:

— Ростми? — сўради у.

— Ҳа, рост-рост.

12 май кўни Харьковнинг жанубидан армиямиз душманга даҳшатли ҳужум бошлаганида Карим ҳам Баҳориддин билан бир ротада бўлиб бирга жанг қилган экам. Фашистларни бир печа чақирим қувиб, олга борганларида душман фронт орқасини кесиб қўйиб, армиямизни ўраб олибди. Армиямиз айланма мудофаа позициясини тузиб, ҳужумчи фашистларга қарши бир неча кун тенгсиз жанг олиб боришти. Ёрдамга ташлапган бизнинг қўшнлар эса ҳа деганда душман фронтини ёриб ўтолмапти.

— Душман қуршовида ҳафталаб оч қолдик, — дейди Карим. — Асирликдан қочиб тўғрисида Баҳориддин билан маслаҳатлашдик, пайт пойлаб юрдик.

... Душман бизларни колонна-колонна қилиб ҳайдаб кетаётганида мен ўрмон ичига қочиб қолдим. Сўнг Баҳориддин қочди. Фашист солдати уни кўриб қолиб, орқасидан ўқ узганини эшитдим, дўстимнинг «вой-вой» деб қичқиргани қулоғимга чалинди. Ўрмонда асирликдан қочган бу икки совет жангчиси билан учрашиб қолдим. Уччаламиз бирер қулай жой топиб, фронт линиясидан ўттига, ўзимизнинг армияга қўшилишга аҳд қилдик.

Кечаси орқага қайтаётганда ўрмон ичида дўстим Баҳориддиннинг жасадини кўрдим. Биз уни ўрмон ичидаги майдончага дафн этдик, — деди Карим. — Қуиндузлари яширилиб, кечалари йўл юриб келаётганимизда разведкачиларингизга дуч келдик.

Орадан бир неча кун ўтди. Душман Дон дарёсига қараб зудлик билан босиб келмоқда эди. Ўнг қанотдаги армияларимиз жанглар билан Ростов томонга чекинишибди. Жанг майдони биз томонга чўзилиб келди. Ҳам олдиндан, ҳам ўнг қанотдан келаётган душманга қарши жанг бошланди.

Донбасс тупроғида яна оломон жанглар улашиб кетди. Полковник Собир Раҳимов қўмондонлигида донбасслик жангчилар ўз юртларида душманга қарши қаҳрамонова жанглар олиб борардилар. Биз уларнинг жасоратига қойил қолардик. Ҳар қандай даҳшатдан тап тортмас эдилар.

Душман қўмондонлиги армиямизни ўраб олиб, янчиб ташлаш учун дивизия устига дивизия ташламоқда эди. Самолётлари позициямизни бомбардимон қиларди.

Эшитишимизча, бу оғир шароитда қаҳрамонова жанг олиб бораётганимизни ҳисобга олиб, қўмондонлик бизни

Ростов томонга чекиниб, янги мудофаа позициясида туришимизни лозим топиб, буйруқ берибди.

Собир Раҳимов ҳам душманга сездирмай тун қороғи-сида дивизияни Ростов яқинидаги янги позицияга олиб кетди.

... Фронт ливияси ҳувиллаб қолди. Биз ҳам йўл-йўлакай танкка қарши ҳамда автомашина ва аравалар йўлига миналар кўмиб, сой ва дарёларнинг кўприкларини бузиб, армиямиз орқасидан аста-аста чекина бордик.

Бир ҳафтача кечаю кундуа ухламай душман ҳужуми остида чекиниб, Каменск-Шахтинск шаҳрига яқинлашдик, бу ерда таяни бир тепаликка кўзим тушди.

Ўтган йили октябрь-ноябрь ойларида армиямиз Ростов олдида душманга ҳужум қилган вақтда самолётларимиз шу тепаликдан парвоз қилиб бориб, душманин бомбардимон қилган эди. Ҳозир эса самолётларимиз ҳам бу жойдан учиб кетибди. Кечаси билан йўл босдик. Ҳаво булутланиб, ёмғир ёғди. Ёш лейтенантимиз оёғимга енгил бўлсин деб брезент этик кийган экан. Этик ёмғирда ҳўл бўлиб оёғини қисибди, юролмай қолди. У, орқадан етиб борамиз, деб жангчи Жўраевни ўзи билан олиб қолди. Мен группани олиб Ростов томонга жўнадим. Йўлда батальон комиссари Васильевни учратиб қолдик. У менга янги буйруқ берди: чекиниб келяётган армиямизга шимолий Донец дарёсидаги кўприкдан Ростов томонга ўтишини таъминлашимиз керак экан. Мен комиссардан фронтдаги аҳвол билан таништиришни илтимос қилдим.

Унинг айтишича, Ростов рўпарасидан душманнинг 17-армияси, Донбасс томондан олдимизда турган корпус, шимолий Донец бўйлаб эса бир тўда пиёдалар ҳамда I ва IV танкчи армиялари босиб келмоқда. Армиямиз аҳволи хавф остида, душман армиямизни ўраб олмоқчи. Бизнинг вазифамиз қандай бўлмасин, армиямизни кўприклардан ўтказиб, Дон бўйидаги янги позицияни эгаллашларини таъмин қилишдан иборат экан. Биз Белаё қалитка темир йўл станциясига келдик, бу ердаги икки кўприк ҳам бузилиб ётибди: бири — катта темир йўл кўприги, иккинчиси — қишлоқнинг шимоли-ғарбида қурилган қишқича оддий тахта кўприк.

8-инженерлик батальони бир неча кун армиямизнинг кўприкдан ўтишини таъмин қилиб турган вақтда, душман кўприкни бомбардимон қилган экан.

Биз келганимизда станция ёнида бирорта ҳам ҳарбий қисм йўқ, ҳеч ким кўришмас, станция аҳолиси ҳам ўз уйларига яшириниб олган экан.

Кўприкни бутунлай тузата олмасак-да, ҳар қалай атрофдаги сям ёғочларни кесиб, уларни бут қолган устунлар устига ўрнатиб тахта қоқдик. Энди битди деганимизда бир тўда жапгчиларимиз — чекинишга улгуролмаган ва кейинда қолиб кетган жапгчиларимиз келиб қолишди. Уларни тезлик билан кўприкдан ўтказиб юбордик.

Ҳавода душмanning разведкачи самолёти пайдо бўлди. У устимнадан айланиб-айланиб, кетидан оқ тутун чиқариб, ҳавода ҳалқа ясарди. У ҳали қайтиб кетмасданоқ бомба ташловчи бир тўда самолёти ҳам шовқин солиб учиб келди ва шўпғиб пастаниб кичкина кўприкчани бомбардимон қила бошлади.

Фронт йўлларда адашиб, бўлиниб-бўлганиб қолган жапгчиларимиз ҳамон келмоқда эдилар.

Армия техникасини катта темир йўл кўпригидан ўтказиш фикри туғилди. Темир йўл станциясида дарвозага ўхшаш девор қилиб тўсиладиган тахталар бор эди. Уларни келтириб темир йўл устида бир сидра қўйиб чиқдик. Қисмларимиз бемалол кўприкдан ўтиб кетишди.

Станциядаги омборларда бир неча юз тонна оқ ун, қанд, шакар қоплари терилиб қўйилган экан. Душмanning қўлига тушгандан кўра шу ердаги аҳоли баҳраманд бўлин, деб истаган кишиларнинг олишига ижозат бердик.

Душман етиб келмоқда. Снарядлар устимиздан чийиллаб ўтиб, орқа ва олдимизга тушиб портламоқда эди.

Яна Ростов томонга қараб армия орқасидан чекина бошладик. Мана Шахта шаҳри. Унинг шарқидаги аэродромдан охириги самолётлар учиб кетмоқда. Баландликда жойлашган Новочеркасск шаҳрининг кўчаларида баррикадалар қурилиб, ўқчи дивизия шай туриб, душмanning кутмоқда экан.

Биз батальонни топши учун Ростов томонга қараб йўл олдик. Ниҳоят, Ростовнинг талиш манзараси кўзга ташланди. Жанубий фронт ва жануби-ғарбий фронт армиялари шу шаҳар кўпригидан ўтмоқда эди. Шаҳар ва кўприк атрофида минглаб зенит замбараклар қўйилган. Душман самолётини кўприк яқинига келтирмаслик учун замбарак ва пулемётлардан тинмай ўт очиб туриптилар. Новочеркасск шаҳри мудофаасида турган гарнизон ҳам икки кун қаҳрамоноша жапг қилиб чекина бошлабди.

Ростовга қараб келаётган душманнын**г** биринчи танк армияси бизнинг армияларимиз кўприкдан ўтишига халал бермоқчи бўлди. Чеклииб келаётган қисмларга ёрдам бериш учун бир танкчи бригадамиз Т-34 маркали танклар билан етиб келди. Ростов йўлида пиёда аскарларимиз танклар ҳимояси билан қарши атакага ташландилар.

Жангнинг биринчи соатидаёқ душманнын**г** олдда келаётган танкчи кучи орқага улоқтириб ташланди. Қаҳрамон жангчиларимиз Оқсой дарёси бўйлаб мудофаа позицияси туза бошладилар.

Шаҳар кўчаларида минг-минглаб жангчилар, биз шулар орасидан йўл топиб кўприкка яқинлашмоқдамиз. Кўприк яқинидаги шлагбаумда старший лейтенант Селиверстовни кўриб қолдим.

— Тирикмисан? Сени Дебальцево шаҳри атрофида қолиб кетдиёв деб қайғириб турган эдик, — деди у.

Шу пайт батальон командири майор Кожевников кўприк томондан келиб қолди. Унинг олдига чиқиб, тошларни бажариб келганлигимиз ҳақида рапорт бердим. Майор «яшанглар» деб мишнатдорчилик билдирди.

Полковник Собир Раҳимов қайдандир бирдан пайдо бўлиб қолди. У чаққонлик билан отдан тушиб, бизнинг майорга мурожаат қилди;

— Менин**г** дивизиямни кўприкдан ўтказишга ёрдамлашин**г**, ҳозир армия штабидан буйруқ олдим. Шу бугуннинг ўзида узоқ йўл босиб Дон дарёси бўйида мудофаа позициясини эгаллашимиз керак.

— Ҳа, Кавказ йўлини душмандан тўсишимиз керак, — деди у яна.

Полковник Собир Раҳимов дивизияси етиб келди.

Тўрт кечаю-тўрт кундуз биз дарё кўпригида постда туриб, армиямизни ўтказдик. Охириги батальонлар ўтмоқда. Душманнын**г** 17-армияси шаҳарга яқинлашиб қолди. Яна Ростов шаҳри душман қўлида қолади шекилли...

Чекинишга ўрин йўқ!

Батальон жангчилари тушган автомашиналар колонна-ти бир неча соат йўл босиб, Дон дарёсининг юқори оқими-даги бир қишлоққа келиб тўхтади. Келиш биланоқ маши-наларни иқобладик.

Майор Кожевников батальон жангчиларининг фронтда-ги аҳвол билан таништириб, бундай деди:

— Олдимизда душмanning генерал фельдмаршал Клейст қўмондонлигидаги биринчи танкчи армияси ва ўт-ган йил Москванинг ғарбий томонидан ҳужум қилиб бор-ган 4-танкчи армияси, яна икки танкчи армиялари бирга-ликда Цимлянскийдан Ростовгача бўлган масофада Дон дарёсидаги ўтишга, Кавказни босиб олишга итилмоқда. Совет Армияси олий бош қўмондони И. В. Сталин Дон дарёси бўйида мудофаани маҳкам тутиб, душмanning шу ер-да тўхтатиш, бир қадам ҳам чекимаслик тўғрисида буй-руқ берган. Бу буйруқни бажариш учун инженерлик қўшиқлари мудофаа позициясини маҳкамлашга ўз ҳисса-сини қўшишлари шарт!

Командирнинг бир неча кундан бери ухламагани, ҳор-дақ чиқармаганидан кўзлари қизариб, юмилиб бораёт-ганди.

Совет жангчилари оғир шароитда кучли душман билан жанг олиб боришга тайёргарлик кўрардилар.

Мен Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан буён взвод командири дивизиони бажариб келмоқдаман. Бу-гуз ҳам яна взвод билан буйруқ берилган томонга жўна-дим. Комиссар Васильев бизга ҳамроҳ бўлди. Дон бўйида-ги бир қишлоқда полковник Собир Раҳимовга дуч келиб қолдим. Бу жойда унинг дивизияси мудофаада турган экан. Биз ҳам худди шу ерда «ишлашимиз» керак эди.

Душман Цимлянский томондан Шимолий Кавказга бостириб кирмоқчи экан. Полковник картасини олиб,

миналаштиришимиз зарур бўлган жойларни бизга кўрсатди. Мина майдонлари қуришга киришдик. Бу ерда яна бир нохуш хабар эшитилди. Ростовдан кетган кунимизнинг ўзидаёқ душманнинг 17-армияси Кавказ дарвозаси деб аталмиш шаҳарни ишғол қилиб, Дон дарёсидан ўтиб, Краснодар шаҳрига қараб кучли ҳужум бошлабди. Унинг биринчи танкчи армияси аса, ўнг қўлдаги армиямиз линиясини ёриб ўтиб, Ставрополь томон йўл олмоқда экан.

Армиямизнинг икки қапотида ҳам кучли мудофаа жанглари бошланиб кетибди. Жанг сурони бизгача етиб келмоқда эди. Дивизиямиз ҳам жангга кирди. Краснодар ва Ставрополь ўлкасининг бепоён далаларида одам бўйи бўлиб пишиб турган тилла рангли буғдойзор уруш майдонига айланди, халқ ризқи оёқ тагида поймол бўлмоқда.

Комиссаримизнинг айтишига қараганда, Шимолий Кавказ фронтининг қўмондон, Совет Иттифоқи маршали Будённый фронт армиялари составини қайта тузиб, душманнинг катта кучи келаётган томонга қарши кучлар ташлаган. Совет жангчилари Ватан учун яна қаҳрамонна жангларга кирдилар. Батальон командири майор Кожевников келиб қолди. У, полковникдан вазиятнинг қандайлигини сўради.

— Вазиятнинг қандайлигини мана бу томонга қараб ўзингиз кўринг,— деди Собир ака, фронт томонни қўли билан кўрсатиб.

Майор дурбинни олиб, фронт томонга узоқ тикилди.

— Ловиллаб ёнаётган нарсалар нима экан?— сўради у яна.

— Душман танклари, бронетранспортёрлари, автомашиналари,— деди полковник.— Мина тузоғига тушган.

— Бу ишда бизнинг жангчилар ҳиссаси ҳам бордир?— деди майор ўсмоқчилаб.

— Бор, албатта, бор,— деди полковник.— Миналарни сизникилар қуришди-ку.

Майор бизнинг завод жангчиларига ташаккур аълон қилди.

— Хўш, армия штабидан келянсизми?— деб сўради полковник унда,— нима янгиликлар бор?

— Қўмондон Будённый фронт армияларини қайта группалаб чиқибди. Бизнинг ўн саккизинчи армия сафтини кучайтиришни кўзда тутиб, 17-Кубань отлик аскарлар корпусини армиямиз ихтиёрига берди. Яна бир ўқчи кор-

пус Қора денгиз бўйидан олиниб, армиямизнинг ўнг қаноти-
га юборилибди. Фронт армиялари эса икки тўдага ши-
молий группа ва Қора денгиз бўйи армияси группасига
бўлинибди. Бизлар Қора денгиз армия группаси состави-
га кирибмиз, унга қўмондон қилиб генерал-полковник
Черевиченко тайинланибди.

— Тагин нима янгиликлар бор экан?

— Сизнинг ҳақингизда ҳам гап борга ўхшайди,— деди
майор.

— Қапдай гап экан?

— Билишимча, сизни дивизия командирлигига тавсия
этишмоқчи, шекилли.

— Шундай денг, хушxabар учун раҳмат. Хўш, сизни-
чи, қандай лавозимга тайинлашибди,— дея сўради полков-
ник ҳамма воқеадан воқиф раҳбардек.

— Оғир, масъулиятли «лавозим»,— деди майор,—
Усть-Лабинский шаҳридаги Лоба дарёси кўпригидан ар-
миямизни ўтказиб туришни таъминлаш топширилди. Ла-
возимми, вазифам у ёғини ўзингиз...

— Олжаноб вазифа олибсиз, армиянинг ҳаёт-мамоти
Лоба кўпригида ҳам Ростов кўпригидагидек, сизнинг жанг-
чиларишганинг ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолипти.

— Шараф билан бажарамиз,— деди майор қувониб.

Биз ўша куниёқ янги вазифани бажаришга жўнаб
кетдик.

Усть-лоба дарёси кўпригида

Батальон жангчилари билан фронт линиясидап чиқиб, орқа томонга борамиз. Душман авиацияси Кубань станцияларини, темир йўл станцияларини, шаҳарларни бомбардимон қилмоқда.

Қоронғи кечада ҳар ер-ҳар ерда катта ёвғинлар кўрилади. Унғ томонда даҳшатли манзара: темир йўлда турган ҳарбий эшелонни бундан бир неча соат илгари душман авиацияси бомбардимон қилибди, вагонлардаги патронлар, снарядлар, авиабомбалар пайдар-пай портлаб ёришмоқда.

Бу йўлдан ўтми хавфли, чунки снаряд, бомба парчалари ва ўқлар йўл атрофига отилиб-сочилиб тушмоқда эди.

Не илож, йўлимиз узоқлашса-да, чап томондан бурилиб, айланиб ўтдик. Эрталаб Лоба дарёси бўйидаги Усть-Лабинский шаҳарчасига яқинлашганимизда катта кенг кўчаларга сизгишмай бораётган кўчманчиларни учратдик: ҳар хил юклар ортилган араваларнинг сон-саногги йўқ... Орқадан четлаб ўтиб, кўприкка яқинлашганимизда шаҳарда тепаликни кесиб дастга қараб оқаётган дарё бўйидаги тор йўлдан тартибсиз равишда «ур-йиқ» билан ўтаётган одамларга кўзимиз тушди.

Трактор ва комбайнларнинг мотор овози, отларнинг кишнашлари «оломон»нинг шовқин-суронига қўшилиб ғала-говур авж олган. Ҳамма кўприкдан тезроқ ўтиб олиш учун тиқилиб-сурилиб илгариларди.

Дарё шаҳардан юз метрлар чамаси пастроқдан оқади. Дарёнинг ғарб томони даст текислик бўлиб, бундан узоқ масофадаги ерлар ҳам яққол кўринади.

Майор Кожевников шаҳарнинг ғарбидаги балаандликда батальонимизни икки гурпуага бўлди. Биринчи гурпуа аҳоли билан армияни кўприкдан ўтказишни таъминлаш вазифасини олди. Бу гурпуага бош бўлиб старший лейте-

нант Селиверстов шлагбаум олдида қолди, унга фронт томонни, душман армияси ва авиациясининг ҳаракатини кузатиб туриш вазифасини ҳам топширилди.

Мен дурадгорлар группасига бошлиқ бўлдим, бизга кўприкни тузатиш вазифаси топширилди.

Яна бир группага катта Кавказ тоғининг ғарбий этаги бўйлаб оқайтган тоғ дарёси — Белоречинскийнинг шарқижанубий қирғоғида (Туапсе йўлида) маҳкам мудофаа позициясини тузиш вазифаси берилди.

Старший лейтенант Селиверстов кўприкда тартиб-интизом ўрнатгандан кейин, биз ҳам кўприкка келиб, уни кўздан кечирдик: ёғоч кўприк экан. Ундан оғир артиллерия ва танкларни, ҳарбий юкларни ва бошқа қишлоқ хўжалик қуроолларини ўтказиш мумкин эмасди, қандай бўлмасин бу кўприкни мустаҳкамлаш керак эди.

Иш бошладик. Ҳаракатни тўхтатмасдан кўприкни тузатишга киришдик. Бир неча кун Кубань ўлкасидаги колхоз, совхоз ва завод-фабрика техникасини ўтказдик. Орқадан от заводларининг бир неча минг йилқи фермалари, колхозларнинг йилқи, қўй, қорамол фермалари ҳам етиб келди. Доп ва Кубаннинг яйловларида эркин ўсган Будёновский зотли чопар отлар тепаликлардан тушиб келиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўприкдан ўта бошлади. Улар шлагбаумни бузиб кетишди. Минглаб отларнинг, тойчоқларини чақириб кишнаган бияларнинг, онасини ахтариб юрган тойчаларнинг шовқин-сурони Усть-Лабинский осмонда янгради.

Душман самолёти ҳам пайдо бўлиб қолди шу тобда. У хира пашшадек кўприк устида айланиб қолди, нишонга оляпти чоғи.

Рўзиматов билан Шура кўприкнинг ёнида окопда туриб станокли пулемёт оғзини душман самолётига тўғрилаб ўт оча бошладилар.

Влиштёйн, Мамедов, Рўзиевлар ҳам кўприк яқинидаги окопларга тушиб, душман самолётларига ўт очишга тайёрланиб, уларнинг пасайиб-яқинлашиб келишини кутиб туриптилар.

Фашист самолётлари Туапсе томондан кўприк устига пасайиб келиб бомбаларини ташлаб, йўлда кетаётган отларга қараб пулемётлардан ўт очди-да, яна устимизда «қанот қоқа» бошлади. Кўприк атрофида эса батальондаги бир неча пулемётдан ташқари ҳеч қандай қурол йўқ эди ҳисоб.

Икки-уч айланишдаёқ, душман самолётлари бизнинг ўт очадиган нуқталаримизни аниқ билиб олиб, бомбардировка қилди. Лекин бирорта бомба ҳам кўприкка тушмади, атрофларда пала-партиш портладди. Кўприк соғ қолгани учун биз хурсанд эдик.

Мен самолётларга ўт очган жангчиларимдан хабар олай, деб борсам, пулемёт окопининг атрофида бир печка бомба портлаб, уни кўмиб ташлабди. Рўзиматовнинг кўли, оёғи қум ичидан чиқиб ётганини кўриб, кайфим учди. Тошкентлик дўстим тамом бўлибди-ку, дедим-да, қўлидан ушлаб уни қум ичидан тортиб олдим. Ёстларини артиб турсам, бирдан у кўзини очди. «Тирикманми» деб қўл ва оёқларини пайпаслаб кўрдди. «Дўстим, тириксан, қўрқма» дедим. Қум тагнда қолган Шурани ҳам қазиб олдик, иккаласи ҳам соғ-саломат экашдан севиндик.

Икки ботир пулемётчи ўз пулемётларини дарё бўйидан топиб келиб, бошқа окопга ўриштирди-да, кўприкни душман самолётларидан қўриқлаб туришди. Батальон командири майор Кожевников уларнинг ёнига келиб:

— Раҳмат бургутларим, спэ сапёрлар, зенитчилар ролинги ҳам шараф билан бажардингиз, душманини қочирдингиз, кўприкни соғ-омон сақлаб қолдингиз, — деди.

Кўприкдан оломонни кечаю-кундуз бетўхтов ўтказиб турибмиз. Майор Кожевников телефонда бир печка минут ким биландир сўзлашди-да, оғир нафас олиб, бизга бундай деди:

— Душман 18-армиямизнинг ўнг қанотида фронт линиясини ёриб ўтибди, 5 августда Ворошилов шаҳрини ишғол қилибди, катта куч билан Шимолий Кавказдаги курорт шаҳарларимиздан Кисловодский, Пятигорский, Ессентуки, Железноводский шаҳарлари томон бормоқда эмиш, — деди.

Бу нохуш хабар ҳаммамизнинг таъбимизни хира қилди. Гарчи душманини тўхтатиш, уни тор-мор этишга ишончимиз комил бўлса-да, унинг мамлакат ичкарасига тобора кириб бораётганлиги бизни ташвишлантирарди.

Биз армияни кўприкдан ўтказиш билан банд эдик. Душман самолётлари яна кўприк устида айланиб қолди.

Батальон командири жангчиларга буйруқ берди:

— Пасайиб келаётган душман самолётларига ҳамма қуроллардан ўт очинг!

Кўприк атрофида жойлашган сапёрлар ва кўприкдан ўтаётган ҳарбий қисмлар барала ўт очдилар.

Душман самолётлари уч группага бўлинди. Бир группаси кўприкка қараб ҳужум қилмоқда эди. Иккинчи группаси Уст-Лабинск шаҳрида турган ҳарбий қисмларга ҳам-ла бошлади. Учинчи группаси — сапёрлар турган жойни бомбардимон қилди.

Мен кўприкнинг чап томонидаги учинчи уй олдида турган эдим. Менга қараб пасайиб ўт очиб келаётган самолётни кўриб ўзимни тезлик билан уй ичига олдим. Қулогимга гувиллаб келаётган бомба товуши эшитилди. Учувчи мен кирган уйни мўлжалга олди шекилли. Бу ердан қочиб, бирор пана жой топиб улгуролмасдим. Шу вақт уй томига шақирлаб теккан ўқлар овози эшитилди. Қаердадир бомбачилар ҳам портлай бошлади, портлаш тўлқинидан полга йиқилдим, уй девори устимга ағнаб тушганини аранг ҳис қилдим. Устим оғир бўлиб полга қапишиб кетдим. Ўликманми-тирикманми, деб қимирлаб кўрсам, хайрият тирикка ўхшайман, кучимни йиғиб, тупроқ остидан суғурилиб чиқдим. Кўзимни очсам, атроф сутдек опшоқ, ҳеч нарса аниқ кўришмайди. Оббо, ўзим соғ экаману, икки кўздан айрилибман-да, деб ўйладим. Шу пайт жангчи Павленко назаримдан ўтди.

У Донбассадаги жангларда икки кўзидан ажралган эди. Мен ҳам кўр бўлдим, деб хўрлигим келиб йиғлаб юбордим, уй деворининг ганч-тупроғи кўз ёшим билан ювилибди, мен энди ёруғликни аранг-аранг кўра олдим. Ақлимни йиғиб атрофга боқсам, хайрият кўзим кўрар экан. Ташқарига чиқдим, қуёш нури ярқираб кўринди. Душман бомбаси уй олдида портлаган экан, томини учириб кетипти. Портлаш тўлқини билан уй бузилиб, каркас ёғочлари чиқиб-осилиб қолипти. Уст-бошимни қоқиб, кўприк томонга қараб келдим. Батальон командири ва жангчиларим кўприк устида бомбадан вайрон бўлган жойга қараб турнишган эканлар.

Кўприкда ҳаракат тўхтаб қолгани учун ҳаммамиз ҳам ачиндик. Командирнинг кўзи менга тушиб, «соғмисан?» деб сўради дарров мендан.

— Ҳа, соғ қолдим.

— Мен сени кўприк билан бомба тагида қолдинг шекилли, деб қайғириб турган эдим,— деди.

— Соғман, душман бомбаси мени ўлдиролмайди.

— Унча мақтама, ўқ ботир билан қўрқоқни ажрата олмайди.

Майор Васильев гапга қўшилиб: «Бу бахтли йигит, ҳамма жанглардан бутун чиқади» деб кулиб қўйди.

— Кўприкни текшириб чиқ, тузатиш чорасини кўр! — деб буюрди энди майор менга.

Мен йўл атрофидаги сим ёғочларни кестириб, уй атрофидаги тахталарни келтириб, кўприк яқинига тахлатдим. Командирлар билан ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, ўз кучимиз билан кўприкни икки кунда тузата олишимиз мумкин.

Билишимизча, душман бу вақтда Армавирда жанг олиб бормоқда эди. Эртагаёқ Усть-Лабинскийга етиб келиши мумкин. Кўприкни қандай қилиб барвақт тузатиш тўғрисида бош қотирмоқда эдик. Шу вақт Белоречинский томондаги йўлдан кичкина енгил машина чапигитиб келаётганини кўриб қолдим. У ёнр этиб кўприк яқинига келиб тўхтади. Машина ичидан ҳарбий формадаги бир одам чиқди. Уни таниб қолдим: фронт қўмондони, Совет Иттифоқи маршали Будённый эди. Дарҳол чопиб бориб майор Кожевниковга қўмондон келганини билдирдим. У келиб қўмондонга рапорт берди, бўлган воқеани айтди. Маршал кўприкни тузатиш учун қанча вақт керак, деб сўради. Душман авиацияси тўсқинлик қилмай турса, икки кунда тузатса бўлади, деди майор.

— Йўқ, ҳеч нарса баҳона бўлмайди, — деди маршал. — Бугун 17-Кубань отликлар корпуси таничиларимиз билан бирга душманга ҳужум қилиб, унинг уч мингдан ортиқ солдатини қириб ташлади. Улар душманни орқага қочишга мажбур этдилар, бу корпус составини шу кечанинг ўзидаёқ дарёдан соғ-саломат ўтказиб юборишингиз керак. Буйруқ қатъий!

Майор қандай жавоб қайтаришга ўйланиб қолди. Маршал бир соатдан кейин дарёнинг қуйи оқимидан пароход катта баржани тортиб келиб, кўприкнинг бузилган жойига якорга қўяжагини айтди ва соат ўнғача шу баржа устига кўприк қурилиб, ҳамма нарса тайёр бўлишини таъкидлади.

— Хўп, бажарамиз, — деди майор.

Биз ёғоч ва тахталарни кесиб-рандалаб кўприк ёнига тахт қилиб қўйдик. Кичкина бир моторлик пароход катта баржани тортиб келиб кўприкнинг бузилган жойига якорга қўйди. Унинг устидан сим ёғочларни устма-уст уйиб, кўприк билан барабарлаштирдик, устида тахта ётқизиб, шлагбаум олдида тўпланиб қолган қисмларни бири-кетини ўтказа бошладик.

Маршал айтган вақтида етиб келди. У кўприк устида у ёқдан-бу ёққа юриб, кўздан кечирди. Майорга қараб: «рахмат, жуда соз, тез ва мустаҳкам қилиб қурилибди» деди.

Шу вақт отлиқ аскар корпусининг командирлари, қивил байроқ кўтарган байроқдорлар вазоди кўприк олдига етиб келишди.

Олdda келаётган командир кўприк устида қўмондонни кўриб, отдан ирғиб тушди-да: «ўртоқ қўмондон, топширингиз шараф билан бажарилди» деб рапорт берди.

Корпус командири генерал-лейтенант экан.

Улар иккаласи ҳам кўприк устида туриб уч минг душмани қиличдан ўтказган кубанлик отлиқ аскарларнинг ўтишини қувонч билан кузатиб томоша қилардилар. Кўприк устидан уч қатор отлиқлар отларини чоптириб ўтиб кета бошладилар. Кубанликлар қўмондонни таниб, йўл устида унга честь берадилар.

1942 йил август ойининг бошларида ҳаво очиқ келди, тунда юлдузлар чарақлаб, салқин шабада эсарди. Тунки билан кўз юммай армияни кўприкдан ўтказдик.

Кўприкни бузиб кетган фашист учувчилари энди сопет армияси ўтолмаслигига имони комил бўлиб, гафлатда қолган бўлса керак, бирорта самолётнинг қораси кўринмади.

Армия состави кўприкдан тинч ўтиб кетди. Қўмондонлар ҳам хайрлашиб кетишди.

Тонг отиб, қуёш илиқ нур сочиб кўтарила бошлади. Майор Кожевников соатга қаради, соат саккиз, охири жангчиларимиз кўприкдан ўтардилар.

Шу вақт душманнинг моторлашган танкчи кучи Усть-Лабинскийни ишғол қилибди. Кўприк атрофини ўққа тутиб қолди.

Старший лейтенант Селиверстов жангчилар билан кўприкдан ўтиб бўлди. Душман кўприкни қўлга киритиш учун интиларди.

Майор кўприкни душманга бутун қолдирмасликка қарор қилди. Уни портлатиш учун олдиндан ҳеч қандай чора кўрмаган экамиз. Кўп ўйлаб турмадик-да, душман танкларига қарши тайёрланган бир нечта бепазинли шишани кўприкка улоқтирдик, у портлаб ёна бошлади. Ўт кўприкнинг устига ёйилгандан кейин Туапсе томон янги позицияга қараб аудлик билан жўнаб кетдик.

Махсус топшириқ

1942 йил 8 августда Усть-Лабинский кўпригида Туапсе йўлига чиқдик. Кубаннинг нег бугдойзорлари ортда қолиб, баланд-пастлик кенгликка кириб бормоқда эдик.

Катта Кавказ тоғининг чўққилари эътиборимни жалб қилди. Тепалик-ёнбағирлар қалин ўрмонлар билан қопланган. Бу ерларда мудофаа позицияси тузсак душманининг танкчи армияларини таққа тўхтата оламиз, авиация хужумидан яхши яшириша оламиз. Танк ва авиация хужумига ноқулай кепг мудофаа майдонлари яратсак бўлар экан, деб ўйладим.

Йўл босяпмиз, баланд тоғлиқлардан пастга қараб тошдап-тошга урилиб тез оқадиган дарё олдида чиқдик. У назаримда ўзим туғилиб ўсган водийнинг оби ҳаёти — Зарафшон дарёсига ўхшаб кўривди. Комиссардан дарёнинг номини сўрасам, у планшетидаги топографик картага назар ташлаб: «Бела дарёси экан» деди. Унг қўлда яшил ўрмон ичидаги шаҳарчани Белоречинский дейишаркан.

Батальон командири майор Кожевников группани тўхтатиб, дарё бўйидаги қалин ўрмон ичида ҳордиқ чиқариб, овқатланиб олишга буюрди.

Ўт ёққанда кўп тутатмавлар, душман яқин, унинг авиацияси актив ҳаракат қилмоқда, — деб огоҳлантирди командир.

Ҳаммамиз ўрмон ичига жойлашдик. Одатда жангчи ҳордиқ чиқариш вақтида ўзининг уст-бошини ва қуролини тозалаб, янги сафарга, янги жангларга тайёргарлик кўради. Бу армия ҳаётида қонун бўлиб қолгани учун биз ҳам уст-бошимизни тозалаб, қурол-аслаҳани янги жангларга шай қилиб қўйдик.

Мен сув бўйига келдим. Бир катта тош устига ўтириб, ботинкамни ечдим, Донбасс жангларида бери ювилмаган оёғимни сувга тикдим, бир ювиниб баҳра олай дедим. Бу дарё суви шунчалик совуқ эканки, бирпасда миям зириллади. Шу вақт ёпбошимда батальон комиссари майор Васильев пайдо бўлди, у ҳам бир тош устига ўтирди-да, хром этигини ечиб, оёғини сувга тикди-ю, бирдан «воҳ» деб тортиб олди.

— Сенга совуқ ўтмаяптими?

— Ўтяпти.

— Оёғингни сувдан чиқар, иссиқлаб келгансан, бод бўлиб қолишинг мумкин.

Мен ботинкамни кийиб, қўл-бетларимни ювдим.

— Эсингдами.— деди у,— бултур худди шу кунларда Днепр сувида чўмилган эдик. Қандай ёқимли, ювинишга қулай илиқ сув эди-а?

— Ҳа, мен у дарёда чўмилишни яна орау қиламан.

— Кўряпсанми?— деди комиссар катта Кавказ тоғини кўрсатиб,— шу тоғ этагида душман армиясини тор-мор қилсак, сўнг ўзимиз ҳужумга ўтамиз. Душманни Днепр-гача тўхтамай қувиб борамиз, яна унда роҳат қилиб чўмиламиз...

Чехрам очилиб кетди, ўзимни Днепр соҳилида кўкрак кериб юрган голиб жангчидек ҳис этдим...

Комиссар бир нарса эсига тушгандай менга қараб:

— Командир билан маслаҳатлашдим, сенга якка махсус топшириқ бермоқчимиз,— деди.

— Қандай топшириқ экан?

— Олдимизда Абшерол шаҳарчаси бор,— деди комиссар тушунтириб,— шу шаҳарнинг шимолидан дарё оқади, сени шу дарё кўпригида якка ўзингни қолдириб кетмоқчимиз, душман танклари келиб қолса, кўприкка ўт қўйиб, орқамиздан етиб борасан.

— Борди-ю, душман бошқа йўллардан ўтиб, кўприкни пойлаб ўтириб, душманнинг орқа томонида қолиб кетсам; унда нима бўлади?— деб сўрадим комиссардан.

Комиссар яна тушунтирди:

— Душман икки томондан ўтиб йўлингни кесадиган бўлса, кутиб турмай, батальонни излаб топасан.

Роани бўлдим.

Қайтиб келганимизда дарахтга боғлаб қўйилган бир отни кўрсатди:

— Шу от сенинг ихтиёрингда бўлади.

Батальон овқатланиб, автомашиналарга тушиб, жўнаб кетди.

Отни дарёда суғордим. Унинг эгари устидаги қонларин ювиб, устига мийиб олдим. Аммо кўп йиллар от минмаганимдан чопар от устида ўзимни тётик ҳис қилолмадим.

Ўша менга айтилган кўприкка етиб келдим, у ҳам Лоба дарёси кўпригидек ёгочдан ясалган экан. Иккита гравата ёки бензин солинган шиша отсам вассалом — кўприк ишдан чиқади, деб тахминлаб қўйдим.

Ундан ўтиб, Абшерон шаҳарчасига кирдим. Чор атрофи қалин ўрмон, чиндан ҳам ўрмон шаҳарчаси экан. Қайси бир уйга жойлашсам экан? Ўнг қўлдаги биринчи, иккинчи уйлар ялпига ўхшайди, немислар келиши биланоқ, офицерлари бу уйларга жойлашишга ҳаракат қиладилар. Учинчи уй пастак, эски, томидаги қамишлар осилиб ётипти, илма-тешик, уй орқасида сарой: кўримсиз бўлгани учун шу уйга жойлашишни маъқул қилдим. Отимни етаклаб кираётганимда уйдан бир кексароқ, ўрта бўйли аёл чиқди. Уйга салом бердим.

Саломимга алиқ олди-да, мени синчиклаб кўздап кечирди.

— Меҳмон қабул қиласизми?

— Ҳа, жоним билан. Отни уй орқасидаги саройга боғланг,— деди аёл.

Отни боғлаб, уйга кирганимда, ўтиришга ўрин кўрсатди. Дарҳол нон, бир коса карам шўрва келтириб қўйди.

— Ол, болам, егин, оч қолиб келаётгандирсан? Сенинг ҳам онанг бордир, ўғлим очми-тўқми, деб ҳамма вақт гаинида юргандир,— деди меҳрибонлик билан.

Девордаги суратга кўзим тушди.

— Ўғлингиз армиядами?— деб сўрадим.

— Ҳа, ўғлим ҳам, эрим ҳам армияда.

— Уйда яққа ўзингизми?

— Йўқ, қизларим бор,— деди аёл.

Мен овқатланиб, шаҳарни томоша қилишга чиқдим. Кўчаларда қаёққадир шошилиб бораётган малла сочли хотин, болаларни кўрдим. Бир аёлдан сўрасам:

— Булар Ленинграддан кўчирилиб келинган эди. Фронт яқинлашгани учун яна қаёққадир кўчирилиб кетилмоқда,— деди у.

Марказий кўчаларга кирдим, шаҳар магазинларида харидорлар кўп, билишимча охириги савдога ўхшайди. Аҳоли озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олмоқда эди. Идора-

ларнинг хизматчилари ҳам бирор ёққа кўчаётганга ўхшаб тараддудда эдилар.

Уйга қайтиб келсам, уй бекасининг уччала қизи ҳам келипти. Мени иссиқ кутиб олишди. Кечки зиёфат бошланди. Уччала қизи ҳам ўрта бўйли, лўппи, қора қош, қора кўз, қора соч, буғдой рангли, совет мактабларида ўқиб қувноқ ўсаётган қизлар экан.

— Эсим қурсин, болам, қаерликсан, отинг нима, пима иш билан Абшеронга келдинг, демабман. Қизлардан дашном эшитдим. Уруш вақти, яна жосуе бўлмасин, деб қўрқатишди,— деб қолди аёл,— ҳозир келади, кўрасизлар, ўзимизнинг одам деб тарафғирлик қилдим. Ростдан ҳам қаерликсан ўзинг?

— Бухороликман.

— Эшитганим бор. Отам раҳматлик Бухорода ўқиган эканлар. Ҳамиша байт-ғазал ўқирдилар. Эсимда:

Самарқанд сайқали рўйи заминаст,
Бухоро қуввати исломни династ...

— Сизлар қайси миллат бўласизлар,— деб сўрадим.

— Алҳамдулиллоҳ мусулмонмиз, ота-боболаримиз Туркиядан келиб қолишган экан. Маҳаллаимиз ҳам турклар маҳалласи дейишади. Ҳой, Сунбул, Зокия, Меҳрибон, келинлар, аканг билан тапишинлар. Айтдим-ку ўз кишимиз деб...

Қизлар эшик олдига келиб, навбат билан эгилиб салом қилишди. Юрагим ўйнаб кетди. Ахир, бу ўзимизнинг келин саломимиз-ку! Юлдуз келинчаклигида ҳар куни нариги уйга чиқиб, отамга, онамга худди шундай салом қилиб, дуо оларди. Урф-одатимизда ҳам ўхшашлик борлигини нампирга айтдим.

Анча вақтдан кейин уй бекаси мени ичкарига тортиб: «кўрдингми қизларимни, хоҳлаганингни бераман, бизнинг уйда қол, хўжалигимизга бошлиқ бўл» деди. Аёл бошимни қотвириб қўйди. Нима десам экан? Софдил кампир менга меҳр билан тикилиб жавоб кутяпти.

— Шариятда шарм йўқ, болам, юрагингни оч менга.

Мен «наёкка» старшинадан гуруч ҳам олган эдим.

— Сабзи триладими? Гуруч бор, бозордан гўшт-ёғ олиб келаман, пазов пиширамиз,— дедим.

— Гўшт-ёғ дейсанми? Болаларнинг отаси икки қўйни сўйиб, қовуриб, хумга босиб кетган. Очганим йўқ. Сабзи-

ми, ана омборда. Қанча керак бўлса ишлатавер. Меҳрибон, омборга олиб чиқ ақангни. Хумни ҳам кўрсат!

Хумдан гўшт-ёғ олаётганимда Меҳрибон устимга энгашди. Думалоқ кўксен елкамга тегиб баданим живирлаб кетди. Қаддимни тикладим, Меҳрибон кўзаларини жавдиратиб қизариб кетди, узр айтди:

— Билмабман... афв этинг.

Меҳрибон ошни пиширгунимча менга дастёрлик қилди. Гоҳ қўли, гоҳ ёни у ёқ-бу ёғимга тегиб кетар, ўз қилигидан ўзи завқланиб куларди. Мен ёнимда турганини сезмасдан оёғини босиб олибман. Узр айтдим:

— Билмабман... афв этасиз.

— Оғритдингиз, мана,— оёғини чўзди Меҳрибон.

Мен унинг оёғини силадим, қўполлигим учун ўзимни ўзим койидим.

Паловни биргалашиб едик. Аёл яна гап бошлади:

— Нима дединг, қоласанми биз билан? (Қизларни имо билан чиқариб юборди.)

— Онахон, қизларингиз бир-бирядан барно, хушрўй экан. Аммо, мен...

— Хўш?!— тикилди аёл.

— Уйланганман, қишлоқда хотиним бор,— деб ростини айтишга мажбур бўлдим.

— Шариятда йўл бор,— деди аёл пинагини бузмай,— мусофирсан. Юртингга қайтмоқчи бўлсанг, этагингдан тутиб қолмаймиз. Худо фарзанд ато қилса, сендан нишона, ўзим боқиб катта қиламан... Шукур, ҳеч нарсадан кам-кўстимиз йўқ: болаларнинг отаси тиниб-тинчимас одам эди. Уч сигир бор, ўттиз-қирқ қўй, ўрдак, товуқ сапоғини ҳам билмайман, қизлар билишади. Ҳар куни эллик-олтмин тухум териб кпришади... йўқ демагин.

— Мен шахрияғизда икки-уч кун тураман, ҳалос. Сўнг қисмига кетаман. Менг кутишади — яна эътироз билдирдим.

— Келиб-кетиб юрарсан,— аёл шаптидан қайтмасди.— Ҳусайн домлани чақириб келаман, никоҳ ўқийди... Меҳрибонни тапладингми?

Мен бирор нарса дейишдан ожиз эдим.

Кўчага чиқиб, шаҳар айланиб кеч қайтдим. Аёлдан менга томга жой қилиб беришни илтимос қилдим.

— Уйимиз учта, томда нима қиласан?— Аёл менинг томда ётиб, отишманинг яқинлашувини кузатмоқчи эканимни фаҳмламади.

— Очиқ ҳавода ётишга ўрғаниб қолганман,— дедим. Меҳрибонни чақириб пар кўрпа, ёстиқ тутқазди.

— Аканга томга жой сөлиб бер.

Қиз менга маъполи қаради, кулди. Ишва билан уйдан чиқди...

Кеча ойдин, юлдузлар чарақлаган, сезилар-сезилмас шабада эсмоқда. Пар кўрпа пессиқ. Хаёлим сочқин... уйқу қочди.

Меҳрибон, болаларини жондан азиз севувчи аёл ҳақида ўйлайман. У қизлари ҳақида, уларнинг бахти тўғрисида эрта-кеч ғамхўр. У қаердадир душман билан жанг қилаётган эри, ўғлини соғинган, ҳар бир баҳона билан уларни кунда бир неча бор эслайди. Эркаксиз уй унинг наздида ҳувиллаб қолган — эркак киши етишмайди. Уруш ҳақида ўйлагиси келмайди. Бутун умри тиңчилик, осойишталик билан ўтган аёл хўрозчалар бир-бири билан уришиб, тожини қопатса ҳам ачинади, хафа бўлади. Жўжалар, кўзичоқлар унинг жон-дили. Бу улут инсон фақат яхшиликка интилади, фақат шунинг орзу қилади. У онамини эслатади. Икки она қалбида ўхшашлик бор. Бу фақат оналарга хос!

Меҳрибон ҳам ухлолмади шекилли, нарвопта чиқиб кесак отди. Уйғоқ бўлсам-да, гўё чўчиб кетдим. Қиз қиқирлади.

— Меҳрибон, нелинг гаплашиб ўтирамиз.

Эрталаб пешопамни илиқ, юмшоқ нарса билан силаётганларини сезиб уйғондим. Кўзимни очсам Меҳрибон ёстиғимга ёнбошлаб пешопамни силаётган экан...

Яна стол атрофида гавжум ўтиришиб понушта қилдик. Ҳовли кетидаги тепалик устига чиқиб қулоқ солсам, отишма Абшероннинг ғарбида ва ғарби-жанубида бормоқда. Артиллерия ва пулемёт отишмаларининг овози аниқ эшитилмоқда. Демак, душман Абшеронга келмасдан, икки томондаги йўллардан ўтиб кетибди. Орқада қолиб кетганимни фаҳмладим, душман келмаса-да, кўприкка ўт қўйиб кетишга қарор қилдим. Отин олиб кўприк устига келсам, бир неча киши орқасига тўрва илиб, пулемёт ва автоматларни елкага оспб, граждандан кийинида кўприк томон келмоқда.

Мен уларни душманми деб изтироб чекдим. Иккита гранат тайёрлаб турдим. Шу вақт икки сувори икки ёнбошимдан ўраб келиб:

— Тўхта, кимсан? — деб менга наган ўхталишди.

— Сизлар кимсиз? — дедим.

Улардан бири дўқ қилиб: «кўрмайсанми, биз партизанлармиз» деди. Мен кўприкни бузишга қолдирилган совет жангчиси эканимни айтдим.

— Кўприкни бузма, зарурят туғилса, ўзимиз бузамиз. Бу партизанлар кўприги бўлиб қолади.

— Мен буйруқни бажаришим керак.

— Командирингга айт, — деди улардан бири, — Краснодар ўлка партия ташкилотининг ходимлари кўприкни бузмасликни талаб қилдилар дегин.

Мен уларнинг ишига муваффақият тилаб, Абшерон — Туапсе йўлига чиқдим. Йўлнинг икки томони баланд қалин ўрмон — хилват. Йўл чеккасидаги арча дарахтларининг бутаси ҳам юракка қўрқув солади, учган қушлар шитири назаримда душман шарпасидек туюлади. Отиш эса бу нотаниш хавфли йўлда пух-пух пишқириб борарди.

Ўрмон ичидан душман солдати, тўхта! — деб чиққудек бўлса ўқ узиб, бир ўлимга — бир ўлим, бир жонга — бир жон олиб ўлсам майли, деб автоматни тўғри ушлаб, шай тутиб бораман.

Шу аллозда бир печа соат йўл босдим. Узоқдан шлагбаум кўринди. Унинг атрофида қуролли солдатлар айлашиб юришибди. Душман йўлни кесиб, шлагбаум тортиб олибди, энди қаёққа боришим керак? деб ўйлаб отнинг бошини четга бурдим.

Шлагбаумга яқинлашган сари юрагим дук-дук уриб, яккалик юки босди. Ўзимни шу кунгача ботир, довиюрак йиғит деб ҳисоблаб келардим. Аммо меннинг ботирлигим якка ўзимда эмас экан. Дўстларим, жангчиларим ёнбошимда бўлганда ўзимни шердек ҳис қилар эканман.

Шундай бўлса-да, кўнглимга қаҳрамонлик туйғуси-ғурури келиб, автоматимни маҳкам ушлаб дадил бормоқда эдим. Яқинроқ бориб қарасам, улар совет жангчиларига ўхшади. Автоматни слкамга осиб, илдам-илдам қамчи босдим. Солдатлар шлагбаумни очмай: «тўхта, кимсан?» дейишди. Бири отимнинг юганидан ушлади, иккинчиси, старшина экан, «туш отдан» деб буйруқ қилди менга.

Бир кўнглим автоматдан ўт очиб, ўтиб кетайми, деб ҳам ўйладим. Ҳарбий формалари ўзимизники, ким бўлди булар? Старшина менга автоматини ўхталиб, туш дейман сенга, деди. Уларнинг қўлидан қочиб қутулиш қийин

эди. Чор-ночор отдап ирғиб тушдим. Старшина, хужжатиңни бер, деб яқинлашып келди. Мен чўнтагимдан хужжат чықарганимча елкамдан автоматтып юлиб олди.

— Юр кетимдан,— деди.

Қизил дарвозали ҳовлига олиб киришди. Ҳовли ичида уч хонали уй, битта сарой бор экан.

Мени саройнинг ичига қамашди. Бу ерда мендан бошқа яна бир нечта совет жангчилари ҳам ўтирган экан. Улардан бири «олтита эдик, еттипта бўлдук, ўтир» деб ҳазиллашди.

— Кимсилар?— деб сўрадим.

— Ким бўлардик, сенга ўхшаган дезертир, фронтдан қочганлармиз-да,— деди биттаси.

Демак, мен дезертирлар қаторига кириб қолибман.

— Шлагбаумдагилар ким?

— Сенга ўхшаган қочоқларни тутиб, яна қайтариб жанг майдонига юборадиганлар,— деди яна бири.

Мен шунча ҳалол хизмат қилиб, энди дезертирлар қатори фронтга бораманми? Бу гап юрагимга қаттиқ ботди. Хўш, қандай қилиб ўзимни тапйтсам экан? Қўлимда махсус вазифани бажариш учун қолдирилганим ҳақида хужжат йўқ, қизил аскарлик гувоҳномаси эса ҳамма жангчида ҳам бор.

Эшикни тақиллатдим.

Бояги баҳайбат старшина эшикни очди-да:

— Ҳа, нима галва?— деб дўқ урди.

— Ижозат беринг, отряд командири билан суҳбатлашишга,— дедим,— унга махфий сўзим бор.

У мени уйнинг хоналаридан бирига олиб кирди, стол атрофида ўтирган бир капитанга кўзим тушиб, унга ҳарбийларча честь бердим-да, бўлган воқеани айтиб, ўз қисмига қайтишга рухсат сўрадим.

Менинг дезертир эмаслигимни билиб, рухсат этди.

«Тутқувлиждан» қутулганимдан севиниб, Будёновский сотли чопар отимга миниб, қамчи босдим, қиссимни ахтариб кетдим. Унг томондаги баланд тепалик яшил ўрмон билан қопланган, чап томондаги наст текислик ҳам қалин ўрмон...

Тог этагини несиб, баландликка кўтариладиган йўлдан аста-секин бормоқдаман. Йўл атрофи тақир майдон, нефть вишкалари кўчирилиб кетилибди.

Олд томонда совет жангчилари йўл-йўлакай мудофаа

позициясини тузмокда эдилар. Улар тоғ-тошларидан баррикадага ўхшаган қалин девор қуриб, йўлда эса танкка қарши хандақ қазимокда эдилар.

Шу вақт олдиндаш ўт очган душман замбарағининг гум-гум овози эшитилиб, атрофимда бир неча снарядлар портлади. Йўл ёнбошидаги окопда турган бир капитан менга қараб:

— Ҳай, отлиқ, қайт, нима қилиб юрибсан? Олдда фронт,— деди.

— Туапсе томонга бормоқчиман,— дедим унга.

— Туапсега бормоқчисан? Адашибсан, Туапсе йўли орқада қолди. Олдинда душман ишғол қилган шаҳар Нефтегорский, орқангга қайт!

Мен отвинг жиловини келган йўлимга бурдим.

— Шу тепаликни кесиб ўтсанг Туапсе йўлига чиқсан,— деди капитан.

Баланд тоғ устига олиб чиқадиган ўрмон йўлидан бормоқдаман.

Қуёш ер шарининг орқа томонига ўтиб, қоронғи туша бошлади. Отдан тушиб, югани билегимга солиб, автоматни шайлаб ниёда кетдим. Бу кичкина йўл ҳам тамом бўлиб, бутазор ўрмонга чиқдим. Дарахт шохларини эгиб, қўлим билан йўл очиб бораман.

Қалин туман тушиб, уст-бошим ҳўл бўлди. Чарчаб қолдим. Дарахт новдаларидан синдириб, бир қучоғини отга бердим, яна анча-мунча синдириб-юлиб олиб тагимга солдим ва ёстиқ қилиб шинелимга ўралиб ётдим. Кўзим уйқуга кетибди, назаримда севимли ёрим Юлдуз дўмбоққина, иссиқ қўллари билан бетларимни силаётгандек бўлди. Кўзимни очсам, жонивор от очлигидан иссиқ нафас олиб, бошим тагидаги ўтларни тортиб еяётганди, унинг илиқ лаблари юзимга суртидиб Юлдузнинг қўлидек бўлиб туюлган экан. Ҳориганимга, оч қолганимга қарамай, ўрмонни тўғри кесиб ўтишга аҳд қилдим. Юриб-юриб бир жойга келсам анча аср умр кўрган катта дарахт қулаб ётганини кўрдим, унинг тагидан яна бир неча ёш дарахтлар гуж ўсиб чиқиб, ҳатто тулки ҳам ўтолмайдиган гов бўлишти. Бундан айланиб ўтиш учун яна от етаклаб анчагина йўл босишга тўғри келди.

Энди бу воёнсиз қалин ўрмонликдан соғ чиқа оламанми-йўқми? Уй бекасидай йўлга деб лоақал бирорта нон ҳам сўраб олмабман. Бу ерлар Украинамики ҳар уч-тўрт чақиримда бир қишлоқ — қайси уйга кирсанг печкада ов-

қат пишиб турган бўлса, ўрмонли тоғларда илгари кезмаганим учун ҳозир қаттиқ очликдан қийналмоқда эдим.

Учипчи куни ўрмон ичидан чиққанимда кўзимга олдинда бир майдонча кўринди. Унга маккажўхори экилган экан. Ортиқ ҳориганимдан аста йиқилиб қолибман, жонивор отимнинг жилови қўлимдан чиқиб кетибди, у ўтламоқда экан.

Унинг маккажўхори бошларини қитирлатиб еяётгани қулогимга сал-пал чалинарди.

Э, жонивор, сен мендан ақлли экансан. Мазали овқатингни топиб олибсан. Қапи, мен ҳам еб кўрай, деб маккажўхоризорга эмаклаб бордим. Маккажўхорининг бир боғи сўтасини олиб еб кўрсам, таъми йўқ, бемаза. Бари бир овқат топганимга шукур қилиб, очликдан ўлмаслигимга ишониб, ҳаш-паш дегунча бир неча сўтанинг донини еб тозалаб қўйибман.

Энди икки қулогим очилиб, хаёлим жойига келди, ҳордигим бир оз чиқиб, атрофга қулоқ солсам — ўнг томондан пулемёт ва замбаракларнинг ўт очгани, снарядларнинг портлаётгани акс-садо бериб, ғалати шовқин овози эшитилди, чамамда фронт линияси анча яқин бўлса керак. Маккажўхори сўталаридан бир нечасини қайириб олиб, эгар қошига боғлаб қўйдим, асқотиб қолар ахир.

Унг томондаги баланд тепалик орқасида душман самолётлари қаернидир бомбардимон қила бошлади. Тепаликлар устига ўрнатилган бизнинг зенит тўпларимиз ва пулемётларимиз душман самолётларига қаратиб сидрасидра ўт очдилар.

Икки кўзим ўша томонда эди. Бир бомбардимончи самолёт шерикларидан ажралиб, орқасидан узун қора тутун чиқариб мен турган томонга қараб пасайиб шох ташлаб келаверди. Уни зенитчиларимиз ёпдирганлигини билдим, севиндим. Кўз узмай кузатиб турсам, бир қора нарса самолётдан ажралгандек бўлди. У тўғридан-тўғри мен турган майдончага тушиб келарди. Ҳа, бу «қора» учувчи эканини билиб турибман. Дарҳол отни етаклаб ўрмон ичидан пана бўлдим. Душман учувчисининг тушишини кутиб, автоматни ўқталиб турдим-да, уни қочириб юбөрмай, тирик ушлаб олишга қарор қилдим.

Йиртқичли бу ердан соғ-саломат олиб чиқиш қийин, уни қаттиқ яралантириб, пимжон қилиб олиб кетсам яхши-

роқ бўлади, деб кўнглимдан ўтказдим. У парашют билан пасайиб оёғи ерга текканидагина ўт очдим. Бу воқеани кутмаган душман, қўрқиб, айиқдек бақириб икки қўлини кўтарди. «Отма» деб имо-ишора билан ёлворди.

Учувчи тўппончасини чиқариб мен томонга иргитди. Бу ўт очма, мана қуролимни ол, дегани бўлса керак.

Фашист учувчиси узун бўйли, ўрта яшар, кенг кифтли, семиз одам эди. У устидаги пиджагини ечиб ерга ташлади ва ўтириб оёғидан этигини ечди-да, қонини кўрсатди. Бир нималар деб немисчалаб гужиллади. Мен автоматимни ўқталганча олдига бордим. Тикилиб қарасам, ростдан ҳам икки оёғининг беш жойида яраланиб тирқираб қоп оқаётган экан. Чўнтагимдаги бишти олиб унга узатдим. Яраларини боғлади. Отни олиб келдим. Минди. У отлақ, мен унинг орқасидан йўлга тушдик.

Бир неча соат йўл босиб, ўрмондан чиққапимизда йироқдан Туапсе йўли кўринди. Яна бир оз юриб боргач, йўл ёқасидаги тепалик устида тик турган майор Кожевников билан комиссар Васильевни кўриб қолдим. Уларнинг кўзи менга тушиб, беҳад севишипти. Мен вазифани бажарганим учун кўтаринки руҳ билан майорнинг рўпарасида туриб рапорт бердим.

У қулоч ёзиб менни бағрига босди.

Комиссар Васильев ҳам қучоқлашиб кўришти.

Командир, от устидаги «меҳмон»нинг ким эканини сўради. Унга қўлимдаги ўроғлик буюми — учувчи формасини кўрсатдим.

Васильев поғондаги белгиларга қараб «охў... катта унволи қашқирни ушлаб келибсан-ку» деди.

— Қаерда тутдинг? — сўради майор.

— Эльбрус чўққисига бориб урилган дупман самолётининг учувчиси, — дедим.

Жапгчилар атрофимни ўраб олишти. Рўзиматов, Рўзиев, Влиштейн, Мамедов, Петренко, Шуралар ҳам мен билан илиқ кўришиб, «тил» ушлаб келганимдан қувонмоқда эдилар.

Жапгчилар фашистни отдан туширдилар.

Майор Васильев уни немис тилида сўроқ қилди. Унинг айтишича, душманнинг 17-армияси биринчи танкчи армия билан биргалашиб ўнг қанотимизда, Допбассдаги 49-тоғўқчи корпуси рўпарамизда турар экан. Булар бизнинг

18-армия мудофаа қилиб турган позицияни ёриб ўтмоқчи ва Қора денгиз бўйлаб Абхазияга чиқиб олмоқчи эканлар.

— Бу фашист Армавир аэродромидан учиб чиққан акап. Бундан фронт ҳақида маълумотлар олиш учун тавроқ армиямиз қўмондонлигига юборайлик, — деди комиссар.

Уни бу ерда узоқ сўроқ қилиб турмасдан, машинага ўтқазиб, армия штабига жўнатиб юбордилар.

Шаумян довоида

Биз анча йўл юриб қалин ўрмон билан қопланган тоғ тизмасига кўтарилганда батальон командири, бу ер Шаумян довои аталади, Нефтегорский, Абшерон, Майкоп йўллари шу довоида ошади, Майкоп-Туапсе темир йўли ҳам шу жойдан ўтади, деб тоққа илон изи бўлиб чиққан автомобиль йўли билан тоғни тешиб ўтган темир йўл тунелини кўрсатди.

Туннель олдида кичкина темир йўл станцияси бўлиб, уни бир печа соат илгарди душман самолётлари бомбардировон қилган экап. Енгиндан портлаган бензин цистерналарининг парчалари сочилиб ётипти.

— Душман, — деди командир, — шу рўпарадан ҳужум қилиб, Туапсега ўтмоқчи. Бизнинг вазифамиз йўл атрофига қатма-қат мудофаа позицияларини тузиб, армиямизнинг ўқчи дивизияларига амалий ёрдам беришдан иборат.

Армиямиз душманнинг Майкоп ва Нефтегорский томон қучли ҳужумини қонли жанглар билан қаҳрамонона тўхтатди. Бу маҳкам позицияни тузишда 18-армия штаби ҳузуридаги инженерлик батальони жангчилари катта ҳисса қўшди.

Биз ҳар галгидек группа-группа бўлиб тоғ тизмаси устида яна янги мудофаа позициясини туза бошладик. Бир неча кун тинмай ДОТ, ДЗОТлар, усти қалин ёпилган ертўлалар қурдик. Ўрмон дарахтларини йиқитиб тўсиқлар ясаб, мина фугаслар ўрнатилди. Қатма-қат маҳкам позиция қурилиб бўлди.

Биз қурган мудофаа линиясини кўздан кечириб учун армиямизнинг юқори лавозимдаги командирлари келишди. Батальон командири майор Рожевников тайёрланган позицияни кўрсатди. Келганлар орасида 18-армия қўмондони генерал-майор Рихов, армия сиёсий бўлимининг бош-

лиги полковник Брежнев, 31-ўқчи дивизия командири, полковник Богданович, 395-дивизия командири полковник Собир Раҳимов ва бошқалар бор эдилар. Буларни аҳён-аҳёнда бўлса-да, жанг жараёнида кўриб таниб олган эдик.

Айтишларича, генерал фельдмаршал Клейст танкчи группасининг бош ҳужуми шу томондан кутилмоқда экан. Унг қанотдаги Два братья (Икки оға-ини) тепаликлари рўпарасида эса бизнинг қўшимиз 31-дивизия мудофаа позициясини эгаллаб турганини комиссаримиздан билиб олган эдик.

Шаумян довони бўйлаб, Майкоп-Туапсе йўлида полковник Собир Раҳимов, унинг чап қанотида 32-гвардиячи дивизия армиянинг бош мудофаа позициясини ташкил этадилар,— деб қўмондон шу ернинг ўзидаёқ буйруқ бериб, дивизиялараро бир-бирига ёрдам режасини тузиб берган экан.

Қўмондон майор Кожевниковга алоҳида вазифа топширди:

— Жангчиларингиз катта ғайрат қилипти, Катта Кавказ тоғи этагида душманин тор-мор қиладиган позиция қуриштипти, энди бу билан кифояланиб қолмасдан, ҳамма тепаликлар устида ўт очадиган нуқталарни кўпроқ қуришни давом эттиринглар! — деди у. Собир Раҳимовга эса: «Туапсе йўлининг мудофааси сизнинг қўлингизда» дея таъкидлади қўмондон.

Улар фронт бўйлаб ўтиб, Иссиқ булоқ томон кетишди. Биз қўмондоннинг буйруғини бажаршга киришиб, Пишиш дарёсининг ҳар икки соҳилида армиянинг иккинчи запас мудофаа позициясини кура бошладик.

Август ойининг иккинчи ярмида армиямизнинг чап қанотида — Новороссийскийнинг шарқ томонида душманин 17 ва 11-армиялари катта куч тўплаб, ҳужум бошладди. Фашистлар Новороссийский шаҳрини ишғол қилгандан кейин Майкоп-Туапсе йўлини кесиб, Қора денгиз бўйлаб Закавказьега ўтмоқчи бўлди. Қора денгиз бўйидаги дивизияларимиз жангчилари қаҳрамонона жанглар олиб бордилар. Оломон жанглар сурони Пишиш дарёси водийсигача яққол эшитилмоқда эди.

Душманин бу ҳаракати бизнинг қўмондонларни ташвишлантирмоқда эди. Буни бутун фронт сезиб турибди, чулки, Туапсе йўлини орқа томонимиздан кесиб қўйса борми, армиямиз Катта Кавказ тоғининг

этагида йўлсиз, озиқ-овқатсиз, ўқ-дорисиз қолиши турган гап.

Душманининг 49-тоғ-ўқчи корпуси армиямизнинг ўнг қаотида Катта Кавказ тоғининг довопларидан ўтиб, Сухумини ишғол қилмоқчи. Борди-ю, душман шу икки маккор пламини бажара олса, у вақтда армиямизнинг икки қаотдан ҳам йўли кесилиб, тоғ этагида қуршовда оғир купларни бошидан кечирган бўларди.

Лекин қўмондоплигимиз Қора денгиз бўйида ва Катта Кавказ тоғининг довопларида душман ҳужумини тўхтатиб, уни тор-мор қилиш учун Закавказье республикаларининг партия, совет ташкилотлари билан бирликда амалий иш олиб бордилар, тездан чора ва тадбирларни амалга оширдилар. Буни биз жангчилар Закавказье республикаларида ҳарбий ҳолат эълон қилинганидан билиб олдик. Уша кунлари мианглаб кўнгилли отрядлар қўлларига қурол олиб армиямиз сафини тўлдириб турдилар. Бирин-кетин миллий дивизиялар тузла бошлади. Тез орада фронтимизда Озарбайжон-3, Грузия-3, Арманистон-1 дивизиялари ҳам ҳаракат қила бошлади. Комиссаримиз сиёсий ахборотда уларнинг жапг майдонида кўрсатаётган жанглари ҳақида бизга маълумот берди.

Шу кечаю-кундуз Закавказье фронтининг бош резерви бўлган Туркистон ҳарбий округига қарашли республикалар: Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистондан ҳам эшелон-эшелон жапгчилар ва янги миллий қисмлар келиб армиямиз сафига қўшилмоқда эдилар.

Биз армиямизнинг иккинчи пөзициясини маҳкамлашда катта иш олиб бордик. Августнинг биринчи кунларидаги жанглардан кейин фронтимиз участкасида бир оз «тишим» бошланди. Ҳар қаерда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тепаликлар устида «олди-берди» жанглар бормоқда. Полковник Собир Раҳимов ўз дивизиясининг иккинчи пөзициясини ва команда пунктини кўздан кечирингга келди. Биз унинг аτροφини ўраб олдик.

— Ҳорманглар, дўстларим,— деди у, ҳаммамиз билан иссиқ кўришиб, кейин ҳол-аҳвол сўраб, фронтдаги янгиликлар ҳақида гапириб берди.

... Новороссийский шаҳри тўғрисида душман ҳужуми тўхтатиб, орқага улоқтириб ташланибди. Эльбрус чўққисининг ғарб томонидаги довопларда ҳам душманининг ҳужуми тўхтатилибди. «А» группа армия қўмондоплигини қа-

бул қилган генерал фельдмаршал Клейст Гитлернинг буйруғини бажара олмай шармандаю-шармисор бўлибди. Пайдар-пай дивизиялар юбориб ўн кунлаб ҳужум қилса-да, армиямизнинг фронт линиясини ёриб ўтолмай, сон-саноқсиз талафот берапти.

Ҳар қадамда душманга қақшатқич зарба бериб, шу ер-гача чекиниб келган жангчиларимиз, энди тоғ шароитида қулай позицияни эгаллаб олдилар, душман шу ерларда тор-мор қилинажак, албатта. Бунга ҳаммамизнинг имони-миз комил. Совет қўмондонлиги зўр ҳужумга шайлан-моқда.

Полковник разведкадан олинган хабарга биноан душ-манинг навбатдаги ҳужуми худди бизнинг рўпарамиздан кутилмақомда айтилган ва муодофаа позициялар тайёрлашни тезлатиш, мустаҳкам ўт очиш нуқталари кўпроқ қуриш зарурлигини таъкидлади.

Полковник Собир Раҳимов позиция билан танишиб, ўз команда пунктига жўнаб кетди.

25 сентябрь эрталаб соат 5.00 да душман кучли артил-лерия ҳужумини бошлаб юборди. Унинг юзлаб самолёт-лари позициямизни бомбардимон қилмоқда. Мен ертўла-дан чиқиб, дурбни билан армия позициясига қараб, душ-манинг ҳужуми Туалсе йўлига томон бошланганини фаҳмладим. Кучли авиация, артиллерия ҳужуми Собир Раҳимов дивизияси тўғрисидаги Шаумян довоинга қара-тилган эди. Бир соатга яқин даҳшатли отишма бўлиб, ар-миямиз позицияси устида миинглаб снарядлар, юзлаб авиа-бомбалар ёрилмоқда. Пишиш ва Бела дарёси водийси лар-зага келмоқда.

Бир соатдан кейин артиллерия ҳужуми тўхталиб, душ-манинг танклари ва пиёдаларининг ҳужуми бошланди. Миинглаб фрицлар автомат, пулемёт, миномёт ва замбарак-лардан ўт очиб олға ташланди.

Пишиш дарёси водийсида нистирмада турган совет артиллерияси душман устига қизил юлдузли снарядлари-ни ёқдира бошлади. Аниқланган хабарга қараганда, қат-тиқ жанглар натижасида Шаумян довоинга душманининг 57-танкчи корпуси билан 49-тоғ корпусининг бир пача дивизиялари ҳужум қилган экан.

Шаумян довоинининг ғарб томонидаги Иссиқ булоқ томонидан эса Пишиш дарёси водийси бўйлаб душманининг 44-корпуси ҳужум этмоқда экан. 3 корпуси 10 дан ортиқ дивизияси самолётлар ёрдамида армиямиз позициясини

ёриб ўтиш учун ҳаракат қилмоқда. Душман самолётни ўқ-аслаҳа олиб келаётган ҳар бир автомашинамизни кузатиб бориб устига бомба таплашга интилмоқда. Армиямизнинг қаҳрамонона жангида патрон, снаряд ва миналар етишмай қоладиган ҳавф туғилди. Лекин қўмондонлигимиз тегишли тадбир кўрган экан. Оғир шароитда минглаб эшакларда, отлар, туя карвоиларида Катта Кавказ тоғининг доволаридан охиб ўтиб яшик-яшик снаряд, ўқ-дорилар ва озиқ-овқатлар келтириб турдилар.

Олдинда турган дивизиямиз жангчилари душман ҳужумини бир неча бор қайтариб ташлади. Кечаси командиримиз билан мен дивизия штабига борган эдим, унда полковник Собир Раҳимов билан яна учрашдим.

Кожевников ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Аҳволимиз яхши!— деди Собир ака.— Ечимиздаги 17-армия устига душман 57-тапқчи корпусини ташлаган. Аммо позициямиз маҳкам. Патрон, снарядлар етиб келса бас.

Штабга армия сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник Брежнев кириб келди.

Полковник Собир Раҳимов унинг рўпарасига чиқиб:

— Ўртоқ полковник, 395-ўқчи дивизия жангчилари кун буйи душманнинг олти марта ҳужумини қайтариб ташладилар,— деди-да, бир қадам ўнг томонга ўтиб тик турди.

— Салом ўртоқлар,— деди полковник Брежнев.

Штабдагиларнинг ҳаммаси бирдан: «Салом, ўртоқ полковник!» деб ҳарбийларча алик олдилар.

Ўртоқ Брежнев полковник Собир Раҳимов билан қўл қисшиб кўришди.

— Яшагилар! Бугун душманнинг ҳужумига яхши бардош бериб, унга кўп талафот етказдинглар. Ғалаба билан табриклайман.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламиз!

Дивизия сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник Санюк, дивизия штаб бошлиғи Лыковскийлар ҳам полковникка ўзларини танитиб кўришдилар. Мен ҳамон бир жойда — командиримиз айтган вазиятда жим кутиб турибман. Билишимча, мени улар батаъён командирининг адъютанти деб билсалар керак.

Стол устида дивизия командирининг картаси ёзилиб турарди. Полковник Брежнев ҳаммининг диққатини картага жалб этиб, сўз бошлади.

— Бугун армиямиз жангчилари Белоречинский доводидан бошлаб Эндюк, Семашко, Два брата, Шаумян доводигача, чап қанотимизда Иссиқ булоққача бўлган тоғ этакларида қонли жанглар олиб бордилар. Душман қанча уринмасин, бари бир бирорта ҳам дивизия ва бригадаларимиз позициясига ёриб киролмади, Қора денгиз бўйидан Катта Кавказ тоғ этагигача, Волга бўйи фронтларидан ғарбий фронтгача душманнынг юриш ҳужуми тўхтатилди, — деди полковник.

Бу хушхабарни эшитиб ҳамма мамнун бўлди, мен ўзимда йўқ севинардим.

— Мана бугун танкчи корпусининг ҳужуми бир неча бор барбод қилинди, — деди полковник сўзини давом эттириб. — Душман оддий ўқчи дивизия позициясини ёриб ўтолмаган экан, бу факт ғалабамиз дебочаси деса бўлади. Ҳа, айтмоқчи, мен ҳамма дивизия командирлари билан суҳбатлашдим. Улар энди душманини бир қадам ҳам ўтказмаймиз, демоқдалар.

Полковник Собир Раҳимов сўз олди:

— Биз ҳам бир қадам чекинмаймиз, душманини ўтказмаймиз! Қора денгиз бўйи душман қабристонига айланган, — деди у қатъий.

Полк командирлари ўз сўзларида патрон, гранат, снаряд ва бошқа қурол-аслаҳаларни кўпроқ етказиб беришни талаб этдилар. «Запасимиз кўп бўлса белимиз бақувват бўлади» дейишди улар.

Майор Кожевников иккинчи запас позиция қуришни давом эттириш ва Туансе йўлида танклар ўтиши мумкин бўлган хавфли жойларга атрофдаги дарахтлардан тўсиқлар қилиш, миналар кўмиб қўйиш ҳақида буйруқ олди.

Биз дивизия штабидан чиқиб, батальонга келганимизда, ғира-шйра тонг отмоқда эди. Шу пайт душманнын артиллерияси овоз чиқарди. Яна самолётлар фронтимиз устида айланиб ҳамла қила бошлади.

Даҳшатли жанглар бир неча кун давом этди. Бир вақт эшитсак ярим тунда душман тўдалари қалин ўрмон оралаб аста келиб армиямизнинг чап қанотидаги 236-дивизия позициясига кириб олиб тўсатдан жанг бошлаб юборибди. Душман қўмондонлиги бу тасодифий «ғалаба»дан фойдаланиб ўша томондан катта куч ташлаб, ҳужумга ўтди. Тенгсиз жанг уланиб кетди. Жангчиларимиз душманга

қақшатқич зәрба бериб, Шаумян шаҳри томон аста-аста
чекяниб бораверди.

Бу похуш хабарни эшитиб, биз қаттиқ ташвишландик,
чунки душман мақсадига эришганда эди, Туапсе йўлига
тушиб олган бўларди-да, Гвардиячи дивизия билан Собир
Раҳимов қўмондонлик қилаётган дивизиянинг орқа томо-
ни чиндан ҳам хавф остида қоларди.

Бахтимизга кўндан кутилган катта резерв етиб кела-
ётган экан. Бир ҳафтадан бери типимсиз жанг қилмоқ-
дамиз...

Жанг вақтида қурилган йўл

1942 йил октябрь ойининг 8-кунини эрталаб батальон командири майор Кожешников жангчиларни шошилинч саф қилиб, бундай деди:

— Армиямизнинг ҳарбий совети батальонимиз жангчиларни олдига катта ва масъулиятли вазифа қўйди. Тузатса йўлини душман ишғол қилиш хавфи тугилганлиги сабабли бизга Пишин водийсида Катта Кавказ тоғи устидан янги автомобиль йўли қуриш вазифаси топширилди. Бу анча оғир меҳнат бўлса-да, лекин жанговар ва шарафли! Биз бу вазифани тезроқ бажара олсак, армиямизнинг сафига яна бир катта куч келиб қўшилади: бу оқ йўлдан дўстларимиз ёрдамга келади. Озиқ-овқат қурол-аслаҳа келади. Ҳозирги оғир шароитда армиямизга янги йўл қуриб бериш билан биз унинг қудратини ошириб душманнынг ёвуз плянини барбод қилган бўламиз.

Командир батальон жангчиларининг икки йилдан бери кўрсатиб келаётган хизматини бир-бир санаб ўтди-да, бундай деди:

— Биз ана шу балад тоғни кесиб йўл қуриш каби тарихий вазифани ҳам бажаришга қодирмиз, армиямиз Ҳарбий Совети бизга ишонч билдирса арзийди!

— Бажарамиз, ўртоқ командир, — дедик ҳаммамиз бирдан барала овоз билан.

Командир олдда, жангчилар унинг кетидан взвод-взвод турна қатор бўлиб, Пишин дарёсининг чап соҳили бўйлаб Катта Кавказ тоғига кўтарилиб борамиз.

Кўркам, хушманзара бу водий мени мафтун этганди. Чап томонда бир маҳал мен адашиб, уч кун оч, дарбадар кезган тепаликлар... Нефтегорский шаҳри рўпарасида душманга қарши олиб борилган қаттиқ — ҳаёт-мамот жанглари ёдимга тушди. Дарахтлар қулаган, ҳарсанглар

кўчган ер билан битта бўлиб сочилган темир парчаларни, снаряд ва бомбалар тушиб ўпирган ўпқонлар кечагини бўлиб ўтган даҳшатни аслатарди. Баҳаво бу водий қишлоғи нақадар гўзал, деб кўнглимдан ўтказдим. Кейин яқинлашиб борганимизда манзара бус-бутун бўлакча, ҳўкизларга, слгирларга ва қўтоғларга қўшилган икки гилдиракли катта-кичик аравалар... Аҳоли уй анжомларини ортиб, бола-чақалари билан тоғ сўқмоқлари орқали кўчиб кетмоқда экан. Арманларга ўхшатдим. Гарчи Арманистон бундан анча узоқда бўлса-да, бу ерларда ҳам арманлар қишлоғи бор экан. Душман аҳолининг тинчлигини бузган, қишлоқлар ўзларини муҳофаза қилиш учун жонажон юртларидан чор-ночор кетишга мажбур бўлишган.

Ўнг томондаги тоғда қалин, яшил ўрмон, унинг осмонда опшоқ булутлар сузиб юрибди. Тоғ этагида худди бир-бирига ташланишга шайланган баҳайбат йўлбарслардек иккита сариқ ҳарсанг-чўққи кўзга ташланади. Мен бу икки чўққи ўртасидаги дара номини командирдан сўраганимда, у планшетидан картани олиб: «Волчий ворота» экан, деди. Демак, «Бўри дарвозаси» шу бўлса керак. Ҳа, бундай қалин ўрмон билан қопланган тоғ ҳавасида бўрилар ҳозир ҳам бордир.

Дарё бўйида, қишлоқ атрофида маккажўхори ва тамаки экилган майдонларни кўриб, қишлоқ аҳли шундай қимматбаҳо экинлари ҳосилини ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлганига ачинади, киши.

Йўл-йўлакай томлари шифер билан ёпилган каттақон бинони кўрдик. Бу ердагилар ҳам дала шийпони қурган экан, шу ерга келиб ҳордиқларини чиқарар эканлар-да, дея ўйлардим ўзимча. Маржон каби илга тизиб осялган бир неча тонна тамаки баргларига кўзимиз тушди. Виз Шофрикопда кишимиз узумларини узиб, уйларга осиб, қуритиб, сояги майиз қилар эдик. Бу деҳқонлар ҳам тамаки баргини сояга осиб қуритар эканлар.

Катта Кавказ тоғи яқин кўриниб турган бўлса-да, унга томон борган сари узоқлашарди...

Чўлибой Рўзпев энгашиб оёғини уқаларкан, бундай деди:

— Мен саҳро одами, чўл шароитида юриб ўрганганман, лекин бундай баланд-паст йўлларда юриш мен учун анча мушкул. Туя ернинг юзи текис бўлса юрганим-юрган, деган экан. Ўша нақлга ўхшаш, тоққа чиқиш ҳам, тоғдан пастга тушиш ҳам оғир экан.

— Ҳа, Чўлибой, уруш майдонидан узоқлашганда тўяларинг, қоракўл кўйларинг, думбаси катта ширвозларинг всинга тушди, шекилли.

— Ҳа, бу тоғни кўргач, Нурота тоғлари эсимга тушди. Мен ҳам чўлда ўсган йигитман-да, — деди у.

Олдинда сой устига қурилган тахта кўприкка кўзим тушди. Ундан ўтаётиб, сойга қарасам, жарликда тошлардан-тошларга урилиб кўм-кўк зумратдек сув шариллаб оқмоқда. Кўприк олдидаги майдонликка яна тамаки экилган экан. Биз сўқмоқ йўл билан олдимизда кўриниб турган тоққа «чирмашиб» чиқа бошладик.

Тошдан-тошга иргиб, бўртиб чиққан дарахт томирларини ушлаб бир неча соат юқори кўтарилиб йўл босдик, кечга яқин тоғ устига чиқсак, бу жой — кенг тош супа. Шунинг учун ҳам бу ерда гнёҳ кўкармай, ҳамиша тақирсыйқа бўлиб ётар экан. Булутлар бошимиз узра сузиб юрибди. Ярқироқ юлдузларга қараб, тоғ ҳавосидан баҳра олардик.

Жангчилар чарчаб-ҳориб келган бўлсалар-да, чайла қуришга киришдилар. Бир неча соатда арча шохларидан қурилган чайлалар тайёр бўлди. Вавод-взвод бўлиб жойлашиб олдик. Жангчи Рўзиматов комиссардан сўради:

— Совуқ емаймизми?

— Йўқ, бундай чайла иссиқ бўлади. Чайлада ҳордиқ чиқаришимиз жанг вақтида зах окопда дилдираб ётгандан яхшироқ, албатта, — деди Васильев хушвақтлик билан.

Ҳаммамиз узоқ, оғир йўл босиб келганимиздан тез ухлаб, тонг отганини билмай қолибмиз. Эрталабки «туринглар» командаси ҳаммамизни ҳам пириги уйқудан уйғотди.

Нонуштадан сўнг командирининг навбатдаги буйруғини кутиб турардик. У жангчилар олдига келиб: «Мана шу сўқмоқ йўлни Тубинский доғи дейилади. Пишиш водийси билан Қора денгиз бўйидаги Лазаревский шаҳрига одамлар шу кичкина йўл орқали эшаклар, отларда қатнаб юрганлар. Энди мана шу кичкина сўқмоқни ҳарбий техника ўтадиган катта йўл қилишимиз керак» деди.

Тоғнинг энг балад ён-бағридан Қора денгиз томон ўтган участкани текислаш менинг взводимга тушди. Бу метяндек қаттиқ жой эди, иш оғир.

Мен жангчи дўстларимга: «Қани ишга!» деб буйруқ бериб, ўзим киркачи кўлга олдим-да, илҳомланиб бундай дедим: Эй, жангчи дўстлар! Узбек халқининг улуг шоири Алишер Навоийнинг қаҳрамони — Фарҳод, севган ёри ар-

ман қизи Шириннинг муҳаббатига эришмоқ учун тоғ кесиб сув келтирган. Улар сеvimли ҳаёт кечиришни истаб, ўз мақсадларига етиша олмаган бўлсалар-да, биз совет замонасининг Фарҳодлари Катта Кавказ тоғи устидан йўл қуриб, армиямизни ўтказиб, гитлерчи фашистларни тормор этамиз, она-Ватанини озод қилиб, сеvimли ёрларимиз олдига голиблар бўлиб, келг қулоч ёзиб борамиз! Мен бу бахт йўлини қуриш учун биринчи бўлиб киркани ураман. Шу пайт зарб билан қўлимни ерга уриб, катта-катта ҳарсанг тошларни юмалатиб, йўл оча бошладим.

— Ишга ўртоқлар!

Жангчи Рўзиев ёнбошимда туриб, овози борича қичқирди:

— Тоғ устидаги бу йўлимиз бахт йўли бўлсин! Қомандиримиз шундай деган!

Еш жангчи Влиштейн ҳам завқланиб кетди, у тош устига чиқиб, ваъзхонлик қилди:

— Мен одессалик, яҳудий фарзандиман, фашизм яҳудий халқининг бошига оғир қулфатлар солмоқда, тирикдайин чуқурларга кўймоқда. Фашизм устида галаба қозонишимиз учун жоним борича, томчи қоним қолгунча курашаман, ҳар қандай машаққатли топшириқни бажаришга тайёрман!

Гапни Озарбайжон ўғлини жангчи Мамедов улаб кетди:

— Душман Озарбайжонини ҳам ишғол қилиш учун шу тоғнинг шимолидан ўтадиган йўлда ҳужум қилмоқда. Ватандошларим армия сафида жанг қилмоқдалар, юз миглаб ҳамшаҳарларим ҳар куни Грознийдан Бокугача, Каспий деңгизи бўйида мудофаа позициясини мустаҳкамлаш йўлида ишламоқдалар. Мен ҳам душман устидан галаба қозонишга муносиб ҳисса қўнаман.

Жангчи Рўзиматов ҳам жим турмади:

— Мен тошкентлик йигитман, — деди у овозини бўлакча қилиб чиқарди. — Тошкент фронтдан жуда-жуда узоқда бўлса-да, ўзбек халқининг сеvimли ўғлонлари армиямизнинг биринчи қаторида жанг қилмоқда. Душман устидан галаба қозониш учун бахт йўлида ўз ҳиссамни қўшаман!

Артём Винничков қуролдошлари гапни қувватлади.

Тоғ устида ҳамма взводлар митинг қилинди. Ҳамма жангчилар бу йўлимиз бахт йўли бўлсин, деб кечаю-кундуз ғайрат билан ишлашди.

Армия қўмондонлиги йўлни тезроқ тайёрлашни талаб қиларди. Бу — ҳақли талаб эканини ўзимиз ҳам сезиб, ҳис этиб турибмиз. Типмай ишляймиз. Ана шу тахлитда кеча-кундуз ишлаб, тоғни «эзиб» текислаб йўл қурдик. Мана, энди Қора денгиз бўйида келаётган автомашиналарнинг сигнал товуши эшитиляпти. Бу машиналар ҳали тайёр бўлмаган, аммо ўтиш учун текисланган йўлдан кетма-кет келмоқда эди.

Енгил виллис автомашиналар колоннаси. Улар илоп изидек йўлдан тоққа бемалол кўтарилиб келаётганларида жангчиларимиз севингайидан «ура» деб қичқириб юбордилар.

Ўтаётган машиналар ичига қарасак, ҳар қайсисига бир нечадан яшик ортилган, булар ҳойнаҳой снаряд, патрон, гранаталар бўлса керак, яшиклар ёнидаги тўрваларда сухарилар. Буларнинг ҳаммасини фронтдаги жангчиларимизга олиб бормоқдалар. Энди Қора денгиз бўйига чиқадиغان биргина Майкоп — Туапсе йўли эмас, балки Пишиш — Лазаревский йўли ҳам ишга тушди. Буни биз ҳақли равишда «бахт йўли» деб атадик.

14 октябрь кечаси ширин уйқуда эдик. Тоғ гумбурлаб даҳшатли садо бергандек бўлди. Чайлада югуриб чиқсам, гумбур-гумбур садоси фронт томондан келмоқда.

Кейин билсак, душман Майкоп — Туапсе йўлидан ҳужум қилмай, кутилмаган томондан — тўсатдан ҳамла қила бошлаган экан. Душманнинг бир группаси Нефтегорский шаҳри тўғрисида Пишиш водийсида «Два брата» тоғининг жанубидан Туапсе йўлига томон, иккинчи группаси эса — Иссиқ булоқ томондан Пишиш дарёси бўйлаб ҳужумга ўтипти.

Айтишларига кўра, бу томонларда армиямиз жангчилари сийрақроқ жойлашган эмис, чунки армиянинг асосий кучи Шаумян довоида Одиженский нефть шаҳарчаси атрофидаги катта йўл бўйларида эди-да.

Сентябрь ойининг охири, октябрь ойининг бошидаги қонли жанглардан кейин армиямиз ҳали ўз сафини тўлдириб олганича йўқ эди. Бунга вақт ҳам керак бўларди. Жангчиларимиз оғир қонли жанглар билан ҳар бир тоғтошдан фойдаланиб, душмани ҳолдан тойдириб чекинаётганларини эшитиб ҳаммамиз ҳам ачиндик.

Армиямизнинг Туапсе йўлидаги уч дивизияси икки қанотидан ва орқа томондан кесилиб қолиши хавфи бордек, дейишарди. Душман Пишиш водийсидаги арманлар

қашлоғи тўғрисиға чиқиб, «Два братья» тепаликларини ишғол қилибди. Гитлерчилар ҳозирча бир неча тепаликларни ишғол қилган бўлса-да, аммо дивизияларни ўраб олиш мақсадига эриша олмадилар. Бизнинг дивизиялар бир ҳафтадан ортиқроқ вақт жапғлар билан бориб, илгаридан тайёрланиб қўйилган иккилчи позицияга ўтиб олдилар ва душманнинг ҳужумини таққа тўхтатдилар.

Туапсе йўли душман учун яна маҳкам ёпиб қўйилди. Энди Собир Раҳимов Бўри дарвозаси деб аталган ўрмон билан қопланган тоғ атагида мудофаа позициясини тузиб, жанг олиб бормоқда эди.

Бизнинг тўғримизда Краснодар ўлкасининг фарзандлари — 11-гвардиячи отлиқ аскарлар дивизияси биз очган «бахт йўли»дан ўтиб келиб, Пишиш водийсида душманга қарши жанг бошлаб юбордилар.

Биз Ун-ўн тепалик деб ном берган баландликда (бу арманлар қишлоғининг шимолида эди), ҳар куни душман 12 мартагача атакага кўтарилар, биз қарши ҳужумга ўтиб, қайтариб ташлардик. Тепалик бир куннинг ўзида бир неча бор қўлдан-қўлга ўтмоқда эди. Тепаликка Собир Раҳимов ва Богданович қўмондонлик қилаётган дивизияларнинг штурмчи батальонлари юборилди. Улар душманга қарши даҳшатли жанглар бошладилар.

Мабодо тепаликни душман ишғол қилгудек бўлса, унинг қўмондонлиги шу тепалик устидан туриб дурбий билан бутун Пишиш водийсини яққол кузата оларди.

Биз йўл қурилишини тамомлаб, армиямизнинг қурол-аслаҳа, озиқ-овқат билан бемалол таъминланиши учун қулайлик туғдирдик, мустаҳкам мудофаа позицияси ҳам туздик, тоғ йўли устида эса мустаҳкам истеҳкомлар қурдик.

Янги кўмондон

Батаљон жангчилари Тубинский довоида, Пяшиш дарёси соҳилида 11-гвардиячи отлиқ аскарлар дивизияси жангчилари билан биргаликда янги йўл олдида қатма-қат мудофаа позицияси тузмоқда эдилар. Отлиқларнинг бир қисми отларини тоғ этакларида, дарахтлар панасида қолдириб, ўзалари пиёдалар қатори жангга қатнашардилар.

Шу вақт учта виллис енгил автомашина устма-уст сигнал бериб «бахт йўли»дан ўтганда синчиклаб қарасам, улда ўтирганлар фронтимизнинг юқори лавозимдаги командирларида эканлар. Машиналар бир неча юз метр илгарилаб бориб, йўлнинг бурчагидаги тоғ яқинида тўхтади, машинадан тушган ҳалиги командирлар тош тепа устига чиқиб, у ердан дурбин билан жанг майдонини кўздан кечира бошладилар. Тепалик устидан армалар қишлоғи, Бўри дарвозаси, Ўн-ўн тепалиги (тепалик денгиз сатҳида 10×10 метр баланд бўлганлиги учун уни Ўн-ўн тепалиги деб атардик), ўнг қўлдаги Индюк, Семашко, «Два братья», Каменский номли тепаликлар дурбин билан икки кафтдек яққол кўринарди. Шунинг учун ҳам юқори лавозимли командирларимиз шу тепалик устига чиқиб, Туапсе йўлидан Белоречинский довоингача чўзилган жанг майдонида душманга қарши қаҳрамонова олишаётган 18-армия позициясини кўздан кечирмоқда эдилар. Буни мен дарров пайқадим.

Батаљон командири майор Кожевников мени чақириб, шу тепаликнинг ўнг томонида бир неча юз метр нарироқдаги тепаликлар оралигида жойлашган армия штабига олиб борди.

Қатта ертўлалардан иборат бўлган штаб яқинида келганимизда боя кўрган кишиларимга кўзим тушди, улар кўмондонлар экал. Улар дарахтлар орасидаги майдончада

столлар атрофида суҳбатлашиб ўтириптилар. Мен бир печаметр нарида турган жангчилар тўдасига бориб салом бериб ўтирдим. Батальон командири қўмондонлар ўтирган жойга борди-да, честь бериб, ўзини таништирди, сўнг улар даврасидан жой олди.

Билишимизча, 18-армия қўмондонлари дивизия, бригада ва штаб ҳузуридаги махсус қисмларнинг командирлари тўпланиб, Ҳарбий Совет ўтказмоқчи эканлар. Нимагадир дивизия командирлари орасида Собир Раҳимов кўринмасди.

Шу вақт ертўладан ўрта бўйли, ўрта ёшлардаги генерал-лейтенант уловнидаги бир киши чиқиб, даврага қараб бораётганда ўтирганларнинг ҳаммаси ўрнидан тик туриб, уни қарши олишди.

Бизга таниш — армиямиз қўмондони генерал Рижов ҳалиги кишига даврадагиларни бирин-кетин таништирди.

Генерал-лейтенант таништирилганлар билан қўл бериб кўришди. Жангчилардан бири, бу киши янги қўмондон, генерал-лейтенант Иван Ефимович Петров, деди. У ҳамма билан кўришиб чиққандан кейин, тўрдаги стулга бориб ўтириб, суҳбат бошлади.

Шу вақт ўрмон йўлакчадан икки отлиқ чиқиб қолди, бири отдан тушиб келаётганда унга яхшилаб тикилиб қарасам, ўзимизнинг полковник Собир Раҳимов экан. У ўтирганларга қараб шахдам қадам ташлаб бормоқда эди. Янги қўмондон ўрнидан ирғиб туриб Собир акани қарши олди. Полковник яқинлашиб, қўмондонга честь берди-да: «дивизия командири Собир Раҳимов!» — деб ўзини таништирди. У докладини тамом қилмасданок янги қўмондон қулоч ёзиб: «Собир сенми?» деб уни бағрига босди. Улар қучоқлашиб, бағирлашиб, ўлишиб кўришдилар. Атрофдагилар бу манзарадан завқланишди шекилли, бир-бирларига ўгирилиб кулишди.

Генерал Петров Собир Раҳимовнинг қўлини қўйиб юбормай, ўзининг ўнг томонидан ўтиришга жой кўрсатди.

— Мен Собир билан бунчалик куюқ кўришганимдан ҳайрон бўлдингизлар шекилли, — деди Петров ўтирганларга қараб, — таажжубланмаглар. Бу меннинг шогирдим. Биз кўп йиллар Ўрта Осиёнинг Помир тоғларида ва қум саҳроларида босмачиларга қарши елкама-елка туриб жанг қилганмиз! Тинчлик даврда Туркистон ҳарбий округи қисмларида бирга хизмат қилиб, кўп миллий кадрларни тайёрлаганмиз.

Улуғ Ватан уруши бошлангандан кейин Туркистон округидаги армиялар сафида Собир Москвани мудофаа қилишга кетди. Мен эса жанубий фронтга. Биз у билан мана 17 ойдан сўнг учрашдик. Собирнинг шу ерда экашлигини билмаган эдим. Тоғ-тоғ билан қовушмайди, лекин одам-одам билан учрашади, деб бежиз айтмаганлар-да! Қўмондон Собир Раҳимовнинг елкасига қоқиб: «Мана, энди яна бирга бўлар эканмиз» деди. Биз турган жойимизда бутун манзарани кўриб, ҳавасланиб турардик.

Янги қўмондон командирлар билан танишиб чиққандан кейин бир неча минут ширии суҳбатлашиб, ҳаммаларни ертўлага кириб кетдилар. Бизлар эшик олдида турдик...

Янги қўмондон армия дивизияларига алоҳида-алоҳида топшириқ берибди, ҳамма командирлар биринкетин ертўладан чиқишди ва аудлик билан ўз команда пунктларига жўлаб кетишди. Биз ҳам батальонга қайтиб келдик.

— Немиснинг шўри қуриди, — деди майор йўлда менга.

— Нима, янгилик борми? — сўрадим мен.

— Яқинда ҳужумга ўтамиз...

Ўша кеча биз курган «бахт йўли»дан бир неча ўн маршовой батальонлар, Абхазиядан янги кучлар ва Қора денгиз флотининг матрослари келиб ҳужум олиб борувчи дивизияларнинг сафини тўлдирдилар. Юзлаб автомашиналар ҳам «бахт йўли»дан тинмай қатнаб снаряд, гранат, озиқ-овқат келтирардилар. Биз сапёрлар ўз меҳнатимиз самарасини кўриб қувонардик.

1942 йил 15 октябрь эрталаб соат 6.00 да армия ва дивизия артиллериялари ҳужум бошлаб юбордилар.

Бир соатга яқин давом этган даҳшатли артиллерия ҳужуми Пишиш водийсини ларзага солмоқда эди. Тепалик устидан дарёнинг қуйи оқимига қаратилиб биринкетин икки ракета ҳавога отилиб чиққан вақтда икки томондаги қалин ўрмон ичидан кучли «ура!» овозлари эштилди — катта жанг бошлашиб кетди.

Бизлар ҳам атакага шайланиб турибмиз. Бир неча соат кучли жапглардан кейин чап қанотдаги дивизиялар дарё бўйига келиб етганликларни жанг садосидан маълум бўлди. Ўнг қапотдаги дивизиялар ҳам душман фронтини ёриб ўтиб, тепаликка яқинлашдилар.

Гвардиячи отличлар ўрмон папаси билан бориб жапг майдонига яқинлаша бошладилар. Тепалик устидан бир

қизил ракета отилди, биз қизиқсиниб атрафга қарар экан-миз, Кубан казаклари дарё бўйидаги кенг сайхон — очиқларда от қўйиб бориб, саросимага тушган фашистлар гуруҳини қиличдан ўтказаётганликларини кўрдик.

Биз қанча тез юрсакда, уларга етолмасдик, Будёновский номли учқур отларига минган кубанлик казаклар душманни йўл-йўлакай савалаб, ҳамон олға бормоқда эдилар.

Арманлар қишлоғи озод қилинди. Ўн-ўн тепалиги устида қонли жанглар бўлиб, тепалик эгалланди. Бу ерда 31-ўқчи дивизияга маҳкам мудофаа позицияси тузишда биз ёрдам бера бошладик.

Армиямизнинг ҳужуми вақтинча тўхтатилиб, катта ҳужумга тайёргарлик бошланди. Дивизиялар, бригадалар биринчи позицияларни эгалладилар.

Ертўлаларда комсомол, партия бошланғич ташкилотларининг йиғилишлари ўтказилиб, қаҳрамон жангчилар комсомол ва партия сафига қабул қилинмоқда эдилар.

Бизнинг батальонда ҳам партия йиғилиши бўлиб, мен ва бошқа кўп жангчи дўстларим шу тепалик устидаги ертўла ичида шонли Коммунистик партиямизнинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди, энди биз ўзимизни жангчиларнинг илғорлари — авангарди ҳис қилиб, янги ғалабалар сари отланмоқда эдик.

Улим водийси

Ноябрь ойининг бошларида тоғ усти туман ва булут билан қопланган, ёмғир аралаш қор ёгмоқда эди. Янги бахт йўлининг усти асфальт қилинмаган, шағал тўкилмаган, йўлнинг кўп қисми резги тупроқдан иборат бўлганлиги сабабли ҳарбий техника ўтгандан сўнг худди шилипояга ўхшаб балчиқ бўлиб, ҳаракат тўхтаб қолди.

Армия қўмондонлиги батальон жангчиларини яна йўлни тўғрилашга юборди. Биз типимсиз ёмғир остида тоғ тошларини майдалаб йўлга тўкар, тош-шағал бўлмаган жойларда эса дарахтларни кесиб, темир йўл шпалига ўхшатиб йўлиб, ботқоқ устига ётқизардик.

Бир ҳафта ишлаб, батальон жангчилари бир неча чақирим йўлни тузатган бўлса-да, катта масофа босиб қурол-аслаҳа, озиқ-овқат келтираётган машиналар ҳали йўлларда ботганларича турардилар. Фронтдаги биродарларимиз озиқ-овқатсиз, қурол-аслаҳасиз қийналмоқда эдилар. Шу сабабли ҳавонинг туман қора булут бўлишига қарамасдан, алоқачи самолётларимиз Гаградан Катта Кавказ тоғининг тизмаларидан ошиб, Пишиш водийсида арманлар қишлоғининг жанубидаги майдончага қўниб, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа келтира бошладилар. Албатта, ҳар бир ақли расо жангчи оғир кунларни бошидан ўтказа туриб, бир нечагина самолёт, қанчалик серқатнов бўлмасин, бари бир бутун бошли армия жангчилари талабини тўла қондира олмаслигини биларди.

Жангчиларимиз «Рама» деб атаган душманининг икки корпусли разведкачи самолёти аэродромимизни билиб қолди чоғи, Пишиш водийси атрофида «ўралашиб» қолди. Тоғ ошиб келган самолётларимиз душман самолётига дуч келиб, аэродромга қўнмай, насайиб учиб жангчилар турган тепаликлар яқинига қоп-қоп сухари ва бошқа озиқлар ташлаб кетишга мажбур бўлардилар.

Таъминот танқислиги сабабли, армиямизнинг аҳволи оғирлашиб қолди. 16 ноябрь соат 7 ларда душман яна кучли артиллерия ҳужуми бошлади. 18-армия жангчилари душманнынг катта кучига қарши яна тенгсиз, мардонавор жанглар олиб борардилар.

Жангчиларимиз бир ҳафтагача деярли ҳар куни душманнынг бир неча атакасини қайтариб турсалар-да, қулай фурсатдан фойдаланиб, қаттиқ жанглар билан чекина бошладилар. Душман чап ва ўнг томондаги Семашко, Георгиевский, Индюк, «Два братья» тоғларини эгаллаб, Пишиш водийсига чиқиб олди. Воқеалардан бохабар комиссаримиз душман ҳаракатидан бизни ҳампша аёп қилиб, хушёрликка чақирди.

Армиямизнинг бош кучи ўнг қанотда, Белоречинский довоми томон Катта Кавказ тоғининг бош тизмасига чекинбди. Тубинск доводини ҳам душман эгаллабди. Бизникилар ҳар бир тош, ҳар бир дарахт папасида туриб, душманнынг қовини тўкиб чекина бошлабди.

Озиқ-овқат, ўқ-дори, гранатлар кундан-кунга камайиб борарди. Фронтнинг бу оғир шароитда суткалаб туз татимай жанг олиб боришга тўғри келарди.

Ортада Қора денгиз. Дурбин билан қаралса, денгизда сузиб юрган пароходларни яққол кўриш мумкин. Вақтинча бўлса-да, гитлерчилар «ўзларини хон, кўланқаси майдон» ҳис этиб турибди. Биз ғазабдамиз. Душман қобирғасини сндириш учун пайт пойлаймиз:

— Маҳкам бўлинг! Хушёр туринг! Дарахт орасида кўринган ҳар бир фашистни соғ қўймавнг, қовини оқизинг! — деб ўт очардик. Жангчиларим Влиштейн, Рўзиев, Рўзиматов, Артём, Мамедов ва бошқалар ҳам ёнимда туриб жанг қилмоқдалар.

Майор Кожевников ва батальон комиссари Васильев ҳам қўлларига автомат тутиб сафимизда жанг қилмоқда эдилар.

Полковник Собир Раҳимов ҳозир ҳам Туапсе йўлининг ўнг қанотида, Бўри дарвозаси орқасидаги катта тоғ массивида (орқа томони Қора денгиз) қаҳрамонона жанглар олиб бормоқда эди.

Денгиз бўйи армия қўмондони генерал-лейтенант Петров фронт аҳволини ҳисобга олиб, Қора денгиз фронтининг қўмондони адмирал Кузнецов билан яқин алоқа боғлаб, флот билан денгиз бўйи армиялари кучидан резерв тўплаб, душманга қарши ҳужумга ўтиш планини тузмоқда

экаплар, буни майор Васильевнинг ўтказган суҳбатидан билдик.

Комиссарнинг хушxabари рўёбга чиқа бошлади. Қора деңиз флотидан брдамга келган матрослар армиямиз сафини тўлдирдилар. Ўнг қанотга қараб чекинган дивизия, бригадаларимиз Абхазиядан, Грузиядан юзлаб отряд ва батальонлар олиб сафларини тўлдирди бошлаганлари ҳақида хабарлар эшитдик.

Орқа томонимизда узоққа отувчи катта калибрли замбаракларимиздан учган снарядлар душман позициясида портлай бошлади. Бу тоғ этагига яқинлашиб келган фронт ихтиёридаги «уруш худоси»нинг даҳшати эди.

Ҳам ўнг қанотдан — Белоречинский довоми томонидан, ҳам чап қанотдан — Туапсе йўлидан ва Бўри дарвозаси томонидан Пишиш водийсига томон бошланган ҳужум муваффақиятли равишда олға бормоқда эди. Назаримда қайғули кунлар тугаб, шодлик балқир эди. Олға! Фақат олға! Душманни тор-мор қилишга! Фронт бўйлаб одамларнинг оғзида фақат шу гап. Сафимизда отлик кубанлик биродарлар ҳам Краснодар ўлкасининг Сочи, Лазаревский шаҳар аҳолисидан ўз сафларини тўлдириб, олға, душманни тор-мор қилишга отланибдилар! Бу хабар қувончимизга қувонч қўшди.

Батальон командири майор Кожевников дивизия штабидан яна бир хушxabар келтирди. У, севнигиндан ҳаммамимизни тоғ этагига пана жойга тўплаб гапирди: душманининг олдимиздаги бош кучини Пишиш водийсида орқа томондан, Туапсе томонидан армиямиз йўлини тўсиб ўраб олибди. Энди қафасимизга тушган душман шак-шубҳасиз тор-мор қилиниб, Пишиш водийси душман учун ўлим водийсига айлантирилади.

Тўрт томони қора қалин ўрмон билан қопланган тоғлар орасида, чўққиларда, жарликларда, бутазорларда найзабозлик ва қўл жанглари бошланиб кетди.

Матросларимиз бешотар миллик найзасини душман кўксига санчмоқда эдилар. Қора кийимли, қоплондек матрос ва жангчиларимиз душман устига газабли ҳамла қилиб бормоқда эдилар.

1942 йил 20 декабрда ўраб олинган душман армияси тор-мор қилинди. Пишиш водийси немис-фашист босқинчилари учун ҳақиқий ўлим водийсига айлантирилди.

Душман орқасига рейд

1942 йилнинг ноябрь охири, декабрь ойининг бошларида шонли Қизил Армиямиз Волга бўйи фронтларида катта ҳужум бошлаб, душман линияларини ёриб ўтиб, Сталинградда душманнинг қўшилмаларидан катта бир группасини қуршаб, тор-мор қилаётгани ҳақидаги хабар бутун жаҳонга ёйилди. Бизнинг армия ҳам бу тарихий ғалабадан илҳомланиб, кўтаринки руҳ билан катта ҳужумга тайёрланмоқда эди.

Денгиз бўйи армия группасининг қўмондони генерал-лейтенант Петров Пишиш водийсига келиб, Ҳарбий Совет мажлиси ўтказганини ҳам ашитдик. Айтишларига кўра, Совет Армиясининг олпй бош қўмондонлиги душманнинг «А» ва «Б» группа армияларини тор-мор қилишни Волга бўйи фронтлари билан Закавказье фронтига топширган экан. Денгиз бўйи армия группаси эса душманга Қора денгиз соҳилидан ҳужум қилиб, унинг чекиниш йўлини кесиб қўйиши керак. Бунинг учун Ҳарбий Совет ҳамма дивизияларга ҳужумга пухта тайёрланишни буюрди.

Майор Кожевниковнинг айтишига қараганда бизнинг инженерлик батальонимизга ҳам жуда масъулиятли вазифа топширилган. Шунинг учун командир билан комиссар батальондаги ўрта ва кичик командирлардан разведкага борадиганлар рўйхатини туза бошладилар. Бу рўйхатга 60 ботир сапёрлар ёзилди, булар қатори, мен ҳам борлигимни махсус ўтказилган суҳбат вақтида фаҳмладим. Группанинг бошлиғи қилиб старший лейтенант Селлверстов тайинланди.

Армия штаби ва сиёсий бўлимда биз билан танишиб суҳбат ўтказилгандан кейин вазифани бажаришга жўнаб кетдик. Олдимизда қалин қор қопланган тоғ. Ўрмон ва чангалзорлардан ўтиб, тошлоқ тепалардан аста-секин юқори кўтарила бошладик. Юк орқалаб тоққа чиқиш анча мушкул эди.

Кечаси тоғ чўққисига кўтарилдик-да, ракеталар ёруғида душман фронт линиясини кузатиб, позициясини тах-

минан билиб олдик. Өлдинги линияда турган командирларимиз билан суҳбатлашдик, душманнын җўт очуш нуқталарини ҳам аниқладик. Иш бошлашимиз керак. Тун совуқ, қор-бўроқ. Аста-секин эмаклаб, душман позициясига яқинлашиб боравердик.

Фашистлар туни билан ҳавога ракета отиб, пулемётларини жавратардилар. Улар нишонга олган нуқталар гарчи хавфли бўлса-да, биз пистирмаларда биқиниб, фронтнинг орқа томонига ўтиб олиш ҳаракатида эдик. Шу алпозда қалин ўрмон оралаб бир неча юз метргача эмаклаб илгари бордик. Аста қулоқ солсак, душман пулемётлари орқамизда қолибди. Демак, биз немислар позициясига кириб қолибмиз.

Старший лейтенант соатига қараб: «тонг отишига яқин қолибди, юришни тезлатинглар» деди бизга. Буралиб-буралиб ёғаётган қор ўтган изимзини кўмарди... Бир неча чақирим йўл босиб, ўзимизни катта ўрмон ичига олдик. Тўхтаб дам олиб, овқатландик. Дарров тўрт томонлама мудофаа «линияси» қурдик-да, орқа томондаги душман артиллерияси позициясини кўздан кечира бошладик. Бу жой ҳам мудофаа учун, ҳам кузатиш пункти учун жуда қулай экан: ҳаммаёқ яққол кўринадди...

Бу жойда узоқ турмадик, яна илгарилаб бордик, темир йўл яқинига дуч келдик, энди поезднинг ўтишини кузатиб туришга тўғри келди.

Суриштириб билишимизча, бу ерга ҳар куни бир паровоз қатнар, Майкон томондан фронт линиясига яқин станцияга келиб-кетар экан. Вагонлар бўш бўлмаса керак, албатта. Темир йўлга портловчи дори кўмиб, группа ичкига бўлинди, икки томондаги баландликдан туриб, поездга ҳужум қилишга шайландик. Анча кутдик, ниҳоят, душман поезди фронт томондан Майконга қараб жадал кела бошлади.

Старший лейтенант Селиверстов портловчи машинканинг дастасини ушлаб, паровоз дори қўйилган жойга яқинлашишини сабрсизлик билан кутмоқда эди. Жаангчилар автомат, гранаталарини шайлаб, ўт очушга тайёр турардилар. Маана, кичкина паровоз буге пуркаб рўпарамизга келмоқда. Командир портловчи машинканинг дастасини товлаб юборганига кўзим тушди, темир йўлда кучли портлаш эшитилди. Шу дақиқада жаангчиларимиз душман вагонлари устига гранаталарини отиб, ўт оча бошладилар.

Портлаш натижасида паровоз ағдарилган, бир-бирига

урилган вагонлар ичидан отилиб чиққан душман солдатлари аса саросимага тушиб, дуч келган ёққа қочиб, жон сақламоқчи бўлардилар. Лекин жангчиларимиз уларни гумдон қилардилар.

Оз вақтга чўзилган жанг натижасида етти вагон фашист солдати қирилди, иккита офицери тирик қўлга тушди, ўлдирилган солдат ва офицерларнинг чўнтақларидан талайгина хатлар, ҳужжатлар чиқди ва фронтдан қайтган почта ўлжа олинди.

Тўсатдан юз берган бу воқеадан хабар топган душман иношилинч «чора» излаётганини билдик. У актив ҳаракат қилди: биз турган арча ўрмонини пала-партиш ёққа тутди, бироқ биз яхши паналаниб олгандик, қалин дарахтлар немис снарядлари парчаларини тўсиб қолди.

Энди изимизга қайтадиган бўлдик. Старший лейтенант бир группа жангчи билан йўлга тушди ва менга қайтишда йўл-йўлакай мина кўмиб боришни буюрди. Душман ҳамон ҳужум қилишга уринарди, жанг сурони авжида, лекин сапёрлар ўлжаларини кўтариб йўлга тушдилар. Мен Ф-1 маркали гранаталар чеккасида ингичка сим ўтказиб йўлка бўйидаги дарахтларга боғлаб, дўстларим изидан қорама-қора боравердим. Ҳар юз-икки юз метрга мина кўмиб кетавердим. Энди душман солдатлари орқамиздан тушса, гранаталаримизга дуч келиб портлаши турган гап.

Анча узоқлашганимизда орқа томондан овчарка итларининг вовиллагани ва гранаталарининг портлагани эшитила бошлади, демак, душман изимизга тушибди.

Кечаси билан йўл юриб, Абшерон ўрмониغا етиб олдик, қалин дарахтлар билан қопланган тош тепалик устида дарҳол ўзимизни муҳофаза қилиш чорасини кўрдик.

Жангчиларимиз обдон ҳорганликларига қарамасдан, шарафли вазифанинг асосий қисmini бажардилар: «тил» ушлашиб, муҳим почта қўлга туширилди. Энди кўтаринки руҳ билан ўзимизни дадил ҳис этиб, дам олмоқда эдик.

Старший лейтенант Селиверстов жангчиларни ҳушёрликка чақирди, чекиш, товуш члқаришни, рухсатсиз юмандадан ажралиб қолишни қатъий ман этди. Энди фронт линиясидан ўтиб, ўз қисмигага ўлжа билан омон-эсон етиб боришимиз керак! Лекин Европанинг текни нолиши «туя қилиб» семирган иккита хирседек фашист офицерларини кўтариб юриш ҳаммадан ҳам қийин эди. Қўлга солинган офицерларни навбатма-навбат кўтариб боришни паҳлавон жангчиларимизга топширдик.

Лейтенант олдинги дозорни бошқариб бориши менга тошпирди, яна шошилиш билан Катта Кавказ тоғи томонга қараб юра бошлади. Қалин чангалли ўрмон ичидан куни билан бир неча чақирим юриб, олдимизни кесиб ўтган йўлда кетаётган душман солдатларини узоқдан кўриб қолдик. Мен дарҳол воқеани командирга етказдим. У бизлар келаётган ўрмон ўраб олингани ва душман изимизга тушганини аниқ фаҳмлади.

Бу ердан чиқишнинг тадбирини тузмоқда эдик. Шу пайт чап қанотда жуда яқиндан туриб, автоматлардан ўт очилгани эшитилди. Аммо, кимга-ким ўт очгани номаълум. Душман солдатлари эса жапг сурони келган ёққа қараб чопиб кетдилар.

Биз шу фурсатдан фойдаланиб йўлдан ўтиб олдик. Мен катта йўлга гранаталар кўмиб бориб, дўстларим орқасидан етиб олдим.

Қаршимизда ўша таниш қорли тоғ. Унинг паст этагида немислар позицияси, балад чўққисидан шовли армиямиз. Энди шундан ўтиб олсак, ғалаба билан қайтган бўламиз. Қоронғи тушди. Балад тоғ устидан бириш-кетин ҳавога ракета отилмоқда эди.

— Бу, — деди старший лейтенант, — армия штабидан бизга йўл кўрсатиш учун отилаётган ракета!

Яшириниб ўтишга йўл топиш учун душман мудофаа позициясини кўздан кечирамиз.

Вақт ярим кечадан ўтиб, фашистлар уйқуга толган бўлса-да, ҳали ҳам ҳар замон ракета отилиб, пулемётлар «жавраб» турипти.

Дозорга юборилган старший сержант Белоусов йўл борлиги ҳақида хушxabар олиб келди. Турна қатор бирикети боравердик, Белоусов душмanning ўт очиш нуқтасида икки солдатнинг кўксига ханжар уриб, пулемётиши ўлжа туширибди экан.

— Ўтаверинглар, душман келгудай бўлса, мен уни ўз пулемётимдан ўққа тутаман, — деди Белоусов.

Икки фронт ўртасидан эмаклар ўтиб, тоққа тирмашдик. Орқамиздан ўлжа пулемёт билан дозор ҳам етиб келди. Тоғдан охиб тушгунимизча тонг отиб қолган эди.

Штабда разведкачиларни генерал-лейтенант Петров, генерал-майор Рижов, полковник Брежнев ва бошқалар иссиқ кутиб олишди. Бизни ғалаба билан табриклар, ҳордиқ чиқаришимиз учун бир ҳафта дам беришди.

Тоғда тошқин

Эрталаб майор Васильев армия штабидан келиб, суҳбат ўтказди. Унинг сўзига қараганда, Волга бўйи фронтларида армиямиз Сталинградда ўраб олинган немис-фашист армиясини қисиб бормоқда. Дон бўйидаги армияларимиз душманнинг куч йиғиб қилаётган қарши атакаларини қайтариб, фронт участкаларида ҳужум билан олға бормоқда.

Денгиз бўйи армиямиз ҳам Шимолий Кавказдаги душман армиясини тор-мор қилиш планини амалга ошириш учун тайёргарлик кўрмоқда экан. Биз энди олға боришга, душман позициясидан йўл очиб беришга тайёргарлик кўришимиз керак. Разведкачиларимиз ушлаб келган ҳалиги икки немис офицери Кавказдаги душман армиясининг ҳол-аҳволини яхши билишар экан. Уларни сўроқ қилганда немис армияси тўғрисида, шу кечаю-кундузга тааллуқли маълумотлар олинпти.

Майорнинг бу хушxabари ҳамма жапғчиларимизга кўтаринки руҳ бағишлади.

Сиясий машғулот тамом бўлганча йўқ эди ҳамки, дарага майор Кожевников кириб келди ва армиямизнинг таъминот йўли хавф остида қолганини бизга билдирди.

Шу кеча тоққа кўп қор ёғиб, довошни бекитпти. Транспорт тўхтаб қолибди. Армиямиз кўмондоплиги транспортни ва ҳарбий қурол-аслаҳани ўтказиш учун тездап йўл очиб беришни бизга топширди: ҳаммангиз дово томон бориб жанговар вазифани бажаришга шайланинг!

Бир неча минутдап кейин Пишин дарёси бўйлаб Тубин довошига қараб турпа қатор юра бошладик. Тез ёғибган йирик лайлак қор тоғ устини бирпасда қоплаган эди.

Белкураклар билан кураб, йўл оча бошладик, қор ҳамон тинмай, тобора буралаб ёғар, ўзимизни ҳам кўминб юборгудай эди. Тоғ-тош оппоқ, кўзлар қамашарди. Лекин

довоюда иш қизгип, жангчилар каттиқ совуққа бардош бериб махсус вазифани бажариш ҳаракатида эдилар. Бу ерда менинг жангчиларим — Рўзиев, Рўзиматов, Блиш-тейн, Артём, Мамедов ва бошқалар ҳар галгидек алоҳида ғайрат кўрсатардилар. Батальон жангчилари қанча ишламасин барибир қор йўлни дарров кўмиб қўярди. «Бахт йўли» деб атаган ном нимагадир бу йўлга мос тушмаётгандек эди. Бу йўлни гоҳ ёмғир, гоҳ қор босади, ёхуд душман эгаллаб олади. Бахтни ҳам осойлик билан қўлга киритиб бўлмайди-да. Ҳа, оғир меҳнат, қонли жанглар билан қўлга кирар экан бахт!

Йўлларга ботиб қолган машиналарнинг шоферлари ҳар ер-ҳар ерда гулҳан ёқиб исинишади.

Уч кечаю-уч кундуз тинмай ёққан қор йўлни батамом кўмиб юборди. Куз вақтида қурган чайламиз энди ертўладек қор тагида қолиб кетди.

Кечаси тоғ устида қаттиқ шамол турди, изғирин совуқда қолдик. Аммо, командир гулҳан ёқишга рухсат бермади. Бунинг сабабини биламиз: душман гулҳанни нишонга олиб тўплардан ўққа тутуши мумкин. Эрталаб шамол дегиз томондан елди, тоғ устини исенқ сариқ туман босди. Унинг қалинлигидан ўп метр нарида — йўлда ишлаётган жангчилар бир-бирини кўра олмай қолишди.

Мамедов тоғлик йигит: «бу қалли туман ҳозир ҳамма қорни эритиб юбориши мумкин» деб бизни ишонтирарди. Чиндан ҳам, бир неча соатдан кейинроқ исенқ туман илпқ ёмғир бўлиб ёға бошлади. Оппоқ қалли қор сарғайиб сув бўлаверди. Чайла ичи ҳам сувга тўлди. Биз тоғ устида қулаб ётган улкан дарахтлар устига чиқиб олдик. Атрофимиздаги қорлар сув бўлиб, музлар бир-бирини итариб, пастликка қараб сурилиб кета бошлади. Энди назаримда сув нишиллаб, тошни-тошга уриб, тошиб тўрт томонга оқмоқда эди. Тоғ ҳавосининг бундай пивжиқлигини асло кўрмаган эдим.

Икки кечаю-икки кундуз ёмғирда қолиб, айиқ болаларидек дарахт устида кун кечирдик. Батальоннинг бошқа жангчилари ва йўлдагилар ҳам бизларга ўкшаб тош-харсанглар ва йиқилган дарахтлар устида жон сақладилар.

Қор аста-аста эриб кетиб, йўл яна очилди...

Ҳа, «бахт йўли» очилди, энди олға борамиз, яна Кубанинг бийдек ерига чиқиб, оромбахш ҳавосидан баҳраманд бўламиз деб қувонардик.

Батальон командири майор Кожевников келиб, янги нохуш хабар берди: сув тошқини Пишин дарёсига тушиб, ундаги кўприкларни бузиб олиб кетибди, армиямиз йўли яна кесилиб қолибди.

— Ҳозир радио орқали қўмондондан буйруқ олдим, — деди у бизга, — тездан дарё устига янги кўприк қуриб, армиямизга йўл очишни буюрди.

Батальон жангчилари тоғ устидаги оғир, тинимсиз меҳнатдан кейин пастга — Пишин водийсига тушдилар. Бунда кўприкдан пиёна ҳам йўқ эди.

Атрофдаги тамаки майдонларида ҳам лойқа сув қутуриб оқар, катта-катта тошларни юмалатиб дарёга суриб туширар, дарё қандайдир ваҳимали овоз чиқариб пишқирарди.

Кахетия виноси

Дарё шовиллаб оқмоқда. Батальон жангчилари кўприк яқинига тўпланиб суннинг оқимига разм солиб туриптилар.

Сув катта-катта дарахтларни кўпориб олиб кетмоқда. Сувга аралашиб эрмаган қор уюмлари, муз парчалари оқиб борарди.

Қаҳратон қишда музли сувга тушиб, кўприк қуришга юрак безилларди. Аммо кўприкни қуриш, армия таъминотини йўлга қўйишимиз шарт! Бу қатъий ва жанговар вазифа. Аҳиллик билан ишга киришдик: ҳафталаб этик ечмай, қаҳратон қишда сув кечиб топириқни бажара бошладик.

Пишин водийси ҳали ҳам қовоғни осган, ер буғланиб туман босиб, майдалаб-эзиб ёмғир ёғмоқда. Тўрт атрофдаги тоғ чўққиларида қор бўраламоқда. Батальон командири майор Кожевников буйруғига биноан, атрофдаги дарахтлардан кесиб, ўтин қилиб, гулхан ёқа бошладик. Батальон жангчилари гулхан атрофида қатор туриб ўзларини оловга товлар, ёз кезлари офтобда яйрагандек, кийимларини қуритардилар.

Батальон командири қисмга янги келган қирқта кавказли — грузин ва абхаз жангчиларга мени бошлиқ қилиб, кўприк учун материаллар тайёрлашни буюрди. Янги келган йигитларнинг бирортаси ҳам рус тилини билмас, тоғли қишлоқларда яшаган оддий колхозчилар экан. Ўрта яшар норғул бир жангчига кўзим тушди. Унинг фамилияси сўрадим. Котомадзе экан. Ҳамма унга қулоқ соларди, афтидан у энг обрўли, бамаъни, уддабуро йигитга ўхшаб кўринди. Уни ёнимга олдим ва бугундан эътиборан менга ёрдამчим бўлади, деб группа жангчиларига эълон қилдим.

Жангчи Котомадзе ўривдан туриб буйруқни қабул қил-

ди. Мен у билан қўл қиспишиб кўришганда янги жангчиларимнинг ҳаммаси хурсанд бўлишди, чеҳраларда қувноқ кулги қалқиди. Наазаримда янги жангчилар билан тил топишдим, энди дадиллик билан вазифани бемалол бажара оламан, деб ишонч ҳосил қилдим.

Группани саф қилиб, дарё бўйидаги қалин ўрмон билан қопланган тоққа олиб чиқдик. Мен кўприкка ярайдиган дарахтларни кўрсатиб, белги қилиб кетавердим. Янги жангчиларим серғайрат, йўлбарсдек кучли эканлар. Кўрсатилган дарахтларни тез арралаб, йиқитдилар.

Кечаси гулхан атрофида биримизга биримиз суяниб бош қўйиб ухладик. Қор тинчмасиз ёғиб турибди. Чарчаб ҳориган кишига қор-ёмғир кор қилмас экан, кўз очкимиз келмасди.

Эрталаб кўприкининг қисмларини ўлчаб чиқа бошладик. Котомадэр қанча ёғоч-тахта тайёрлаш кераклигини билиб, ишни ўзи бошқариб кетди.

Командир билан комиссар ишнинг боришини пазорат қилиш учун олдимизга келишди. Мен уларнинг олдига чиқиб: «Вазифа аъло даражада бажарилмоқда!» деб рапорт бердим.

Улар группамизнинг иш жараёнини кузатарканлар:

— Раҳмат, ишларинг чакли эмас, булар билан ҳам тил топишибсан, — дейишди. Комиссар яна бундай деди:

— Бу жангчилар ҳали армия турмуши билан улча таниш эмас. Ўзлари кўнгилли, ихтиёрий равишда душманни тор-мор қилишга келишган, булар билан яхши муомалада бўл! Армиянинг устав ва қондаларини ва хизмат тартибини иш жараёнида ўргатиб бор! — деди.

Метиндек дуб дарахтларидан тайёрланган ёғочларни дарё яқинига ташиб келтира бошладик. Жангчи Систашвили ёш, ўрта бўйли, кенг елкали, бақувват йиғит, тўрт метрли ёғочларни бир ўзи кифтида кўтариб келмоқда.

Шундай ёғочни Рўзиматов, Рўзиев, Влиштейн ва яна бир жангчи — тўрт киши бўлиб кўтариб ўриндан қўзғата олмадилар. Тоғлиқ йиғитлар кулиб, янги куч билан ғайрат кўрсатмоқда эдилар. Кўп жангларда бўлиб, фронт меҳлатида қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳориб қолган жангчиларимиз янгиларнинг ғайратидан севиниб жадал ишлар — кўприкка ёғоч-тахта тайёрлар эдилар. Шу пайт жангчи Влиштейн тўсатдан «сув минаси» деб бақирди. Ҳаммамиз алаңлаб қарадик.

Батальон жангчилари кўз тикиб турган томонга яқин

Бориб қарасам, дарёнинг юқори оқимидан, тоғ томондан катта-катта бочкага ўхшаган нарсалар гоҳ сув бетига қалқиб, гоҳ сувга ботиб оқиб келяпти.

Батальон командири бир неча қадам орқага қайтишга шошилишча команда берди. Мабодо душман чекинган вақтида қўйилган миналар бўлса, энди улар кўчиб оқиб келмоқда эди.

Ҳаммамиз ҳам ҳаяжонланиб унга қараб турибмиз. Агар катта бир тошга ёки кўприкнинг чиқиб қолган устунига урилса борми — портлаши мумкин. Уэлямязни дарахтлар панасига олиб, нарсаларнинг оқипини кузатамиз.

Янги жангчилар севишиб вино-вино, деб чувиллашиб олдинга қараб ташландилар. Яқин бориб қарасак, ҳақиқатан ҳам икки юз литрлик, ундан ҳам катта вино бочкалари қалқиб-қалқиб келяпти экан.

Котомадзе, Сиситашвили ва бошқа жангчилар қўлларига хода олиб дарёнинг саёз жойларига бориб, бочкаларни оқимидан қайтариб, соҳилга олиб чиқа бошладилар.

Вино тўла саккизта бочка ушланиб олинди. Иккита катта бочка оқиб кетди. Тутиб олингач, бочканинг бирига мих уриб кўрилганда тешиктан тизиллаб қизил вино оқа бошлади.

Котомадзе котелогини тутиб, ичиб кўрди-да, воҳ, Кахетия портвейни — энг яхши Кавказ вноси,— деб мақтади.

Батальон командири майор Кожевников ҳам бир ҳўп-лам ичиб кўриб, вино эканини аниқлади-ю, шундай бўлса ҳам барибир ичишга рухсат этмади, чунки юқори томонда қишлоқ йўқ эди, бу вилоят қардан оқиб келди? Эҳтимол, душман чекиниш вақтида заҳарлаб жўрттага қўйиб кетган бўлиши мумкин-да.

Комиссар ҳам, албатта анализдан ўтказиб, кейин истеъмол қилиш керак, ҳозир ичиб заҳарланиб қолсак, яхши эмас, деб таъкидлади.

Шу вақт «бахт йўли» орқали икки енгил машина тоғдан тушиб, кўприк олдида тўхтади. Машиналардан тушган юқори лавозимдаги командирлар ичида бир киши бизга танишдек туюлди. У Қора денгиз бўйи армия группасининг қўмондони генерал-лейтенант Петров экан. Улар яқинлашганда, ҳамма жангчилар смирно ҳолатида турдилар.

Командиримиз бориб, уларга кўприк қурилиши бошлангани ҳақида рапорт берди. Генерал рапортни қабул қилиб, жангчиларга қараб:

— Салом ўртоқлар! — деди.

Ҳаммамиз бирданига барала овоз билан жавоб саломини изҳор этдик.

Кечқурун комиссар Васильев қўмондоннинг айтган гапларини бизга тушунтирди.

Жанубий фронт армияси Дон бўйлаб Ростовга яқинлашганмиш. Закавказье фронтининг шимолий группа армияси генерал-лейтенант Масленников қўмондонлигида ҳужумга ўтиб, Оржоникидзе шаҳри тўғрисида Элот дарвозасидан Салский чўлигача бўлган фронт масофасида душмanning биринчи танкчи армиясини улоқтириб ташлаб, Дон бўйи армияси билан бирликда Шимолий Кавказни озод қилиш учун олға босмоқда экан.

Ўнг қанотимиздаги Эльбрус чўққиси атрофдаги доvonлардан генерал-лейтенант Лисиледзе қўмондонлигидаги 46-армиямиз душмanning тоғ-ўқчи корпусини улоқтириб ташлаб, олға босмоқда.

Бу катта ҳужум олдинроқ бошланиши мумкин эди, дейди комиссар. Аммо тоғ ҳавосининг инжиқлиги армиямизни тайёрлашга, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа, резерв келтириб, ҳужум бошлашга ҳалал берди. Кўприкни тез кун ичида тамомлаб, армиямизнинг ҳужумига ҳисса қўшишимиз керак!

Батальон жангчилари қўмондоннинг топшириғидан илҳомланиб кечаю-кундуз ғайратга-ғайрат қўшиб, кўтариш руҳ билан ишладилар. Бир ҳафта деганда тошқин дарёга кўприк қурилди. Армиямиз узоқ вақт кутилган озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ола бошлади. Энди фронт томон юра бошладик. Ниятимиз — фақат олға бориш эди.

Батальон жангчилари саф тортиб, Пишип дарёсининг қуйи оқимига қараб бормоқдамиз. Кўзимизга кўпдан бери таниш арманлар қишлоғи кўринди. Батальон командири вавқланиб овоз чиқариб: «Хайр: Рожець қишлоғи, энди абадий овоз бўлдинг. Қайтиб келмас сенга фашист босқинчилари» деди. Биз шунда бу қишлоқнинг поми Рожець эканини билдик.

Ўнг қўлга бурилганимизда командир бизни ўзимизга таниш бўлган Ўн-ўн тепаликнинг шимол-шарқига томон кетган сўқмоқ йўлдан бир ертўлага бошлаб кирди ва жангчилар шу жойда ҳордиқ чиқариб йўлга тайёрлансинлар, деб буйруқ берди.

Мени ўзи билан бирга олиб кетди. Биз ҳалиги йўлдан бориб, устимизда осилиб турган қоя тагига келдик. Тоғ этагини шу кичик йўл кесиб ўтган эди. Олдинда паст текислик бўлиб, сой шариллаб Ўн-ўн тепаликнинг орқасидан Пишип томон оқмоқда. Арча дарахтлари тагидаги бир ертўлага рухсат сўраб кирганимизда денгиз бўйи армиялар тўдасининг қўмондони генерал-лейтенант Петров, генерал Рижов, полковник Брежнев, Богданович, Собир Раҳимов ва бошқалар ўтиришган экан.

Майор Кожевников генерал Петровга батальон етиб келганлиги ҳақида рапорт берди. Генерал уни иссиқ кутиб олиб, қўл қиснишиб кўришди. Мен бурчакда тик турибман.

Генерал майорга қараб бундай деди:

— Узоқ вақт кутган кунларимиз келди. Денгиз бўйи армия группасининг ўнг қанотида 18-армия бугун душман устига ҳужум бошлайди. Сизга вазифа душманнинг мудофаа позициясидан йўл очиб борасиз. Қайси томондан йўл очиб бериш кераклигини дивизия штаб бошлиқлари билишади. Вазифани бажаришга икки кун муҳлат.

Батальонга қайтдик. Командир жангчиларни тўрт гуруҳга бўлди. Бу гуруҳларга кўп жангларни кўрган, душман миналари билан таниш бўлган командир ва жангчилар киритилди. Янги жангчиларга йўлни текислаш топшириғи берилди. Кечаси гуруҳлар олдинги позицияга қараб жўнаб кетдилар.

Мен ўз жангчиларим билан Ўн-ўн тепалигининг шимолида сойдан ўтиб, Одижипский томон душманнинг фронт позициясига кириб, темир ҳасса билан излаб бориб мина майдонини топдик.

Бу майдонда ҳали бизларга таниш бўлмаган учиб портловчи 5,5 шрапнель мина майдонини зарарсиз ҳолга келтириш зарур бўлиб қолди. Бу миналарнинг сиртида чўтканикка ўхшаш майда симлар чиқиб туради, устига оёқ қўйилганда, улар бир метр юқорига кўтарилиб, ҳавода портлар экан. Бу миналар уч томонга ингичка симлар билан тортилиб, қозиқларга ва дарахтларга боғлаб қўйиларкан. Биз икки кечаю-икки кундуя душман позициясини текшириб, мина майдонларини зарарсиз ҳолга келтирдик. Вазифанинг бажарилгани ҳақида командиримиз дивизияга ва армия қўмондонига хабар қилди.

1943 йил 11 январь эрталаб соат 5.00 да шу тепалик устидан бир ракета ҳавога отилганида армиянинг, дивизия, полк, батальонларнинг замбараклари душман устига кучли ўт очдилар. Штурмчи батальонларимиз очилган дарвозаларга яқинлаша бошладилар.

Полковник Собир Раҳимов ҳам Ўн-ўн тепаликнинг баланд чўққиси устида туриб, дурбил билан душман томонни кузатаётганини кўрдим.

Икки моторли бомбардимончи самолётларимиз ҳавода гуруҳа-гуруҳа бўлиб, фронт устидан учиб, Краснодар шаҳри яқинидаги душман аэродромини бомбардимон қилиш учун бормоқда эдилар. Жангга кўтарилишга шайланиб турган жангчилар самолётларни кўриб қувонмоқда эдилар. Олга борар кун бор экан-ку!

Армиямизнинг қарийб 45 минут давом этган артиллерия ҳужуми энди душманнинг иккинчи позициясига кўчирилди.

Совет жангчилари икки томонда очилган дарвоза орқали кучли «урра» кўтариб, душман устига ташландилар. Қалин ўрмон ичида даҳшатли жанглар бошланди. Бу позицияда душман маҳкам жойлашиб, тўрт ойдан буён қимир этмасди. Бизнинг бу сафарги ҳужумимиз душман

«истехкоми»ни тор-мор келтириши аниқ эди. Буни ғанимларнинг ўзлари ҳам пайқаб қолдилар.

Полковник Собир Раҳимов қўмондонлик қилаётган дивизия Ун-Ун тепалик ғарбидан Семашко томон, Шаумян шаҳрининг шимоли-шарқидан Майкоп ва Белоречинскийга қараб даҳшатли ҳужум олиб бормоқда. Унинг дивизияси душмanning Туапсе йўлидаги бош кучи позициясини ёриб ўтиб, тепама-тепа ошиб, унинг чап қанотини хавф остида қолдирди. 11-гвардиячи отлиқ аскарлар Пишиш бўйлаб Собир Раҳимовнинг чап қанотида ҳаракат қилмоқдалар.

18-армиянинг дивизиялари душман позициясини ёриб ўтиб, қалин ўрмон билан қопланган тоғ тепаликларини ёрларда тозалаб, олға қараб бормоқдалар.

Унг қанотдаги дивизиялар йўлга чиқдилар, душманни қисиб келмоқдалар. Бу операциялар ҳақида Совинформбюро аниқ маълумотлар бериб турди.

1943 йил 16 январда 18-армиянинг чап қаноти 56-армия билан биргаликда ҳужум бошлаб юборди. Катта фронт участкасида бошланган бу ҳужум натижасида армиямиз душман позициясини ҳар томондан ёриб ўтиб, Пишиш дарёсининг қуйи оқимига қараб қаттиқ жанглар билан олға илгарилаб кетди. Бир неча кун ичида ўрмонли тоғлиқлардан ўтиб, Кубань текислигига чиқиб олинди. Биз полковник Собир Раҳимов дивизиясига йўл очиб ва унинг штаби билан бирга илгариламоқдамиз.

Олда катта бир қишлоқ кўринди, Собир Умарович картага қараб, уни Рязанский қишлоғи эканини аниқлади. Дивизия жангчилари қишлоққа яқинлаша бориб, кучли «ура» садоси остида ҳужумга ташландилар ва уни шум оёқлардан озод қилдилар. Фашистлар бу қишлоқда аҳолининг мол-мулкни талагаилар, от-уловини ҳайдаб кетдилар. Қишлоқ бўм-бўш қолган... Қишлоқ аҳли жангчиларимизни бениҳоят қувонч билан кутиб олди. Полковник Собир Раҳимов озод қилинган аҳоли билан суҳбатлашди. Бизлар яна олға кетдик!

Тишинский сув омборининг ғарб томонидан ўтиб, Понижупай станциясини озод қилдик. Олдимизда Кубань дарёси, қирғоқлари музлаган, ўртасида эса суви жимирлаб оқиб турибди.

Дурбин билан қараган командиримиз чап томонда Краснодар шаҳри аниқ кўришиб турганини айтди.

Бутуш армия дарёдан ўтиб олгач, қўмондон буйруғига

биноап вақтинча қирғоқда тўхтатиб турилди. Афтидан, орқада — тоғ ичида қўлиб кетган артиллерия қисмлари ва озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ортилган машиналарнинг етиб келиши кутилмоқда, янги ҳужумга тайёргарлик кўрилмоқда эди.

Бир неча кун Кубань бўйида штурмчи батальонлар тузилиб кечалари уларни нариги қирғоққа ўтказилиб, дарёнинг шимолидаги душман позициясига вақти-вақти билан ҳужум қилинди, кичик гарнизонларни тор-мор қилиниб турилди.

18-армиянинг ўнг қанотидаги дивизияларни Усть-Лабинский кўпригидан ўтказиб Кубань дарёсининг ўнг қирғоғидан ҳужум бошлаш тўғрисида яна янги буйруқ олинибди. Биз бунни командирдан эшитдик. Яна Усть-Лабинский кўригига келдик, бунда кўприк илгари ўзимиз қандай қолдириб кетган бўлсак, шундай турган экан. Ҳали ҳам якорга қўйилган кема ўрнида турибди. Унинг устидаги кўприкнинг ярми ёнғинда ишдап чиқибди.

Бу кеча кўприкнинг юпқа музлаган жойига жангчиларим билан сув тўкиб эрталабгача музнинг қалинлигини ярим метрдан оширдик. Устига қалпи сомон ташлаб, дивизияларни ўтказа бошладик.

Чеккиниш даврида кўрганамиз Уст-Лабинский шаҳри энди озод қилиниб, тинч ҳаёт кечири бошлаган экан. Биз билардик, Кавказни босиб олиш ниятида келган душманининг биринчи танкчи ва IV пиёда аскарлар армиялари бир неча юз минг солдат ва офицерларини ҳамда минглаб танкларини, замбаракларини шу Катта Кавказ этагида йўқотган эдилар. Буларни тор-мор қилишда шонли армиямиз қахрамонлик кўрсатгани эсимизда. Энди кўтаришчи руҳ билан душманини узил-кесил тор-мор қилиш учун Краснодар томон олга бораемиз.

Краснодар устида яна қизил байроқ

Энди катта жанглар бошланиши тўғрисида гап бўла бошлади. Айтганлари келди: 1943 йил 9 февраль эрталаб бутун фронтимиз бўйича ҳужум бошлаб юборилгани маълум бўлди. Бизнинг 18-армия ҳам ҳужумга ташланди. Жапг Краснодар шахри атрофида. Полковник Собир Раҳимов дивизияси ҳам Кубань дарёси тўғрисида душманга ҳужум қилди. Аввал уруш худоси — артиллерия даҳшатли ўт очди, шу онда штурмчи батальонлар тошқин дарёдан ўтиб, плацдарми эгалладилар. Улар тез орада Усть-Лабинский томонидан Краснодарга борадиган йўлини кесиб кўйдилар.

Душманинг чекиниш йўли хавфда қолди. У позициясини тутиб қололмай, гарбга чекинишга мажбур бўлди.

Полковник Собир Раҳимов жангчилари чекинаётган душман қисмларини изма-из қувиб бориб, ёнлаб ўтиб олган эди. Бу операция билан душманга даҳшат солиб, гуруҳларини айрим-айрим савалаш кўзда тутилган эди. Бир неча кунлик шиддатли жангларда фронт линияси Краснодар шахрига яқинлашди. Бу ерда яна душманинг мудофаа позициясига дуч келиб, қаттиқ жанг олиб боришга тўғри келди. Айтишларига кўра, дивизия командири Собир Раҳимов бу ерда ҳам душманга даҳшат солган. Бу жангнинг ўзинга хос таърифи бор. Раҳимов қаршидаги Пашков қишлоғи Краснодарга яқин эканини аниқлаб, олдин унга разведка юборган, душман позициясини обдон ўрганган ва унинг қанча кучга эга экани тўғрисида аниқ маълумотлар олган.

Февраль ойининг бошида қор аралаш ёмғир ёғиб, кун бўйи туман тушган эди. Лойгарчиликда аскарларнинг ва ҳарбий техниканинг юриши оғир эди. Полковник бир кун кечаси меши чақириб, разведчиклар гуруҳини билан бирга

боришимни буюрди. Мен буларга душман позициясида ийўл очиб беришим керак экан.

Қоронги тушганда буйруқни бажаришга шайландик. Олдимизда душман позицияси. Лой, ёмғир. Кечаси товуш чиқармай, эмаклар бориб, қишлоқнинг бир уйига яқинлашдик, кейин саройга кириб олдик.

Қишлоқ хотиржам ухлаган, кўчаларда бирор зот кўринмайди. Разведкачилар бошлиғи лейтенант, учта доврак жангчини ёнига олиб, қўшни уйнинг эшигини тақиллатди-да, ичкаридан чиққан одамнинг бошига дарҳол плашпалаткани ёлиб, оғзига латта тиқиб, саройга кўтариб келишди, у хотин киши экан.

«Тил»нинг юзики, оғзини очиб: қўрқма, биз совет жангчилари, қоронги кечада сени душман деб ўйлабмиз» дедик. Хотин нафасини ростлаб гап бошлади: ўзим ҳам ухламасдан, шу кеча қизилларнинг ҳужум қилиб келишини кутиб ётган эдим. Уй орқасидан ўтиб саройга кирганларингизни ҳам кўриб-сезиб турдим, кейин бошимга рўмолимни ташлаб чиқаётган эдим,— деди.

Лейтенант хотиндан душманнинг хатти-ҳаракати ҳақида қандайдир гап сўради. Хотин қишлоқнинг чап қанотида, Кубань дарёси бўйида лемис-фашистларининг мудофаа позицияси борлиғи, қишлоқнинг нариги томонида эса немислар билан словакларнинг артиллериячи қисми турганини айтди. Словаклар совет жангчиларига қарши фашистлар фойдаси учун қон тўкишни истамайдилар, улар урушсиз, қурол-аслаҳалари билан, қулай вақт топиб советлар томонига ўтиб олмоқчилар,— деди у.

— Буни сен қаердан билдинг?— сўради лейтенант.

— Меникида икки офицер туради. Улар мендан қандай қилиб совет армияси билан алоқа боғлашни сўраган эдилар,— деди хотин.

— Сўзингга ишонса бўладими, алдама тагин?

— Ишонмасаларинг, юринглар, таништираман,— деди уй бекаси.

Лейтенант ўзи билан бешта разведкачини олиб борди-ю, жанг қилиш тўғри келганда сарой атрофида шайланиб туринглар, деб тайинлаб, аста-секин уйга ўтди. Улар ичда мен ҳам бор эдим. Эшикни очиб йўлакка кирганимизда, автомат гранаталарни тайёрлаб уй эшигини очдик, уйда қўлига қуролини олиб, бизларни кутиб турган офицерларни кўрдик.

Уй бекаси уларга қараб:

— Русияш! — деди.

Иккаласи ҳам қуролини стол устига қўйиб, қўлларини кўтарди. Лейтенант уларга қараб:

— Ким бўласизлар? — деб сўради.

Улардан бири шоша-пиша:

— Чехословак — рус братё,— деди.

— Қўлингни тушир,— деди уларга лейтенант.

— Фашистлар бизни сизларга қарши қон тўкишга юборди. Аммо, биз, словаклар қон тўкишни хоҳламаймиз! Совет халқи билан дўст бўлишни, фашизм армиясини тор-мор қилиб, Чехословакияни Германия фашизида овоз қилишни истаймиз! — дейишди улар.

— Хўш, бу ерда қандай қисмларингиз бор? — деб сўради тагин лейтенант.

— Огир артиллерия дивизиони,— деди улардан бири.

— Биз томонга қандай ўтмоқчи эдингизлар?

— Орамизда фашист офицерлари ҳам бор. Бирданига дивизион билан ўта олмаймиз, албатта. Сизлар ҳужум бошлаган вақтда бизлар турган позицияга ҳамла қилманглар. Икки ёнбошдан ўтинглар, сизлар атакага кўтарилган пайтингизда биз фашист офицерларини қириб ташлаймиз-да, сизларга келиб қўшиламиз,— деди словак офицер.

— Ишонса бўладими?

— Ҳа, ишонинглар, дивизион позицияси қишлоқнинг шарқи-жанубида жойлашган.

— Биттангиз биз билан юринг,— деди лейтенант.

Улар бир-бири билан маслаҳатлашиб, биримиз қолиб, биримиз ўтсак, фашист офицерлари билиб қолса, планимиз бузилиши мумкин. Иккаламиз ўтсак ҳам, дивизион солдатлари воқеадан хабарсиз қолади. Иккаламизни ҳам қолдириб кетинглар. Солдатларимиз билан суҳбат ўтказиб, уларга тушунтириб, сизлар ҳужум бошлаган вақтда бир йўла ўта қолайлик,— дейишди.

Уларнинг таклифи лейтенантга маъқул тушди. Хайрлашиб, яна ўз позициямизга қайтиб келдик.

Разведка тўғрисида полковник Собир Раҳимовга рапорт берилди. У бу воқеадан хурсанд бўлиб, дарров телефон қоқиб армия штабига хабар қилди.

Пашковский қишлоғининг ўнг қанотида 31-ўқчи дивизия ва унинг шимолида 40-моторлашган бригада ҳужум олиб боришга тайёргарлик кўрмоқда эди. 31-дивизиянинг артиллерия ҳужуми Пашковский қишлоғи рўпарасидан фашистларнинг ўқчи қисмлари турган томонга йўлланди.

1943 йил 10 февраль Краснодар шаҳри учун ҳужум бошланиб кетди. Полковник Собир Раҳимов дивизияси турган жойнинг қаршисида машина йўли билан темир йўли бор эди. Душмanning кучли мудофаа узели шу рўпарада экани жанг вақтида яна анпқроқ билинди.

Қаҳрамон дивизия жангчилари Краснодар шаҳри учун бошланган ҳужумда темир йўл станцияси томон мардларча ташландилар. Айтишларига кўра, ўнг томондаги 31-ўқчи дивизия ва моторлашган 40-ўқчи бригада жангчилари словакларга қарши жанг қилмай, ёнлаб ўтиб фашистларга даҳшат солдилар. Словаклар совет армияси томонига ўтиб олганликлари туфайли вақтдан ва шароитдан фойдаланиб, немис-фашистларига қарши қаттиқ ҳужум қилиб, гарнизонларини тор-мор келтирди.

Полковник Собир Раҳимов дивизиясининг авангард штурмчи батальонлари шаҳарнинг шарқи-жанубидан кириб бормоқда эди.

1943 йил 12 февралда шаҳар озод қилина бошлади. Дивизия разведкачилари билан бирга олдинги қаторда биз ҳам шаҳарга кирдик.

Шаҳарнинг марказий кўчаси — Красин номли кўчада қаттиқ қўл жанги бошланган эди. Биз шаҳар кўчаларидаги сим ёғочларга осплан совет гражданларини учратдик. Буни кўрган совет жангчилари қаттиқ газабланиб, душман устига шиддат билан ташландилар.

Полковник Собир Раҳимов дивизияси Кубань дарёси бўйлаб ҳужумни давом эттириб, шаҳарнинг вокзал ва пристань томонини фашистлардан озод қилди ва ғарбга қараб тез илгарилаб кетди.

Шаҳар аҳолиси севимли совет армияси жангчиларини қувонч билан кутиб олмақда эди. Шаҳарга дегив бўйи армияси қўмондони генерал-лейтенант Петров, 18-армия қўмондони Рижов, сисий бўлим бошлиғи полковник Брежнев, дивизияларнинг командирлари — Собир Раҳимов, Богданович ва бошқалар кириб келдилар. Шаҳар ва ўлка партия ташкилотларининг раҳбарлари ҳам ўзлари бошқарган партизан отрядлари билан шаҳарга кириб келдилар. Шаҳар аҳолиси икки томондаги тротуарларда қатор туриб, ўз халоскорларини қувонч билан кутиб олди.

Шу вақт батальон командири майор Кожевников шаҳарнинг ғарбида ўз жангчиларини тўплаб, уларни ғалаба билан табриклади. Шаҳарнинг баланд-паст иморатлари тепасида советларнинг қизил байроғи қилпирамоқда эди.

Ҳам байрам, ҳам мотам...

1943 йил 13 февраль батальон жангчилари саф тортиб, баланд руҳ билан ўзлари озод қилишда қатнашган Краснодар шаҳрининг кенг кўчаларидан мардона қадам ташлаб ўтардилар. Уларни шаҳарликлар ҳурмат билан олқишлар, қийқиритиб, чапақлар чалишиб хурсанд бўлишарди. Шаҳар кўчалари байрам тусини олган, озод этилган халойиқ гуруҳ-гуруҳ бўлиб гармонь, гитара чалиб, ашула айтишарди.

Батальон командири майор Кожевников шаҳардаги маҳкама биноларини, базаларни, темир йўл станциясини бир сидра кўздан кечириб, инженерлик разведкадан ўтказилиши кераклигини айтди. Чунки,— деб тушунтирди у,— душман чекинган вақтда оммавий биноларга ва темир йўлга портловчи миналар ва фугаслар кўмиб кетиши аҳти-молдан холи эмас.

Жангчиларни бир печа группаларга бўлиб, участкалардаги кварталларга юборилди. Меяга темир йўл станциясини ва атрофдаги кўчалар, базалар ҳамда йўлда қолдириб кетилган эшелонларни разведка қилиб, портловчи дорилар қўйилган бўлса зарарсиз ҳолга келтириш топширилди.

Вокзал майдонига келиб темир йўл томонга қарасак, ҳамма йўлларда зич-зич эшелонлар турибди. Албатта, биринчи навбатда вагонларни ва темир йўлни кўздан кечириб керак! Бу вазифани бажаришга жапгчиларимиздан Рўзиматов, Влиштейн, Петренко, Артёмларни ажратдим. Иккинчи группага Рўзиевни бошлиқ қилиб, атрофдаги базаларни кўришга юбордим. Ўзим ҳам бир группа жангчилар билан вокзал биноларини кўздан кечириб бопладим.

Станцияга борган Рўзиматов самолёт бомбаси ва снарядлари ортилган бир печа вагонли эшелон турганлиги ва

у хавфли экани ҳақида мепга хабар берди. Дарҳол текшириб кўрдик, ҳақиқатан ҳам бир вагонда авиабомба яшиқлари орасида ўн яшиқ портловчи дорилар борлиги аниқланди. Уларни бир-бир кўздан кечириб, ичидан будильник соатига ўхшаган механизмлар топдик. Ингичка симлар учи кичкина батареяга ва портловчи яшиқка уланганини билиб, дарров аппаратни очиб уни ажратиб олдик. Бу вагонлар ўқ-дори билан бир йўла портлашга тайёрлаб қетилганига ишондик. Яна ҳар бир вагонни синчковлик билан кўздан кечириб чиқдик.

Олиб борилган иш ҳақида кечқурун командирга рапорт бердик. У:

— Ўилаб ашелонни ва темир йўлни зарарсиз ҳолга келтирибсизлар, балли! Жанговар вазифани яхши бажарганларингиз учун раҳмат айтаман,— деди.

14 февраль куни ишпи давом этказмоқда эдик. Краснодар ўлкасида қувончли хабар тарқалди. Шу куни Совет Армиясининг жанубий фронтдаги қўшинлари Кавказ дарвозаси деб аталган Ростов шаҳрини озод қилиптилар. Дон дарёсидан кечиб ўтиб, душманинг чекиниш йўли кесиб қўйилган, Ростов шаҳарининг ғарб томонидан ҳужум қилиб, уни озод қилишда ўз ҳиссаларини қўшган кубанлик отлич аскарлар қаҳрамонликларини эниётган Краснодар аҳолиси беҳад қувонди.

Ўрта бўйли оқ соқол бир одам вокзал майдонида мени учратиб: «Ўртоқ командир, қувонч устига қувонч! Байрам устига байрам!»— деб қолди.— Икки кун илгари кубанлик казакларнинг пойтахти Краснодар озод қилинди, бугун эса, доғлик казакларнинг пойтахти Ростов шаҳри озод қилингани биз учун зўр қувонч!

Вокзал яқинидаги уйларни бир-бир кўздан кечирай деб муюлишидаги бир ҳовлига кирсам, бу жойга ёшлар тўпланишиб, баэм қилишаётган экавлар. Улар мени даврага олишди, қувончли байрамни биргаликда ўтказдик. Бу уйдан чиқиб, бошқа бир уйга кирдим, уй ўртасида икки тобут, одамлар тобутлар атрофида тик туриб кўз ёши тўкиб, мотам қилмоқдалар. Мен ҳам беихтиёр бошимдан шапкамин олиб, қаторда турдим. Бир кекса аёл ёшимга келиб: «Бу гуноҳсизларнинг биттаси келиним бўлади» деди. Уларни партизан деб ўлдириб, танкака қарши қазилган жарга элтиб ташлаганлар. Бу иккаласигина эмас,— деди аёл яна кўз ёши тўкиб,— шаҳарнинг ўн мингдан кўп гуноҳсиз кишилари жарда ётипти. Шаҳарликлар икки

кундан бери янги-янги дарак тошиб келишяпти, минг-минглаб ўликлар ичидан ўз қавму-қариндошларини, фарзандларини излашяпти. Ҳа, болам, шундай бугун шаҳримизда ҳам шодлик, ҳам мотам.

Чиндан ҳам, бугун Краснодарнинг бир уйида байрам, бир уйида мотам! Буни кўчаларни айланиб ўз кўзим билан кўрдим.

Чаённинг касби ниш уриш

Озод қилинган Кубань еридан ҳужум олиб бораётган армиямиз кетидап изма-из ғарб томон борамиз. Кубанликлар Совет Армиясини зўр қувонч билан кутиб олишяпти.

Босиб ўтаётган йўлларимизда минг-минглаб краснодарликларни иш устида кўрдик, улар армиямиз тезроқ олға борсин, деб кўприк ва йўлларни тузатишга астойдил ёрдам бермоқдалар.

Немис-фашистлар чекинаётган вақтдан фойдаланиб, Совет Армияси томонга ўтиб олган сон-сановсиз словаклар группа-группа бўлиб, шаҳар аҳолиси билан бирга ишламоқда. Бу словаклар асирга тушган солдатларга ўхшаб ҳарбий назоратчи қўл остида эмас, балки совет граждандлари қаторида эркин меҳнат қилишяпти. Бу ҳол бизни ажаблантирарди — таажуб...

Бизлар ҳам кубанликлар кўмагида бир неча кун фронт йўлини тузатиб, армиянинг олдинги линиясига етиб келдик.

Осмонда булут пайдо бўлиб, кечаси билан тўхтамай қор ёғмоқда эди.

Батальон жангчилари фронт орқасида йўл ишларида қатнашмоқда эдилар. Жангчилардан бири мени батальон штабига чақираётганлари ҳақида хабар берди. Мен жангчи Рўзиевни олиб, фронт чегарасидаги қишлоққа келиб, батальон командири, майор Кожевников билан учрашдим.

— Ҳозир, 40-моторланган ўқчи бригада разведкачилари билан биргаликда разведкага борасан! Уларга олдиндаги каналдан йўл очиб берасан,— деди командир.

— Жангчиларимизнинг ҳаммаси йўлда ишламоқда, биз фақат иккаламиз келдик,— дедим мен.

— Иккалангиз ҳам вазифани бемалол бажара оласиз,— деди у.

Кубань дарёсининг ўнг соҳилидаги кичкина бир қишлоққа — бригада штабига келдик. Штабга командирлар тўпланиб, маслаҳатлашаётган эканлар.

Бригада командирининг олдида Славянский станциясидан келган 14 яшар бир бола ўтирипти. Уни командир сўроқ қилганда, у йўлда душмани учратмадим, Славянский атрофида канал бўйида ҳам душман солдатлари камданкам, онда-сонда кўринади, деб хабар берипти.

— Ростдан ҳам душман озчиликми-кўпчиликми, бир группа разведкачилар юбориб, синаб кўрайликчи,— деди командир.

Вазифа олган командир шу заҳотиёқ бир группа жапгичини тўшлаб, разведкага тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ берди.

Мен унга йўл очишга келганимни айтдим. Кечаси эрт бирларда разведкачилар канал бўйлаб шимолга қараб йўл олдилар.

Бораётган йўлимиз текис, шопиоя экан. Дарёда сув тугаб, устини юпқа муз қоплаган. Муз устига бир сидра қор ёғиб ўтибди, оёғимиз таги ғарчеллаб пинҳоний юришга халал берарди.

Қишлоқнинг шимол томонига қараб икки чақиримча юриб бориб тўхтадик. Икки юз метрларча нарида ўрмон, олдимиз кафтдек текислик, атроф оппоқ қор..

Кубань дарёсидан шу ергача чўзилиб келган канал суви ҳам музлаган. Шу жойда яккачўп — «кўприк» бор экан. Қишлоқ аҳолиси шу яккачўпдан ўтиб, Славянскийга қатнар, ҳалиги 14 яшар бола ҳам шундан ўтган бўлса керак-да, деб тахмин қилдик.

Тўрт атрофга بازار солиб, қулоқ солсам — бус-бутун жимжитлик — на пулемёт ва на автомат овози эшитиладди,

Узоқ-узоқлардан яккам-дуккам ракеталар ҳавога отилиб, ялтираб ўчмоқда.

Разведка бошлиғи мен билан Рўзиевни чақириб: «бир взвод билан дозор бўлиб олға борасизлар! Сизлар душман позициясидан йўл очаётган вақтингизда булар атрофни қузатиб-ҳимоя қилиб туради» деди. Билишимча, ҳойнаҳой қолганларини ҳам уч группага бўлиб, орқа-олдинга жўнатди. Қорни аста ғичирлатиб қадам ташлаб, олға боравердик. Билмадим, душман бу ерлардан қочиб кетганими, ҳар қалай, ҳаммаёқ жимжит!

Чаённинг касби пиш уриш, деб беҳуда айтилмаган экан. Биз яқинлашгач, кавал орқасидан ёғду берувчи раке-

талар отилди. Душман кўрмасин деб, писиб ерга қапишдик. Тинчланиш — қаёқда дейсиз! Пулемётлар ва юзлаб автоматлардан устимизга ўқ ёғилди. Тинмай учаётган ракеталар қоронғи кечани чароғон қиларди: чивин учгани ҳам аниқ кўринади.

Душманнинг айёрлик билан тайёрлаган пистирмасига дуч келганимизни пайқадик. Энди устимизга уч томондан ўқ ёғилмоқда эди.

Олдинга ҳам, орқага ҳам, ёнга ҳам силжишнинг иложи йўқ. Фақат, олға, охириги нафасгача жанг қилишга тўғри келди.

Командир ўрнидан туриб: «Олға! Совет Ватани учун олға!» деб қичқирди. Унинг орқасидан жапгчилар ҳам атакага кўтарилдилар. Аммо душман олға боришимизга қўймади. Бир печа минутда сафимизни сийраклаб қўйди. «Олға!» деган овоз ҳам эшитилмай қолди.

Рўзиев оёғидан ярадор бўлди. Мен унга тезроқ орқага чекич, разведкамиз бахтсизликка учради, дедим. Унинг гранаталарини олиб қолдим. Шу топда ҳаммадан олдинда бораётганим асқотди. Каналнинг баланд қирғоғидан учиб келаётган душман ўқи устимдап ўтаётган бўлса-да, менга тегмасди. Эмаклаб капал яқинига ўзимни олдим.

Кўнглимда ҳалиги бола сотқин экан, немис-фашистлар тайёрлаб юборган экан уни, деган шубҳа туғилди. Аммо у беланинг қаердалигини биллолмай газабланмоқда эдим.

Агарда бола сотқин бўлмаса, душман ҳеч қачон шу кичкинагина участкага бунча кўп пулемётни йиғмаган бўлар эди. Разведканинг бахтсизликка учраганига бригада командирининг хатоси ҳам сабаб бўлди, дердим ўзимча.

Разведкачилар бирини бири ҳимоя қила бошлади. Муз устида қўйдек юмалаб ётганларни ракетанинг ёруғида кўриб турибман. Жанг майдонида яқка қолдим. Жон талашиб инграб ётган жапгчиларнинг ҳолига ачинасан, киши.

Бригада артиллерияси негадир «чурқ» этмай турибди. Унинг душман устига бирорта ўт очмаётганидап артиллерия ҳали фронтга келиб етмаган, деб тахмин қилардим.

Муз устида қонга беланиб ётган дўстларимга қарата немис-фашистлар ҳали ҳам ўт очиб туришибди. Астасекки душман пулемёт нуқтасига яқинлашдим. Шу вақт душманнинг узоққа отар замбараклари ўт очди, снарядлар жанг майдонида аллақачон совиб қолган жасадлар устига тушмоқда эди.

Душман снарядининг портлаш товушидан фойдаланиб олдиндаги пулемёт нуқтаси устига бир граната иргитдим ва ўнг қўлга қараб эмаклаб бориб, ўзимни четга олдим.

Душман пулемётининг овози ўчди. Ярадор бўлган фашистлар инграб қолди. Аста-секин эмаклаб иккинчи пулемёт тўғрисига бордим. Унга ҳам бир граната иргитдим, пулемёт бир неча минут жимиб, кейин яна сайрай бошлади. Узоққа отибман шекилли. Иккинчи гранатани улоқтирдим, учинчи пулемётга яқинлашиб, унга ҳам уста-уст икки граната отдим.

Гранатам тамом бўлди. Автоматдан ўт очсам, душман пулемётлари ва автоматининг ҳамма ўти менга қаратилади. Ўн жонимдан бир жоним ҳам соғ қолмайди. Буни мен яхши тушунаман, албатта. Дўстларимнинг гранаталарини олиб душман пулемётларини аста-секин йўқотишга қарор қилдим. Эмаклаб улар қаторига келиб, бирма-бир гранаталарни ола бошладим.

Душман замбараги узоқдан ўт очди. Ерга қапишиб ётганимда устимдан снаряд ошиб ўтиб бир неча метр наридаги муз устига тушди, сув ичида портлаб, лой-балчиқ, муз парчалари осмонга отилди, бир бўлак муз келиб ўнг қўлимга тегди. Назаримда ўнг қўлим жонсиз бўлиб қолгандек эди. Чан қўлим билан граната отишга одатланмаган эканман, отган гранатам мўлжалга етиб бормаслигини билиб, орқа томонга эмаклаб чиқа бошладим.

Топг ота бошлади. Фашистлар каналдан ўтиб, муз устида ётган дўстларимга яна ҳамла қилдилар. Ярадор жангчиларнинг кўксига найза уриб, автоматдан ўт очиб, қийнаб ўлдира бошладилар. Мен бу воқеани ўз кўзим билан кўриб, чор-ночор эмаклаб-судралиб бориб иккита ўликнинг тагига кирдим, қимир этмай нафас олмай ётавердим. Лекин жоним ҳалқумимда — ана-мана, менг ҳам топади, дердим.

Шу вақт ўнг ва чан томондан совет жангчиларининг «ура» овози эшитилди. Немислар ола-сарақ бўлиб қолдилар — нарп-бери чекинишга тушдилар.

Канал бўйидаги душман солдатлари ҳам орқага қоча бошладилар, уларнинг энди мен билан ҳам иши бўлмай қолди. Ҳар қайсиен ўз жонини қутқазмоқчи эди. Аммо кўплари қочолмай қолди. Совет жангчилари тезлик билан душман устига ташиланиб, ўраб олди.

Аста ўрнимдан турдим-да, канал тепасига чиқиб атрофга қарадим, пулемётлар турган нуқталарда қанор-

қанор гильза ётганини кўрдим. Ҳаракатим зое кетмаганидан мамнун бўлдим. Каналдан ўтиб бориб, жанг майдонига кирдим.

Батальон жангчиларини кўриб беҳад қувондим. Мана, яна дўстларим сафидаман. Айтишларига кўра, энди бизникилар немисларнинг «Голубой» номли позициясигача етиб келиб, Молдаванский қишлоғи учун жанг олиб бораётган эканлар. Бу жойда яна бир неча кун турадиганга ўхшаймиз.

Ўзбек генерали билан хайрлашув

1943 йил март. Краснодар шаҳрининг ғарбида душманнинг «Голубой» позицияси ўширилгандан кейин 18-армия бир оз «дам» олди. Шу оз муҳлатда фойдаланиб, ўз сафни кубанликлар ҳисобига тўлдирди, янги қурол-аслаҳа билан қуроллашиб ёзги катта жангларга тайёргарлик кўра бошлади.

Ҳамма фронтларда ҳаракат — қандайдир янги позиция эгаллаш, ҳарбий манёврлар бўлаётганга ўхшарди. Ўш қўмондонлигининг резерв армияси ҳисобланган 46-армия қисмлари ҳам ўрнидан қўзғалибди, белгиланган томонга ҳужум билан йўл олди.

— Биз хизмат қилаётган инженерлик батальони ҳам энди 46-армия составига ўтказилибди, эшелон билан тайинланган жойга жўнаб кетдик.

Краснодар ўлкасида баҳор, мева дарахтлари чамандай гуллаб бошлади, кенг далаларда дон сешилмоқда, барвақт экилган буғдойлар упиб чиқай деб турибди.

Ҳарбий эшелон Краснодар вокзалида тўхтаганида вокзал майдонига чиқдим, перронда тапиш қўмондонларни кўриб қолдим. Ёиларидан ҳаёт бериб ўтганимда баъзиларини таниб қолдим: бири генерал-полковник Петров, иккинчиси 18-армия сиёсий бўлимининг бошлиғи генерал-майор Брежнев, учинчиси 395-дивизия командири генерал-майор Собир Раҳимов экан. Улар бир жойга тўплашиб, ўзаро суҳбатлашиб турган экалар. Чамамда уларнинг ҳарбий унвонлари ҳам ошган кўринади, шу топда бировнинг «ўртоқ старший сержант» деган товуши эшитилди, товуш келган томонга ўгирилиб қарасам, ўзимизнинг Собир ака менга қараб келяпти. Қувонч билан шахдам қадам ташлаб рўпарасига бориб, ҳаёт бериб тўхтадим. У менга яқинроқ келиб:

— Салом, Аъзам, сенмисан? Соғ-саломатмисан? — сўрашди қўлимни қисиб ва кейин — қаёққа кетяписизлар? — деб сўради.

— Билмадим, бошқа армия составида номаълум томонга боряпмиз, — дедим.

— Мен ҳам дивизияни топшираман, ҳарбий академияга ўқишга боряпман, — деди у.

— Генераллик унвони муборак бўлсин, — дедим ўзимни унинг эски қадрдонларидек ҳис қилиб.

Собир ака камтариплик билан бошини қимирлатди. Мен буни «рахмат — қуллуқ» деб тушундим. Яна ҳолаҳвол сўрашдик. Сўнг мен:

— Дивизиянгиз қаерга жойлашди? — деб қизиқсиниб сўрадим.

— Ҳув, анови Абшерон атрофида, — деди генерал қўли билан Катта Кавказ тоғи томонни кўрсатиб, — мен ўзим Абшеронда турибман. Рухсат олиб бир кел. Палов қиламиз.

— Абшероннинг турклар маҳалласида танишларим бор, албатта бораман.

Мен 18-армиянинг Краснодар ўлкасида жойлашганини эшитган эдим, қаерда эканини аниқ билмас эдим. Генералнинг сўзидан армия тоғ этагида, қалин ўрмонлар орасида жойлашганини билиб олдим.

Албатта, тоғ, қалин ўрмонзорлар армияни саришта қилади. Душмanning ҳаво ҳужумида хавфсизрамай, бемалол ертўлалар қуриб, баҳузур роҳат қилиб, дам олиб, жанговар машқлар ўтказиб турадилар. Бизнинг командир ҳам ҳамisha ана шундай жойларда жангчиларга «дам» беради.

— Яхши жойда экаписизлар, — дедим.

Генерал мевга:

— Марказий фронтлардан бирига боряписиз экан. Энди, дарвозабон, фронт линиясидан дарвозани катта очиб берасан-да! Армиямпз ўтиб, Берлингача боради! — деди ҳазиллашиб-кулиб.

Мен бу ҳазил-мутойиба гапдан завқланиб:

— Албатта, шундай қиламан, ўртоқ генерал, — дедим.

Иккаламиз қўл қисиниб, хайрлашдик. Генерал яна «Хайр, қора йнгит, кўришгунча соғ бўл!» деб қўйди орқамдан.

Мен эшелонга чиқиб, жўнаб кетдим.

Яна бағрингга қайтиб келдик, қадрдон Дон!

Харбий эшелон душмандан озод қилинган Краснодар ўлкасининг бепойб текислик, ҳосилдор далаларидан ўтиб, Ростов томон бормоқда эди. Кечагина ҳайт-мамот олишувлари бўлган жанг майдонларини кўриб боряпмиз.

Душман биринчи танкчи армиясининг пачоқланган юзлаб танклари жанг майдонларида, станция атрофларида ҳали ҳам ётибди. Тихорецк узаловой станциясида ўтган йили Собир Раҳимов дивизияси тор-мор этган немис танкчи қисмининг бузуқ машиналари, темир-терсақлар...

Эшелон икки марта ҳам қайгуни, ҳам шодликни кўрган Ростов шаҳрига яқинлашмоқда эди. Бу шаҳар бизга қадрдон — таниш! Узоқдан кўриниб турган Дон дарёси бўйидаги «Ростов сельмаш» заводи трубаларидан чиқаётган қора тутун ҳаммадан ҳам бизни кўпроқ қулоптирарди. Душман талаб-юлқинган завод бугун яна туркираб ишлаб турса, қувонмай бўладими?

Дон дарёсининг машина ўтадиган кўприги, темир йўл кўпригини кўрганимда ўтган йилнинг 24 июль — мотам кунлари ёдимга тушди. Кўприк атрофидаги окопларда тумшугини осмонга қаратиб турган зенит замбараклар ҳали ҳам душман самолётларидан кўприкни мудофаа қилиб туришлари фронт линиясининг яқинлигидан далолат бермоқда эди.

Кўприкдап ўтаётиб бир йил бурун — июль кунлари минглаб пулемёт ва замбараклар душман самолётларига қарши ўт очиб турганлиги, сув ичидаги ҳарбий пароходлар зенит тўпларидап кўприкни мудофаа этишда ёрдам қилганлари, Ростов шаҳри минглаб бомбалар остида вайрон бўлиб, ўт-аланга ичида қолгани кўз олдимда кинолентасидек лип-лип ўтиб турарди.

Ҳаёлимни йиғиб дарёга қарасам, ҳали ҳам ўша ҳарбий пароходларнинг бир қисми кўприк мудофаасида туришти.

Поезд темир йўлдан ўтганда Артём кўприк яқинидаги бир уйни қўли билан менга кўрсатиб: «Анави уйдан бир қиз бизларга балиқ ташлагани ёдингиздами, меҳмон бўлишга таклиф қилган эди. Ўша қиз яна балконда турийтимикан-а!» деди.

Харбий эшелон Ростов вокзалида тўхтаганда перронга чиқиб қарасам, жанг вақтида вокзал биносининг устки қавати бомбадан ўпиррилиб тушибди, ёниб, деворлари қорайиб кетибди. Асли ҳолига асти ўхшамайди. Жуда ачиндим.

Ростовдан ўтиб, Каменск-Шахтинский шаҳрига яқинлашяпмиз.

Бу жағжжи тарихий шаҳарда жанубий фронт штаби ва жануби-ғарбий томон фронт қўмондовининг штаби жойлашган, Ростов шаҳри олдида берилган қарши ҳужум режаси шу шаҳарда тузилган эди. Буни батальон командиримиздан сўраб билиб олдим.

Шаҳар атрофида ўзимиз қурган ДОТ-ДЗОТ ҳамда танкка қарши хандақларимизнинг бир қисми ҳали ҳам бузилмапти.

Батальон командири майор Кожевников менга икки жапғчи билан паровозга навбатчилик қилишни буюрди.

— Сен бу вазифа билан танишсан, фронт ёқалаб бормоқдамиз, душман авиациясининг активлиги зўр, самолёт товуши эшитилганда эшелонни огоҳлантирасан.

Унинг буйруғини бажариш учун машинист ёнга чиқиб, ҳавода хабардор бўлиб борардик. Бирдан душман самолётларининг овози эшитилиб қолди. Олдинда темир йўл станцияси кўрлиниб турибди. Мен машинастга поездни тўхтатишни буюрдим, у паровозни аста секинлатиб бориб семафор яқинида тўхтатди. Жангчиларимиз вагонлардан тушиб, атрофдаги пастқам жойларга яшириндилар.

Душманнынгни оғир бомбардимончи самолётлари устимиздан учиб ўтиб, пастликдаги темир йўл станциясини бомбардимон қила бошлади. Аксига юриб, темир йўл станциясини мудофаа қилиш учун бирорта ҳам зенит замбарак қўйилмаган экан. Душман вокзал устида айланиб эшелонларни бемалол бомбардимон қилмоқда эди.

Батальон командири эшелонни тўхтатганим учун менадан минаддор бўлди. Командир душман бунча кўп самолётни кичкина темир йўл станциясига бекорга юбормагандир, унинг айғоқчиси ҳарбий аҳамиятга эга бўлган катта ҳарбий эшелон келганини хабар қилган бўлса ажаб эмас, деб бир группа жангчини олиб, ўша портлаб ёниб ётган «Глубокая» станция томонга шошилинич равишда жўнаб кетди.

Иккипчи семафор очилиб, станциядан жангчиларни олиб ўтганимизда ҳақиқатан ҳарбий эшелоннинг яқсон қилинганлигини ва жангчиларимиз ёнгини ўчиришда катта ёрдам қилганликларини билдим.

Бизнинг эшелон Шимолий Дон дарёсининг ўнг соҳилидаги Миллерово шаҳрига етиб келди, поезддан тушиб, шаҳар яқинидаги бир қишлоққа жойлашдик.

Яна жанговар машқлар бошланиб кетди. Мана, яна бағринга қайтиб келдик, қадрдон Дон!

Ҳужум машқида

1943 йилнинг ёз ойларида батальонимиз резерв фронт ихтиёрида иш олиб борди. Биринчи жанговар топишириқни қўмондон генерал-полковник Коневнинг ўзи берди. Биз шу атроподаги бир тепаликда душман армиясининг позициясига ўхшаш позиция тузишга киришдик. Бир ҳафта тинмай ишлаб позиция учун мустаҳкам иншоотлар қурдик. Бу иншоотлар қаршисидаги тепаликда эса ўз армиямизнинг биринчи позициясига жой қилдик.

Шу кечаю-кундузда генерал-полковник Конев қишлоқдаги уйлардан бирида яшарди.

Кунлардан бир кун қишлоқ атроподаги армиямиз позициясини янги ҳарбий техника билан қуролланган дивизия эгаллади. Олдиндаги «душман» позициясини эса бошқа бир ҳарбий қисм эгаллади.

Генерал-полковник Конев бир қанча генераллар билан команда пунктида туриб, янги дивизиянинг душман билан жанг олиб боришини машқ қилмоқда эди.

Команда пунктдан ҳавога қизил ракета отилганда совет замбараклари ўт очди. «Душман» позициясида снарядлар, бизлар кўмиб қўйган дорилар портламоқда эди. Шу пайт ҳавода бир группа штурмчи самолётларимиз пайдо бўлиб, «душман» позициясини бомбардимон қила бошладилар.

Танкларимиз, пнедаларимиз артиллерия ўтига яқинлашиб бсрмоқда эдилар. Команда пунктдан кетма-кет икки оқ ракета отилганда жангчиларимиз «урра!», «урра!» деб қичқиришиб, тепаликдаги «душман» устига ташландилар.

Тепаликда қаттиқ жанг бошланди. «Душман» тор-мор қилниб, тепалик қўлга киритилди, энди «душман»нинг иккигачи ва учинчи позицияларида жанг бошланди. Бу

машқ қоидаларида кўрсатилганидек маълум командага асосан олиб бориларди. «Душман» энди ўзининг танкчи ва моторлашган кучини ишга солди. Ҳаводан эса самолётлари ҳамла қилиб, ердаги қўшинларига ёрдам берди. Бунда машқ раҳбарлари қарши атакага ўтган «душман» армиясига қарши қандай жанг олиб бориш тактикасини синаб кўрмоқчи ва қисм командирларига сабоқ бермоқчи эдилар. Айтишларича, бу машқлар қўмондонларни келажак ёзги катта жангларга тайёрлашни тақозо этарди.

Тепаликда резервда турган дивизиялар ҳар бири ҳужум қилиб, жапғларда қатнашиб, ўа ҳарбий салоҳиятини синаб кўрди. Машқ ўтказиш билан бир қаторда дивизиялар шимолий Донец дарёсидан ҳам ўтиб, душман томонда плацдарм ишғол қилмоқда эдилар.

Дивизия жангчилари сафида ўзбек, қозоқ, тожик, туркман ва бошқа қардош халқнинг ўғлонлари ҳам кўп эди. Улар ҳарбий ишни завқ билан астойдил ўрганмоқда эдилар.

Ҳазирама ёз кезлари Шимолий Донец дарёсининг ўрта оқимида бир неча кун турган резерв фронт армиясининг жангчилари ва командирлари душман устига ҳужум қилиб бориш, унинг қарши атакага ўтган танкчи ва моторлашган қисмларига қарши жанг олиб боришни катта машқларда, амалда ўргандилар. Бу армия группаси Олий бош қўмондонлик ихтиёрида турди.

Ҳаммамиз ҳам кўтаринки руҳ билан олға боришга, душманни эртaroқ тор-мор қилиб, Ватанимизни озод қилишга зўр бериб тайёргарлик кўрардик.

Дўстларимдан ажралгим келмайди

Батальон командири майор Кожевников билан майор Васильев мени ноҳосдан чақириб, резерв фронт қўмондонининг буйруғи билан таништирдилар. Буйруқда резерв фронт армиялари сафида хизмат қилаётган қардош республикалардан олинган барча кичик, ўрта ва катта командир ҳамда сиёсий ходимлар миллий қисмига юбориш таклифи этилган экан.

Мен буйруқни ўқиб кўриб, нима дейишимни билмай ҳайрон бўлдим. Икки йилдан кўпроқ шу батальонда хизмат қилдим, унинг сафида жанговар вазифаларни бажардим, командирлар ва жангчилар ўртасида бир нав обрўга эга бўлдим, қолаверса фронт илғорларидан бири сифатида танилиб қолгандим. Ниҳоят... батальонда қолдиришларини илтимос қилдим.

Командирнинг фикрича мени бошқа қисмга юбориш ниятлари йўқ экану, бироқ буйруқ қатъий, бажариш шарт экан. «Қўмондонининг буйруғини бажармасликка ҳақимиз йўқ!» деди командир.

Комиссар Васильев менга тикилиб турди-да:

— Кеча армия сиёсий бўлимидан топшириқ бердилар. Ўзбекистондан кўп янги йигитлар келибди. Улар ҳарбий машғулотни ўрганишга қийналишаётган эканлар. Кўпчилиги рус тилини яхши билмас экан. Шунинг учун ҳам сени юборяпмиз. У қисмда кўпроқ фойдали ҳисса қўшасан, бунга биз аминмиз,— деди.

Устимдан совуқ сув қуюлгандек бўлди, юрагим ачишиб, ўзимни аллақандай ҳис эта бошладим. Хўрлигим келди.

Менинг мақсадим шу батальон билан Берлингача бориш эди. Ҳали ҳам дўстларим ичида қолдиришларининг илтимос қиламан,— дедим.— Овозим ўзгариб кетганини, командирга ёш боладай ялинаётганимни фаҳмлардим.

— Иложимиз йўқ, ўйлаб кўрчи, қўмондоннинг буйруғини бажармасликда бизни айбласалар майлими? — сўраб қолди командир бирда.

Командир ҳақ. Фронтида, уруш вақтида бошлиқнинг буйруғини бажармаслик жиноят-ку!

Шундай бўлса-да, батальондан умид узгим қелмай:

— Майли борамаң, аммо битта илтимосим бор: мени генерал Собир Раҳимов таклиф қилиб кетган эди. Рухсат берсангиз бориб келсам-да, кейин юборган қисмга қараб йўл олсам.

Қўққисдан айтган гапимни эшитган командирлар бир-бирларига қараб қолишди. Комиссар жонимга оро кирди:

— Отпуска сўрашга ҳаққи бор, жавоб беринг.

— Қаерга бормоқчисан, у ҳозир қаерда? — сўради командир.

— Абшеронда деб эшитгандим.

Командир картани ёзиб кўздан кечирди.

— Пётр Семёнович, қарап-чи, неча кунга жавоб берсак экан?

Майор Васильев карта устида қалам юргизиб, йўлни чамалаб ҳисоблаб кўрди.

— Бир ҳафта берсангиз, бир-икки кун Собир Умаровичда меҳмон бўлади-да.

— Бор, старшинага айт, бир ҳафталик паёк берсин, — деди Кожевников.

Қувончим ичимга сиғмасди. «Есть», деб ташқарига чиқдим.

Тегшли ҳужжат, темир йўл билети учун қоғоз олиб станцияга югурдим. Ростов поезидига тушдим.

У ерда Нефтегорскийга борадиган поезд тайёр экан. Қолган йўлни йўловчи машиналарда босиб ўтдим. Ҳаммаёқда баҳор, атроф кўм-кўк, боғ-роғларда хилма-хил гуллар очилган. Баҳри-дилим очилди.

Ана мен портлатишим керак бўлган кўприк. У илгари қандай бўлса, ўшандай турипти. Кўприк устида икки киши: бири — қўлтиқ таёқли эски гимнастёрка кийган йигит, иккинчиси — аёл. Йигит аёлга нималар дер, аёл қўлини силтаб унинг сўзини рад этипти — ўжарлик қилпти.

Қопчим елкамда, аста юриб, уларга яқинлашдим. Аёл ялт этиб менга қаради, тикилиб турди-да, бирдан айқонанос солиб устимга ташланди..

Ким бўлди бу. Нега менга ташланади? Мен бир ёғи жаҳл, бир ёғи таажжуб билан юзига қарадим. Қайси кўз билан кўрайки, қаршимда ўша турклар маҳалласидаги уй бекаси — уч қизнинг онаси турибди. Важоҳатидап кўрқиб кетдим: ўзи ўша-ю, кўзи бошқа эди. Наҳотки икки-уч ой ичида одам шунчалик ўзгариб кетса?!

Йигит аёлни мендан ажратиб олишга уринади. Кампир елкамдан маҳкам ушлаб қучоқлаганича ҳўнграб-ҳўнграб ўпкасини тутолмай йиғлайди.

— Қўяверинг, — дедим йигитга, — биз танышмиз, майли тўйгунча йиглаб олсин. Сиз кими бўласиз?

— Уғлиман. Отим Зикр. Бадбахт ўғлиман. Госпиталда оёқни кестириб келсам, бу ерда онам телба бўлиб қолипти... Хонавайрон бўлибмиз.

Кампир бошини кўтариб, менга тикилди. Қани кўздаги ёши? Киприклари қуруқ эди. Шап этиб ўпди менн. Сўнгра қаҳ-қаҳ уриб, уйи томонга қараб қичқирди:

— Меҳрибон, келди, солдатинг келди. Келинглар Супбул, Закия, Меҳрибон!

— Қани, юринг онахон, ўзимиз борақолайлик, — дедим қўлтнғидан ушлаб.

Аёл индамай йўлга тушди. Солдат бир оёқ билан хак-каклаб ёнимизда келарди. Кўча бошидаги икки уйдан ўтдик. Кампирнинг уйи қани?

— Ана шу култеша бизнинг уйимиз эди, — деди Зикр, — немислар ўт қўйиб кетшипти. Юраверинг, ертўла қазиганман.

Кампир қўлимдан чиқиб култешага ўтди, қўллари билан кулларни совуриб, устидан қуяр, ерга ётиб у ёқдан-бу ёққа юмаларди.

Зикр кўзига жикқа ёш олди:

— Ҳар куни аҳвол шу! Ўқ тегиб ўлиб кетсам яхшироқ бўларди. Жоним қийналиб кетди. Юрип ертўлага.

— Мен бу ерда бировга учрашмоқчиман. Эртага келаман, — дедим.

— Ихтиёр... овқат пишириб қўйганман. Онамиз туз татимайди... Юринг, гаплашиб ўтирайлик, юракларим қон бўлиб кетган, — деди йигит.

— Албатта келаман.

— Ҳа, келинг, албатта келинг.

Қизлар қаерда қолишди? Нега бирортаси кўринмади? Мен бу тўғрида Зикрдан сўрашга иймандим. Кампир уларни чақирди, аммо бирортасининг ҳам қораси кўринмади.

Шаҳарга чиқиб, комендатурани топишим керак эди. Йўлда бир уйнинг зинапоясига навбатчи солдатга дуч келдим. Комендатуранинг адресини билиб олдим.

— Менинг аслида комендатурада ишим йўқ, менга генерал Собир Раҳимов керак.

— Ким, ким керак?— солдат мени бошдан-оёқ кўздап кечирди, сўнг бундай деди:

— Сиз шу ерда тура тулинг. Мен билиб чиқай, балки сиз айтган генерални танийдиган кишилар бордир.

Солдат тез қайтиб чиқди. Унинг орқасида, белги тақилмаган гимнастёрка кийиб Собир ака кулимсираб турарди.

— Қайнаванг яхши кўрар экан, қора йигит, паловнинг устидан чиқдинг,— деди генерал бир қадам олға босиб.

— Ассаломалайкум, адравия желяю товариш генерал,— бирданга якки тилда салом айтиб честь бердим.

— Киравер, киравер!— солдатга қараб, қўйвор деб ишора қилди Собир ака ва менинг қўлимдан ушлаб знапояга тортди.

Коридорда ҳам қўлимни қўйиб юбормай ҳовлига бошлаб гапирарди:

— Жавоб беришинг-да, Раҳимовнинг олдига бораман дедингми? Командирларинг ишчан одамлар, биламан.

— Мен сизга арз қилиб келдим,— вақтни ганимат билиб гап бошладим мен,— мени бошқа частга юборишмоқчи.

— Нима учун?

— Миллий қисмларга юбориш тўғрисида буйруқ келибди.

— Э, бу гапми? Кел, ошни дамлайлик, кейин сўзлашамиз.

Собир аканинг рад этишига қарамай, мен гуручни юниб бердим. Утни баланд ёқиб ошни дамлади.

— Қани, уйга кирайлик, йўлдан келгансан. Иштаҳанг бўғилиб қолгандир.

Мен бу гапни тагидаги маъновни фаҳмлаб илжайдим.

— Юр, юр! Меҳмонга генерал ҳам хизматда бўлади.

Уйга кирсак, биров диванда ёнбошлаб ухлаб ётган экан. Подполковник.

— Фронт газетасидан келган,— деди Собир ака ётган кишини уйғотиб:— Тулинг ош тайёр. Иштаҳани очиб олайлик.

Подполковник кўзини очган эди, салом бердим. Алик олиб, кўрпанига қўл узатди.

— Шумилов.

— Ахтамов,— мен ҳам фамилиямни айтдим.

— Бу менинг меҳмоним,— деди Собир ака.— Газета-боп ишлари кўп. Суҳбатлашасиз.

— Қайси қисмда хизмат қиласиз?— сўради подполковник.

— Сапёрман.

— Ҳамкасб эканмиз,— деди подполковник.— Мен ҳам инженерман. Проект тузувчи инженерман.

Дастурхон устида суҳбатимиз қизиб кетди. Подполковник Шумилов хушфезъл, ҳазилкаш киши экан. Кулганда қаҳқаҳаси уйни жаранглатарди.

— Собир Умарович, тузланган карамингиз йўқми, бунга (у шишани кўрсатди) тузланган карам яхши кетади.

— Генералда ҳамма нарса бор,— деди ўрнидан туриб Собир ака.— Мана, бунақаси ҳам бор,— дея карам устига тузланган бодринглардан қўйди.

— Менинг илтимосим нима бўлди?— сўради подполковник.

— Ошни ейлик, бирга бориб кўрамиз. Жойида ҳал қиламиз.

— Ҳарҳолда ёрдам қилинг. Бир оғиз сўзингизни аяманг,— деди яна Шумилов.

Зўр иштаҳа билан ошни едик. Собир ака ҳақиқатан паловга уста экан. Ёғни ўзига яхши синғдирган гуруч чайнаган сари мазали ва хушхўр туюларди.

Эрталаб Собир ака мени уйғотди.

— Тур, қора йигит, фашистларнинг ваҳшийлигини кўрсатамиз сенга.

Нонуштадан кейин кўчага чиқдик. Шумиловдан бошқа яна икки офицер бизга ҳамроҳ бўлди.

Кутилмаган тасодиғни қараганки, Шумилов бизни тўғри турклар маҳалласига, кампирнинг уйига бошлаб борди.

Бизни Зикр кутиб олди. Бир вақт ертўладан Сунбул билан Закия чиқишди. Улар мени кўриб таажжубланишди. Кўришдик.

— Ўртоқ генерал,— деди Сунбул Собир акани бир четга бошлаб,— мен немис туғмайман. Касалхонага юборинг, аборт қилишсин мени.

— Меҳрибон қаерда?— деб сўрадим оҳишта Закиядан.

— Касалхонада эмиш, биз Сунбул билан бормоқчимиз, сиз ҳам биз билан боринг. Хурсанд бўлади.

Бундай бўлган экан: немислар Абшеронга бостириб

кирган кунлари икки немис солдати товуқхонага ўғирликка киришибди. Буни билиб Меҳрибон қўлига болта олиб кирипти-да, бир солдатни чошиб ташлабди. Иккинчи солдат милтиғи билан Меҳрибонни отибдию, қочибди. Немис комендант ўша кунпёқ Сунбул билан Закияни Краснодарга «офицерлар маишатхонаси»га жўнатибди. Қизлар бугун эрталаб келишган экан. Бир неча ойдан бери қизларига интық кампир уларни кўрибди-да, кейин «тинчиб» ухлаб қолди.

Генерал ва офицерлар Зикр билан нима ҳақдадир суҳбат қилишарди. Мен қизлар билан касалхонага жўнадим. Меҳрибон қизлар билан йиғлаб кўришди. Унинг ҳусни хиралашган, юзи қонсиз, кўзи нурсиз эди.

— Танийсанми, бу солдатни? — сўради Сунбул.

Меҳрибон ётган жойида менга узоқ тикилди. Қулимсиради. Менга қўл чўзди. Бориб юзидан, пешонасидан ўпдим. Кўзларига жиққа ёш тўлди. Опа-сингилларни хола қолдириб, ташқарига чиқдим. Кўп йиғлашипти, кўзлари қизариб чиқди.

— Кириб, сизни сўраяпти, — деди Закия. Уйга кирдим. Меҳрибон қучоқ очди. Ўпишдик. Йиғлашдик.

— Кетиб қолманг, — деди Меҳрибон. — келаси ҳафта мен касалхонадан чиқаман.

Қайтиб келганимизда; кампирнинг ҳовлисида ёғочтаختалар ғарам бўлиб ётипти. Зикр кела солиб қўлимни қисди.

— Раҳмат, генерал бизга уй қуриб берапти. Раҳмат сизга.

Демак, Зикр генералга мени илтимос қилган деб ўйлабди. Майли, шундай деб ўйласин! Гарчи, бу масалада фронт газетасининг мухбири подполковник Шумилов ташаббус кўрсатган бўлса-да, уй эгалари менга миннатдорчилик билдиришди. Мен бошқа бир масалада бу оилага ёрдам қилдим: генерал Собир Раҳимов менинг илтимосимга кўра, кампирни даволатиш, Сунбулнинг гумонасини олдириш учун Краснодарга — госпиталга юборди.

Уй қурилиши бошланди. Мен икки кун ҳашарга қатнашиб, поездга чиқдим. Жўнаш олдидан касалхонага бордим. Меҳрибон ҳовлида экан, қучоғимга отилди.

Аммо муддао ҳал бўлмай қайтдим. Собир ака солдатнинг иши қўмондонликка бўйсуниб деб фронт ҳарбий советига хат ёзиб беришга кўнмади. Аксинча, янги жапчилар ўртасида ишлаш катта шараф, балки селга офицер-

лик уввонили беришар, деб янги қисмга мени қизиқтириб қўйди.

Батальонга қайтганимнинг иккинчи куни тегишли хужжат ва йўлланма олиб, штабдан чиқсам, палатка олдида батальон жангчилари саф тортиб турган экаплар.

Майор Кожевников саф олдига чиқиб жангчиларга бундай деди:

— Батальонимиз ветеранларидан старший сержант Аъзам Ахтамовни фронт қўмондонлиги ихтиёрига жўнатяпмиз. У батальонимизда катта жанговар йўлни босиб ўтди, ўсди, тарбияланди, партиямиз сафига кирди. У топириқларни аъло даражада бажарарди. Энди янги қисмда ҳам, янги жангчилар билан дўст бўлиб, яхши хизмат қилишини, янги муваффақиятлар қозонишини тилаймиз!

Менга батальон жангчилари билан хайрлашишга ижозат берганида, сафнинг чап томонидан ҳамма жангчи дўстларим билан бирма-бир қўл қиспишиб хайрлашиб чиқдим.

Охирида ўз вазодимдаги Рўзиматов, Мамедов, Артём, Влиштейл, Шура ва старший лейтенант Селиверстовлар билан қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашдим-да, командир билан комиссар ёнига келдим. Улар ҳам мени бағрига босиб ўпишиб, қаттиқ қўл қиспишиб: «қаерда бўлсанг ҳам соғ бўл! Хат ёзиб тур», деб хайрлашдилар.

Қўш отли арава ичига сөмон солиниб юмшоқ қилиб қўйилган экан. Аравага тушиб, узоқ-узоқларгача қўл силкитиб, дўстларимдан кўз узолмай борардим, улар ҳам то мен кўздан ғойиб бўлгунигача қўл силкитиб туришди.

Мен тушган арава Миллерово шаҳрининг шимолгарбига қараб, белоён буғдойзор тепалиқдан юриб бормоқда эди. Атрофга назар ташлар эканман, ўтган йили июль ойи бошида душман биринчи ва тўртинчи танкчи армиялари шу рўпарадан хужум қилиб келгани ёдимга тушди. Ўша вақтда ўн мингга яқин танк билан ору-кўкни титратиб келаётган даҳшатли хужумни қайтариб, қарши атакага ўтиб жанг қилиш ҳазил иш эмас эди, албатта.

Мана, бир йил ичида икки танкчи армия Волга бўйида ва Шимолий Кавказда тор-мор қилиниб, душман босиб ўтган жойлар озод қилинди. Буғдой тилла рангидек тўлқинланиб пишаётганини кўриб кўзларим қувонарди, ўзимда йўқ севинардим. Аравакашдан: «миллатинг ким» деб сўрадим қизиқсиниб.

У менга қараб туриб: «Ҳа, таниёлмаяпсанми, мен бошқирдман. Урал томондан»,— деди.

— Бораётган жойимиз узоқми?

— Йигирма чақиримларча бор,— деди аравакаш.

Ҳавода душмanning икки моторли «Фокке-вульф» самолёти кўринди. У атрофни айланиб, разведка қилиб юрарди.

Аравакашга ўғирлиб: «Анавини қара, душман самолёти пасайиб биз томонга келмоқда, бомбардимон қилади-ганга ўхшайди»,— дедим.

— Биз билан нима иши бор, катта армия турган жойни ахтариб юрган бўлса керак, бир қарайди-да, кетади-қолади,— деди у.

Самолёт пасайиб мотор овози серенаси билан вагиллаб келишидан отлар ҳурқиб, аравани чоптириб кетди.

Фашист учувчиси бизни пулемётдан ўққа тутиб, устимиздан учиб ўтди.

— Сен фронтда бўлганмисан? Фашист учувчиларининг одати билан танишмисан!— дедим аравакашга.

— Йўқ, ҳали фронтда бўлганимча йўқ. Қолхоздан от-аравам билан келганимга уч ой бўлди,— деди.

— Ундай бўлса, отларни тўхтат. Душман самолёти яна айланиб келмоқда, бизлар билан ўчакишиб қолди,— дедим. Самолёт тез пасайиб келмоқда эди. Аравакаш отларни бирданига ўнг томонга қайтариб, баланд бугдойзор ичидан чоптириб кетаверди.

Душман самолётидан ташланган бомба бир неча метр орқамизда ёрилиб, энди ундан қутулдик деб турганимизда, айланиб олдимиздан келиб яна ҳамла қилди. Аравадан ўзимизни ташлаб, икки томонга қараб қочдик.

Душман самолётидан ташланган бомба отлар яқинида портлаб, бир от йиқилиб, арава ҳам пачақланди. Шу пайт самолёт яна гирдоб ясаб, бугдойзор ичида қўққайиб турган аравакашга қараб пасайиб кела бошлади.

— Қоч, ҳозир устинга бомба ташлайди!— дедим бақриб. Менинг командами эшитган кекса жангли ёнбошга қараб лўкиллаб қоча бошлади. Унинг яқинига бомба тушиб портлади, мен уни парчалаб ташлади, деб ўйладим. Самолёт кўздан гойиб бўлганда, тезда аравакаш ёнига келдим, у ерга қанишиб ётарди. Билсам, бир неча метр нарида портлаган бомба уни тупроққа кўмиб ташлапти. Устидаги тупроқларин олиб, бошимни кўтарсам, нафаси борга ўхшади.

Икки оёғи оғир яраланибди. Тирқираб оқётган қонни тўхтатиш чорасини кўрдим, кейин кўтариб арава устига ёт-

қизиб қўйдим. Олиб кетай десам, бир от ўлган, арава бузуқ, атрофда биздан бошқа бирор кимса кўрипмайди.

Соғ қолган отни аравадан чиқариб, унга аравакашни мивдириб, етаклаб сўқмоқ йўлдан юриб, ярим кечада бир қишлоққа етиб келдик. Дивизия штаби шу қишлоқ уйларида бирида жойлашганини аравакаш билар экан. Туи қоронғисида ахтариб-ахтариб штабни топдик. Бўлган воқеани штаб бошлиғи — подполковникка баён қилдим, командир берган конвертни чиқариб унга узатдим.

— Қайси областдан сен? — сўради штаб бошлиғи.

— Бухородан.

— Бухорликлар 1041-ўқчи полкда кўпчилик. Сени ўша полкка сапёрлар взводи командирининг ўриббосари вазифасига тайинлайман! — деди штаб бошлиғи.

Рози бўлдим. Йўлланма бериб, қишлоқнинг ғарбишимолидаги бир чақирим узоқликда ўрмон билан қопланган сойни кўрсатди.

— Ўша сойга борасан.

Тўрвамни елкамга осиб олиб, янги қисмга жўнадим.

Ҳамқишлоқлар

Айтилган сойга етиб бориб, сўқмоқ йўлга ўтдик. Икки томон кенг бутазор, онда-сонда дарахтлар орасида жаиғчилар палаткаси учрайди, усти шохлар билан ниқобланган палаткага кўзим тушди, ҳойнаҳой полк штаби бўлса керак.

— Тўхта! Кимсан? Кимда ишинг бор?— деб сўради палатка эшиги олдида турган қоровул.

— Шу полкка хизматга келдим, ҳужжатларимни топшириб, буйруқ олмоқчиман!— дедим унга.

— Сабр эт, навбатчи чиқади, кейин кирасан!— деди солдат.

Кутдим. Эшик олдида тик туриб, қоровулнинг бетига зеҳн солиб қарадим. Тасодиқли қаранг: амаким Муҳаммад Сулаймонов!

— Амаки!— деб юбордим.

— Кимсан? Нима деясан? Нега мен сенга амаки бўлай?— таажжубланди солдат.

— Танимаднингизми? Мен Аъзамман!

— Аъзам?!

Шу вақт штабдан бир старший лейтенант чиқди. Мен унга дивизия штабидан берилган йўлланмани топширдим. Ўқиб кўриб, штабга бошлаб кирди. Палатка тўрида ўтирган майорга кўзим тушди. Унга честь бериб, хизматга келганим ҳақида рапорт бердим. Майор ўрнидан туриб, мени илиқ кутиб олди:

— Командиринг армия штабида сени роса мақтаган эди. Сени менинг полкимга юборишларини сўраган эдим. Бизнинг полкда ҳамшаҳар ва ҳамқишлоқларнинг кўп. Улар рус тилини яхши билмаганликларидан ҳарбий ўқиниш ва қуролларни ўрганишда қийналишяпти. Сен улар билан суҳбатлашиб, ҳарбий билим ўргатишда менга ёрдамлашсан,— деди у ва ўзини Матушенко деб таништирди.

— Бу киши полк штаби бошлиғи капитан Баграмян,— деб ёнбошида ўтирган капитанни ҳам таништирди менга. Урта бўйли, тўладан келган узун мўйловли капитан ҳам ўрнидан туриб, иссиқ кўришди. Шу вақт штабга узун бўйли бир подполковник кириб келди. Айтишларига кўра, бу киши полк комиссари ёки полк командирининг сийёсий ишлар бўйича муовини — подполковник Искандаров экан.

Мени полк инженерлик хизматининг бошлиғи билан ҳам таништиришди.

— Ижозат берсангиз, эшик олдидаги қоровул билан кўришишга, менинг амаким бўлади у киши,— дедим командирга ҳарбийларга хос одоб билан.

Командир уни қоровулликдан озод қилиб, штабга чақиртирди.

Амаким билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришдим.

— Бир-биримизни кўрмаганимизга беш йил бўлди, учрашганимизда эса бир-биримизни зўрға танидик,— дедим командирга изоҳ бериб.

— Жуда яхши,— деди командир,— энди пикки оғанини бир бўлиб полкимизда хизмат қиласизлар. Кейин у:

— Полкда ҳамқишлоқларингиз кўнми?— деб сўради.

— Ҳа, Қум боеди, Боғнафзал қишлоғидан 29 жангчи эдик, энди 30 киши бўлдик,— деди амаким.

Подполковник Искандаров менга қараб: «Сен ўзбек жангчилари ўртасида агитатор қилиб тайинлайман, уларни ватапнарварлик руҳида тарбиялашга ёрдамлашсан!»— деди.

— Хўп, бу вазифани шараф билан бажара оламан,— дедим мен унга.

Командирлар билан хайрлашиб, штабдан чиққаннимизда майдончада тўп бўлиб турган жангчиларга кўзим тушди. Муҳаммадали амаким:

— Мана, ҳамқишлоқлар сенинг келганингни эшитиб тўпланибдилар,— деди.

Мен уларга қараб салом бердим. Ҳаммалари бирданяга солдатчасига алик олишди.

Улар орасидан узун бўйли бир киши қулоч ёзиб кўришмоқчи бўлиб менга яқинлашди, бундай қарасам, кекса ўқитувчи Арслон Жўраев экан. Қуюқ кўришдик. Шомурод Нурмуродов, Даврон Холов, Тўқсон Умидов ва Қизилқумни тўсишга ботчилик қилган, Зарафшон қумни ҳимоя қилиш партиясининг собиқ бошлиғи Пашкевич ва

бошқалар билан ҳам сўрашиб чиққанымдан кейин бир дарахт тагига бориб ўтиряб суҳбат қурдик. Кейин Пашкевич: Сенинг ёвга қарши икки йилдан бери жанг қилаётганингни эшитиб турдик. Қишлоқ аҳли сендан бениҳоя хурсанд! Рафиқанг, қизинг — Қундузлар соғ-саломат, сени ғалаба билан кутишмоқда,— деди.

Мен ҳамқишлоқларимга жанг майдонидаги даҳшатли олишувлар ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

— Бундан буён жангга бирга борамиз. Мен сизларга душман позициясидан йўл очиб бераман. Сизлар эса — душманга ўнғалмас зарба берасизлар,— дедим кулиб.

— Жуда яхши, бизлар душманни тор-мор қилишининг уддасидан чиқамиз,— деди Пашкевич.— Ҳарбий тактикани бир неча ой ўз қишлоғимиз — Боғнафзал ёнидаги саксовул ўрмонида Қизилқумда ўтказган эдик. Уша саксовуллар панасида душман самолётидан яширилишни ўрганган эдик. Ҳозир мана шу бутазор ичида бир неча минг жангчи жойлашганмиз, душман разведкачи самолёти кечакундуз устимиздан бир неча бор ўтди-ю, армия борлигини кўра олмади.

Дарҳақиқат, ёзги ҳужум жапғларида ҳамқишлоқларимиз ҳарбий машқларда олган тажриба ва билимларини намойиш қилдилар. Мен сапёрлар ваводида жангчилар билан машғулот ўтказмоқда эдим. Штабдан полкни саф тортишга буюрилганини айтишди, дарҳол ваводни саф қилиб, вавод командирининг орқасидан бориб қишлоқ билан сой ўртасидаги майсазор майдонида полк сафига қўшилди-да, юқори лавозимдаги командирларнинг келишини кутиб турдик.

Штаб бошлиғи капитан Баграмян жангчиларга қараб:

— Сафларингизни тўғри тутинглар, ҳозир қисминизга полк байроғи топширилади,— деди.

Узоқдан бир нечта енгил автомашиналар келаётганини кўриб, ҳамма жангчилар «смирно!» ҳолида турдилар.

Полк командири: «Полк смирно!» деб машинадан тушиб келаётган узун бўйли полковникка рапорт бериш учун шахдам-шахдам қадам ташлаб борди:

— Ўртоқ полковник, 1041-ўқчи полк байроқ олиш маросимига саф тортди,— деди. Полковник эса ҳамма жангчиларга қараб:

— Салом, ўртоқ жангчилар,— дея команда берди.

Ҳаммамиз бирдан баланд овоз билан: «Салом!» дедик.

Полк командири билан қўл қисишиб кўришган полковник сафимиз олдида тантанали ўтди. У тўғри бориб, автомашинада жиҳозланган минбарга чиқди-да: «Бугун СССР Олий Совети номида полкка Қизил байроқ топшираман!» деди у, кейин полкнинг босиб ўтган жанговар йўлини баён қилиб берди.

— Полкнинг сафи қардош ўзбек жангчилари билан тўлдирилган. Мен ишонаманки, озарбайжонлик ва ўзбек жангчилари қисмимиз анъанасини бойитиб, Қизил байроқ остида кўтаринки жанговар руҳ билан душманни тор-мор қилишда — опа-Ватанимизни озод қилишда ўз ҳиссаларини қўшадилар, бир сафда туриб қўмондонлик буйруғини шараф билан бажарадилар.

Ўқчи дивизия командири полковник полк командирига байроқ топширди. Полк командири, қисм жангчиларини номидан қасамёд қилиб, тизза букиб полк байроғини ўпди. Духовой музика ҳарбий марш чалди. Байроқдорлар взводи байроқни кўтариб сафимиз олдида ўтдилар ва ўнг томонга бориб сафга тизилдилар.

Дивизия командири сафдагиларни байроқ билан табриклаб, бундай деди:

— Марказий фронт ва Воронеж фронтининг жангчилари қаҳрамонона мушофаа жанглар олиб бормоқда.

Бугун 1943 йил 5 июнда Курский жиҳоди бошланди. Бизнинг дивизия резерв фронт ихтиёрида турипти. Зудлик билан жанг томонга бориш ҳақида фронт қўмондонидан буйруқ олдик. Ботирлар, Қизил байроқ остида олға! Германиянинг оккупациячи армияси ҳужумини қайтариб, ҳужумга ўтайлик, душманни тор-мор этиб, Ватанимизни тезроқ озод қилайлик!

Полк командирининг: «Полк смирно! Олға!» деб берган буйруғидан сўнг байроқдорлар кетидан саф тортиб қўмондон олдида шаҳдам қадам ташлаб ўтдик, жанговар буйруқни бажариш учун фронт томонга қараб йўл олдик. Қизил байроқ олда ҳилвиллаб борарди. Бу сафда бир қишлоқдан ўттиз жангчи эдик.

Шодлик салютлари

Ўқчи қардошлар дивизияси жапговар буйруқ олиб Шимолий Донец дарёсини ёқалаб фронтга — шимол томонга бормоқда.

Совет Армияси Волга бўйи ва Кавказ фронтларида 1942—1943 йиллар қиш кезлари немис фашистларнинг тиш-тирноғигача қуролланган армияларига қарши ҳужум бошлаб, анча орқага улоқтириб ташлаган эди. Германия армиясининг олий қўмондонлиги қишқи жангларда йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, 1943 йил ёзги кампанияга пухта тайёргарлик кўрибди, яъни қиш вақтида тор-мор бўлган танкчи армияларининг сафини тигир, пантера деган янги маркали оғир танклар билан тўлдирган экан. Бундан ташқари, тез учар янги самолётлар билан ҳам қуроллантирилибди. Германия армиясининг олий қўмондонлиги бу сафарги — ёзги ҳарбий операцияни ўзича «Цитадель» деб атаган. «Цитадель» планига кўра немислар Курск шаҳри рўпарасида Совет Армиясининг икки қанотидан ҳужум бошлаб, ўраб олиб тор-мор қилиш, сўнгра Москва томон юриш бошламоқчи экан. Совет Армиясининг олий қўмондонлиги душманнын операцияси Курск рўпарасидан бўлишини олдиндан пайқаб армиянинг асосий кучини жануби-ғарбий, Воронеж ва Марказий фронтларга тўплагани бежиз эмаслиги жангларнинг боришидан бизга маълум бўлиб қолди.

Бу уччала фронтнинг орқа томонида Совет Армиясининг резерв армиялари ҳам тайёр турарди. Бордюк, Харьков атрофида бўлган ўтган йилги жанглардагидек душман бу гал ҳам маневр қилса, энди хато такрорланмайди, фронтимизнинг қайси участкасида аҳвол оғирлашиб қолгудек бўлса, «резерв фронт» ўша участкага ёрдамга таш-

ланади, душмanning стратегик плаши маҳв этилиб, армия улоқтирилиб ташланади, ғарбга қараб олға босишимиз мумкин бўлади.

Полк комиссари подполковник Искандаров айтдики, қахрамон артиллериячиларимиз ва танкчиларимиз душмanning оғир тигир ва пантера танкларини ҳам ёндиришни биринчи жанглардаёқ ўрганибдилар. Улар душман танкнин яқин келтириб, ёпбошидан уриб, ёндирмоқдалар. Танкчиларимиз аса танкларини тез илдамлатиб бориб, ёпбошдан душман техникасини уриб пачақламоқдалар. Бу жанговар вазифани 18-танкчи моторлашган корпус жангчилари бажаришти экап. Комиссарнинг берган бу хабаридан мен юракдан қувондим, чушки урушнинг биринчи куниданоқ 18-моторлашган танкчи корпус составида Аккерман қўрғонидан чиқиб, Бердичев шаҳри атрофидаги қатта жангларда қатнашган эдим.

Ҳар бир жангчи ўз қисмини меҳр билан севгандек, мен ҳам биринчи жангда бирга қатнашган қисмининг ғалабаси билан фахрландим.

Дивизия душман авиацияси зарба бермаслиги учун группа-группага бўлиниб, кечалари яширинча йўл босар, кундузлари қамишзор, бутазор ва йўл ёқасидаги ўрмончаларда ҳордиқ чиқарарди.

Янги ҳарбий қурооллар билан таъминланган душман минглаб танк, самолётларини ишга солиб, армияларимиз фронтини гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ёриб ўтиб, фронтимизнинг ичкарисига кириб келаётгани бизни ортиқ ташвишлантирарди.

Бир ойга яқин тинимсиз қонли жанглар бормоқда эди. Марказий фронт генерал Рокоссовский қўмондонлигида, Воронеж fronti генерал Ватутин қўмондонлигида ҳамма резервлардан ва кучлардан фойдаланган ҳолда душмanning ҳужумини қайтариш учун куч ташлаб, қаҳрамонопа жанглар олиб бормоқда эдилар.

1943 йил 18 июлда душман армиялари Курск шаҳри олдида икки томондан яқинлашиб бориб, бир-бири билан бирлашиши хавфи туғилди.

Душман қўмондонлиги фронт линиясига варақалар ташлаб, Совет Армиясининг ярим миллионли кучи орқа томондан кесилиш олдида турибди, деб жар солмоқда эди. Бу ярим миллионлик армияни «Германия Сталинградия» бўлади деб мақтанганди. Сталинградда уч юз минглик Германия армияси ўраб олиниб, тор-мор қилинган бўлса,

Курск ғарбида ярим миллионлик Совет Армияси ўралиб оливади, дерди.

Совет Армияси фашист армиясининг бу ниятини барбод қилиш учун мардонавор жанглار олиб борди. 18 июлнинг ўзидаёқ Воронеж фронтидаги биринчи таякчи ва олтинчи гвардиячи армияларимизнинг қарши ҳужуми натижасида душман чекина бошлади. Совет Армиясининг Олий қўмондонлиги бу кичкина ғалаба катта ғалабанинг бошланиши эканини ҳисобга олиб, резерв фронти «Степной» фронт деб атади ва уни Марказий ҳамда Воронеж фронтининг жангчиларига мадад беришга йўллади.

Душманининг қора нияти пучга чиқиши муқаррар бўлиб қолди. Армиямиз мудофаадан ҳужумга ўтди. Икки томондан берилаётган беқияс даҳшатли зарба фашистларнинг ўтакасини ёриб қўйди.

Армиямиз қувонч билан олға босиб бораверди. 1943 йил 5 августда Орёл ва Белгород шаҳарлари шум оёқлардан озод қилинди. Москва шодона салют берди. Харьков шаҳри ҳам озод қилинди. Москва яна салют берди.

Қардошлар дивизияси жанговар машқлар билан Харьков шаҳрининг жануби-шарқида Шимолий Донец дарёсининг шарқида етиб келиб жангга кирди..

Шиддатли жанглар

Янги қуроллар билан таъминланиб ҳужумга ташланган душманинг катта кучи 1943 йилнинг август ойигача Орёл, Белгород ва Харьков атрофида тор-мор қилиниб орқага қайтарилгандан кейин бизникилар ҳужумни вақтинча тўхтатди, бўлажак ҳужумга тайёрлана бошлади. Фронтдаги армиялар қайта группалаштирилди. Совет Украинасини узил-кесил озод қилиш тadbирлари белгиланди.

Фронтларда эвди тинчлик ҳукмрон эди. Разведкачи самолётларгина ҳавода разведка қилиб турибди, холос. Айрим участкаларда душман позициясини аниқлаш учун разведка жанглари олиб боримлоқда.

1943 йил 27 августда бутун фронт бўйлаб Совет Армияси катта ҳужум бошлади, артиллерия отишмасининг тўлқини ер-кўкни ларзага келтирди, тўпларнинг овози ҳатто бизгача бемалол эшитилиб турди. Айтишларича, Грязский fronti, Марказий фронт, Воронеж ва Степной, Жануби-ғарбий ва Жанубий фронтлар бирин-кетин катта ҳужумга ўтган, бизнинг қардошлар дивизияси жангчилари ҳам кўтаришқин руҳ билан олға ташландилар.

Закавказье frontiда Эльбрус чўққиси атрофини мудофаа қилган Закавказье республикалари халқларидан сафини тўлдирилиб, миллий дивизиялардан ташкил топган 46-армия ҳам жанговар вазифа олиб, Шимолий Донец дарёси бўйида маълум бир участкада жангга шайланиб турарди.

Степной фронт кўмондони генерал-полковник Конов биринчи гвардиячи армиянинг қўлга киритган ғалабасини мустаҳкамлаб олиш, плацдармини кенгайтириб олға бориш ҳақида 46-армияга буйруқ берибди.

Қардошлар дивизияси Шимолий Донец дарёсидаги кўприкдан ўтиб, гвардиячи армиянинг олдинги линиясидаги дивизия ўрнини олди.

1041-полк командири майор Матушелко команда пунктига менн чақириб, ёрдамга келган танкчи қисм билан алоқа боғлаб, полк ва тапкчи қисм разведкаси ҳамкорлигида душман позициясидан дарвоза очиб беришни буюрди.

Орқа томондаги ўрмонзорда танкчилар қисмини топдик. Штабга кирганимда дўстим Костя Горбуновга кўзим тушди. У ҳам дарров тапиди, қулоч ёзиб менга ташланди. Иккаламиз ўпишиб кўришдик. Атрофдаги танкчи офицерлар таажжубланишди.

Костя қўлимдан маҳкам ушлаб, уларга ўғирилди:— Бу қадрдон дўстим бўлади, урушдан илгари ҳам бир қисмда хизмат қилганмиз, Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ бирликда жангларда қатнашганмиз. Мен ярадор бўлганимда, у душман ўти остидан олиб чиқиб, ҳарбий госпиталга жўнатган эди, мана бугун қадрдон дўстим билан учрашдим, деди-да, мени қувонч билан бағрига босди.

— Мен бир ярим йилдан кўпроқ вақт сенинг юртинг Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда бўлдим. Даволандим ва ҳарбий билим юртини тамомлаб, танкчилар билан яна фронтга келдим,— деди Костя.— Юр, танкларим билан сени таништирай. Сен бу танкларни кўрмаган бўлсанг керак.

Иккаламиз штабдан чиқиб, ўрмон шохлари билан ниқоблаб қўйилган танк олдига келдик.— Бу танкнинг помп «Черчилль» дейлади... Англиянинг бош вази Черчилль номидаги оғир танк, деб унинг ичига кириб, бир пачка шоколад олиб чиқди. Инглиз дўстларимиз танклар ичига шоколад қўйиштилар ва устига сизларнинг ғалабагиз бизларнинг ғалабамиз, деб ёзибдилар. Иккинчи танк билан таништириб, унинг маркасини Валентина,— деди,— бу ҳам Англияники, ўрта танк ҳисобланади. Учинчи танкнинг ёнбошига бориб, бу, Шерман помп танк — Американики, булар ҳаммаси оғир қайғули кунларимизда заказ қилинган экан. Бизлар Эрон чегарасидан қабул қилиб, эшелон билан олиб келдик, энди биринчи марта жангга киришга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

— Мени штабга олиб бор, штаб бошлиғида ишам бор,— дедим. Узун бўйли, ўрта яшар бир подполковникни кўрсатди. У билан танишиб, менга берилган топшириқни айтганимда «Жуда яхши» деб разведкачи взводнинг командири бўлмиш лейтенантни таништирди. У билан бирга

полкка келиб, полк разведка взводининг командирини олиб, учаламиз ҳужум бошланадиган йўналишни баланд дарахт устига чиқиб кузата бошладик.

Чап қанотдаги ўрмон-сойга полк жойлашган, ўнг қанотдаги дарахтзор армиянинг мудофаа позицияси, ўрмон олди катта баланд тепалик — буғдойзор экан.

Кечқурун икки полк разведкачилари билан биргаликда душман позициясини кузата бошладик. Биз сапёрлар группаларга бўлиниб, бир неча жойдан душман позициясидан йўл очдик. Душманнинг сим деворларини қирқиб, разведкачиларни ўтказдик.

Икки полк разведкачилари группа-группа бўлиб душман позициясини разведка қилишди-да, «тил» тутиб қайтишди. Терговда аниқланишича, у итальян экан. Шундан аниқландики, Волга бўйида ўраб олиниб, тор-мор қилинган итальян армияси олд томонимизда мудофаада турар экан. Бу армия қайтадан янги замонавий қурооллар билан қуроолданган, сафни тўлдирган, эндиликда у катта куч ҳисобланар экан.

Бу армиянинг сафида немисларнинг 57-танкчи корпуси ҳам бирга дейишади, у фронтга резервдан келтирилганмиш.

Майор Матушенко батальон командирлари олдида янги вазифа қўйди. 2-батальон ўнг қанотдан танклар билан бирликда ҳужум олиб боради. Унинг чап қанотидаги баланд тепаликка қараб 1-батальон ҳужум бошлайди. Учинчи батальон эса полкнинг чап қанот позициясини мудофаа қилиб, дуч келганда миномёт ва замбаракларини ишга солиб, ҳужумчи икки батальонга ёрдам беради. Полк артиллерияси ҳам ҳужумни кузатиб, очиқ жанг майдонида ниёдаларга мадад бериб боради.

Мен команда пунктида қоладиган, борди-ю атака вақтида душман позициясидан мина майдони чиқиб қолгудек бўлса, дарҳол олдинга илгарилаб жангчиларимизга йўл очиб берадиган бўлдим.

Эрталаб соат 4.00 да полк артиллерияси билан дивизия артиллерияси бирга душман устига 35 минутлик ҳужум бошлади. Мен полк командирининг кузатув пунктидан дурбин билан душман устида портлаётган минг-минглаб снаряд, миналаримизни кўриб қувонардим.

Командир соатига қараб, ҳавога бир оқ ракета отганида ўрмон ичидан Т-34 танкчилар сафида кеча дўстим менга кўрсатган «Черчилль», «Валентина», «Шерман»

танклар чиқиб, ўт очиб душман устига бостириб боравердилар.

Иккинчи ўқчи батальон командири майор Искандаров окопдан чиқиб, тўппончасини баланд кўтариб: «Озарбайжон ва ўзбек ўғлонлари, олға!» деб баланд овоз билан команда берди. Қардошлар сафи бирдан кўтарилиб, танклар орқасидан душман устига ҳужум қилиб кетди.

Чап томондаги биринчи батальон олдида ўрта бўйли, кенг елкали майор Мамедов пайдо бўлди. У: «Олға! Пахтакор жангчилар, қардош Украина ерини озод қилишга» деб ўзи бошлаб чопиб кетаётганда батальон жангчилари унинг орқасидан югура бориб, душман устига ташлапдилар. Сафда мингдан кўп ўзбек йигитлари ва ҳамқишлоқларимдан Арслон Жўраев, амаким Муҳаммадали Сулаймонов, Шомурод Нурмуродов, «Шофрикон» лесхозининг тажриба станцияси бошлиғи Пашкевич ҳам бормоқда эдилар. Душманнинг биринчи позициясида катта ва қирғиш жанг бошланди. Автомат, граната ва найзалар ишга тушди. Полк командири олдида туриб жанг майдонига қарасам, исли кўрилмаган қолли жанг уланиб кетибди.

Украинанинг ғаллакор ери жанг туғёнидан ларзага келмоқда. Полк командири майор Матушенко менга маъноли қараб қўйди. Билишимча, у жангнинг боришидан мамнун эди. Жангчиларимиз душманнинг биринчи позициясини ишғол қилиб, кучли «урра» садолари остида олға ташламоқдалар. Шундай тепалик ортидаги сойдан фашистларнинг бир полки оғир танклари билан қарши атакага кўтарилиб қолди.

Полк артиллерияси очик позицияга чиқарилди. Танкларимиз ҳам орқа-олдин бориб, душман устига ўт очдилар. Кун билан тепалик устида даҳшатли жанг давом этди.

Полк командирининг адъютанти — узун бўйли, чечак доғли ўзбек йигити Ҳамроқулов янги хабар келтирди.

Жанубий фронтда ҳаракат қидаётган армияларимиз Доббасенинг Сталино шаҳрини гитлерчилардан озод қилишибди. Бу хабар полк жангчиларини беҳад қувонтириб, душман атакасини қайтаришга мадад бўлди.

Унг томонга қарасам, ҳамқишлоғим Убайдулла танк устига чиқиб, унинг люкида мадорсиз тирмашиб ётган Костяни танкдан тортиб оляпти. Орқа томондаги хавфсиз окопга ётқизмоқчи чоғи.

Кечгача жапг давом этди. Душман атакаси қайтарилиб ташланди. Полк жангчилари қўлга киритилган позицияни мустаҳкамламоқда эдилар.

Қоронғи тушди. Тул қоронғисинда душман танклар ёрдамида яна қарши атакага кўтарилди.

Майор Мамедов билан майор Искандаров командирлигидаги икки батальон шиддатли жангга кирди. Иккинчи полк етиб келгунча жалгчилар қаҳрамонона жанг қилиб, душман атакасини қайтардилар. Бу даҳшатли жангда батальон командирлари майор Мамедов ва майор Искандаров қаҳрамонона шаҳид бўлдилар. Бизга айтишларича, майор Матушенко жанг майдонида полк кучида яхши фойдалана олмаганлиги, ўринсиз ваҳимага йўл қўйганлиги сабабли дивизия командирини уш вазифасидан озод қилган, полкка командирлик қилиш майор Бондаренкога топширилган.

Кечкурун жанг майдонида Арслон ака Иўраевни кўриб қолдим. У икки фашист солдатини ўлдирган, ўзи ҳам оғир ярадор бўлиб, охириги нафасини олаётган экан. Унинг бошини тизамга олдим.

— Аъзам, икки ўғлим, бир қизим қолди... уйда. Улар ҳали ёш... Уйга хат ёз, соғ қолсанг, қишлоққа қайтиб борсанг болаларимга қара...

Уни Шимолий Донец дарёси соҳилига дафн этдик.

Эртасига ҳаводан юзлаб штурмчи «Л» маркали самолётларимиз ва юзлаб танклар ёрдамга келди. Полк янги командир майор Бондаренко командирлигида атакага кўтарилди. Душман позициясини ёриб ўтиб, Днепр томон катта жанглар билан олға кетдик.

46-армиянинг бошқа дивизиялари ҳам гвардиячилар сафида туриб, олға ташландилар. Душман жон-жаҳди билан атакамизни қайтаришга, позициясини ушлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Қабрини топдим

Жааглар билан юриб-юриб, охири бир чакалакзор ёқасида тўхтаб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. Тепалик устига ПТРсини «қўндириб» овқатланиб ўтирган Муҳаммад амаким майда тошлар билан ёзилган бир лавҳани кўриб қолибди. Яқинроқ бориб қараса, «Баҳориддин Сулаймонов» деган ёзув экан. Амаким ўзини тутолмай бирданига ҳўнграб йиглаб юборилти.

Мен унинг товушини эшитдим, ҳовлиқиб олдига югуриб бордим. У «...эх укажоним» деб бир гўрни қучоқлаб йиглаб ётарди. Шу пайт ҳамшаҳарим Карим айтган сўз эсимга тушди. Ҳақиқатан ҳам Карим тўғри айтган экан. Амаким мени кўрди-ю: «Мана, укамнинг қабри шу экан», деб яна қаттиқроқ йиглади.

Ҳамқишлоқларимиз тўпланишиб «Сабр қилинг, бу бошқа Баҳориддиндир» деб уни юпатмоқчи бўлишди. Лекин амаким ҳамон ўлкасини тутолмай «пиқ-пиқ» қиларди.

Баҳориддин 1942 йили Харьков атрофида қуршовда қолиб, бир печа ҳафта тепсиз жанглар тўфонидида бўлган, охири ўқ ва озиқ-овқатлар тугаб, ҳолдан тойиб, асирга тушган, кейин душман қўлидан қочган, уни қувиб орқасидан отиб ташлаганлар. Карим уни дафн этиб, қабри устига «Баҳориддин» деб номини ёзиб қўйган, буни менга Каримнинг ўзи айтган эди. Каримдан эшитганларимнинг ҳаммасини ҳамқишлоқларига айтиб бердим.

Биз унинг қабри устига яна қуйидаги лавҳани ёзиб қўйдик: «Ғарбга томон ғалаба сари бормоқдамиз. Сен учун минг-минглаб фашистларнинг қонини тўкамиз! Бу бизнинг қасам».

Осмонга ўқ узиб салют бердик.

Яна Днепра

Қардошлар дивизияси Шимолий Донец дарёсидан ғарбга томон ҳаракат қилиб, душманнинг мустаҳкамланган позициясини ёриб ўтди, йўл-йўлакай солдатларини қириб, техникасини пачақлаб қаҳрамонона олға босиб бораверди. Олdda қадрдон Днепр соҳили кўринганда жангчилар қувонч билан «урра» деб қичқириб юбордилар. Полк командири майор Бондаренко менга бир чакалақзор сойни кўрсатди-да:

— Уша жойда инженерлик батальони Днепрдан ўтишимиз тадбирини кўряпти, сапёрлар билан алоқа боғла, у ёғини ўзинг биласан! Бизнинг полкимиз дивизияда биринчи бўлиб ўтиши учун қўмондондан буйруқ олдик,— деди.

— Тушундим,— дедим честь бериб.

— Вазифани бажар!— деди майор.

Днепр бўйида қонли жанг бормоқда эди. Ҳромонлар атрофида снарядлар портламоқда.

Днепрдан пошилинч равишда ўтаётган дупман устига Совет артиллерияси ёғдпраётган тўп снарядларидан дарё соҳили дирилламоқда эди.

Душман армияси пароканда. Чекинаётган фашист қисмларини эса самолётларимиз бомбардимон қилмоқда.

Баланд-паст, кўкимтир қумли дарахтзор оралаб сойга етиб бордим.

Сапёрлар бир неча гурпуага бўлиниб резина қайиқларни дамламоқда, тахта қайиқларни кўздан кечириб, бузуқ жойларини тузатмоқда эканлар. Улар олдига бориб бир жангчидан:

— Командир қаерда?— деб сўрадим.

У бир ертўлани кўрсатди. Ертўлага кирганимда подполковник Кожевников билан майор Васильевни кўрдим.

Қардон командирларимни учратиб бениҳоя қувониб кетдим.

— Ҳртоқ подполковник, аввало янги унвон билан табриклайман. Қардошлар дивизиясидан вакил бўлиб келдим!— деб унга ўзимнинг нима вазифа билан келганимни билдирдим.

— Аъзам, тирикмисан...— деди-да, кенг қулоч ёзиб менга қараб келди Кожевников. Мен ҳам беихтиёр унга ташландим. Иккаламиз қучоқлашиб ўпишдик.

Комиссар ҳам мени худди шундай қучоқлаб ўпди. Командир менга қараб: яша ўғлон. Ана энди ўша ўзимиз қайғу-алам билан қолдириб кетган Днепрга яна келдик, деди.

Комиссар унинг сўзга араллашиб: «Днепрдан яна Днепрга! Дўстларинг сафида жангчиларимизни дарёдан ўтказишда қатнашасан» деди.

— Бизнинг ўқчи полк биринчи бўлиб ўтишга буйруқ олди. Визникларни сизлар ўтказиб қўяр экансизлар. Мен хабар олгани келгандим,— дедим уларга келишим сабабини билдириб.

— Шу кечанинг ўзпдаёқ бу ерга етиб келинглар,— деди командир.

Мен изимга қайтдим. Дивизия жангчилари ҳам Новомосковск район марказини озод қилиб, шу атрофда жойлашиб олишибди, энди катта жиҳодга тайёргарлик кўраётган эканлар. Полк командирига воқеани баён қилдим. У менга: яхши, энди сапёрлар взводи билан разведкачилар взводини бошлаб бориб, ўша инженерлик батальони билан биргаликда қисмимизни Днепрдан ўтказасизлар,— деди.

Кечаси билан юриб қамишзор сой бўйига етдик, аста-аста илгарилаб Днепр соҳилидаги душман позициясига яқинлашдик. Ўзимизни ўнглаб туриб, қўққисдан душман устига ташландик. Қоронғи кечада икки ўртада даҳшатли жанг борди. Биз зўр келдик: душман позициясини ёриб ўтиб, Днепродзержинский шаҳрининг шимоли-шарқига етиб келдик.

Дарёнинг шимол томони қалин ўрмон. Қардошлар дивизияси ўрмонга жойлашиб, Днепрдан ўтишга тайёргарлик кўра бошлади. Дурбин билан ғарб тарафга синчиклаб қарасам, тахминан уч чақиримча жануби-ғарбда Днепродзержинский шаҳрининг манзараси рўйирост кўринди. Бу шаҳар саноат марказларидан бири экани бизга маълум. Йироқдан завод трубалари элас-элас кўзга чалинади.

Шаҳарга яқин сойда каттагина Аул қишлоғи, унинг ши-молида Днепр бўйлаб кетган қатор тепаликлар ва хуторлар...

Пятихаткадан Днепродзержинскийга қараб келган темир йўлнинг дарёга энг яқин жойи полкимиза рўпарасида экан. Темир йўл олдимиздаги тепаликларни кесиб ўтган, йўл атрофида акация ўрмони.

Орқа томондан 46-армия составидаги 63-инженерлик батальони ўз қайиқларини дарё бўйига келтирди. Полк жангчилари ҳам етиб келишди, дарё бўйидаги окопларга тушиб, дарёдан ўтиш командасини кутиб турдик.

* * *

1943 йил сентябрь ойининг сўнгги кунлари. Азим дарё — Днепрдан ўтиш учун унинг шарқий қирғоғида окопларга жойлашиб, қулай вақтни кутиб турибмиз. Довул-шамол кўтарилиб, осмонни булут босди, майда ёмғир савалай бошлади.

Фашист солдатлари тун бўйи ракета отиб, дарё устига катта калибрли пулемётлардан ўқ ёғдириб турадилар. Вақт ярим кечадан оғанда полк командири майор Бондаренко билан инженерлик батальон командири подполковник Кожевников бизнинг окопга тушишди ва дарҳол душман томонни кузата бошлашди.

Ниятимиз шу — зулмат кечада душманни ғафлатда қолдириш. Тонг отай-отай деб қолди. Совет томонда тинчлик деб биларди душман шу топда. Пулемёт нуқталари ўт очишни бир оз сусайтирди. Уйқуннинг авжи ширип вақтида майор Бондаренко:

— Олга! — деб астагина команда бераркан, штурмчи ва инженерлик батальонларининг сапёрлари ҳамкорликда қайиқларни олиб чиқиб, дарёга тушдилар.

Қайиқлар аста-секин товуш чиқармай сузмокда. Биз окопда куролларимизни ўт очишга шайлаб тутиб, дўстларимизнинг ўтишини кузатиб турибмиз. Ғарб томондан бир неча ракета отилиб, ҳаммаёқни бирдам ёритиб юборди, дарёда сузиб бораётган дўстларимизни душман кўриб қолди. Фашистлар: «рус, рус...» деб чувиллашиб, бир-бировига хабар қишди шекилли, бирдан пулемёт ва автоматлари жаърай кетди.

Шу онда полк командири майор Бондаренконинг «Огоны!» деган йўғон овози эшитилди. Ўнларча пулемёт-

чиларимиз душман қуrolларининг овозини ўчиришга киришди. Полк ва дивизия артиллерияси, миномёт батареялари ҳам даҳшатли овоз чиқарди.

Қоронги кечада икки томон ўти остида дарёда суяиб бораётган дўстларимиз ҳам бўш келмадилар: бор қуrolларини ишга солдилар. Дарё жанг суронида қалқирди. Ракеталар тинмай отилиб, ҳаммаёқни сутдек ёритиб турибди. Қайиқларда ғарбий қирғоққа ўтиб олган жангчиларимиз «урра», «урра» деб қичқира бошладилар.

Энди ғарбий қирғоқда жанг бошланди. Қайиқлар душманнинг ўти остида яна қайтиб келиб жангчиларимизни олиб ўтмоқда. Биз сапёрлар взводи дарёнинг ўртасига борганда резина қайиққа катта калибрли пулемёт ўқи тегиб қаттиқ шикастланди: дами чиқиб сувга бота бошлади — даҳшат!

Ғира-шира эшитилаётган товушдан англасам, старший сержант Белоусов ва собиқ жангчиларимдан қадрдонларим — Артём билан Рўзиматов қайиқни бошқармоқда эканлар. Дами чиқиб бораётган қайиқ юқини кўтаролмай аста-секин сувга чўкмоқда эди. Оғир аҳволга тушиб қолган дўстларимга дарҳол ёрдам бериш керак эди. Ҳаётим хавф остида бўлишига қарамасдан, бошлаб ўзим уларга ёрдамга ташландим. Қайиқни уларга яқинлаштириб бориб, бир неча солдатни ўз қайиғимизга олдим. Қирғоққа ҳаммамиз соғ-саломат ўтдик. Старший сержант Белоусов ва жангчи Рўзиматов ярадор бўлишларига қарамай ўз вазифаларини бажариб, яна шарқий қирғоққа қайтдилар.

Штурмчи жангчилар йўлбарслардек душман устига бостириб бориб, олдиндаги биринчи тепалик билан хуторни ишғол қилдилар. Топг отиб, ёруғ тушганда дарёдан ўтишни тўхтатдик. Жангчиларимиз қулай жойларга маҳкам ўрнашиб олдилар.

Комиссаримизнинг айтишига қараганда, дивизия, армия ва фронт қўмондонлиги ҳол-аҳволимиздан ҳардам хабар олиб турганлар, устма-уст телефон қилишиб, плацдармни қўлдан бермаслик, балки уни кенгайтириш учун чора ва тадбирлар кўришни талаб қилганлар.

Қардошлар дивизияси ўқчи полк ғалабасини мустаҳкамлаш учун янги ҳужумга тайёргарлик кўра бошлади. Днепрнинг юқори қисмида ҳам плацдарм учун катта кураш борганлигини дарёдан оқиб келаётган бузуқ қайиқлар ва ҳалок бўлган дўстларимизнинг жасаидан билиб турибмиз.

1 октябрь кечаси яна олдимизга катта масъулятли жанговар вазифа қўйилди, бу вазифа — дарёдан армияни ўтказишдан иборат эди.

Душман кечаги бой берган позициясини қайтариб олиш учун бир неча миномёт ва артиллериясини позицияга яқинлаштириб, биз томонни ўтга тутмоқда. Бу кеча ўтган тундагига қараганда душман пича активлашган кўринади. Барибир жангчиларимиз душманнынг қарши атакасини қахрамонопа қайтариб турдилар. Уларга тездан ёрдам етказиш керак, деб майор Бондаренко дарёдан сузиб ўтишни буюрди. Дарё ҳамон потпич: ўқлар дўлдек шовиллаб ёғиб турибди.

Дарёнинг ҳар жой-ҳар жойидан бир неча бор сузиб, полкнинг уч батальонини ҳам ўтказишга муваффақ бўлдик. Энди полкнинг артиллериясигина у томонда қолди. Полк командири ва штаб ҳам дарёдан ўтиб, жангга раҳбарлик қила бошладилар.

Ярим кечага борганда, полк жангчилари тўсатдан атакага ўтдилар, учта хутор ва бир неча тепаликни ишғол қилдилар. Шу орада инженерлик батальони жангчилари сол ясаб, полк миномёт ва артиллериясини ҳам дарёдан ўтказиб бердилар.

2 октябрь кечаси ўнг қанотимизда дивизиянинг яна бир полки дарёдан ўтиб, Верхнеднепровский жапубидаги тепаликни эгаллади. Чап қанотдан 46-армиянинг бошқа дивизиялари ҳам дарёдан кечиб ўтиб, Аул қишлоғини ишғол қилиш учун жанг олиб бормоқда эди.

Улар кавказлик йигитлар — грузин, арман ва бошқа миллат ўғлонлари ҳисобига ўз сафини тўлдириб олган қисмлар эди. Дивизия командири майор Бондаренкога олдимиздаги темир йўлни ишғол қилишни буюрди. Бунинг учун ўқчи полкни тезда жангга кўтариш керак эди. Шундай қилинди: озарбайжон ва ўзбек ўғлонлари атакага кўтарилдилар. Темпрйўлга етгунча қарийб бир чақирим келадиган тепаликни босиб ўтган полк жангчилари душманнынг кўксига найза уриб чекинишга мажбур этди.

Шу вақт кутилмаган воқеа юз берди. Душман қўмондоплиги бир неча вагонлардан иборат бронепоезд юборган экан. У тепаликни кесиб ўтиб папа ерда полк жангчиларини ўққа тутган, йўлни тўсиб, ерга ётишга мажбур қилган.

Билишимизча, полк командири майор Бондаренко темир йўлдаги бронепоездга қарши дивизия артиллерия-

сипи ёрдамга чақирган бўлса-да, фойда бермаган. Кўриб-сезиб турибмиз: снарядлар гоҳ олдда гоҳ орқа томонда ёрилиб, тепалик устида турган бронепоездга тегмасди.

Душман ҳарбий юк ва катта бойлик ортилган эшелонларни иккинчи темир йўлдан ўтказиб, Пятихатка томон жилмоқда эди.

Майор Бондаренко: қўмондонлик буйруғини бажаришга бронепоезд катта тўсқинлик қилмоқда ва жангчиларимиз ҳаёти хавф остида қолмоқда, деди полк комиссари подполковник Искандаровга.

— Сапёрларни юборайлик бўлмаса, темир йўлни портлатсинлар! Душман бойликларимизни Германияга олиб кетмасин, бронепоезд ҳам қочмасин,— деб маслаҳат берди Искандаров.

Майор Бондаренко мени ўзига яқинроқ чақириб:

— Аъзам! Вазифа оғир! Аммо сен уддасидан чиқа оласан. Тез бўл! Портловчи дори билан темир йўлни портлат!— деди.

Комиссар: «агар имконияти бўлса, бронепоездни ҳам орқасидан ўтиб портлат!» деди. Менга ёрдамчи қилиб бир жангчини беришди. Полкнинг ўнг қанотидаги сойдаи эмаклаб бормоқда эдик. Ёмғир эзиб ёгмоқда. Ер шароитидан фойдаланиб, сув оқаятган жўяклардан лойга буланиб душман позициясига яқинлашдик, эмаклаб-эмаклаб унинг орқа томонига ўтганимизча қоронғи тушиб қолди. Бир илож қилиб ўзимизни темир йўл ёқасига олдик. Тепалик биқинида турган бронепоезд позициямизга ўт очяпти. Темир йўлнинг икки томонида писиб ётган солдатлари ҳам ўқ ёғдиришяпти экан.

Бронепоездга яқин бориш учун илож тополмай, биринчи навбатда темир йўлни портлатишга қарор қилдик. Тўрт қатор рельсни портлатиш керак эди. Дориларни тўрт қисмга бўлиб, капсюль ва шнурларни ўтказдик-да, алоҳида-алоҳида чўзиб тўртта изга боғладик. Энди ўт чақмоқни бўлган эдим, чўнтагимдаги гугурт ёмғирда ивиб қолибди, ёнмади. Жангчи билан темир йўлнинг нариги томонидаги бутазорга эмаклаб ўтиб окопга тушдик. Бир неча фашист солдати ўлиб ётган экан. Бирининг чўнтагидан «аджигалка» топиб олдик, кейин солдатни окопда қолдириб, ўзим яна темир йўлга қараб эмаклаб бордим, бирини-кетин тўрт шнурга ҳам ўт чақиб, югуриб бориб окопга яшириндик.

Бир неча секунддан кейин темир йўллар даҳшатли портлади, Душман солдатлари фронт орқасида темир йўл-

ни ким портлатди экан, деб югуриб-ҳовлиқиб келмоқда эдилар.

Жангчи билан мен фашист солдати чакмонларини устимизга ёпиб, оқон тагида қапишиб ётдик. Юрагимиз гулгул урар, фашистларга қарши ҳамла қилишга тайёрландик.

Душман бронепоезди аста-секин Днепродзержинский домон жўнаб кетди. Вақтдан фойдаланиб, полк жангчилари атакага кўтарилиб, темир йўлнинг шарқ томонини ишғол қилдилар. Ғарб томонда отишма бошланди. Бир взводга яқин душман солдатлари биз турган околга тушиб жанг олиб бормоқда.

Ҳаётимиз хавф остида эди: ана-мана сезиб қоладилар. Ўт очлшнинг пложи йўқ — озчиликмиз.

Хайрият, фашист бандалар бизни «ўликка» чиқардилар. Тонг отишига яқин оқондан чиқиб, аста-секин ўзимизникилар томон эмаклаб бора бошладик. Полк командирининг команда пунктига келиб, унга қилинган ишлар ҳақида рапорт берганимда, у сўзимга унча ишонмади. Чунки у портлаш овозини эшитмаган экан.

Полк жангчилари бирин-кетин окоплардан чиқишиб, эмаклаб, душман позициясига яқинлашдилар-да, бирдан «урра», «урра» деб солибона шовқин солиб душман устига ташландилар. Кўпгина фашистлар ўтакаси ёрилиб, қуролларини ташлаганича, орқага қараб қоча бошладилар. Уқчи полкимиз жангчилари темир йўлга чиқиб олдилар.

Илженерлик батальони жангчилари қўлга киритилган бу ғалабадан илҳомланиб, бир неча кун ичнда Днепрга ёғоч-тахтадан кўприк қуриб, артиллерияни ва танкларни бемалол ўтказдилар.

Шундай қилиб, октябрь ойининг биринчи ўн куллигида Закавказьедан келган армия Верхнеднепровский жанубидан темир йўл бўйлаб Аул қишлоғининг ғарби, Днепродзержинский шахрининг шимол-шарқи билан Днепргача плацдарм ишғол қилди, бу ерда Украинани озод қилиш учун катта ҳужумга тайёргарлик кўрила бошланди.

Ўзбек пахтакорларининг танк колоннаси

1943 йилнинг 15 октябри эрталаб соат 5 да ўнг қанотимиздаги Иккинчи Украина фронтининг артиллерияси ҳужумини бошлаб юборгани ҳақидаги хабар бизгача — янгидан ташкил қилинган Учинчи Украина фронтига етиб келгани қувончли воқеа бўлди.

19 октябрь куни яна бир хушxabар эшитилди. Ҳужум олиб борган армиялар душман фронтини ёриб ўтиб, Пятихатка темир йўл станциясини ва Дириевка шаҳарчасини озод қилиб, Кривой-Рог томон олға бормоқда эканлар.

Полк командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони майор Бондаренко полк позициясини бошқа полкка топшириб, ўз полкни Днепрдан ўтказа бошлади. Рота-рота бўлиб яширин йўллардан ўтиб, Днепр бўйига келганимизда ёғоч-тахтадан ясалган кўприкка кўзим тушди. Бу ерда собиқ дўстларим — командирларим старший лейтенант Селиверстов, подполковник Кожевников ва майор Васильевлар дарёдан ўтказишни бошқариб турган эканлар. Уларни кўриб қувондим. Аммо, кўришишга илож бўлмади, полк сафида Днепрдан ўтиб, унинг юқори оқимига қараб кетдик.

Днепрга пантон кўприк ҳам қурилган экан. Орқа томондан катта танкчи колонна етиб келди. Биринчи навбатда улар ўтишди, биз кутиб турдик.

Танкларнинг башясига оқ бўёқда катта харфлар билан: «Ўзбекистон пахтакорларидан» деб ёзилган сўзларга кўзим тушди. Қардошлар дивизиясининг бутун жангчилари ҳам ёзувни қиравқсилиб ўқиб кўришди ва гоёт севишниди.

Танкчилар колоннаси Полтава шаҳрида Ўзбекистон пахтакорларининг мудофаа фондига тўплаган пулларга қурилган танк колоннасини қабул қилиб олган экан. Энди

Фронтга, Ингулец дарёси соҳилига йўл олибди. Салобатли танклар бирин-кетин Днепр дарёсидаги пантон куирикдан ўтиб, ғарб томонга жўнади. Шу пайт, бир танк йўлнинг ўнг томонига ўтиб тўхтади-да, ундан танкчи чиқиб биз томонга қараб келди.

Унинг эғида комбенезон, бошидаги танкчи шлёмп бетигача ўралган. У қулоч ёзиб «Аъзам» деб менга ташланди. Мен ҳам унинг Костя Горбунов эканини дарров билдим. Икковимиз маҳкам қучоқлашиб-ўпишиб кўришдик.

Билсак, Ўзбекистон танк колоннаси генерал-лейтенант Родмистров қўмондонлик қилаётган 5-гвардиячи танкчи армия сафида қатнашмоқда экан.

Костя Аккерманда хизмат қилган ўша бизнинг 3-моторлашган танкчи корпус энди 6-гвардиячи армия сафида эканини, яна ўша ўзимизга таппиш Умань, Бердичев томонга, 1941 йили жанг олиб борилган жойларга кетаётганларини айтди.

У вақтда душман Т-3 маркали ўртача танклар билан ҳужум қилган эди. Энди эса тигир, пантера ва фердинанд каби оғир танк ва ўзиюрар замбараклар билан қуролланган. Бизларнинг танклар ҳам уларникидан асти қолишмайди, ИС-23, СУ-152, Т-34 танкларимиз ва ўзиюрар оғир замбаракларимиз душман танкларидан шубҳасиз устун. Энди ҳарбий техника жиҳатидан душмандан ўзиб кетдик десак бўлади. Ўз ини — Берлингача қувиб борамиз фашист газандаларни!

Тез ёрдам

Иккинчи Украина фронти армиялари қаҳрамонона жанглар билан Днепр дарёсидан ҳужум бошлаб, Украинанинг sanoat маркааларидаги душман гарнизонларини тор-мор келтириб, олға босиб бормоқда. Шаҳарлар яқинида шиддатли жанглар бир-бирига улашиб турибди.

Биз сапёрларнинг вазифамиз оғир! Узоқ йулни тез босиб бориб, дўстларимизга ёрдам беришимиз керак!

Полк командири бўлишма командирларига бундай буйруқ берди:

— Тўғридан-тўғри маршдан жангга кирамиз. Ҳаммаши жангвар ҳолда сақланг! Йўлда душман самолётидан яшириниб боришни унутманг!

Кечаси Днепрдан ўтиб, фронтга, жанг майдонига яқинлашдик.

Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнати пулига қурилган танкчи колонна билан қардошлар дивизияси биргаликда Кировоград ва Кривой-Рог шаҳарлари рўпарасида, душманинг танкчи моторлашган колоннаси олдидан чиқиб, дарё бўйида жангга кирдилар.

Қуни бўйи душманининг танкчи ва шибда аскарлари билан тарафма-тароф жанглар борди. Икки томондан ҳам бир неча юз самолёт ҳавода «қанот қоқиб» турди.

1041-ўқчи полк командири майор Бондаренко поли жангчиларини атакага кўтариб, ўзи ҳам сафимизда олға бормоқда. Озарбайжон ва ўзбек ўғлонлари қардош Украинани озод қилиш учун қаҳрамонона жанг қилмоқдалар.

Душманнинг асосий кучи тор-мор қиллиб, фронт линияси Ингулец дарёси бўйига бориб тақалди.

Подполковник Искандаров жапгчиларга мурожаат қилди:

— Фронтимизнинг ҳамма участкасида қўшинларимиз душманнинг қарши ҳужумини қайтариб, маҳкам мудофаага ўтиб олдилар. Энди бизнинг вазифамиз Ингулец дарёси бўйида маҳкам мудофаа позициясида туриб, янги катта ҳужум олиб боришга тайёрланишдан иборат,— деди.

Шинелли қизлар

Ингулец дарёси соҳилида ҳар галгидек бўлди. Гитлерчилар қанчалик уриша-да, шармандаларча чекинишга мажбур бўлди. Жапг майдонида душманларнинг сонсапоқсиз солдат ва офицерлари ер тишлади, юзлаб ҳарбий машиналари пачақланди. Биз ҳам анча-мунча талафот бердик. Огир, енгил ярадорлар кам эмасди. Ярадорлар ичида бошқа миллат йигитлари қатори ўзбек ва озарбайжон ўғлоплари ҳам бор эдилар. Улар даволавиш учун ҳарбий госпиталларга жўнатилды. Қардошлар дивизияспнинг сафи сийраклашиб қолди. Бу воқеа 1943 йил октябрнинг охириги кунларида юз берди.

Дивизия фронт участкасида мудофаа жанглар олиб борарди. Душман ҳужуми синдирилган бўлса-да, лекин дивизиямиз мудофааси участкасида разведка жанглари авжлантиришга ҳаракат қиларди, янги-янги кучларни жангга киритарди. Бора-бора ҳужум бошлаш хавфини тугдирди. Дивизиямиз қўмондонлиги ва спёсий бўлими Кировоград области аҳолисига мурожаат қилиб, кўнгиллиларни ёрдамга чақирди. Бу нохуш аҳволни биз жангчилар яққол сезиб, ортиқ ташвишланардик. Бироқ душманинги енгилшга ишончимиз комил эди.

Яқиндагина душман қўлидан озод қилинган территориядан жуда кўп кўнгиллилар армия сафига келдилар. Булар орасида беш юздан ортиқ хотин-қиз бор эди.

1041-ўқчи полкка янги кучлар қаторида 200 дан ортиқ қизлар ҳам келди. Уларнинг ҳаммаси ҳарбий гимнастёрка, беш юлдузлик телпак кийиб, сочларини телпак тагига бостириб белларини ҳарбий тасма билан маҳкам боғлаб олдилар. Солдатча шим қизларга торлик қилди. Улар ихчам юбка ва этик кийдилар. Ана, бинойидек солдат бўлдилар-қўйдилар.

Полк комиссари қизлар билан суҳбат ўтказди,

Ўрта бўйли, 18 ёшлар чамасидаги бир қиз:

— Мен пулемётчи бўлишни хоҳлайман, кўпроқ душманни қириб ташлашни орзу қилганман,— дея арз қилиб қолди комиссарга.

Ундан кейин яна бошқа бир қиз: «мен разведкани бўламан» деди.

Биринчи қизнинг номи Шура, иккинчиси Катя экан.

Шундай қилиб, қизлар бўлинмаларда хизмат қила бошладилар. Полк командири қизларни ҳарбий ишга ўргатиш учун ҳар ўн қизга битта тажрибали кичик командир ва битта жангчини бирқитди.

Уларни ҳарбий ишга ўргатиш жанговар позициянинг ўзида олиб борилди. Юзтача қиз стапокли пулемётда хизмат қилишни хоҳлади, улар пулемётларга наводкани қилиб тайинландилар.

Станокли пулемётни яхши билишимни эътиборга олиб, майор Бондаренко пулемёт ротасидаги қизлар билан машқ ўтказишни менга топширди.

Полкнинг бир неча чақиримга тўзилган мудофаа участкасида кечалари эмаклар юриб, пулемётдан пулемётга ўтиб, позициянинг биринчи линиясида қизларга жанговар таълим бера бошладик.

Патронни лентага қандай жойлаш ва лентани пулемётга ўтказиш, ипшонга олиб олиш, пулемётда учрайдиган пуқсоқларни тезда бартараф қилиш каби зарур машқни амалда кўрсатардик. Қизлар жуда қизиқиб машқ қилардилар, кўрсатилган ҳамма вазифани аъло бажаришга тиришардилар.

Жангчи қизлар мудофаада ҳушёр турардилар. Бир куни тим қоронғи кечада пулемётчи Шура қандайдир қоронғи кўриб қолган, шарпа эмаклар юрган. Шура ўз пулемётидан унга ўқ узган. Ёнбошдаги пулемётчилар ҳавога ракета отишган, бир группа душман солдатлари эмаклар келаётгани яққол кўринган. Уларнинг биттаси ҳам тирик қолмаган. Бошқа қизлар ҳам дугоналарига ёрдам қилиш учун икки томондан ўт очганлар.

Пулемётлар товушини эшитиб, мен ҳам яқин келиб тикилиб қарасам, бир группа душман разведкачиси биз томонга келаётган экан. Улар қизлар турган участка олдида чиқиб қолибди. Шура ва унинг дугоналари ҳушёрлик қилиб, душман айғоқчиларининг шум оёқларини қирқибдилар. «Баракалла, берган таълимим зое кетмапти» деб ўзимча хурсанд бўлдим.

1943 йилнинг декабри. Армиямиз ўз сафини тўлдириб, катта қишки ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда эди. Қардошлар дивизияси ҳам Верблюдовка қишлоғининг шимолидаги олдинги маррада ҳужумга тайёрланиб турарди.

Бир кун соат 6.00 да дивизия ва полклар артиллерияси тўплари даҳшатли гумбурлаб қолди. Тонг отарга бориб, қалин туман ичида ўқчи полк атакага кўтарилди. Билсак, бутун дивизия ҳужумга ўтган экан. Қиёмат жанг бошланиб кетди. Биз шунда озарбайжон, ўзбек ва украин йигитлари шерлардек душман устига ташланганликларига шохид бўлдик. Чекпимасликка қаттиқ аҳд қилган фашист қисмлари ўларча қаршилик кўрсатдилар. Қоронғи, қалин туманда теңалик устида мисли кўрилмаган юзма-юз жанг борарди. Биз душманга тиним бермасдик, қадам-бақадам ичкари суриб борардик. Йигитларимиз душман ҳамласини сипдираб ва олға-ҳамон олға интилардилар. Кечганина шинел кийган қизларимиз она-Ватан тупроғини, халқ бахтини ҳимоя қилишнинг олижаноб намуналарини кўрсатдилар. Улар жанг сурони ичида қоя ва жопни аямадилар. Ўғлонларимиз каби қаҳрамонларча жанг қилдилар.

Кечқурун полк командири сапёрлар взводига қишлоқ аҳолиси билан алоқа боғлаб, жанг майдонида қурбон бўлган сафдошларимизни дафн этишни тошширди.

Верблюдовка қишлоғининг тарб-шимолидаги Петровка қишлоғининг мактаб биноси олдида чуқур қазилиб қурбон бўлган жангчи дўстларимизнинг жасадини келтириб дафн қилдик. Бу қабристон қардошлар қабристонига айланди, чунки унга Ватан озодлиги учун қурбон бўлган ўзбек, украин, озарбайжон, рус йигит ва қиз жангчилари дафн этилдилар.

Танкчилар билим юртида

Тўртпичи ялварга ўтар кечаси душман мудофаа позициясида дарвоза очганимиз ҳақида полк командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони майор Бондаренкога қувонч билан рапорт бердим.

Командир қўлимни маҳкам қисди.

Полк комиссари подполковник Искандаров мени билим юртига юборишни маъқул кўриб, командирнинг фикрини сўради. Майор Бондаренко комиссар таклифини қувватлади ва мендан:

— Ҳарбий билим юртига боришни хоҳлайсанми? — деб сўради.

— Албатта хоҳлайман, ўртоқ командир, — дедим.

Командир штаб бошлиғи капитан Баграмянга менинг ҳужжатларимни тайёрлаб, кузатиб қўйишни топширди. Мен ҳужжатларни олиб, Верблюдовка қишлоғида жойлашган дивизия штабига жўнадим.

Мен билан бирга ўзбек йигити Эркин Раҳимов ҳам бор эди. У билан мен қардошлар дивизиясида қуролдош бўлгандим. Штабга етиб келдик. Бунда ҳамма ўқишга борувчилар йиғилган экап. Уларнинг бири танкчи формада, иккинчиси артиллериячи, учинчиси — армиямизнинг бошқа қўшни турларида хизмат қилган жангчилар ва кичик командирлар эди.

Биз тушган ҳарбий эшелон шарққа томон йўл олди.

Вагонда Эркин халтасидан китоб олиб ўқий бошлади. Бундай қарасам, ўзбекча китоб.

— Ўзбек тилида ёзилган китобни қаердан топдинг?

— Ўзим олиб келган эдим. Бу бобомнинг ёзган китоби, — деди Эркинжон кулиб.

— Бобонг ним?

— Бобомни билсангиз керак! Совет даврида биринчи роман ёзган Абдулла Қодирий, — деди у.

Китобни оlib, бeпхтиёр ўлдим..

Эшелон Тошкент вокзалига келиб тўхтади.

Эркин келаетгани ҳақида уйга — қариндошларига телсграмма юбормаган экан. У билим юртига кириб, курсантлик формаси билан уйга боришни ният қилиб қўйганини менга айтди.

Афсус, бизнинг эшелон бир печа вагонни Тошкентда қолдирди-ю, унча узоқ тўхтамай вокзалдан жўнаб кетди. Қуролдошим Эркин шма қилишини билмай ҳайрон эди, бу қапдай гап? Беш йилдан бери кўришмаган ота-онаси билан учрашолмай қаёққа кетяпти?

— Мен йўлда тушиб қолай, орқаларингдан етиб бораман,— деди у менга.

— Ҳарбий эшелон қаёққа боришини билмаймиз-ку, олдин билим юртига етиб борайлик, сўнг жавоб сўраб келасан,— деб маслаҳат бердим.

Поезд Урсатьевский станциясига етганда перронда тавиш бир майорга кўзим тушди. У киши билан Ростов шаҳрининг шимоли-ғарбида учрашган эдик. Майор артиллерия батареясининг командири эди. Унга яқинлашиб, ҳеч бердим. Майор мени дарров таниди.

— Э, қора йигит (Собир ака мени шундай деб аташини биларди), қалай, соғинсан? Мен Ростов олдида ярадор бўлиб қайтган эдим, ҳозир Андижон область ҳарбий комиссариатида ишлаётман,— деди майор, кейин:

— Хўш, отпускаи билан келдингми?— деб сўради.

— Йўқ, ўқишга келдим.

— Ундай бўлса яхши, офицер бўлиб чиқасан.

Бу майор Карим Каримович эди.

Поезд Когои станциясига етганда, мен тушиб қолмоқчи бўлдим ва дўстларимга «орқаларингиздан албатта етиб бораман» дедим. Энди Эркин ҳиқиллаб кулди:

— Фронтда шуҳрат қозониб келиб, «қочоқ»қа чиқмоқчимисан? Билим юртига бориб жойлашайлик, кейин бир гап бўлар,— деб менинг сўзларимни такрорлади.

Чоржўй станциясида поезддан тушиб, перронда айлашиб юрсак, биров чақирди:

— Ўртоқ старший сержант!

Мен уни дарҳол танидим. У собиқ жапчим одессалик йигит Влиштейн.

Иккаламиз меҳр билан қучоқ очиб, ўпишиб кўришдик.

Влиштейн мендан: «Соғмисан? Хўш қаердан, йўл бўлсин?» деб сўради.

— Фронтдан билим юртига келяпман,— дедим.

— Учинчи Харьков билим юрти шу ерда жойлашган, агар шунга келган бўлсангилар жуда яхши бўлар эди. Бирга хизмат қилар эдик,— деди секингина Влиштейн, гўё ҳарбий сирни шипшитаётган кишидек.

Тўртинчи Украина фронтдан келганларнинг вагони четга олинди, биз яна жўнаб кетдик. Эшелон Мари станциясига келиб тўхтади.

Ҳарбий билим юрти курсантларининг поғонида «ПТУ» белгиси бор экан. Унинг маъноси — Полтава танкчилар билим юрти дегани экан. Биз шу мактабга келибмиз.

Эркин Раҳимов ҳамма имтиҳонлардан яхши ва аъло баҳолар билан ўтди.

Фамилиямини ўқиган генерал делони кўздан кечираркан, менга қараб: «Имтиҳон топшира олмабсиз-ку!» деди дабдурустан.

Шу вақт бир полковник генералга мурожаат қилиб, мени қўллаб юборди:

— Бу йигит фронтчи экан, ўзи партия аъзоси, фронтда кўп жангларда қатнашибди, қийинчиликларни енгиб ўтибди. Агар чин кўнгилдан ўқишни хоҳласа, қабул қилайлик,— деб қолди.

Полковник маслаҳати генералга маъқул тушди.

— Яхши, қабул қилдик. Энди яхши ўқи! Совет офицери бўлишга ҳаракат қил!— деди менга генерал.

Ўқиш бошланди. 5 йил армияда хизмат қилган бўлсамда, танкчи офицер бўлиш хаёлимда йўқ эди. Қизгин таълим кунлари ўтди.

Кунлардан бир кун Туркистон ҳарбий округидан комиссия келиб бизнинг заводга жанговар вазифа топширди. Мен замбарак командирни вазифасида тез юраётган танк ичидан учта шартли нишонни — танкни уч снаряд билан урдим ва пулемётим билан «душман» пулемёти нуқталарини ўққа тутдим. Танким позицияга қайтиб келганда нишонни кузатувчилар аъло баҳо олганимни телефон орқали айтишди. Танкимдан отилган снарядларнинг ҳаммаси мўлжалга бориб теккап, бирорта ўқим ҳам зое кетмапти.

Танкдан ўт очиш вазифасини аъло даражада бажарганим учун менга ўн беш кунлик отпуска беришди.

Жавобсиз қолган саволлар

Эрталаб полк штабининг бошлиғи полковник мени чақириб, генерал ҳузурига олиб кирди. Штаб бошлиғи бир маҳал мени генералга мақтаб, мактабга кйришимга кўмаклашган меҳрибон киши эди.

Билим юрти бошлиғи генерал Богданов урнидан туриб, бизли иссиқ кутиб олди. Менга қараб:— Астойдил ўқидинг, аълочи бўлдинг. Отпускага юборяпмиз! Интизомни бузмай, ўз вақтида қайтиб кел!— деб таъкидлади у.

Хужжатларни олиб, севина-севина Бухорога жўнадим. Автобуста тушиб Шофирконга бордим.

Бозор куни эди. Совға-салом олай деб бозорга кирдим. Бир аёл ёнимга келди-ю: «ҳой ўғлим» деб бирдан чақирди. Юрагимга яқин, таниш ва жуда ёқимтой овоз эди. Дока рўмол ўраган ўз онам менга тикилиб турарди. Қучоғига отилдим. Ўпмоқчи бўлиб кўзларимга тикилди:

— Аъзаммисан? Ё янглишдимми? Армияга уатганимда нозиккина бола эдинг! Девдек йигит бўлиб қолибсан, ўғлим!— деди.

— Онажон, танидингиз! Мен ўша Аъзамингизман!

Она бола иккаламиз ёнма-ён юриб, бозорда харажат қилдик. Бозорчилар завқланиб бизни кузатиб, ўзаро илчирлашар, баъзилари менинг елкамга қоқиб кўяр, баъзилари қўл чўзиб кўришардилар.

Бозордан чиқиб, ҳовли томон йўл олдик. Кўчанинг икки томони пахтазор. Ғўзалар қийғос гуллаб, колхозчилар ораларида ишлашяпти. Мени таниган колхозчилар пайкалдан чиқиб келиб қучоқлашиб кўришар, ҳол-аҳвол сўрашар, онамни табриклашарди.

Қишлоққа яқинлашганимизда иссиқ қумни босиб чошиб келаётган, бетлари қуёш нуридан қорайган қизчага кўзим тушди.

— Қара! Қундузинг, шу йўлдан келишимни билиб
чоғиб келяпти!— деди онам.

Қизчам чоғиб келиб момосинга осилди.

— Вой, болам, кўришмайсанми, даданг-ку, — деди онам
болани кучоғидан қўйиб юбориб.

У менга яқинлашганида қучоқлаб бағримга босдим.
У икки қўлчасини бўйнимдан ўтказиб: «отажоним сиз
бўласизми!» деб юз-кўзимдан чап-чап ўпди.

— Отажоним бўласиз, расмингизни кўрган эдим,
тавидим, — деди.

Дарвозамиз ёнига йнғилган қўни-қўшниларим менг
кутиб олишди. Кейин билсам, бозорчилар менинг келга-
нимни аллақачон қишлоққа етказган экашлар. Қундузини
ерга қўйиб, улар билан кўришдим, ҳаммамиз бирга ичка-
ря кирдик.

Армияга кузатаётганда уй эшиги олдида қандай тур-
ган бўлса, худди шу жойда яна менг кутиб турган Юл-
дузимни кўрдим.

Икковлон қайпоқ кўришдик, пешанасидан ўпдим, ҳам-
ма-ҳаммамиз бениҳоя хурсанд бўлдик.

Икки бола келиб менга қўл узатди. Каттароғи менга
қараб: «Амакижон, отамни кўрдингизми» деб сўраб қол-
ди. Суриштирсам, бу иккала бола ҳам Арслон аканинг
ўғиллари экан.

Яна икки бола келиб кўришди: бирг Шомурод ака-
нинг, иккинчиси Тўқсон аканинг ўғиллари, Ватан учун
шаҳид бўлган, фронтчи дўстларимнинг болалари экан.

Уларни бирма-бир бағримга босиб юпатдим, юз ва
пешаналаридан оталарча ўпдим. Қизилқумни тўсишни
бошқараётган инженер Бежонбек опа кириб келди, унинг
икки биқинида икки бола — ўғли Олимжон, қизи Нина.

Ўрнимдан туриб, ҳурмат билан кутиб олдим, исиқ
кўришиб, кўрпачадан ўтиришга жой кўрсатдим.

Бежонбек опа ўртоғи Пашкевични сўради. Пашкевич
Днепр соҳилида жангларда қатнашаётганини айтдим. Ле-
кин, минг афсуски, мен ўқишга кетгандан сўнг у ҳам
жангда ҳалок бўлган экан.

Ун беш кунлик отпускам катта қувонч билан ўтаётган
бўлса-да, фронтда ҳалок бўлган дўстларимнинг ота-онала-
ри, хотин, болалари, оға-ишилари келиб, жигарғўшалари-
нинг соғ-саломатлигини сўрашганда, уларнинг ҳақли
саволларига жавоб беришга ожиз эдим, тўғри: менга жуда-
жуда оғир эди. Саволлар кўпинча жавобсиз қоларди,

Ёқимли музика, таниш одам

1944 йилнинг июль ойида танкчилар билим юрти Мари шаҳридан Украинанинг Александрия шаҳрига кўчирилди.

Генерал Богданов буйруғига кўра, мен бир неча курсантлар билан бирга охириги эшелонда жўнайдиган бўлдим. Эшелонда танклар ва ўқиш қуроллари. Жазирама июль ойининг охириларида Мари станциясидан жўнаб кетдик.

Актюбинск станциясида комиссар Васильевни учратиб қолдим. Бу киши уч ой илгари қаттиқ ярадор бўлиб госпиталда даволангандан кейин армия сафидан озод қилинибди. У ўз оиласини топиб, энди Николаев шаҳрига қайтиб кетаётган экан.

Мен ундан лейтенант Селиверстовнинг тақдири ҳақида сўрадим. Эсимда бор, мен билим юртига жўнаганда у разведкадан қайтмаган эди. Кейинчалик старший лейтенант бўлибди.

Майор Васильев яна бир хушxabар айтди: Шура эрнини топибди. Эри полковник унвоида, дивизия командири экан. Бирга эмишлар.

Александрия шаҳрининг вокзали яқинидаги икки қаватли биноларга жойлашдик. Машғулотлар яна бошланиб кетди.

1945 йилнинг баҳорида бир батальон курсантлар билим юртини тамомлаб, офицер унвоинини олди, тилла погон тақиб танк олиш учун Уралга жўнадик, унда фронтга йўл олдик.

Вогонка шаҳарчасининг тахта йўлкасида саёҳат қилиб юрганимда қулоғимга ёқимли музика товуши эшитилди. Музика овози келган томонга қараб тез юриб кетдим. Маданият уйи олдидаги столбага ўрнатилган репродуктордан таниш оҳанг ва музика янграмоқда эди.

Россияда олти йилдан бери юриб, биринчи марта ўзбек

Музыкасини эшитиб завқланмоқда эдим. Бу музыка Тошкентдан берилмоқда шекилли деб ўйлаган эдим. Ундай эмас, Тошкент область театри Свердловский концерт залда томоша кўрсатаётган экан. Шу вақт бир группа ҳарбий асирлар кўча ўртасидан саф тортиб немисча ашула айтиб ўтдилар. Сафни бошқариб келаётган немис одамларини тўхтатиб, менга қараб келаётганида ажабо, йўлни билмас эканми, мендан сўрашга келяптими, деб турсам, у яқинлашиб, рус тилида, «Салом ўртоқ командир! Мен сизни танидим! Мени асирга олган сиз эдингиз» деб қолса бўладими.

Унга аёҳи солиб қарасам, Ингулец дарёси кўпригида асирга олинган коммунист Ганс экан. Ганс тўлқинланиб гапира кетди: «Германия коммунистларидан бир менгина эмас! Мана шу сафдагиларнинг ҳаммаси ҳам коммунист! Бизлар Совет Иттифоқининг шонли армияси ғалаба қозониши учун танк заводида ишлаб, ёрдам бермоқдамиз. Бўш вақтларимизда марксизм-ленинизмни ўқиб, ҳақиқий марксчилар бўлиб етишдик. Яқинда Германия фашизми тор-мор қилинади, бизлар ватанимизга бориб социализм қурамира!» — деди.

Ғалабадан ғалабага

Танклар ортилган ҳарбий эшелон Москвадан ўтиб ғарб томон бормоқда. Совет Армиямиз Одер дарёсидан Берлинга қараб кучли ҳужум бошлаб юборганлиги тўғрисида қувончли хабар эшитдик.

Эшелонга тиркалган қўш паровоз танк ортилган оғир вагонларни фронт томон тортиб бормоқда.

Биринчи Украина фронти Совет Иттифоқи маршали Конев бошчилигида жанглар билан душман фронтини Ғриб ўтиб, Берлинни жанубидан ўраб, унинг ғарб томони-га ўтмоқда — Совинформбюро шундай деб хабар қилди.

Биринчи Белоруссия фронти Берлиннинг шимолидан ўраб, ғарб томонга ўтмоқда. Эшелонимиз совет ғарбий чегарасидаги Бресть станциясидан ўтиб, озод қилинган қардош Польша ерига кирди. Яқинда штурм билан ишғол қилинган Одер дарёсининг кўпригидан танкларни марш билан олиб ўтиб, Франк-Фурт шаҳри томон иккинчи Украина фронти орқасидан бормоқдамиз.

Фронтга яқинлашиб келганимизда бизни иккинчи танкчи гвардиячи армиянинг вакили кутиб олди. Шу куннинг ўзида армиянинг олдинги дивизиялари Потсдам шаҳрини озод қилиб Берлиннинг ғарб томонидан Рейхстагга қараб ҳужум қилмоқда эканлар.

Вакилнинг айтишича, 18-танкчи корпус олға бормоқда. Унинг берган бу хабарини эшитиб ява қувондим, чунки 1941 йили ўша корпуснинг сафида биринчи марта танк жангларида қатнашган эдим. Бу корпусни бир маҳал мақтанчоқ Геббельс тор-мор қилинди, деб дунёга жар солган эди. Энди жангчи дўстларим Геббельс турган кабинетни штурм қилмоқдалар. Ҳозир у ўзини қандай сезмоқда экан? Мен ўша корпус сафида Берлинга ҳужум қилишни орау қилардим, вакил полковникка бу тўғрида гапириб: «Мен 18-танкчи корпус билан Улуғ Ватан урушининг биринчи

кунидан бошлабоқ жанларда қатнашган эдим, ижозат беринг, ўша корпус сафида Берлинни ишғол қилишда қатнашай» дедим. Полковник ҳайрихоҳлик билан менга: «Ниятинг жуда яхши, ниятинга етарсан, танкларнинг тақсироти иккинчи таққи армия қўмондонини генерал-лейтенант Богданов буйруғи билан бўлади» деди.

Совет қўшинлари янги қудратли қуролларни ишга солиб, кўп сонли авиация ҳамкорлигида гитлерчиларни энка-тенкасини чиқариб тор-мор келтирмоқда, тўплар, бомбалардан ер-кўк ларзада. Жанг кечаю-кундуз тишмайди, душманга тобора шиддат солмоқда.

Няҳоят, Берлин ишғол қилиниб, гитлер Германиясининг қароргоҳи Рейхстаг устига Қизил байроқ тикилди. Ҳамма ёқда ғолибларнинг «урра»си янгради.

Армиямиз биринчи ғалабага эришди, гитлер Германиясини тиз чўқди — оккупация қилинди.

Тинчлик барқарор! Берлиннинг шимол-шарқидagi Микленбург вилоятида жойлашиб, ҳарбий илми ўғранишни давом эттирмоқда эдик. Катта асфальт йўл ёқасида полигондан қайтиб келардим. Бир енгил автомашина олдимдан зингиллаб ўтиб, бирдан қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Машинадан ўрта бўйли, яхши кийинган бир одам тушиб мени кутиб турди. Унга яқинлашиб қарасам, менга таниш ўша Ганс. Қайноқ кўришдик. Ганс мени машинага таклиф қилди. Иккаламиз машинанинг орқа томонида ўтириб суҳбатлашиб кетдик. Ганс чамадончадан бир шиша вино олиб икки стаканга қуйди-да, бириши менга тутди.

— Ол, дўстим! Ғолибкор жангчи! Умумий ғалабамиз учун ичайлик! Дунёда тинчлик ўрицатайлик!

Уриштириб ичишдик. Мен Гансдан ишни ва турмушини сўрадим.

— Ишларим яхши! Ҳозир шу шаҳардаман. Коммунистларни излаб-топиб, шаҳар партия ташкилотини қайта тикламоқдамиз. Энди овоз қилинган Германия ерида социализм қуришга киришамиз ўртоқ! — деди.

Яна қувончли бир хабар эшитилди. Агрессив блокнинг шарқдаги таниячи Япония босқинчиларига қарши иттифоқчи давлатлар биргалашиб ҳужум бошлабди. Совинформбюро Совет Армияси ва Тинч океанининг ҳарбий денгиз флоти қўшинлари Япониянинг бир миллионлик Квантун армиясини тор-мор қилиб, Манчжурия ва Кореяни озод қилганлиги, Порт-Артурга яқинлашиб бораётганини кабар қилди.

Бу шопли ғалабани байрам қилиш учун Германияда турган иттифоқчи давлатлар армиялари ғалаба байрамга тайёргарлик кўрмоқда эдилар.

Мен ҳам парадга қатнашувчилар сафида янги ИС-3 танк билан ғалаба байрамга тайёрланмоқда эдим.

Узоқ вақт кутилган ғалаба!

1945 йил 2 сентябрда Япония империялизи армияси ҳам тор-мор қилинди, таслим бўлди. Дунёни эгаллаётган деган Рим, Берлин, Токио ўқи — агрессив блокни тор-мор қилиниб, улар томонидан ёвуз инят билан бошланган иккинчи жаҳон уруши тугади.

Бу шодийна кунни байрам қилиш учун Берлинда Рейхстаг харобалари ёнида, Бранденбург дарвозаси олдида Совет Армияси, АҚШ, Англия, Франция армиясининг ботир жангчилари ғалаба майдонида тўпланиб саф тортиб турибдилар. Қўмондонлар машиналарда тик туриб, армияларини ғалабалар билан табрикламоқдалар.

«Урра!» садоси Берлин устида жаранглайди.

Ҳаммада севишч. Уруш олови ўчирилиб, тинч ҳаёт шабадаси эсмоқда.

Тўрт давлат армиясининг қўмондонлари минбарга чиқдилар. Минбар олдида иттифоқчилар сафига янги қўшилган французлар армияси, унинг кетидан Улуғ Британия армияси, Америка Қўшма Штатларининг армияси, урушнинг кўп азобини тортиб, ғалаба қозонишда авангард бўлган Совет Армиясининг қўшинлари саф тортиб ўтмоқда эдилар.

Бизнинг йиғма оғир танкчи полк ҳам гвардия қизил байроқини баланд кўтариб минбар олдида салобат билан ўтмоқда. Қўшни қисмларнинг бир танки устида дўстим Костя Горбуновга кўзим тушди, узоқдан имлашиб саломлашдик.

Оғир танкларимиз ўтаётганда Рейхстаг олди яна бир бор ларзага келди.

Совет ҳарбий техникаси илғор техника экани исботланди. Душманнинг тигир танкларини мажақлаган танклар шулар эди. Қизил байроқни баланд кўтариб, ғалаба қозониб олган босаётганимизни бутун дунё халқлари табриклардилар.

Мундарижа

Аккерман кўргон	3
Душманнинг шум қадами	20
Мақтанчоқ асир	28
Пистирма	35
Жафокаш аёл	43
Нега хафасиз, комиссар?	47
Гоз гўшти, қизлар қўшиги	51
Қонга қон, жонга жон	55
Кўприкда жанг	58
Двепр нега тошди экан?	67
Тунги товушлар	71
Фалакнинг гардиши	81
Меҳмондўст одамлар	88
Қонли видо	93
Қарши зарба	104
Допбасс мудофаси	108
Тилч Доида лотинч кунлар	114
Собир Раҳимов билан учрашув	120
Бухоро палови	124
Тунги разведка	132
Полковник Собир Раҳимовнинг зарбаси	136
Миус соҳилида жанг	145
Қадрдон кишилар орасида	151
Душманининг янги хуружи	156
Чекинишга ўрин йўқ	166
Усть-Лоба дарёси кўпригида	169
Махсус топшириқ	175
Шаумян доволида	187
Жанг вақтида қурилган йўл	194
Янги қўмондон	200
Улим водийси	204
Душман орқасига рейд	207
Тогда тошқин	211
Кахетия вивоси	214
Олга	218
Краснодар устида яна қизил байроқ	222
Ҳам байрам, ҳам мотам	226
Чаёининг касби ниш уриш	229

Узбек генерали билан хайрлашув	234
Хужум машқида	238
Дўстларимдан ажралгим келмайди	240
Хамқишлоқлар	249
Шодлик салютлари	253
Шиддатли жанглар	256
Қабрингни топдим	261
Япа Диспрга	262
Ўзбекистон пахтакорларининг танк колоннаси	269
Тез ёрдам	271
Шинелли қизлар	273
Танкчилар билим юртида	276
Жавобсиз қолган саволлар	279
Ёқимли музика, таниш одам	281
Ғалабадан ғалабага	283

На узбекском языке

АГЗАМ АХТАМОВ

ИЗ БУХАРЫ В БЕРЛИН

ВОСПОМНАНИЯ ВОЕННЫХ ЛЕТ

Редактор М. ЖУРАЕВ

Рисом О. АХМАДЖОНОВ

Расмлар редактори Н. ХОЛИҚОВ

Техн. редактор М. МИРЗААХМЕДОВ

Корректор Ш. ЗУХРИДИНОВ

• Восмаҳонага берилди 23/XII—1970 й. Босишга руҳсат этилди 23/IV—1971 й. Формати 84×108²/₃₂. Босма л. 9,0. Шартли босма л. 15,12. Нашр л. 14,64. Тиражи 30000. Р. 12003. Ға-Фур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 144—68.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 3 қўроғига ба-силди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1971 йил. Заказ № 884. Баҳоси 57 т.